

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**АЛИШЕР НАВОЙЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА
АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ТИЛШУНОСЛИК НАЗАРИЯСИ ВА
МЕТОДИКАСИ”
модули бўйича
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тошкент - 2016

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2016 йил
25 августдаги 355-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида
тайёрланди.**

Тузувчи:

Бахтиёр Менглиев,
филология фанлари доктори,
профессор, ТошДЎТАУ

Тақризчилар:

М.Абдураҳмонова, филология
фанлари номзоди, доцент,
ЎзМУ

Башорат Бахриддинова,
филология фанлари номзоди,
доцент, ТошДЎТАУ

**Ўқув -услубий мажмуа ТошДЎТАУ Кенгашининг 2016 йил _____ даги __-сонли
қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

МУНДАРИЖА

I.	ИШЧИ ДАСТУР	3
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	10
III.	НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	14
IV.	АМАЛИЙ МАШФУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	127
V.	МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ	135
VI.	ГЛОССАРИЙ	136
VII.	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	141

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асари ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастуридан келиб чиқкан ҳолда тилшунослик назарияси мазмунини ёритиш, фан доирасида ўрганиладиган асосий масалаларни белгилаш, тилшунослик назарияси асослари ҳақидаги билимларни такомиллаштириш, асосий лингвистик ҳодисалар, жараёнлар, тил бирликлари, тил бирликларининг тизим сифатида мавжудлигини асослаш, лингвистик структурани назарий муаммолар асосида таҳлил қилиш, лингвистик белги назариясини тавсифлаш коммуникация тизимининг асосий воситаси бўлган тил моҳиятини ёритиша мухим аҳамият касб этади.

Глобаллашув жараёнида тилнинг функционал доираси ижтимоий-иқтисодий тараққиётга мутаносиб равища кенгайиб бормоқда. Тилнинг жамият ривожидаги аҳамияти янада долзарблик касб этмоқда. Бугунги кунда тил тафаккур ривожининг мухим омили эканлигини таъкидлаш жоиз.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётни белгиловчи маънавий омил ва миллат мавжудлигининг дастлабки шарти бўлган тилнинг табиати, тилни ташкил қилувчи бирликлар тизими, тил бирликлари ўртасидаги муносабат, тилшунослик назариясига оид масалалар, тилшунослик методологиясига оид қарашлар, лингвистик таълимотларнинг узвий тараққиёт тизимини англаш мутахассислар назарий қарашлари учун мухимдир.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади “Тилшунослик назарияси ва методологияси” курсининг мақсади тингловчиларни тилшуносликнинг назарий масалалари ва методологик асослари ҳақидаги замонавий билим, кўникма ва малакалар

Модулнинг вазифалари:

- тилнинг серқирралиги ва кўп вазифалилиги масаласини тавсифлаш;
 - тилни тадқиқ қилиш методологияси бўйича янги маълумотлар билан таништириш;
 - тилнинг келиб чиқиши масаласига фалсафий ёндашиш;
 - тил ва тафаккур муносабатини замонавий ёндашув асосида таҳлил қилиш;
 - тилнинг рамзий система сифатидаги ролини шарҳлаш;
- тилнинг ривожланиши, тил ва жамият муштараклиги масаласини тавсифлашдан иборат.

Модуль бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва лаёқатларига қўйиладиган талаблар

“Олий таълимнинг норматив хуқуқий асослари”, “Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг

билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талабалар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- тилнинг тизим сифатидаги моҳияти ва семиотик табиатини;
- тилшуносликнинг долзарб назарий масалаларини;
- тилшунослик тадқиқотлари методикасини;
- ўзбек тилшунослигига қўлланилаётган замонавий методлар ва уларнинг методологиясини **билиши** керак;

Тингловчи:

- лингвосемиотика хусусиятларини ажратиш;
- тилшуносликнинг долзарб назарий масалаларини аниқлай олиш;
- тилшуносликнинг назарий масалалари доир лингвистик методларни қўллаш **кўникмаларига** эга бўлиши керак.

Тингловчи:

- тилнинг тизим сифатидаги ва семиотик хусусиятларини талқин қила олиш;
- лисоний сатҳларнинг ҳамкорлик муносабатларини тавсифлаш;
- тилшуносликнинг назарий масалалари ечимиға доир тавсиялар бериш **малакаларини** эгаллаши зарур.

Тингловчи:

- тилнинг тизим сифатидаги хусусиятларини назарий жиҳатдан асослай олиш, унинг семиотик тизимлар сирасидаги ўрнини баҳолаш;
- тилшуносликнинг долзарб муаммоларига муносабат билдириш, мавжуд тавсиялардан тегишлисини танлай олиш ва асослай билиш;
- лингвистик масалалар талқинига доир методларни фарқлаш, янгича ёндашув усусларини татбиқ қилиш;
- тилшуносликнинг назарий масалалари юзасидан метод ва методология асосида илмий хуносалар чиқариш, янги таҳлил усусларини ишлаб чиқиш;
- синергетик методни тилшунослик методлари билан қиёслаш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Тилшунослик назарияси ва методикаси” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий услублари, ахборот-мулоот технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар

билин ишлаш, ва бошқа интерфаол таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Тилшунослик назарияси ва методикаси” модули ўқув режадаги биринчи блок ва мутаххасислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнини ташкил этишда технологик ёндашув асосларини ва бу борадаги илғор тажрибани ўрганадилар, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий лаёқатга эга бўладилар.

Модуль бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Ҳаммаси	Жами	Назарий	Амалий машнупот	Мустакил
1.	Тилнинг серқирралиги ва кўп вазифалилиги	4	4	2	2	-
2.	Тилшунослиқда методология масаласи	4	4	2	2	-
3.	Тилнинг келиб чиқиши фалсафий масала сифатида	6	4	2	2	2
4.	Тил ва тафаккур муносабати	6	6	4	2	-
5.	Тил рамзий система сифатида	4	4	2	2	
6.	Тилнинг ривожланиши. Тил ва жамият	4	4	2	2	-
Жами		28	26	14	2	2

НАЗАРИЙ МАШФУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Тилнинг серқирралиги ва кўп вазифалилиги

- Борлик ҳодисаларининг серқирра ва кўп вазифали эканлиги.
- Хусусият ва вазифанинг диалектик яхлитлиги.
- Серқирралик ва имконият тушунчалари муносабати.
- Тилнинг серқирралиги ва тилшунослик босқичлари ҳамда йўналишлари.

2-мавзу. Тилшуносликда методология муаммоси

- 1.Инсоний фаолият структураси.
- 2.Методология – лингвистик фаолият асоси.
- 3.Формал мантиқ методологияси.
- 4.Диалектик методология.
- 5.Синергетик методология.

3-мавзу. Тилнинг келиб чиқиши фалсафий масала сифатида

- 1.Тилнинг келиб чиқиши (глоттогенез) масаласининг баҳсли мавзу эканлиги.
- 2.Муаммо мифологик дунёқараш, диний ва илохий қарашлар замирида.
- 3.Муқаддас китоблар тилнинг пайдо бўлиши ҳақида.
- 4.Ўрта асрларда глоттогенез бўйича фикрлар.
- 5.Дарслик қа қўлланмаларда глоттогенез масаласининг ёритилиши.

4-мавзу. Тил ва тафаккур муносабати

- 1.Тил ва тафаккур муносабати.
- 2.Тил ва тафаккур диалектикасига миллий ёндашув асослари.
- 3.Алишер Навоий қарашларида тил ва тафаккур муносабати масаласи.
- 4.Концепт, тушунча, сўз. Ҳукм ва гап.

5-мавзу. Тил рамзий система сифатида

- 1.Рамз ва унинг табиати.
- 2.Рамзниң мухим жиҳатлари.
- 3.Тил – рамзий тизим сифатида.
- 4.Тилшунослик семиотика эканлиги. Лисоний рамз. Лисоний рамз хоссалари.

6-мавзу. Тилнинг ривожланиши, тил ва жамият

- 1.Ривожланиш тушунчаси ва тил тараққиёти.
- 2.Тил тараққиётининг ички қонуниятлари.
- 3.Объективлик ва такрорланувчанлик. Тил = лисон – меъёр – нутқ. Тежам. Плеоназм (эҳтиёт, таъкид).
- 4.Лисоний рамзда асимметрик дуализм қонуни. Тилда аташ ва ифодалаш зиддияти қонуни. Ўхшатиш (аналогия) қонуни.
- 5.Барқарорлик ва эркинлик (юкланданлик ва салтлик) қонуни. Жамият тушунчаси.
- 6.Тил ва жамият. Тил – ижтимоий ҳодиса сифатида. Тил ва маданиятнинг ўзаро уйғунликда ривожланиши. Тил ва тарихий мухит. Миллий мафкура ва миллий тил. Миллий тилшунослик ва тил таълими.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Тилнинг серқирралиги ва кўп вазифалилиги

- 1.Борлик ҳодисаларининг серқирра ва кўп вазифалилиги масаласи бўйича савол-жавоб.
- 2.Хусусият ва вазифанинг диалектик яхлитлиги бўйича машқ.
- 3.Серқирралик ва имконият тушунчалари муносабати масаласи юзасидан дебат.
- 4.Тилнинг серқирралиги ва тилшунослик босқичлари хамда йўналишларини тавсифлаш.

2-мавзу. Тилшуносликда методология муаммоси

- 1.Инсоний фаолият структураси масаласи бўйича савол-жавоб..
- 2.Методология – лингвистик фаолият асоси бўйича машқ.
- 3.Формал мантиқ методологияси масаласи юзасидан дебат.
- 4.Диалектик методология масаласи юзасидан дебат.
- 5.Синергетик методологияни тавсифлаш.

3-мавзу. Тилнинг келиб чиқиши фалсафий масала сифатида

- 1.Тилнинг келиб чиқиши (глоттогенез) масаласининг баҳсли мавзуу эканлиги бўйича савол-жавоб.
- 2.Муаммо мифологик дунёқараш, диний ва илохий қарашлар бўйича баҳс.
- 3.Муқаддас китобларда тилнинг пайдо бўлиши масаласи бўйича дебат.
- 4.Ўрта асрларда глоттогенез бўйича фикрлар муҳокамаси.
- 5.Дарслик қа қўлланмаларда глоттогенез масаласининг ёритилишини тавсифлаш.

4-мавзу. Тил ва тафаккур муносабати

- 1.Тил ва тафаккур муносабати масаласи бўйича машқ.
- 2.Тил ва тафаккур диалектикасига миллий ёндашув асослари мукаммоси бўйича машқ.
- 3.Алишер Навоий қарашларида тил ва тафаккур муносабати масаласи бўйича дебат.
- 4.Концепт, тушунча, сўз. Хукм ва гап тушунчаларининг ёритишини тавсифлаш.

5-мавзу. Тил рамзий система сифатида

- 1.Рамз ва унинг табиати бўйича машқ.
- 2.Рамзнинг мухим жиҳатлари масаласи юзасидан савол-жавоб.
- 3.Тилнинг рамзий тизим эканлиги юзасидан дебат.

4. Тилшунослик семиотика эканлиги. Лисоний рамз. Лисоний рамз хоссаларини тавсифлаш.

6-мавзу. Тилнинг ривожланиши, тил ва жамият

1. Ривожланиш тушунчаси ва тил тараққиётини баҳолаш.

2. Тил тараққиётининг ички қонуниятларини тавсифлаш.

3. Объективлик ва такрорланувчанлик. Тежам. Плеоназм (эҳтиёт, таъкид) масалалари юзасидан машқ.

4. Лисоний рамзда асимметрик дуализм қонуни. Тилда аташ ва ифодалаш зиддияти қонуни. Ўхшатиш (аналогия) қонунини шарҳлаб тушунтириш.

5. Барқарорлик ва эркинлик (юкланданлик ва салтлик) қонуни. Жамият тушунчаси масалаларини тавсифлаш.

6. Тил ва жамият. Тил – ижтимоий ҳодиса сифатида. Тил ва маданиятнинг ўзаро уйғунликда ривожланиши. Тил ва тарихий муҳит. Миллий мағкура ва миллий тил. Миллий тишлинунослик ва тил таълими муносабати ҳақида фикрларни муҳокама қилиш.

Амалий машғулотлар ўтказиш давомида тингловчиларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш. Интерфаол методлардан фойдаланиш. Аудиториядан ташқарида талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш (кейс-стади, лойиҳа услублари ва б.).

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулнинг хусусиятларини ҳисобга олган холда қуйидаги шакллардан фойдаланиб, тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модуль мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар воситасида маъruzalар қисмини ўзлаштириш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модуль бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- амалий машғулотларда берилган топшириқларни бажариш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzalар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сұхбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (ложиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАХОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Изоҳ
1	Кейс топшириқлари	2.5	1.2 балл
2	Мустақил иш топшириқлари		0.5 балл
3	Амалий топшириқлар		0.8 балл

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



Намуна: Тилнинг рамзий система сифатида ўрганилишининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Тилнинг рамзий система сифатида ўрганилишининг кучли томонлари	
W	Тилнинг рамзий система сифатида ўрганилишининг кучсиз томонлари	
O	Тилнинг рамзий система сифатида ўрганилишининг имкониятлари	
T	Тўсиқлар	

Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурухлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳдил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни та౱катали.



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳдил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласи;



навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу якунланади.

Намуна:

Тилшунослик методологияси

Формал мантиқ методологияси		Диалектик методология		Синергетик методология	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

Хулоса:

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	якка тартибдаги аудио-визуал иш; кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ахборотни умумлаштириш; ахборот таҳлили; муаммоларни аниглаш
2-босқич: Кейсни аниглаштириш ва ўкув топшириғни белгилаш	индивидуал ва грухда ишлаш; муаммоларни долзарблик иерархиясини аниглаш; асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўкув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш ўйларини ишлаб чиқиш	индивидуал ва грухда ишлаш; муқобил ечим йўйларини ишлаб чиқиш; ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	якка ва грухда ишлаш; муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс. Лингвистларга амалий тилшунослик йўналишини ривожлантириш вазифаси қўйилди. Бир тилшунос бу борада формал мантиқ методологиясидан фойдаланишни режалаштириди. Лекин натижа у кутгандек бўлмади.

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чыгарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гурӯҳда).
- Бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хуносалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хуносалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган яқуний хуносаси ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Методология – лингвистик фаолият асоси.”

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчилярнинг билим

даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўнималарини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўнималар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўкув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга кўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катақдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



Тест

Тилнинг ономосиологик вазифаси нималардан иборат?

- А) Инсоннинг тил орқали оламни билиши, борлиқ узвларини номлаши
- Б) Тилнинг шу тил эгаларининг олам ҳақдаги билимлари тўплами
- С) Инсон бевосита ўзи кўрмаган воқеа-ҳодисаларни тушунтириши
- Д) Борлиқни зидланиш тамоиллари асосида ўрганиши



Қиёсий таҳлил

Формал мантиқ методологияси ва диалектик методология қиёсий таҳлили



Тушунча таҳлили

- Синергетик методологияни изоҳланг...



Амалий кўникма

- Тилнинг серқирралиги нималарда намоён бўлишини кетма-кет ёзиб чиқинг?

Вени Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурух аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргаллашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу. Тилнинг серқирралиги ва кўп вазифалилиги

Режа:

- 1.Борлиқ ҳодисаларининг серқирра ва кўп вазифали эканлиги.
- 2.Хусусият ва вазифанинг диалектик яхлитлиги.
- 3.Серқирралик ва имконият тушунчалари муносабати.
- 4.Тилнинг серқирралиги ва тилшунослик босқичлари ҳамда йўналишлари.

Таянч тушунчалар:

борлиқ ҳодисаси, серқирралик, кўпвазифалилиги, хусусият, вазифа, диалектик яхлитлик, имконият, диалектика, объективлик, тилшунослик босқичлари, йўналишлари.

Борлиқ ҳодисаларининг серқирра ва кўп вазифали эканлиги. Ҳар бир давр ўз фани олдига муайяи мақсад ва аниқ талаблар қўяди. Фанларнинг тараққиёти шу даврнинг илгор фалсафий фикри, давр учун етакчи бўлган фан соҳаларининг ютуқлари билан узвий боғлиқ. Турли фанларнинг манбалари серқирра бўлганлиги сабабли даврнинг етакчи фалсафий фикри аниқ фанлардан ўрганиш манбайнинг қайси томонларига алоҳнда эътибор бериш лозимлигини, борлиқдаги мавжуд қонуниятларни мантиқий категорияларда қай усулда акс эттириш йўлларини белгилаб беради. Фалсафанинг методологик аҳамияти ҳам, унинг бошқа фанларга бевосита таъсири ҳам ана шундан иборат.

Хусусият ва вазифанинг диалектик яхлитлиги. Нарсанинг секирралиги тадқиқининг диалектик мазмунли тамойиллари мавжуд. Улар қўйидагилар:

№	Тамойил мазмуни	Қайси соҳага алоқадор
1	Нарсанинг ҳаққоний (объектив, мустақил) алоҳида эканлиги	Тадқиқ манбаи (ТМ)
2	Нарсанинг муносабатлар мажмуи эканлиги	ТМ
3	Нарса ўзгариш ва тараққиётда	ТМ
4	Нарсада ички зиддиятлар	Тадқиқ усули (ТУ)
5	Нарса зиддиятлар (қарама-қаршиликлар) бутунлиги	ТУ

	сифатида	
6	Қарама-қарши томонларнинг воқеланиши	ТМ, ТУ
7	Анализ (тахлил) ва синтез (умумлаштириш) бирлиги	ТУ
8	Нарсанинг ўзга нарсалар билан муносабатлари чексизлиги	ТУ
9	Нарсаларнинг ўз аксига ўтиши	Тадқиқ жараёни (ТЖ)
10	Нарса муносабатларининг (алоқадорликларининг) чексизлиги	ТМ, ТЖ
11	Нарса моҳиятига чуқурлашишнинг чексизлиги	ТЖ
12	Нарса алоқадорликларини чексиз миқдорда очиб бориш	ТМ, ТУ, ТЖ
13	Тараққиёт босқичида ўтган босқичлар такори	ТЖ, ТМ
14	Инкорнинг инкори натижасида эскига қайтгандай бўлиш	ТМ, ТЖ
15	Мазмунни сақлаб, шаклни янгилаш	ТМ, ТЖ
16	Миқдорий ўзгаришларнинг сифат ўзгаришларига ўтиши	ТЖ, ТМ

Мазкур тамойилларга диққат қилинса, улар асосида тадқиқ манбаи (нарса)ни ўрганиш жараёнида:

- а) диалектиканинг уч асосий қонуни (қарама-қаршиликлар бирлиги, инкорни инкор, миқдор ўзгаришларнинг сифат ўзгаришларига ўтиши) ҳам;
- б) диалектик мантиқнинг оддий (формал) мантиқ «учинчиси мустасно» қонунига қарама-қарши турган «оралиқ учинчи» қонуни ҳам;¹
- д) шакл-мазмун, умумийлик-яккалик (хусусийлк, алоҳидалик), моҳият-ҳодиса, имконият-воқелик, сабаб-оқибат, зарурат-тасодиф, сифат-миқдор, ҳаракат-турғунлик каби категориялари ҳам ўзиниг амалий татбиқини топишига амин бўлиш мумкин.²

Тадқиқ манбаида мана шу тамойилларда ўз аксини топган томонларни - шу тамойилларга хос ҳодисаларни кўриш, очиш ва тавсифлаш нарсанинг *илемий диалектик талқини* моҳиятини ташкил этади. Тилшунос, хазина ёки қазилма бойликлар қидирувчиси каби, ўз тадқиқ манбаида мана шу тамойиллар воқеланишини излаши, очиши, кашф этиши ва тавсифлаши, шу билан илму фан хазинасини янги дуру гавҳар билан бойитишга интилиши зарур³.

Шубҳасиз, бу тамойилларнинг ҳар бири тилнинг ҳар бир ҳодисасида ўзига хос равишда воқеланади. Кўйида шу хусусида сўз юритилади.

¹ Қар.: Закон исключенного третьего и его антипод // Диалектика и логика. Законы мышления. Под. Ред. Б.М.Кедрова. -М., 1962. -С. 72-88. Нигматов Х.Г. Включенное третье в морфологической системе тюркских языков // Сов.турк. -№ 3, 1976. -С. 44-50.

² Аникроқ айтганда, объектив борлиқ ва унинг нарса-ҳодисалари учун онтологик (материалистик нуқтайи назардан - табиатан, зотан, идеалистик ва рухоний нуқтai назардан - аклий, рухий, илохий) хусусиятлар бу тамойилларда ўз аксини топган.

³ Andrew Radford. Linguistics. An introduction Secon Edition. Cambridge University Press. P.8

Тадқиқ манбай (предмети)нинг объективлиги (1-тамойил)⁴ тилшуносдан ўрганилаётган лисоний ҳодисани ранг-баранг шароитларда, хилма-хил бирикувларда аниқлашни, уларга ўзидан ҳеч бир нарсани қўшмасликни ва ҳеч бир нарсани инкор этмасликни, нарса қандай мавжуд бўлса, шундай кўриш ва қабул қилишни талаб этади.

Тил бирлиги хилма-хил шароитда ранг-баранг хусусиятларга эга бўлиши мумкин. Мана шу ҳар хил белгилар нарсанинг ўзида, моҳиятида, зотида бирлашади, мужассамлашади. Ҳар бир тил бирлиги мажмуи сифот (белги-хусусиятлар йифиндиси) сифатида қаралиши (2-, 4-, 5-, 6-, 10-тамойиллар) шу билан боғлиқдир.

Масалан, [и] унлиси *|kip|* сўзида юмшоқ, *|қип|* сўзида қаттиқ бўлса, унинг табиати қаттиқлик-юмшоқликка бефарқдир; уни, тилшунослар тавсифлашганидек «олд қатор унлиси» деб баҳолаш мумкин эмас - бундай баҳо нообъектив, ёлғон, уйдирмадир. Худди шундай эгалик қўшимчалари 1) *китоби*, 2) *укаси*, 3) *йўқлиги*, 4) *гапириши*, 5) *кечалари*, 6) *афтидан*, 7) *қайси* каби бирикишларда хилма-хил шакл, маъно, вазифа, моҳиятга эга. Буларнинг барчаси эгалик қўшимчасида мужассамланган ва конкрет шароитда воқеланади деб қаралиши лозим: воқеланишлар қанчалик бир-биридан узок ва ўзаро зиддиятли бўлмасин, шу яккаликнинг умумийлигидан, ҳодисанинг моҳиятидан, воқеликларнинг имкониятидан, оқибатнинг сабабидан (**ЯҲВО** - УМИС), тажаллининг зотидан, тасодифнинг заруратидан ва ҳ. ҳеч қачон холи бўлмайди⁵.

Диалектик нарса - мажмуи сифот тамойили билан унинг 4- (**нарсада ички зиддиятлар**), 5- (**нарса қарама-қаршиликлар бутунлиги, бирлиги**), 6- (**қарама-қарши томонларнинг воқеланиши, мавжудлиги**) тамойиллари узвий боғлиқдир. Булар эса, ўз навбатида, диалектик билишнинг **анализ ва синтез** (таҳлил ва умумлаштириш) (7-тамойил), **нарсанинг ўзга нарсалар билан чексиз муносабатларда бўлиши** (8-т), **нарса алоқадорликларининг чексизлиги** (10-т) билан узвий боғлангандир. Чунончи, эгалик қўшимчаси турли хил сўзлар билан бирикканда хилма-хил маъноларга эга бўлади. Бу қобилият (бирикиш ва хилма-хил вазифа бажариш) эгалик қўшимчасида мужассамланган, лекин ҳар хил шароитларда воқеланади. Бунда **шароит** маълум бир турдаги хусусиятни (номиналистик талқинлардан фарқли ўлароқ) яратмайди, балки нарса (УМИС, зот, тадқиқ манбай) мужассамланган имкониятнинг юзага чиқишига қулай вазият яратади, холос.

Эгалик қўшимчаларининг моҳиятини аниқлаш учун:

- а) уларнинг ранг-баранг қўлланилиш, воқеланиш ҳолатларини эмпирик усул билан объектив тадқиқ қилиш;
- б) қўлланилиш шароити, ҳар бир шароитда шакл, маъно, вазифаларини;

⁴Араб ракамлари диалектик билиш тамойилларининг көлтирилган жадвалдаги тартиб ракамига ишора қиласди.

⁵Andrew Radford. Linguistics. An introduction Secon Edition. Cambridge University Press. P.10

д) эгаликдан шаклан ва моҳиятан фарқланадиган, лекин қайсиdir жиҳатлари асосида уларга ўхшаш ёки мутлақо зид бўлган тил ҳодисалари билан ўхшашилик, фарқ, зидланишларини аниқлаб системалаштириш (батартиб жойлаштириш) ва тавсифлаш лозим.

Эгалик қўшимчаларининг бундай алоқадорликлари эса деярли чексиздир. Масалан,

- I. *Бу менинг китобим.*
- II. *Бу китоб менини.*
- III. *Бу китобнинг эгаси мен (Бу китобнинг эгаси менман).*
- IV. *Бу китобнинг эгасиман.*
- V. *Бу китоб менинг мулким.*
- VI. *Бу китоб мендан.*
- VII. *Бу китоб менга тегишили (қарашли).*

Бу 7 сирада маълум ўхшашилик мавжуд, барчasi “китоб”нинг “мен”га қарашлиигини ифодалайди. Бундай ҳолатлар деярли чексиз ва ҳар бир ҳодисани чуқурроқ ўрганиш унинг янги-янги қирраларини очади ҳамда яна ҳам ўрганиш зарур эканлигини - энди янги, аввал эса хаёлга ҳам келмаган томонларни - кўрсатади. Мана шунинг учун ҳам киши қанча кўп билса, билмаслигини уқади. Гёте Фауст тили билан: “Шунча ўргандим, лекин нодон эдим, нодонман, ҳамон”, -деб бежиз айтмаган.

Нарсанинг алоқадорликлари чексиздир (10-тамойил). Чунончи, эгалик қўшимчаси, масалан, келишик қўшимчалари билан узвий алоқада. Чунки *китобим*, *укаси* каби сўзшакллар қаратқичли аниқловчи билан боғланади: *унинг укаси* бир нарса бўлса, *укаси* (*У укаси ва ҳ.*) тамоман бошқа нарсадир. Нарса (эгалик) қанча кўп ва ранг-баранг муносабатларида тадқиқ ва тавсиф қилинса, унинг моҳиятига шунчалик чуқурлашиб борилади (11-т). Бундан хулоса қилиш мумкинки, нарса, унинг моҳияти ҳақида бизнинг хукм ва билимларимиз ҳамиша нисбийдир. Биз ҳеч қачон, масалан, эгалик шаклининг мутлақ моҳиятига ета олмаймиз. Мана шуни билиш бизни мутлақлаштиришдан сақлади, эҳтиёткорликка, бир нарса ҳақида турли хил фикр ва талқинлар мавжудлигига (кўп фикрлиликка) онгли муносабатда бўлишга, ҳар бир фикрхулоса маълум бир шароитдагина асосли эканлигига ўргатади. Тараққиётнинг асоси ҳам шундадир⁶. Ҳар бир тадқиқ манбаи ҳақида кўп фикрлилик бўлмаса, нарсанинг онгдаги инъикоси бўлмиш шу нарса ҳақидаги илмий тушунчада тараққиёт бўлмайди. Нарсанинг алоқадорликлари ва муносабатлари чексиздир. Кўп ҳолларда биз бу алоқадорликларни кўра олмаймиз, холос. Шуни назарда тутиб Альберт Эйнштейн: “Ўзаро мутлақо ўхшаш бўлмаган, бир-биридан жуда узоқ турган нарсалар орасидаги умумийлик, ўхшашилик ёки алоқадорликни очиш фикр учун нақадар қувончлидир”, - деб таъкидлаган эди. Масалан, эшик (дераза)нинг ошиқ-мошиғи билан *ширин қовун* сўз бирикмаси орасида қандай ўхшашилик (алоқадорлик) бўлиш мумкин? Ошиқ-мошиқнинг бир томони (oshiq томони) ингичкалашган, қозиксимон, бир ёриқقا (ўйикқа, чуқурга) киритишига мўлжалланган қисмга эга. Унинг мошиқ томонида эса шу қозик киритиладиган

⁶ Andrew Radford. Linguistics. An introduction Secon Edition. Cambridge University Press. P.12

ўйиқ (бўшлиқ) бор. Демак, ошиқда қандайдир ортиқчалик, чиқиб турган қисм, мошиқда шу қисмга мос бўшлиқ бор. Икки томон бирлашсагина (бўшлиқ ортиқчалик билан тўлдирилгач), парчин бутун бўлади, эшик билан кесакини (эшик, дераза ромини) бирлаштириб, уни очиб-ёпишга имкон беради. Икки қарама-қаршилиқдан бир бутунлик ҳосил бўлади - ошиқдаги зарурат мошиқдаги имконият билан (ёки аксинча) қондирилади ва (икки ёрти бир бутун дейилганидек) бир бутунлик ҳосил бўлади.

Сўз бирикмасида ҳам шундай ҳолат кузатилади.

Алоҳида олинган *ширин* сўзи маълум бир таъм-маза белгисини мавхум ҳолатда атаб келади. Уни татиб кўриш мумкин эмас, чунки белгнини татиб, ушлаб бўлмайди. *Қовун* сўзи эса маълум бир нарсани, полиз ўсимлигини атаб келади, лекин унинг белгиси кўрсатилмаган. Нарса (предмет) эса ҳеч қачон белгисиз бўлолмайди. Демак,

ширин - нарсасиз белги

қовун - белгисиз нарса.

Уларнинг бирикиши эса «*маълум бир белги ва шу белги мужассамланган нарса*» (ёки *нарса ва унда мавжуд бўлган белги*) моҳиятни касб этиб ва тугаллик, бутунлик ҳосил бўлади. Демак, *ошиқ мошиқقا* (ёки *мошиқ ошиқقا*) интилганидек, белги нарсага, нарса белгига интилади ва уларнинг бирикиши бир бутунликни – ошиқ-мошиқ ва сўз бирикмасини ҳосил қиласди.

Демак, бир-биридан жуда узоқ бўлган бу икки ҳодиса орасида ҳам умумийлик, алоқадорлик бор экан.⁷

Диалектиканинг шакл-мазмун симметрияси ва асимметрияси (15-тамойил) тилда воқеланувчи энг кенг тарқалган ҳодисалардандир. Буни ҳар бир тил бирлигига кўриш мумкин.⁸ Эгалик маъносини ифодалаб келаётган ва юқорида келтирилган сирага кўз югуртирилса ҳам, унда шаклларнинг хилмажиллиги ва мазмуннинг яқинлиги, айнанлиги (чунончи *-и* ва *-си*), мазмуннинг ранг-баранглиги ва шаклларнинг ўхшашлиги (айнанлиги) (чунончи, *укаси ва қайси*) кенг тарқалган ҳодиса эканлигининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши (16-тамойил) ҳам тилда ёрқин кўринадиган қонуниниятлардандир. Чунончи, *нинни~чақалоқ~гўдак ~бала~ўсмир~ўспирин~йигит~эркак~чол~қария~бобо.* Сўзлароро фарқлар фақат миқдорий, лекин *нинни~бобо, гўдак~чол* сўзлари ўзаро лисоний антонимик муносабатда. Ёки *қўли~китоби~укаси~отаси~уий~қўшиниси~келиши~озлиги* каби сўзлар қаторида эгалик маъноси бутун-бўлакдан аста-секин камайиб, *озлиги* сўзига келиб “йўқлик” маъносига ўтади⁹.

Инкорнинг инкори (14-т) ҳам тилда кенг тарқалган ҳодиса. Чунончи: *кўрмаган эмасман→икки инкор бир тасдиқ.* Ўзбек тилида моҳиятан ўзаро зид маъноли (морфологик антоним) бўлган чиқиш ва жўналиш келишиги шаклларининг *гапиришга қўрқди* - *гапиришдан қўрқди* ҳолатларида

⁷ Умуман, ўзаро бирикиб, бир бутунлик ҳосил қиласди ҳар қандай нарса ўзаро зид бўлган ҳолда бир-бирини тақозо, талаб ҳам этади. Бу бирикишнинг умумий, мутлақ қонуни бўлса керак.

⁸ С.Карцевский. Асимметрический дуализм лингвистического знака. Звегинцев В.А. История языкознания XIX-XX веков в очерках и извлечениях Ч II. -М., 1965 . Б. 85-90).

⁹ Andrew Radford. Linguistics. An introduction Secon Edition. Cambridge University Press. P.13

маънодошлиги (морфологик синонимлиги) ҳам шу қонун билан изоҳланиши мумкин.

Диалектиканинг санаб ўтилган 16 тамойили истаган тил бирлигига намоён бўлади. Фақат шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, илмий диалектик билиш тамойиллари ҳе ч қа чон алоҳидаликда, бири иккинчисидан (аникрофи, бошқа 15 тасидан) ажралган, узилган ҳолда воқеланмайди - истаган ҳукмда бу 16 тамойилнинг барчаси мавжуд. Тадқиқотчи уларни кўра олиши, оча билиши ва шарҳлай олиши керак, холос. Фикрни ойдинлаштириш учун сұхбат нутқидан парча олиб, ундаги бир ҳукмда (гапда) шу 16 тамойилнинг воқеланишини кўриб ўтамиз¹⁰.

Сұхбат нутқи парчаси:

-Бу қиз ким?

-Аммам.

Қуйида диалектик тамойилларнинг мана шу *Аммам* ҳукмида (бунда у нолисоний ҳодиса, шахс сифатида қаралади) воқеланишини очишга ва кўрсатишга ҳаракат қиласиз.

1-тамойил. *Аммам* таъкиди (яъни сўзловчи томонидан) нарсанинг ҳаққоний, мендан ташқаридаги бошқа бир мавжудлик, объектив борлиқ бирлиги (шахси) эканлигини тасдиқлайди.

2-тамойил. *Аммам* таъкидидаги *амма* инсон умумийлиги, аёллик жинси, шахслик, қон-қариндошлиқ тоифасига мансублик ва ҳ. белги-хусусиятларига мансуб шахс, яъни *мажмуийи сифот* эканлиги ўз аксини топган.

4-5-6-тамойиллар. Амма менга нисбатан амма, бошқа бировга нисбатан *она*, қиз, хола, жиян, хотин ва ҳ. к. бўла олиши –*м* эгалик қўшимчаси билан таъкидланган. Демак, *амма* менга нисбатан бир турдаги сифат-муносабат соҳиби бўлса, ўз *аммасига* нисбатан бошқа, *онасига* ва ҳ. нисбатан бошқа-бошқа сифат-муносабатлар ташувчисидир. Барча бир-бирига зид бўлган белги-хусусиятлар битта нарсада - *амма* шахсида мужассамланган.

3-тамойил. Меннинг туғилишидан олдин аммам амма эмас эди, амма бўлди, яъни ўзгарди. Ҳозир у, масалан, она эмас, лекин маълум муддатдан кейин она бўлади, яъни у доимий ўзгаришда.

7-тамойил. *Аммам* ҳукмида бир нарсани (қизни) инсон, аёл, шахс ва ҳ. умумийликлардан ажратиш (анализ), уни қон-қариндошлар гуруҳига бирлаштириш ва “мен” билан боғлаш (синтез) воқеланган.

8-тамойил. *Амма* шахс, аёл жинсига мансублик билан бирга касб-кори, яшаш жойи ва ҳ. томонлари билан бошқа чексиз шахс ва нарсалар билан муносабатдадир. Бундай ранг-баранг муносабатлар ташувчиси ҳам шу *аммам* деб аталган шахсдир. Унинг муносабатларининг жуда кўп қирралари (чунончи, хотинлик, оналиқ, бувилик, келинлик . . . , ўқитувчилик, раҳбарлик ва б.) очилиши ҳам олдинда. Ўтмишда ҳам у боғча, мактаб, оила ва б. ранг-баранг муносабатлар ташувчиси бўлган – амманинг барча муносабатларини мен ҳеч қачон тўлиқ оча олмайман.

¹⁰ Andrew Radford. Linguistics. An introduction Secon Edition. Cambridge University Press. P.15

9-тамойил. Аммам мен учун *амма* дир. Ўз *аммаси* (*холаси, төгаси, амакиси* в. х.) га нисбатан бунинг акси - *жияндир*.

10- тамойил. У юқорида шарҳланган 8-, 4-, 5-, 6-тамойиллар билан ўхшаш, чунки нарсадаги белги-хусусиятлар муносабатларда воқеланади.

11- тамойил. *Амма* ни ўрганган сари биз унинг моҳиятига (оддий танишдан мукаммал билишга) чуқурлашиб бораверамиз.

12- тамойил. Бу 10-тамойил ва унга алоқадорликнинг инсон онгида акс эттиши ва нарса ҳақида билимнинг ҳаққоний борлик билан айнанлиги (мослиги) дир.

13-, 14-, 15-, 16-тамойиллар. Нарсанинг тараққиёт ва ўзгариши билан боғлиқ бўлиб, ҳақиқатан ҳам *амма* ҳар сония-ю соатда ўсиб боряпти, лекин бу ўсиш миқдоран шундай камки, сезилмайди, лекин 10-15 йилдан кейин бу миқдорий ўзгаришлар сифат ўзгаришларга ўтади (16-тамойил), *амма қиз* ҳолатидан *келинчак-жувон-аёл-хотин-она--кампир-буви-момо* ҳолатларига ўтади (14-тамойил), бора-бора *боладек* (бода эмас) бўлиб қолади (13-тамойил), шакл ва мазмун қисман ёки бутунлай ўзгаради (15-тамойил).

Энди мазкур диалектик тамойилларнинг *амма* лексемасида (бунда бирлик тил ҳодисаси сифатида қаралади) воқеланишини очишга ва кўрсатишга ҳаракат қиласиз.

1-тамойил. *Амма* лексемаси ҳаққоний, яъни сўзловчидан ташқаридаги объектив табиатли лисоний бирлиқдир.

2-тамойил. Аммам сўзшаклининг асоси бўлган *амма* лексемаси инсон лексемасининг гипероними, “аёл”, “шахс”, “қон-қариндошлиқ” семаларига эга, яъни *мажмуий сифот* лисоний бирлиқдир.

4-5-6-тамойиллар. Бу лексема *мен* лексемасига нисбатан бошқа, шу билан бирга, *она*, *қиз*, *хола*, *жиян*, *хотин* ва ҳ.ларга нисбатан бошқа семантик қирраси билан муносабатда бўлади. Демак, *амма* лексемаси *мен* лексемасига нисбатан бир турдаги сифат ва муносабатга эга бўлса, бошқа лексемаларга нисбатан бошқа-бошқа сифат-муносабатлар ташувчисидир. Барча бир-бирига зид бўлган белги-хусусиятлар битта бирлик - *амма* лексемасида мужассамланган.

3-тамойил. Тил пайдо бўлганда *амма* ушбу номемага эга эмас эди, бугунги кунда у шундай қиёфага келди, ўзгарди, яъни у доимий ўзгаришда.

7-тамойил. *Амма* лексемасида бир лексемани инсон, аёл, шахс ва ҳ.лексемалар умумийликларидан ажратиш (анализ), уни “қон-қариндошлар” луғавий-маъновий гуруҳига бирлаштириш ва *аммам* сўзшаклида уни *мен* лексемаси билан боғлаш (синтез) юзага чиқсан.

8-тамойил. *Амма* лексемаси “шахс”, “аёл” семалари билан бирга, зотий моҳиятининг бошқа қирралари асосида бошқа чексиз лисоний бирликлар билан муносабатдадир. Бундай ранг-баранг муносабатлар ташувчиси ҳам шу *амма* лексемасидир. Унинг муносабатларининг яна жуда кўп қирралари (чунончи, “хотин”, “она”, “буви”, “келин” . . . , “ўқитувчи”, “раҳбар” каби нутқий маънолар) очилиши ҳали олдинда – *амма* лексемасининг барча муносабатларини ҳеч қачон тўлиқ очиб бўлмайди.

9-тамойил. *Амма* бирлиги мен олмоши билан олинганда автосемантик бирлик, фонемалар билан бирга олинганда номинатив бирлик, морфемалар билан олинганда лексема, ёрдамчи сўзлар қаторида мустақил лексемадир.

10- тамойил. У юқорида шарҳланган 8-, 4-, 5-, 6-тамойиллар билан ухшаш, чунки нарсадаги белги-хусусиятлар муносабатларда воқеланади.

11- тамойил. *Амма* лексемасини турли методологик асосларда турли томондан ва турли методларда ўрганган сари унинг моҳиятига (оддий танишдан мукаммал билишга) чуқурлашиб бораверамиз.

12- тамойил. Бу 10-тамойил ва унга алоқадорликнинг инсон онгидা акс эттиши ва нарса ҳақида билимнинг ҳаққоний борлик билан айнанлиги (мослиги) дир.

13-, 14-, 15-, 16-тамойиллар. Нарса тараққиёт ва ўзгариш билан боғлик бўлиб, ҳақиқатан ҳам *амма* лексемаси ҳар сония-ю соатда ривожланишда, лекин бу ўсиш миқдоран шундай камки, сезилмайди, лекин давр ўтиши билан бу миқдорий ўзгаришлар сифат ўзгаришларга ўтади, шакл ва мазмун қисман ёки бутунлай ўзгаради.

Серқирралик ва имконият тушунчалари муносабати. Бу шарҳдан кўриниб турибдики, биттагина *амма* бирлигига, хоҳ у объектив борлик бирлиги, хоҳ лисоний бирлик бўлсин, диалектик билишнинг (диалектик мантиқнинг) ҳар 16 тамойили воқеланади. Фақат диалектик таҳлил ва тадқиқда нарса (жумладан, *амма*) турли муносабатларда ва тараққиётда олиниши шарт. Шу билан диалектик мантиқ (диалектик тадқиқ) оддий мантиқдан фарқ қиласди. Чунки оддий мантиқ нарса ҳақида ўз хукмини маълум замон, маълум макон, маълум муносабатлар ҳолатида чиқаради, диалектик мантиқ эса уни бутунлигича, ранг-баранг муносабатларида, доимий тараққиётда ўрганади. Шунинг учун нарса ҳақида диалектик мантиқ қоидалари асосида чиқарилган ҳукм формал мантиқий зиддиятларга эга бўлмаслиги керак, яъни *аммам* менга айни замонда, ўз маъносида *она* бўлолмайди, у *она* бўлиши мумкин, фақат бошқа бирорвга нисбатан, холос.

Маълум бўладики, диалектик муносабатлар жуда оддий, ҳаммага тушунарли ҳодисаларда ҳам намоён бўлаверади. Фақат бу муносабатларни илғай олиш лозим, холос. Буюк файласуфлар (жумладан, И.Кант, Ф.Ҳегел ва уларнинг шогирдлари), ўз тадқиқотларини жуда содда, атиги бир гапдан иборат бўлган *Тўрткўз итдир*, *Сукрот -одам*, *Одам - фоний* ва ҳ. каби ҳукмлар (яъни таърифлар) мисолида амалга оширап ва шу оддий, тушунарли мисоллар асосида жуда чуқур, кенг қамровли илмий-фалсафий қонуниятларни очар ва шарҳлар эдилар. Бундай усул, айниқса, Шарқ фалсафасида IX асрдан кейин маърифий адабиётда (тасаввуф адабиётида) юксак санъат даражасига кўтарилиди. Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий, Шайх Саъдий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоийлар бу йўналишда шоҳ асарлар яратиб инсониятни хайратда қолдиришди¹¹.

Қуёшли кунда ҳам осмон зим-зиё тундагидек юлдузлар билан тўла бўлгани, лекин қуролланмаган кўз бу юлдузларни кўра олмаганидек, оддий

¹¹ Andrew Radford. Linguistics. An introduction Secon Edition. Cambridge University Press. P.17

ходисаларда ўта мураккаб қонуниятларни (жумладан, диалектикани) ҳар қандай “кўз” кўра олмайди, буни кўриш учун **к** ў **з** қуролланган, маърифатли - аниқ методология эга бўлиши шарт.

Ҳар бир тадқиқотчи ўз методологик асосларини аниқ белгилаб олиши, ишининг кириш қисмида уни мухтасар шарҳлаб бериши зарур. Методологик билим ва укув тадқиқотчи, олим учун сув ва ҳаводек зарур: у олимлик белгисидир.

Тилнинг серқирралиги ва тилшунослик босқичлари ҳамда йўналишлари. Фанлар тарихини ўрганиш шунин кўрсатдик, уларнинг тараққиёти икки зарурий диалектик босқичдан иборат бўлади:

биринчи босқич — ўрганилаётгай манба, унинг бўлимлари ва таркибий қисмлари, белги-хусусиятларини аниқлаш, уларни саралаш, изчиллаштириш ва тасвирлаш. Бу ҳали том маъиода илмий таҳлил эмас, лекин илмий ўрганишнинг зарурий таркибий қисмидир. Бу босқичдаги тадқиқотлар формал мантиқ ва эмпирик асосларда олиб борилади. Фактография (далилларни йиғиш ва изчиллаштириш) даври босиб ўтилгач, далил ва ҳодисаларнинг ўзаро ички муносабатларини ўрганишии, шу муносабатлар асосида ҳар бир далилнинг моҳиятини аниқлашни ўз олдига мақсад қилиб кўйган иккинчи босқич куртаклари шакллана бошлайди. Демак, биринчи босқич фаннинг кенг йўлга чиқиб олишини белгиловчи ижтимоий эҳтиёж вазифасини ўтайди.

XX аср бошларида Европа илмий-фалсафий таълимотига Ф.Гегель диалектик усулининг кенг, кириб бориши физикада тўнтариш ҳисобланган А.Эйнштейн нисбийлик назариясининг шакдланиши ва ривожи, турли фанлар соҳасида бўлгани каби, тилшуносликка ҳам катта таъсир кўрсатди. XX аср фанидан мустаҳкам ўрин олган диалектик усульнинг моҳияти шунда эдики, бу усул тадқиқотчиларии нарса ва ҳодисаларнинг бевосита ташки кузатилишида (кўриш, эшниш, ўлчаш кабиларда) акс этадигаи хусусиятларини тавсифлаш билан чегараланмасликка, балки бу хусусият ва хоссалар заминида ётган моҳиятний ақлан англашга ҳамда тушунтиришга ундали. Диалектика, метафизикадан фарқли ўлароқ, борлиқ ва онгнинг рангба- ранг хусусиятлари ҳар доим ўзаро алоқадорлик, боғлиқликда олиб ўрганилмоғи лозимлигини кўрсатади ҳамда турли фанларнинг тадқиқотчиларига нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини очиб беришга хизмат қила оладиган умумий гносеологик қонун ва категорияларни тавсия этди. Бу эса, ўз навбатида, турли фаиларда бўлгани каби, тилшуносликда ҳам инқилобий бурилишни вужудга келтирди¹².

Тилнинг турли қирраларини узвий тарзда бирлаштириб, уни яхлит бир бутунлик, бир система сифатида ўрганувчи тилшунослик асrimizning 20-йилларида шаклланди ва систем-структур тилшунослик номи билан машҳур бўлди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Фердинанд де Соссюр асос солган XX аср систем тилшунослиги бағрида ўнлаб янги лингвистик оқим ва мактаблар вужудга келди, уларда улкан замонавий ютуқлар қўлга киритилди. Лекин совет лингвистикаси маълум давргача систем тилшуносликни тўлиқ тан олмади, уни “буржуа фани” ва уйдирмачиликда айблади. Нихоят, 60- йилларда,

¹² G.Hegel. The science of Logic. Cambridge. P.26

кибернетика, генетика, мантиқ каби фанлар қатори, систем тилшунослик ҳам “оқланди”, тилшуносларимиз систем тилшуносликни тан олдилар ва унинг ривожланишига катта ҳисса қўшдилар¹³.

Асосий тадқиқот принциплари 30-йилларнинг охири 40- йилларнинг бошларида шаклана бошлагай ва асримизнинг 50—60-йилларида ниҳоясига етган ўзбек тилшунослик фани ҳозирги кунда сифат жнҳатдан ўзгариш арафасида турибди. Ўтган 50-60 йил давомида ўзбек тилшунослиги ўз олдига давр эҳтиёжи замииида қўйилган қатор назарий ва амалий вазифаларни (кулай алифбо яратиш, саводсизликни тугатиш, адабий тил меъёрини қатъийлаштириш ва уни кенг оммага сингдириш, мактаб ва олий ўқув юртлари учун дарсликлар яратиш, ўзбек тили далилларини атрофлича тўплаш, изчиллаштириш, уларга маълум шарҳлар бериш, Европа лингвистик таҳлил усусларини кенг оммалаштириш каби вазифаларни) ҳал этди. Ҳозирги даврда эса ўзбек тилшунослиги олдида тил ҳодисалари орасидаги қонуний ички боғланишларни очиб бериш, ўзбек тилининг хилма-хил сатҳлари ва уларнинг бирликларини бир бутун ҳолда, ўзаро боғлиқликда олиб, яхлит бир система сифатида текшириш каби долзараб вазифалар турибди. Бунинг учун Ф.де Соссюр асарида (1916) тавсия этилган, сўнгги даврда юзлаб тилшуносларнинг ишларида синалган, мукаммаллаштирилган систем тилшунослик усул ва йўлларини ўзбек тили далилларини ўрганишга ҳам татбиқ этиш лозимдир.

Ҳар бир давр ижтимоий талаблардан келиб чиқсан ҳолда фанларнинг тараққиёт тенденцияларини белгилайди ва унга мос методологик асосларни таъминлайди. Тил ҳодисаларига системавий ёндашув йўналиши ва унинг методологик асослари ҳақида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин.

Лисоний ҳодисаларни системавий ўрганиш тилшунослик фани билан тенгкур дейиш мумкин.

Тилшуносликда лисоний системаларни ўрганиш борасида турли даврда ҳар хил мақсад ва вазифалар долзарблиқ касб этган. Масалан, ўзбек формал (анъанавий) тилшунослиги олдига тил системаларини аниқлаш вазифаси қўйилган. Бу вазифа ўзбек адабий тили (нутқи) меъёрларини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш мақсадига бўйсундирилган ҳолда олиб борилган. Фонетик (фонемалар), морфемик (морфемалар), лексик (лексемалар) ва синтактик системалар (гап турлари, гап бўлаклари системаси) аниқланиб, анъанавий асослардаги дарслик ва қўлланмалар яратилган, имло, талаффуз, изоҳли ва бошқа луғатлар тузилиб, академик грамматика нашр этилган. Бу давр тилшунослиги учун формал мантиқ тамойиллари, хусусан, унинг учинчисини истисно қонуни асосий методологик таянч вазифасини ўтаган.

Ўзбек субстанциал тилшунослиги олдида лисоний системаларни ташкил этувчи систем муносабатларни очиш ва шу асосда лисоний бирлик табиатини тушунтириш вазифаси туради. Бу эса маҳсус абстракт билиш методологияси – диалектик мантиқ тадқиқ тамойиллари асосида амалга оширилди. Лисоний бирликлар табиати, уларни бирлаштирувчи системавий муносабатлар – лисоний зиддиятлар атрофлича тадқиқ қилинди. Бунда, кўпроқ диалектиканинг

¹³ Ferdinand de Saussure. Course in General Linguistics. McGraw Hill Book Company. P. 34

нисбатли категориялари билан бирга, инкорни инкор, қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонунларига таяниш устуворлик қилди. Мазкур қонунлар кўпроқ ижтимоий ҳаётда ҳукмронлик қилган антагонизм, синфийлик тамойилларига мувофиқ эди. Қонунларнинг учинчиси – миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиш қонуни эса ўзида борлиқ ҳодисаларидаги зиддиятларни эмас, балки қутбий “муроса”ни акс эттирганлиги учун муросасизликка асосланган ижтимоий ҳаётда ўз методологик мақомидан ҳар доим “махрум” бўлиб келди.

Бугунги кунда ўзбек тилшунослигига лисоний зиддиятларни тадқиқ қилишдан, қарама-қарши қутбларни зид қўйишдан кўра, уларни боғловчи, зиддиятлар сўнувчи нуқталарга эътибор қаратиш устуворлашди. Бу ижтимоий ҳаётда диалектик миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиш қонунига методологик асос сифатида таяниш зарурати кучайганлиги билан белгиланади. Зеро, масалан, мамлакатимизда ижтимоий қатламлар орасида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка эришиш, янги иқтисодий муносабатларга босқичма-босқич ўтиш миллий истиқлол мафкурасининг асосий тамойилларидан биридир.

Назорат саволлари:

1. Нарсанинг серқирралиги деганда нимани тушунасиз?
2. Серқирралик ва кўп вазифаликнинг моҳиятини тушунтириңг.
3. Серқирралик ва тадқиқ методологияси муносабати ҳақида гапириңг.
4. Нарсанинг серқирралиги ва диалектиканинг билиш тамойиллари муносабатини тавсифланг.

Адабиётлар рўйхати:

1. Закон исключенного третьего и его антипод // Диалектика и логика. Законы мышления. Под. Ред. Б.М.Кедрова. -М., 1962. -С. 72-88.
2. Нигматов Х.Г. Включенное третье в морфологической системе тюркских языков // Сов.тюрк. -№ 3, 1976. -С. 44-50.
3. Карцевский С. Асимметрический дуализм лингвистического знака. Звегинцев В.А. История языкознания XIX-XX веков в очерках и извлечениях Ч ИИ. -М., 1965 . Б. 85-90).
3. Andrew Radford. Linguistics. An introduction Secon Edition. Cambridge University Press. P.8-62.
4. G.Hegel. The science of Logic. Cambridge. P.20-30
5. Ferdinand de Saussure. Course in General Linguistics. McGraw Hill Book Company. P. 30-38

2-мавзу. Тилшунослика методология мұаммоси

Режа:

- 1.Инсоний фаолият структураси.
- 2.Методология – лингвистик фаолият асоси.
- 3.Формал мантиқ методологияси.
- 4.Диалектик методология.
- 5.Синергетик методология.

Таянч түшүнчалар: эмпирик методология, билиш босқичи, фахмий билим, идрокий билим, тадқиқ манбаiga ёндашии, номиналистик ва диалектик усул, тадқиқотчи нұқтаи назари, материалистик ва идеалистик дүнёқарааш

Методология юононча методос - "тадқиқот", "үрганиш" ва логос - "таълимот", "сүз" каби икки сўздан тузилган бўлиб, унинг луғавий маъноси "метод ҳақида таълимот". Шунинг учун, одатда, луғатларда **методология** түшүнчаси "илмий тадқиқ методлари ҳақида таълимот, маълум бир фанда қўлланиладиган методлар мажмуаси¹⁴" сифатида тушунилади. Лекин **методология, илмий тадқиқ методологияси** деганда, ҳозирги кунда, маълум бир фанда қўлланиладиган хилма-хил методлар, таҳлил усулари ҳақидаги таълимот эмас, балки **тадқиқотчининг тадқиқ манбайни қандай тушуниши ва унга қандай ёндашиши, тадқиқотдан қандай мақсадни кўзлаши, бошқача қилиб айтганда, тадқиқотчининг дунёқараши назарда тутилади**¹⁵.

Методология, жумладан, тилшунослик тадқиқотилари методологияси фалсафанинг таркибий қисми бўлиб, фаннинг гносеология (билиш назарияси) бўлими билан узвий алоқадор. Шунинг учун методология деганда тадқиқотчида камида уч омилнинг мужассамланиши ва унинг илмий тадқиқ маҳсулди намоён бўлиши тушунилади. Булар:

Биринчидан, тадқиқотчининг ўз тадқиқ манбай ҳақида қай турдаги билимларни ҳосил қилишга интилиши, билишнинг қайси тури билан шуғуланиши. Маълумки, фалсафада нарса/үрганиш обьекти ҳақида тадқиқотчи икки турдаги билимлар ҳосил қилиши мумкин:

- а) фахмий (ҳиссий, эмпирик) билимлар;
- б) идрокий (аклий, мантикий, назарий, теоретик) билимлар.

Ҳар бир турдаги билимни ҳосил қилиш йўл, восита ва усувлари ҳам, мақсадлари ҳам бошқа-бошқа.

Иккинчидан, тадқиқотчининг тадқиқ манбай/нарсага қандай усул билан ёндашиши. Фалсафада нарсага ёндашишнинг икки усули бор. Улар:

¹⁴Кар.: Словарь иностранных слов. -М.: Изд. СЭ. 1967. -С. 403; Философический словарь. -М.: Изд. ПЛ, 1968. -С. 215.

¹⁵Ferdinand de Saussure. Course in General Linguistics. McGraw Hill Book Company. P.42

- а) номиналистик ёндашиш;
- б) диалектик ёндашиш.

Номиналистик ёндашишнинг ҳам, диалектик ёндашишнинг ҳам (нарсани номиналистик ёки диалектик тушуниш ва талқин этишнинг) ўз тамойиллари бор. Тадқиқотчи илмий тадқиқ жараёнида шу тамойилларга таяниб тадқиқот олиб боради.

Учинчидан, тадқиқотчининг материалистик ёки идеалистик (руҳоний) нуқтаи назарда туриши ва шу нуқтаи назардан туриб илмий тадқиқни олиб бориши.

Тадқиқотчи дунёқараши, тадқиқотчининг методологияси деганда тадқиқот ва тадқиқотчида мана шу омиллардан қай бирларига таяниб иш кўриши назарда тутилади. Шунга кўра методология:

- 1) эмпирик-номиналистик–материалистик;
- 2) эмпирик - номиналистик –идеалистик;
- 3) эмпирик -диалектик-материалистик;
- 4) эмпирик -диалектик-идеалистик;
- 5) идрокий-номиналистик-идеалистик;
- 6) идрокий - номиналистик –материалистик;
- 7) идрокий -диалектик-идеалистик;
- 8) идрокий -диалектик-материалистик;

каби 8 умумий кўринишда бўлиши мумкин. Булар соф мантиқий-риёзий турлар. Ҳақиқатда эса, улар беҳад кўп.

Ҳар бир илмий тадқиқот ҳам ўзига хос методологик асосларда қурилади. Тадқиқотчилар ва уларнинг методологик асослари қанча ранг-баранг бўлмасин, у методологик асослар барибир, онгли/онгсиз равишида шу уч омилнинг у ёки бу турига, уларнинг у ёки бу даражада бирикувига бориб тақалади. Буни кўл ёки денгиздан турли томонларга чиқарилган каналлар ёки ҳовуздан турли одамларнинг турли томонларга сув олиб кетиши билан қиёсласа бўлади. Бу одамлар сувни бир манбадан олишади, шунинг учун идишлари, йўллари ҳар хил бўлишига қарамай, сувларнинг таркиби ва манбаси бир.

Демак, илмий тадқиқот бошламоқчи бўлган ҳар бир киши методологияянинг

- а) билим тури / билиш босқичи;
- б) тадқиқ манбаига ёндашиши;
- в) нуқтаи назари;

бинар (икки турли) кўринишларининг ҳар бирининг энг асосий тамойиллари (мезонлари, ўлчов бирликлари) билан танишиши зарур, зероки, тадқиқотчи мана шу тамойиллар билан нарсани (ўрганиш манбаи ва унинг хусусиятларини) ўлчайди, баҳолайди, тавсифлайди. Шунинг учун бу бўлимнинг навбатдаги маърузалари мана шу тамойиллар тавсифига бағишлиланади. Лекин бу ишга киришишдан олдин бир масала устида алоҳида тўхталишимиз лозим. У ҳам бўлса, тадқиқотчининг методологияга муносабати масаласи. Зоро, жуда кўп ҳолларда тадқиқотчи уқилган, изчиллик билан татбиқ этиладиган, онгли методологик асосга эга эмас ва кўр-кўрона иш тутади. Баъзи ҳолларда, ҳатто, методологияни рад этади. Уларнинг фикрича, методология, методологик

асослар тадқиқотчига ўз тадқиқ манбани у борлиқда қандай бўлса, шундай тавсифлашга, уни объектив баҳолашга халақит беради. Шунинг учун тадқиқотчида нарсада нималарни ва қандай кўриш ҳақида ҳеч қандай ғоя ва кўрсатмалар бўлмаслиги лозим. Агар шундай ғоя ва кўрсатмалар бўлса, тадқиқот ҳаққоний, объектив бўлмайди. Методологияга бундай салбий (тўла рад этувчи) муносабат олдинлар ҳам бор эди, ҳозир ҳам мавжуд. Бу ҳақда: 1. *Философия. Наука. Методология*. -М.:Наука. 1972. 2. И.В.Копнин. *Диалектика как логика и теория познания*. -М.:Наука. 1978. 3. Б.М.Кедров. *Единство диалектики, логики и теории познания*. -М.:1963. 4.Бозоров О. *Ўзбек тилида даражаланиш*. -Т.:Фан. 1997. 5.Иванов С.Н. *Родословное древно-турок Абул-Гази-Хана. Грамматический очерк*. -Т.:Фан. 1969. 6. *Диалектика-теория познания. Под общей редакцией Б.М.Кедрова. И книга. Проблемы научного метода*. –Наука. 1964. 7. *Диалектика и логика. Законы мышления*. -М.:Наука. 1962. 8.*Диалектика и логика. Формы мышления*. -М.:Наука. 1962 каби тадқиқотлардан мукаммал маълумот олишингиз мумкин. Фалсафа бўйича нашр этилган истаган дарсликда тадқиқотчининг методологияни тўлиқ рад этиши қаттиқ қораланади. Рад этишлар ислом мафкураси шароитида тасаввуф намояндлари қарашларида ҳам учрайди. Масалан, ҳазрат Навоий “Лисонут тайр” маснавийсининг бир ўрнида

“Куфру иймонроҳравга кеши эмас,
Асл йўлда банди роҳи беш эмас”

(Лисонут-тайр, 191-бет)

(Мазмуни: куфр ёки иймон бу йўлга кирган киши учун маслак эмас. Булар асл йўлдаги тўсиқдан бошқа нарса эмасдир), деса, яна бир ўринда

“Чун сулук ичра кўп эрди ихтилоф,
Кўпраги дурд эрди, лекин ози соф.

Ким равишда софи эрди машраби,
Бор эди ул тобеъи шаръи наби”

(Лисонут-тайр, 201-бет)

(Мазмуни: Сулук (йўл) чира ихтилоф кўп бўлиб, улардан кўпи қўйқали, софи эса оз. Бу соф табиат эгалари сирасига пайғамбар шариати қонун-қоидаларига тобе бўлганлар киради) деб, исломни бошқа динлардан устун қўяди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, файласуфлар методологияни тўла-тўқис рад этувчиларни умуман тадқиқотчи деб санамайдилар, чунки методологиясиз тадқиқотчи ва тадқиқот бўлолмайди. Шунинг учун улар ўз методологиясининг моҳиятини уқмаган тадқиқотчининг қаёққа бораётганлигини билмаган йўловчига ўхшатиб, уни жоҳил, онгсиз тақлидчи ва эргашувчи деб санайдилар. Лекин методологияни онгли равишда рад этувчи олимларни (жумладан, тилшуносларни ҳам) жоҳил ва нодон деб санаш инсофдан эмас. Зероки, методология, жуда кўп ҳолларда, нарсада унда бўлмаган хусусиятларни "қидириб топиш"га, уни нотўғри талқин ва тавсиф қилишга, зўрма-зўракилик билан унда йўқ хислатларни унга нисбат бериш ва

хаққонийликни бузишга олиб келиши мумкин¹⁶. Бу, асосан, методологик тамойилларга онгизларча ёндашиш, бу тамойилларни мутлақлаштириш (фетишизм), ўзаро боғланган томонларни бир-биридан узиш, маълум бир дунёқарааш ёки фикрни зўрлаб "асослаш" ва ўтказишга интилиш каби ҳолларда бўлади. Тарихда бунга жуда кўп мисоллар мавжуд. Чунончи, Европада ХИВ-ХВИИИ асрларда насроний (христиан) инквизицияси ҳукмронлиги даврида методологик асос тамойиллари вазифасини Таврот ва Инжилда (Библияда) баён қилинган фикр ва маълумотлар ташкил қиласиди.

Шунинг учун, масалан, Күёшнинг Ер атрофида айланишини "исботловчи" тадқиқотлар қўллаб-куватланар (чунки Тавротда шундай талқин этилади), акс фикрни исботловчи ишлар шаккоклик ва куфр деб саналар эди. Шунинг учун Жордано Бруно, Галилео Галилей каби юзлаб сиймолар жазоланганди, хўрланган, таъқиб этилган.

Шундай ҳолат Шарқда ҳам (жумладан, Ўзбекистонда ҳам) ХВ-ХИХ (ҳатто XX аср бошларигача) асрларда исломий теократик давлатларнинг мустабит ҳукмронлиги давлатларида содир бўлди. Қуръоний дунёқарааш (методология) нинг мустабидлашиши (мутлақлаштирилиши) ИХ-ХИВ ва, ҳатто, ХВИ асргача гуллаб яшнаган илмий-ишлаб чиқариш тараққиётини тамоман сўндириди, тараққиётни бўғди, ҳалқ, давлат, фан, маданиятни ХИВ-ХВ аср босқичида зўрлик билан тутиб келди.

Шунга ўхшаш ҳолат собиқ Шўрода 30-80 йилларда назария ва социалистик режалаштириш методологиясини мутлақлаштириш натижасида рўй берди. Иқтисодиёт қонунлари зўрлаб бузилди, бозор ва товар ишлаб чиқаришнинг хаққоний қонуниятлари ўрнини сунъий қонунлар эгаллади, миллий қадриятлар топталди. Натижада, иқтисодиёт, маданият ва маънавият издан чиқди. Мана, 20 йилдан кўпроқ вақт ўтдики, МДҲнинг 300 млн. дан ортиқ аҳолиси зўрлик билан ўтказилган методологик тамойиллар асоратларини тугатиш, бозор, товар ишлаб чиқариш қонуниятларини, маънавият ва қадриятларини тиклаш азобини тортиб келмоқда.

30-50-йилларда шўро тилшунослиги марксистик тилшунослик деб янги ном олган таълимот- Н.Е.Марр таълимоти методологик тамойиллари исканжасида қолди.

Тарихий, қиёсий ва системавий тилшуносликнинг барча йўналишлари намоёндалари қувғинга учради. Жаҳоннинг 1/6 қисмини эгаллаган улкан давлатда тилшуносликнинг фан сифатида йўқолишига, унинг ўрнини хаёлий уйдирмалар эгаллашига сал қолди¹⁷.

Фалсафий адабиётларда **фаҳм**, **фаҳмий** тушунчаси жуда кўп ҳолларда турли-туман атамалар билан берилади. Чунончи, **эмпирик**, **сенсуал**, **эмпириокритик**, **практик**, **экспериментал** каби байналминал, **чувственное**, **опытное**, **внешнее** каби русча, **ҳиссий**, **фаҳмий**, **зоҳирий**, **ташқи**, **тажрибавий** каби ўзбекча атамалар шулар жумласидан. Ўзбек ва рус

¹⁶ Ferdinand de Saussure. Course in General Linguistics. McGraw Hill Book Company. P. 44

¹⁷ Маррчиларнинг талқинларидан бир мисол: ўзбекча қишлоқ, ўтлоқ сўзларидаги -лоқ қўшимчаси тарихан юононча "жой, ўрин" маъноли лок сўзи билан айнан эмиш. Бу "назария" ҳакида каранг: Усмонов С. Умумий тилшунослик. -Т.:Ўқитувчи, 1972. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. -Т.:Шарқ, 2002.

тилларидаги илмий (хоҳ фалсафий, хоҳ лингвистик) адабиётларда байналминал атамалар ҳам кенг ва эркин қўлланилади. Бу атамаларнинг барчаси бир турдаги билиш ва унинг маҳсали – билимни ифодалайди. Атамаларнинг ҳар бири фаҳмий ўрганишнинг маълум бир қиррасига алоҳида эътибор беради. (Чунончи, биз айни бир шахсни «Карим аканинг ўғли» деб ҳам, «Рахимжоннинг акаси» деб ҳам атай олганимиздек. Шунинг учун бу атамалар лингвистик синоним, аникроғи, дублетлар деб қаралиши лозим.) Ўқув монографияда **фаҳм**, **фаҳмий** атамасидан кўпроқ фойдаланилади. Бунинг сабаби шундаки, мумтоз адиб ва орифларимиз (жумладан, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Фариуддин Аттор ва б.) тасаввуфда (исломий диалектик фалсафада) билиш ва билимнинг икки турини:

- а) *фаҳм ва фаҳмий;*
- б) *идрок ва идрокий каби*

маҳсус атамалар билан номлайдилар.

Чунончи, Алишер Навоий «Лисонут-тайр» нинг биринчи бўлимида ёзади:

*Айлагач доир тўқуз афлокни,
Қосир этди фаҳмидин идрокни.*

(Мазмуни: У тўққиз фалакни айланувчи қилиб яратди ва фаҳм сабабли уни идрок қилишини қусурли, камчиликли қилди, яъни ҳодисаларни идрокий билиш учун фаҳмий билиш тўсиқ бўлди).

Шунинг учун бу атамалардан кенгроқ фойдаланилади, ваҳоланки, амалда бўлган фалсафий адабиётларда (жумладан, Ж.Туленов, З.Фауров. Фалсафа. – Т.:Ўқитувчи. 1991. Б.263-270), ўқув қўлланмаларида **фаҳмий** атамаси маъносида рус тилидан калкалаштирилган ҳиссий атамаси қўлланилган. Мумтоз мутафаккирлар ишлатган атамани қўллаш қадриятларга ҳурмат ва эътибор рамзи.

Фаҳмий билиш ва фаҳмий билимларнинг умумий моҳияти ўзбек фанида фалсафа бўйича юқорида эслатилган ўқув қўлланмаларида, шунингдек, 1.Манилов А, Ҳасанов М. Описание и объяснение. -Т.: Узбекистан. 1969. 2. Методологические проблемы науки. -М.: Наука. 1982. 3.Ойзерман Т.И. Эмпирическое и теоретическое: различие, противоположность, единство // Вопросы философии. 1985, -№4. 49-61-б. ва тилшунослик бўйича фаҳмий билиш ва унинг натижалари моҳияти 1. Иванов С. Родословное древо тюрок. Грамматический очерк. -Т.:Фан. 1969. 2.Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. -Т. :Фан. 1995. 3.Неъматов Ҳ, Бозоров О. Тил ва нутқ. -Т. : Ўқитувчи. 1993. 4. Солнцев В. М. Язык как системно-структурное образование. -М.: ИВЛ, 1970. , 1972. 5. Жабборов Н, Неъматов Ҳ. Назарий билим методологияси // Ўқитувчилар газетаси, 1989, 1-сон, 2 январь. каби тадқиқотларда изоҳланган.

Тадқиқ манбаи бўйича фаҳмий билимлар инсоннинг сезги органлари воситасида ҳосил қилинади. Унли ва ундошларнинг артикуляцион ва физиологик хусусиятлари (қаерда ва қандай усуллар билан ҳосил бўлиши, товушларнинг чўзиқ-қисқалиги, кучсиз-кучлилиги, жарангли-жаранглизлиги, аник-ноаниклиги, товушларнинг бир-бирига таъсири асосида ўзгаришлари,

урғу, оҳангнинг хусусиятлари, гап ва матннинг фонетик бўлиниши ва х.), сўз ва қўшимчаларнинг конкрет (муайян, нутқий) маънолари, сўз бирикмалари ва гапларнинг конкрет маънолари, нутқнинг у ёки бу тури ва услубнинг муайян ўзига хосликлари, алоҳида ёзма ёдгорликларнинг танқидий-таҳлилий нашрлари, асосан, фаҳмий билиш усулида ҳосил қилинган билимлар маҳсали. Бундан ташқари:

-ёзма ёдгорликлар, лаҗжа ва шеваларда товушлар, қўшимчалар, сўзлар, сўз бирикмалари, гапларнинг қўлланилишидаги ўзига хосликларни қайд этиш ва тавсифлаш;

-нутқий ҳодисаларни, воқеланишларни тўплаш, саралаш, турли гурухларга ажратиш ва бирлаштириш, системалаштириш;

-турли-туман: изоҳли, кўп тилли луғатлар тузиш;

-адабий тил меъёрларини ўз ичига олган мукаммал грамматикалар яратиш;

-тил бирликларининг қўлланилиш меъёрларини белгиловчи тавсиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш каби жуда кўп турли лингвистик тадқиқ ва изланишлар ҳам фаҳмий билиш маҳсали.

Маълумки, инсоннинг сезги органлари жуда ожиз. Шунинг учун у ўз сезги органларини хилма-хил асбоб-ускуналар (микроскоп, телескоп, рентгенограф, отсиллограф, спектроскоп, синхроноскоп, синхрофизотроп, синхосиклотроп, усилитель, ЭҲМ в. х.) воситасида қучайтиради, фаҳмий билиш қудратини ошириб, уни тобора аниқлаштиради. Хилма-хил ҳисоблагичлар воситасида ҳодисаларнинг қўлланилиш частотасини муайянлаштиради, уларни қайд қиласди. Фаҳмий усул билан тилшунос тил бирликларининг ташқи (очик, зоҳирий) белги-хусусиятлари ҳақида билим ҳосил қиласди. Бундай билимлар ҳосил қилишда нутқда воқеланган, бевосита кузатишда берилган нутқий бирликлар (товуш, бўғин, қўшимча, сўз, сўз бирикмаси, гап, матн) алоҳида-алоҳида олиниб, ташқи - физик белгилари аниқланади ва тавсифланиб, системалаштирилади.

Фаҳмий билиш, асосан, нутқ бирликларини яккалик, ҳодиса, воқеа ва оқибат (қисқ. ЯҲВО) сифатида таҳлил ва тавсиф этгани сабабли бундай тадқиқ усули фанда *атомистик* таҳлил деб ҳам юритилади.

Фаҳмий билимлар истаган фанда, жумладан, тилшуносликда бекиёс аҳамиятга эга. Улар барча турдаги назарий ишлар учун замин, моддий асос. Шунинг учун XX аср систем-структур тилшунослик асосчиларидан бири (қар. Акта лингвистика. Валум и. Фасс. Ч. И. Копенгаген. 1932¹⁸) И.А.Бодуэн де Куртене тилшуносликни:

I. тавсифловчи (описательное);

II. мослаштирувчи (резонирующее);

III. ҳақиқий илмий (подлинно научное)

сифатида учга ажратиб, фаҳмий - тил бирликларини ҳақида зарурый моддий

¹⁸Даниялик тилшунос В. Брендаль (1887-1942) шундай ёзди: «эта новая лингвистическая концепция, которой мы обязаны не только Соссюру, но и другим ученым, среди которых почетное место занимает Бодуэн де Куртенэ, обнаруживает значительное и очевидное преимущество (курсив бизники - Х.Н., Б.М.)» (Звегинцев В.А. История языкоznания XIX-XX вв. в очерках и извлечениях. Часть II. -М., 1965. -С. 97.)

маълумотларни берувчи тавсифий тилшунослик ҳақида шундай ёзади:

“Том маънода эмпирик бўлган *тавсифий йўналиш* мутлақо зоҳирий далилларни тўплаш ва умумлаштириш билан банд бўлиб, улар орасидаги сабабий боғланишларни, генетик ва қариндошлик алоқаларини тушунтириб беришни мақсад қилиб қўймайди. Бу йўналиш тарафдорлари фаний заковат деганда тасвирий грамматикалар яратиш, луғатлар тартиб бериш, ёдгорликларни нашр этиш кабиларни тушунадилар. Лингвистик маълумотларни айнан, ҳеч қандай хулосаларсиз берадилар. Хулосаларни беришни ҳали барвақт ёки уни катта журъат талаб қилувчи иш деб биладилар.

Бу, бир томондан, улар ақлиниң ўта танқидий руҳлилиги ва ишонмовчилигидан, аникроғи, ҳақиқий фанни инкор қилиш ва вақти келгач, асоссиз бўлиб қолишидан чўчиб, хулоса ва гипотезалар беришда хато қилиб қўйишидан тийилишдан, бошқа томондан, ақлий ялқовлик, материал тўплаш мақсади ва фойдаси ҳақида ўз-ўзига вижданан ҳисоб беришдан қочиш, фанни қуи, эмпирик машғулотлар даражасида, қандайдир мақсадсиз ўйинчоқ сифатида тутиб туриш истаги устуворлигидан келиб чиқади. Бундай тадқиқотчилар далилларни тушунтириб беришни *ад аста, ад мелиора темпора* (бўлгуси қулай вақтлар) га қолдирадилар. Лекин унинг ибтидоий, соғ зоҳирий тушунтиришдан иборат бўлган пиравард мақсади (балки, умуман, фойдалидир,) бевосита ўзи учун, фан учун сариқ чақага ҳам арзимаслигини, фақат бошқа олимлар учун ҳалол виждан ила ишончли материаллар тўплаб бераётганлигини унутиб қўядилар. Бироқ фан сари илк қадам, тайёргарлик сифатида тасвирий операциялар жуда муҳим, бунинг устига, фан учун биринчи шарт аниқ ва ҳалол кузатиш бўлиб, у мукаммал ҳолда айрим кишиларгагина хос. Зеро, ҳамма қарайди, лекин ҳар ким ҳам кўравермайди. Яхши тасвирий грамматикалар ёзиш, ёдгорликлар нашр этиш ва луғатлар тузиш ҳар доим ҳам фаннинг биринчи эҳтиёжи бўлиб қолаверади, чунки уларсиз ҳатто улкан назариялар ҳам асоссиз деб баҳоланади.”¹⁹

Тилшуносликда фаҳмий билимлар мажмуаларига ҳеч ким И.А.Бодуэн дў Куртенедан аникроқ баҳо бермаган ва биз бу даҳонинг баҳосини тўла-тўқис қабул қилиш билан чекланамиз.

Фалсафий-методологик адабиётларда нарсани фаҳмий ўрганиш усуллари *эмпиризм, номинализм, сенсуализм, атомизм, феноменологизм* каби атамалар билан ҳам номланади. Айтиб ўтганимиздек, бу атамалар нарсанинг ва тадқиқ усулининг турли қирраларига ишора қилиб туради.

Маъруза якунида шуни таъкидлаймизки, барча фанларда бўлгани каби ўзбек тилшунослигига ҳам ҳозирги кунда фаҳмий билимлар берадиган тадқиқотлар салмоғи жуда юксак, лекин барибир ҳали ҳам етарли эмас ва давр янги-янги тавсифий ишлар учун заруриятлар туғдирмоқда. Бунинг сабаблари ҳақида навбатдаги маърузаларимизда баҳс боради.

Фалсафий-методологик адабиётларда нарсани фаҳмий ўрганишга зид турган билиш усули **рационал, теоретик, каузал, логик, синтетик, феноменологик** каби байналминал, умозрительное, умственное, обобщающее

¹⁹ Звегинцев В.А. Мазкур асар. 1-т. -М.: Учпедгиз, 1964. -С. 264-265.

каби русча ва **ақлий**, **идрокий**, **мантиқий**, **назарий**, **ички**, **ботиний** каби ўзбекча атамалар билан номланади. Русча ва ўзбекча адабиётларда байналминал атамаларнинг барчасини учратиш мумкин. Биз олдинги маъruzalаримизда шарҳланган сабабларга қўра, **идрокий** атамасидан фойдаланамиз. Эслатиб ўтилган фалсафа ўқув қўлланмаларида бу ўринда **мантиқий** ва **ақлий** атамалари ишлатилган.

Идрокий билим ва унинг маҳсулиниң умумий моҳияти олдинги маъruzalаримизда берилган илмий-фалсафий ва лингвистик-методологик тадқиқиотларда шарҳланган. Шунинг учун биз тилшунослик соҳасидаги идрокий билимларнинг хусусиятлари ҳақида баҳс юритамиз.

Тилшунослиқда идрокий билимлар ЯҲВОларни фаҳмий ўрганиш асосида аниқланган ва тавсифланган ҳодисалар ранг-баранглигининг сабаблари ва қонуниятларини очиб беради ва тушунтиради. Шунинг учун умумийлик, моҳият, имконият ва сабаб (УМИС) табиатига эга бўлган идрокий билимлар фаҳмий билимларга таянади ва улар билан асосланади²⁰.

Идрокий билимлар фаҳмий усулда тавсифланган ЯҲВОларнинг хусусиятларини ақлий(идрокий) усул билан умумлаштириш, ўзаро алоқадор ЯҲВОлар орасида бевосита кузатишида берилмаган (Яъни, сезги аъзолари билан аниқлаб бўлмайдиган) муносабатларни (ўхшашик ва фарқларни, айнанлик ва зиддиятларни), шакл ва маъно боғланишларини очиш, ЯҲВОларни УМИС табиатли системалар ичida кўриш усули билан ҳосил қилинади. Идрокий билимларни ҳосил қилишнинг ҳозиргача ягона воситаси методология ва ранг-баранг умумлаштириш, муносабатларни очиш ва тавсифлаш методлари билан қуролланмаган инсон мияси (онги) . Ҳеч қандай асбоб-ускуна, кучайтиргич, "фикролвчи машина" бу турдаги билим ҳосил қила олмайди - бундай воситалар инсон онги, мияси учун идрокий билим (қонуният, ҳукм, хуласа) ишлаб чиқишга фақат аниқроқ материал бериши мумкин, холос.

Идрокий билимлар фаҳмий усул билан аниқланган, тавсифланган ва системалаштирилган ҳодисалар ранг-баранглигининг сабабларини очиб беради, дейилди. Бу қуйида муайян лингвистик мисоллар асосида кўриб ўтилади.

1. Бутун дунё тилларида ассимиляция (ёнма-ён келган икки товушдан бирининг иккинчисини ўзига мослаштириши) ҳодисаси кенг тарқалган. Бунинг сабаби, товушларнинг артикуляция ўрни ва усули хусусиятлари. Чунончи, жарангсиз портловчидан кейин бир ҳаво оқими билан бир-биридан узмай жарангли портловчини талаффуз этиб бўлмайди: Масалан, *кет ва ди* ни *кетди* деб бўғинларни бир-биридан узмай талаффуз этиш мумкин эмас, шунинг учун у ё *кедди* (регрессив ассимиляция) ёки *кетти* (прогрессив ассимиляция) талаффузига эга бўла олади. Тил ўз ички хусусиятлари асосида у ёки бу кўринишни танлайди ва унинг ҳам сабаблари бўлади.

2. Яна бир мисол. Ўзбек тилида сўз охирида [ð] ва [b] ва [n] товушлари талаффузи фарқланмайди. Бунинг сабаби шундаки, бу икки жуфт товуш ўзаро приватив муносабатда туради²¹ ва бу оппозиция сўз охирида нейтраллашади. Шунинг учун фақат охирги [b], [ð] ва [n], [m] товушлари

²⁰ Andrew Radford. Linguistics. An introduction Secon Edition. Cambridge University Press. P.22

²¹ Қар.: Абдуазиз А. Ўзбек тилининг фонологияси ва морфонологияси. -Т.:Ўқитувчи, 1989.

билан фарқланувчи бирор жуфт соф туркий сўзни учратиш мумкин эмас.²² Лекин бу қонуният [з]-[с] учун (шу вақтгача сунъий ва нотўғри талқин этиб келинганига қарамай) хос эмас. Ўзбек тилида [з] сўз охирида жаранглилигини заифлаштиради, лекин йўқотмайди. Чунки [з] ва [с] фонемалари сўз охирида ҳам маъно фарқлаш вазифасини сақлаб қолади. Чунончи, қиз-қис; суз-сус («жим тур» маъносидаги туркий сўз); кез-кес; из-ис; тиз-тис; оз-ос; тоз (кал)-тос (дастлаб, тошни ўйиб ясалган чуқур идиш); қўз-қўс; ўз-ўс;

Шу сабабли ўзбек тилида сўз охирида [б] ва [н], [д] ва [т] орасида фарқ йўқолади, чунки бу фонемаларда сўз охирида маъно фарқлаш хос эмас. Лекин [з] ва [с] фонемалари орасидаги фарқ сўз охирида ҳам сақланади.

3. Ўзбек нутқида *гапиришига қўрқди* - *гапиришдан қўрқди*; *нонга тўймади* - *нондан тўймади* каби синонимик қурилмалар анчагина. Бу ерда одатда, бир-бирига зид бўлган (Қиёсланг: *мактабга келди* - *мактабдан келди*) – *га* ва *-дан* қўшимчалари бир хил маъно ва вазифаларда келган. Бунинг сабабини ўзбек тилида келишик шаклларининг парадигматик муносабатларигина тушунтира олади.

Ш.Шахобиддинова²³, З.Қодиров²⁴ кўрсатганларидек, ўзбек тили келишиклар парадигмасининг бир бўғини

[-да]

[-га]/[-дан]

[-ни]

|

|

курилишига - оппозициялар тизимига эга ва бунда **[га]-[дан]** бир бўғинни эгаллайди, яъни бир хил моҳиятга эга. Шунинг учун айрим ҳолатларда уларнинг ўзаро маъно ва вазифадошлиги тасодифий эмас, балки қонуний.

I. XX асрнинг 30- йилларидан бери ўзбек гапининг минимал (энг кичик) қурилиш қолипи «**эга+кесим**» сифатида талқин қилиниб келинар эди. Бундай қолип ҳақиқатан ҳам ғарбий Европа ва, қисман, славян тиллари учун хос. Туркий тилларда кесимнинг морфологик структураси ғарбий Европа ва рус тилларидагидан тубдан фарқ қиласди. М.Абузалова, С.Назарова, М.Қурбоновалар аниқлашганидек, кесим таркибида шахс/сон маъноларининг ҳамиша ифодаланганлиги²⁵ гап таркибида эганинг ифодаланишини ортиқча ёки қўшимча қиласди. Бу эса, рус (ёки немис) тилидан фарқли равишда, ўзбек гапида, хусусан, оғзаки нутқда эганинг эксплицит (моддий ифодаланган) эмаслиги сабабини очиб беради. Бу сабаб эганинг ўзида эмас, балки кесимнинг морфологик тузилиши хусусиятларида яширинган. Шунинг учун нарса ҳақидаги идрокий билим, фаҳмий билимлар каби нарсанинг ўзидан эмас, аксинча, **ўзга – шу нарса билан муносабатларда бўлган нарсалараро боғланишлар чизмаларидан** ҳосил қилинади²⁶. Шу боис идрокий билимлар

²² санад- санат, боб- бол каби жуфтликлардан биттаси (ёки уларнинг ҳар иккаласи) нотуркийдир.

²³ Қар.: Ш.Шахобиддинова. Умумийлик ва хусусийлик диалектикаси ҳамда унинг ўзбек тили морфологиясида акс этиши. ДДА. -Т., 2001.

²⁴ Қар.: Қодиров З. Ўзбек тили грамматик категорияларини систем тадқиқ этиш. (Келишик категорияси). НДА. - Самарқанд, 1993.

²⁵ Қурбонова М. Хозирги замон ўзбек тили. Содда гап синтаксиси учун материаллар. -Т.:Университет, 2002. Абузалова М. Хозирги ўзбек тили. Морфология. -Бухоро:НС, 2003.

²⁶ Andrew Radford. Linguistics. An introduction Secon Edition. Cambridge University Press. P.17

ҳосил қилиш жараёнида фаҳмий билимлар учун бекиёс катта аҳамиятга эга бўлган нарсанинг зоҳирий, ташки, шаклий белгилари орқага чекинади, нарсанинг алоқадорликлари билан муносабатлари системаси, шу билан боғлиқ равишда унинг мазмун ва вазифа (функция) жиҳатлари ҳал қилувчи омилга айланади.

Демак, фаҳмий ўрганишда нарсанинг шакл, моддийлик, зоҳирий фарқли белги-хусусиятлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлса, идрокий таҳлилда асосий эътибор мазмун, вазифа, муносабат томонларига кўчирилади. Нарсанинг зоҳирий белгилари сезги органлари учун аниқ бўлганлиги боис улар ҳар нарсанинг, очик, **бевосита кузатишда берилган хусусиятлари - томонлари** деб айтилади. Идрокий ўрганиш учун асос бўладиган томонлар - нарсанинг муносабатлар тизими, бутун ичидаги бўлакнинг ўрни, қатор оқибатларни берувчи сабаблар - ёпиқ, **бевосита кузатишда берилмагандир**, улар идрокий таҳлил асосида очилиши мумкин²⁷. Бу усул билан ҳосил қилинадиган билимларнинг ақлий, идрокий ёки ботиний деб аталишига ҳам сабаб шу омил. Фахмий (зоҳирий) ва идрокий (ботиний) билимлар нарсанинг (тадқиқ манбайининг) турли томонлари асосида ҳосил қилиниши сабабли кўп ҳолларда зоҳирий, бевосита кузатишда берилган белгилар нарсанинг моҳиятини очиб берувчи идрокий таҳлил учун тўсиқ бўлиши мумкин²⁸. Мутафаккир Шайх Азизиддин Насафий бу ҳақда шундай ёзади: “Мулк ва унинг сифатлари эҳсос (ҳис) этилувчиидир ва ҳислар уларни қабул қила олади. Бинобарин, соликлар хилватда ўтирганда нурни кўрдик, деганда, аслида нурни эмас, балки нурга ўхшаш саробни кўрадилар ва нур деб тасаввур этадилар. Бирон нарсани узоқ кутган одам ҳар бир нарсада ўзи ситетаганни кўрмоқчи бўлади, ҳаммадан ўшани эшитмоқчи бўлади ёки истаган нарсасини тушида кўриб, ўзини уйғоқ деб хаёл қиласди, зеро, солиҳ дарвешларнинг уйқуси жуда енгил. Уларга ҳаж қилиш ва авлиёлар қабри, муқаддас жойларни зиёрат этиш пайтида кўринган ёруғлик – сароб ва ёлғон. Икки кўз билан кўриш мумкин бўлган нур – олов ёки юлдузлар нури.”²⁹ «Лисонут-тайр»да Алишер Навоий:

қосир этди фаҳмидин идрокни

деб ёзганида худди шуни назарда тутган. Масалан, *-т* ва *-дир* истаган ўзбек учун зоҳиран хилма-хил нарса. Лекин орттирма нисбат шаклини ясовчи восита сифатида у бир морфеманинг варианти: *қиздирмоқ* – *қизитмоқ*. Лекин *[-т]* ва *[-дир]* каби шаклан хилма-хил нарсани бир моҳиятнинг икки кўриниши сифатида қабул қилиш «соғлом ақл» учун анча мураккаб. Шунинг учун идрокий билим ҳосил қилиш усуслари **рационализм, позитивизм, функционализм, структурализм, семантизм, системология** деб нарсанинг муносабатлари, бутун ичидаги тутган ўрни, вазифаси ёки билимнинг ҳосил қилиш воситаси асосида турлича номланади.

Тилшунослиқда фаҳмий ва идрокий билимларни изчил фарқлаш системавий тилшуносликнинг (структурализмнинг) энг асосий тамойили –

²⁷ Ferdinand de Saussure. Course in General Linguistics. McGraw Hill Book Company. P. 52

²⁸Бу кундалик ҳаётда алдан иш деб аталиди. Сароб, сурат, тасвир, ҳайкалларнинг ҳақиқий деб билиш, ўхшаш нарса-ходисаларни аралаштириш кабилар шунинг оқибатидир.

²⁹Насафий Шайх Азизиддин. Зубдат ул ҳақойиқ // Тафаккур, 1995, № 3-4. –Б.55.

лисон-нутқ дихотомиясида ўз аксини топади ва бу масала Сизга «Тилшунослик назарияси» «Ҳозирги ўзбек адабий тили» курсидан атрофлича маълум.³⁰ Бу дихотомияда *лисон (тил)* ва *лисоний атамаси* билан кўрсатилган ҳодиса (УМИС)лар бевосита кузатишда берилмаган, идрокий билиш асосида тавсифланадиган умумийликлар, муносабат ва қонуниятлар бўлса, *нутқ, нутқий атамалари, асосан, фаҳмий усул* билан ўрганиладиган, бевосита кузатишда берилган хусусийлик ва воқеликлар - ЯҲВОлар.

Фаҳмий билимлар алоҳида олинган нарсанинг ўзи, унинг шаклий-моддий хусусиятлари, яшаш ва воқеланиши ҳақида маълумот берса, идрокий билимлар шу нарсанинг ўзга алоқадорлари билан муносабатлари, унинг бутун таркибида тутган ўрни, у ёки бу кўриниш ва вазифада воқеланиш сабабларини очиб беради. Идрокий билимлар ҳамиша фаҳмий билимларга таянади ва фаҳмий билимлар билан исботланади. Фаҳмий билимлардан узилган идрокий талқинлар хаёлпарастлик, сунъийлик ва зўрма-зўракилик бўлиб, фан учун ҳам, жамият учун ҳам зиён. Бундай хаёлпарастликни Бодуэн дў Куртене "мослаштириш, мувофиқлаштириш ва хаёлий" (резонирующеее, априористическое) деб атайди ва уни шундай тавсифлайди:

«Бу ўта камтарин ва қатъий йўналишга *хаёлий*, априористик, бачкана йўналиш қарама-қарши туради. Бу йўналиш вакиллари ҳодисаларни тушунтиришга эҳтиёж сезадилар, аммо унга ҳақиқат тақозо қилгандек муносабатда бўлмайдилар. Улар умумий ҳоллар учун ҳам, хусусий ҳоллар учун ҳам машҳур ибтидолар, априор тамойилларни ўйлаб топадилар ва бу тамойилларга далилларни беҳад андишасизларча тикиштирадилар. Турлитуман уйдирма грамматик назарияларни тилга, лингвистик хulosаларни илмнинг бошқа соҳалари бўлган тарих, қадимшунослик, этнография ва б.ларга қўллашлар бунинг манбаи. Бу беҳисоб ўйлаб топилган ва индукцияга асосланмаган ҳар хил тушунтириш ва хulosаларнинг, баъзан уларда соғлом фикр мавжуд эмаслиги ҳақидаги шубҳали фикрларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бу иши учун жаноб этимологларнинг ўзини ҳам жиннихонага ташлагинг келадиган бекорчи этимологияларни ким билмайди дейсиз? Алкимёгарлар бошқалари ундан урчиган ибтидоий танани ёки сирли буюк яратувчи кучни топишга уринганликлари каби априористик йўналишнинг айrim вакиллари тилшуносликда ҳам бир ёки бир неча товушдошлиқдан инсоният тилининг бутун бойлигини келтириб чиқармоқчи бўлдилар. Бу замонда ҳеч ким алкимё билан шуғулланмайди, бироқ тилшунослик олами уйдирмачилик ҳукмронлигидан ҳали-вери қутулишига ҳам умид йўқ³¹.

Энди бу априористик йўналиш тилшуносликда гўёки айrim узук-юлуқ далилларни билиши биланоқ грамматик системалар қурадиган, лисоний ҳодисаларни мантиқий рамкаларга, мантиқий схемаларга соладиган фалсафий мактаб яратишибди. Тўғри, бундай системалар олимларнинг муваффақиятли

³⁰Нематов X., Бозоров О. Тил ва нутқ. –Т.:Ўқитувчи, 1993. Раҳматуллаев Ш. Тил қурилишининг асосий бирликлари. - Т.:Университет. 2002; Нематов X., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси. -Б. 7-36; Нурмонов А., Шахобиддинова Ш. в. б. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. –Т.:Янги аср авлоди, 2001. -Б.28. Общее языкознания. Отв. ред. Б.А.Серебренников. Формы существования, функции, история языка. -М.:Наука, 1970.

³¹ Ferdinand de Saussure. Course in General Linguistics. McGraw Hill Book Company. P. 63

ақлий изланишларини, уйғунлик ва расолик касб этган мантиқий саңыат яраты олишларини күрсатади; аммо уларнинг зўрма-зўраки, фактларни бузиб талқин қилишга асосланган тор назариялари бамисоли соғлом фикрловчи кишиларнинг талабларини қониқтирумайдиган ҳавойи қасрларга ўхшайди.

Агар тавсифий, том маънода эмпирик бўлган йўналиш фан тараққиётига гов бўлса, мазкур априористик, хаёлий ва бачкана йўналиш уни нотўғри йўлга бошлиди ва шунинг учун ўта заарли.³²

Маълум бир ғояларни ҳодисаларга зўрлаб нисбат бериш тадқиқ манбаига номиналистик ёндашиш ва фетишизм (фетишизация) - маълум бир нарса-ҳодисани мутлаклаштириш фан ва жамият учун заарли. Совет тузумида фанда (жумладан, тилшуносликда) ва сиёсатда (жумладан, миллий тиллар ва уларнинг тадқиқ ва таълимидан) фетишизм, уларнинг оқибатлари устида кейинроқ фикр юритилади. Ҳозир фактларни (жумладан, тил ҳодисаларини) олдиндан қабул қилинган бир ғояга бўйсундириб таҳлил этиш, тадқиқ манбаини ғоя ёки назарияга м у в о ф и қ л а ш т и р и б изоҳлаш фан учун, буюк тилшунос таъкидлаганидек, "ўта заарли" эканлигини қайд этиш билан чекланамиз; ҳодисалар, фактлар талқини ғоя-ю назарияларга эмас, аксинча, ғоя-ю назариялар ҳодисалар, фактларга таяниши, асослениши лозим, Бу фаннинг истаган тараққиёт босқичида тадқиқотчи олдига қўядиган б и р и н ч и в а б о ш талаби. Шу сабабли тилшунослик бўйича ҳар бир *идрокий* ҳукм ва талқин ҳ а м и ш а мустаҳкам *фаҳмий* заминга эга бўлмоғи шарт.

Илмий тадқиқотда идрокий ҳукм ва хулоса фаҳмий билим, жумладан, тажриба ва амалиёт билан тасдиқланган, исботлангандан кейингина назария мавқенини эгаллайди. Бундай тасдиқ, исбот асосига эга бўлмаган ҳукмлар фараз (гипотеза), тахмин, гумон ёки хаёл (фантазия) бўлади, холос.

Идрокий билимлар фан ва жамият тараққиётида беҳад катта аҳамиятга эга. Том маънода фаннинг ижтимоий-амалий аҳамияти ҳам мана шундай билимда. Зероки, идрокий билим ЯҲВОнинг сабаб ва қониниятларини очиб бериб, бу қонуниятлардан жамият манфаати учун, **жамиятни ўзгартиришда онгли ва изчил фойдаланишга имконият яратади, кишилик жамиятининг ривожланишини** таъминлайди. Қуйидаги далилларга мурожаат қиласлий.

Қумғондаги сув қайнагандан, қумғон оғзининг очилиб, ёпилиш ҳодисаси фаҳмий усул билан аниқланган ва тавсифланган эди. Буни Форобий ҳам, Беруний ҳам тавсифлаган. Шу асосда буғнинг вазни сувдан енгил, зичлиги ундан кам эканлиги ҳақида идрокий хулоса чиқарилган. Лекин бу қонуниятдан амалий фойдаланишга мустабитлашган исломий шариатнинг техника тараққиётига қатъий манъи енгиб бўлмас ғов бўлган³³.

Европа фани ва техникаси насронийлик инквизицияси қаршилигини енгиб, Форобий ва Берунийга маълум бўлган қумғон қопқоғининг кўтарилиб тушиши сабабидан амалий фойдаланиб, 1763 йилда И.И.Ползунов, 1774 йилда Ж.Уайтт буғ машинасини яратдилар. Бу Еуропада техник революциянинг, фан, техника, иқтисоднинг кўз кўрмаган, қулоқ эшиитмаган тезлиқда ривожланишига, буғ машинаси, паровоз, пароход, автомобилдан 100 йил давомида космик

³²Звегинцев В.А. Кўрсатилган асар. -Б. 265-266.

³³С.Айнийнинг «Эсадиллар» асарининг II-III жилларини ўқисангиз, бунинг гувоҳи бўласиз.

кемаларга ўтишга, Шарқдан узилиб, илгарила б кетишига асос бўлди. Шарқ эса идрокий билим маҳсулидан амалий фойдалана олмаганилиги сабабли Европадан кескин орқада қолди. Ваҳоланки, ИВ-ХИВ (ва ҳатто, ХВИ асртага) фан, техника, маданият, санъат соҳасида Шарқ Ғарбдан анча илғор ва устун, уларни ўз таъсирида сақлаётган, Европанинг қатор давлатларига мустамлака сифатида тазийқ ўtkазаётган эди. Академик шоир Ғафур Ғулом «Мен яхудий» шеърининг жуда кўп мисраларида худди мана шу ҳолатга ишора қилади.

ХИИИ асрда калом ва тасаввуф бирлашиб, бу Шарқ тафаккури тараққиётида улкан ютуқларнинг қўлга киритилишига сабаб бўлди. Бунда Нажмиддин Кубро, Фаридиддин Аттор, Мухийиддин ибн Ал-Арабий, Жалолиддин Румий ва Азизиддин ибн Муҳаммад ан-Насафий каби мутафаккирларнинг хизматлари беҳад катта бўлди.

Шарқ фалфафафаси номи билан машҳур тасаввуф таълимотига ёндашувлар ҳар хил мафкуравий асосларда турли томондан турлича талқин қилиниб келди. Хусусан, собиқ коммафкура хукмронлиги шароитида атеизм ақидалари асосидаги ёндашувда у ортодоксал исломнинг мистик оқими сифатида қайд этилган бўлса, республикамизда истиқлол мафкураси таркиб топиши ва такомиллашуви натижаси ўлароқ, руҳий такломиллашуvgа эришиш дастури сифатида тан олинмоқда. Чунки мазкур шахсларни “комил инсон тадқиқотчилари дейиш мумкин. Уларнинг фикрича, инсон колинотнинг кичрайтирилган нусхаси, инсонда барча илоҳий ва моддий оламларнинг хислати жамулжам. Инсон шуни англаши ва ўз руҳи – илоҳий жавҳарни поклаб, асл мақомига қайтиши лозим”³⁴. Бироқ Шарқ фалсафий тафаккурининг мағзи бўлган диалектика тараққиёти ва хусусиятлари нуқтаи назаридан у фалсафий тадқиқотларнинг маҳсус ўрганиш манбаи бўлмаган. Ҳолбуки, бугунги кунда бутун дунё замонавий фалсафасининг “асоси” ҳисобланаётган ғарб диалектик таълимотининг асл қаймоғи шарқ тасаввуф фалсафасида мужассамлашган. Бунга комиллик тариқатига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган юртдошимиз Шайх Азизиддин Насафийнинг “Зубдатул ҳақойик” [қисқ. ЗХ] асарининг методологик қатламини кузатиш асосида амин бўлиш мумкин.

Айтилганидек, методология фалсафанинг таркибий қисми бўлиб, у фаннинг гносеология (билиш назарияси) бўлими билан узвий алоқадор. Шунинг учун [ЗХ] да билиш асоси деганда тадқиқотчида камида уч омилнинг мужассамланиши ва унинг ўрганиш маҳсулида намоён бўлиши тушунилади³⁵. Булар:

Биринчидан, соликнинг ўз талаб манбаи ҳақида қай турдаги билимларни ҳосил қилишга интилиши, билишнинг қайси тури билан шуғуланиши. Маълумки, фалсафада нарса/ўрганиш обьекти ҳақида тадқиқотчи икки турдаги билимлар ҳосил қилиши мумкин:

- а) фахмий (ҳиссий, эмпирик) билимлар;
- б) идрокий (ақлий, мантикий, назарий, теоретик) билимлар.

Ҳар бир турдаги билимни ҳосил қилиш йўл, восита ва усувлари ҳам,

³⁴ Комилов Н. Насафлик буюк мутафаккир // Тафаккур, 1995. -№ 3-4. Б.44.

³⁵ G.Hegel. The science of Logic. Cambridge. P.43

мақсадлари ҳам бошқа-бошқа. Шу боисдан [ЗХ] “олами кубро” ва “олами сұғро”ни билиш усул ва воситалари фарқланади, бутунни ўрганиш қисмларни текшириш асосида бўлиши ҳақидаги ҳозирги замон диалектик тамойили “олами кубро” ва “олами сұғро” муносабати асосида талқин қилинади. Фаҳмий билим идрокий билим асоси эканлиги таъкидланади: “Оlam ўзининг аввалида икки қисмдан иборат: биринчи қисм олами ғайб (яширин олам), иккинчиси олами шуҳуд (кўринадиган олам) деб аталади. Бу ҳар икки оламни миқдорий ва куллий (умумий, яхлит) маъноларда турли номлар билан тилга оладилар. Масалан, холиқият олами ва амр олами; мулк олами ва малакут олами; бадан олами ва рух (жон) олами; ҳислар олами ва шуур олами; нур олами ва соя (зулмат) олами ва шу кабилар. Бу номлар ҳар икки олам – олами –айб ва олами шуҳудга ишора.”³⁶ Демак, кўринадики, мутафакир қарашларида ҳозирги замон гносеологик таълимотининг асосий тушунчалари - эмпирик ва назарий билиши ҳамда уларнинг обьектлари қатъий фарқланган³⁷.

Иккинчидан, тадқиқотчининг тадқиқ манбаи/нарсага қандай усул билан ёндашиши. Бунда икки усул борлиги айтилди:

- а) номиналистик ёндашиш;
- б) диалектик ёндашиш.

Номиналистик ва диалектик ёндашув, номиналисталар ва диалектиклар [ЗХ] да аҳли шариат ва аҳли ҳикмат муносабатлари кўринишида талқин этилади. Аҳли шариат фикрича, “бу дунёга келган ҳар бир рух муайян чегарага эга бўлади ва аввалги еб-ичиши, қанча сўзлаши, нималарни ўрганиш ва ўйлаши ва ҳоказолар олдиндан белгиланган бўлади. Ҳақнинг иродаси ва илмидан ташқари дараҳт япроғи қимирламайди ёки одам бирон нарсани ният қилмайди.

Эй дарвеш, аммо бу фикр иштибоҳли. Аҳли ҳикмат (яъни файласуфлар) фикрига кўра эса илм маълумга (билиб олганга) бўйсунади.”³⁸

Учинчидан, ҳозирги замон диалектикаси уқтиришича, тадқиқотчининг материалистик ёки идеалистик (руҳоний) нуқтаи назарда туриши ва шу нуқтаи назардан туриб илмий тадқиқни олиб бориши. Азизиддин Насафий қарашларида зот ва тажалли олами - холиқият олами ва амр олами, мулк олами ва малакут олами, бадан олами ва рух (жон) олами, ҳислар олами ва шуур олами, нур олами ва соя (зулмат) олами кабилар асосида материалистик ва идеалистик ёндашувлар фарқланади. Бунда фақат руҳоний билим материалистик билим асосида эканлиги таъкидланади: “Эй дарвеш, сен кичик оламсен, бутун оламнинг ўзи эса улуғ олам. Сен ҳар икки оламнинг кичрайтирилган нусхаси ва тимсол – белгисисан. Улуғ оламда бор нарсалар кичик оламда мавжуд. Эй дарвеш, улуғ оламнинг аввалу охири, зоҳиру ботини, моҳият ва шаклларини идрок этиш учун ўзингнинг моҳиятинг, зоҳир ва ботинингни англаб етгин. Бундан бошқа йўл йўқ. Эй дарвеш, нарса-ҳодисаларнинг қандайлигини билмоқчи бўлсанг, ўзингнинг қандайлигингни билиб олишинг керак.”³⁹

³⁶ Насафий Шайх Азизиддин. Зубдатул ҳақойик // Тафаккур, 1995. -№ 3-4. Б.45.

³⁷ G.Hegel. The science of Logic. Cambridge. P.74

³⁸ Ўша манба -Б.48-49.

³⁹ Ўша манба -Б.45.

Билиш усуллари ва турларининг хилма-хиллиги Азизиддин Насафий талқинида қўйидаги қўринишга эга: “Дунёнинг барча кишилари бу нурни (ҳақиқатни – муаллифлар) излаб талпинади, аммо улар бу нурни ўзларидан ташқарида излайдилар ва қанча изласалар, ундан шунча узоқлашадилар.”⁴⁰

Идрокий билимларни амалиётда қўллаш жамиятдан маълум бир шарт-шароитларни, маънавий ва моддий заминни талаб қиласди. Идрокий билимлар очилган пайтда жуда кўп ҳолларда жамиятда бундай замин тайёр бўлмайди. Шунинг учун Альберт Эйнштейн 1905 йилда очган нисбийлик гипотезаси орадан қарийб 40 йил ўтгач, назария сифатида қабул қилинди.

Бугунги тилшунослигимизда ҳам миллий истиқлол натижаси ўлароқ, она тилимизнинг ички қурилиш қонуниятлари асосида она тили таълимими тубдан янгилашга, тилимиз грамматик қурилишини (грамматикасини) тафаккуримизга мос шаклда янгича талқин этишга замин пайдо бўлди. Шунингдек, она тили таълими асосида болаларимизда ижодий тафаккур кўникмаларини ривожлантиришга, миллий онгнинг гуллаб-яшнаши, миллий мағкуранинг гуркираши учун мустаҳкам пойдевор қурилди. Афсуски, идрокий билимларнинг амалиётга татбиқи бўлган ишнинг кенг ривожланишида ва оммалашиб, моддий кучга айланишида жиддий маънавий ва моддий тўсиқлар мавжуд. Маънавий тўсиқ сифатида янги грамматик ва методик талқинларнинг, талаб қилинадиган иш услубларининг ўқитувчилар онгига сингмаганини, таълим тизимида ўқитиладиган бошқа (хорижий) тиллар таълими тамойиллари билан она тили таълим мининг мувофиқ эмаслигини ва узлуксиз таълим тизими нинг турли босқичлари орасида она тили таълимида узвийлик ва давомийликнинг заифлигини кўрсатиш мумкин.

Моддий тўсиқ сифатида эса, ўқувчи ва ўқитувчилар тасарруфида она тилимиз имкониятларини ўзида мужассамлаштирган ахборот банкларининг (луғат ва қомусларнинг), улардан мустақил ва компьютерлар ёрдамида фойдаланиш алгоритмларининг йўқлигини санаб ўтиш мумкин.⁴¹

Идрокий билимлар ҳамиша ўз даври шарт-шароитларидан анча олдинда бўлади. Шунинг учун улардан кўпчилиги ўз даври кишилари томонидан ғайриоддий, «ақл бовар қилмас»дек қабул қилиниб, кўп ҳолларда, инкор қилинади. Лекин бу билимлар объектив (ҳаққоний). Даврлар ўтиши билан улар ўз амалий татбиқи учун замин ҳозирлайди ва туғилган жойидами, ундан беҳад узоқдами, барибир амалиётта ўтиб, жамият тараққиётига ҳалол хизмат қиласди. Буни ИХ-ХХ асрда қилинган барча буюк кашфиётлар ва очилган улкан қонуниятлар тасдиқлади⁴².

Бизнинг фанимизда ҳам бунга мисоллар талайгина. Чунончи, ХХ асрнинг бошларида (1925 йилда) Абдурауф Фитрат ўзбек гапининг маркази кесим эканлиги гоясини илгари сурди. Лекин 30-80-йилларда совет фетишизми таъсири остида бу талқин (миллатчилик, ўзбекларни руслардан

⁴⁰ Насафий Шайх Азизиддин. Зубдатул хақоиқ // Тафаккур, 1995. -№ 3-4. Б.53.

⁴¹ Бу ва бу каби мураккабликлар, уларни бартараф этиш чоралари 2003 йилнинг октабрида Кўқон шаҳрида ўтказилган илмий конференцияда атрофлича муҳокама этилди. Кар.: «Ўзбек тили бўйича ДТСларни жорий этиш масалалари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. -Кўқон: Кўқон ДПИ нашри. 2003.

⁴² G.Hegel. The science of Logic. Cambridge. P84.


узоқлаштиришга қаратилган фаолият сифатида) нафақат рад этилди, балки аксилиңқиlobий ҳаракат сифатида таъқиб қилинди. Истиқлол шарофати билан бу талқин ривожлантирилмоқда. Грамматик талқиннинг миллат тафаккури хусусиятларига ҳамоҳанглиги эса она тили воситасида ижодий фикрлаш кўнишка ва малакаларини такомиллаштиришга хизмат қилиб, ўз навбатида миллат тафаккурининг (миллий онг ва ўзликни англашнинг) ялпи ўсишини таъминлайди ва илмий-техникавий инқилобга замин ҳозирлайди.

Истаган миллат ёки ҳалқ вакиллари томонидан очилган, кашф этилган идрокий билимлар (муносабатлар, қонуниятлар, боғланишлар, тизимлар) умумбашарият, бутун инсоният мулки. Мана шунинг учунг юноистонлик Арасту ва осиёлик Форобийни, англиялик Ньютон ва осиёлик Берунийни, Афлотун ва Ибн Синони, Коперник ва Улуғбекларни бутун инсоният бир хил ҳурмат қиласи; Шарқу Ғарбда “Муалими аввал” Арасту (Аристотел, Аристотилус) саналса, “Муалими соний” ватандошимиз Абу Наср Форобий. Бир миллат вакили қўлга киритган фаҳмий билимлар асосида жуда кўп ҳолларда иккинчи миллат вакили идрокий хулосалар чиқаради, учинчи бири эса бу идрокий қонуният асосида янги тажриба-синов ишларини йўлга қўяди. Чунки фан ҳам, фаҳмий ва идрокий ўрганиш самаралари ҳам чегара билмайди.

Фаҳмий ва идрокий билимлар орасида кескин чегара қўйиш мумкин эмас. Зоро, улар ўзаро боғлиқ ва ҳамиша бири иккинчиси асосида ривожланиб боради. Хусусан, тилшуносликда ҳам шундай. Истаган тилшунос (бошқа фанлар тадқиқотчилари каби) ҳоҳ фаҳмий, ҳоҳ идрокий турдаги тадқиқотни амалга оширап экан, шу фан соҳасида, хусусан, ўрганиш манбаи доирасида қўлга киритган илмий ютуқлар – нарсани фаҳмий ва идрокий ўрганиш натижалари билан чуқур таниш бўлмоғи, уларга таянган ҳолда тадқиқни давом эттириши лозим. Иккинчидан, барча турдаги идрокий билимлар нарсанинг моддий, фаҳмий белги-хусусиятлари ҳақидаги билимларга таянади. Бошқа томондан, барча турдаги идрокий ҳукмлар амалиётга татбиқ билангина тасдиқланади. Шунинг учун Иммануил Кант (1724-1804) «Нақиқат мезони амалиётдир» шиорини ўртага ташлади.⁴³

Билимлар замини тажрибадан ҳосил бўлади, инсон онгида қайта ишланади, қонуниятлар очилади ва яна амалиётга татбиқ этилиб, синовдан ўтказилади, тасдиқланади. Идрокий таҳлил ва умумлаштиришлар асосида очилган қонуниятлар янги турдаги тажрибаларга, улар асосида янги босқичдаги фаҳмий билимларга, кейингилари янги босқичдаги идрокий билимлар – янги, яна мукаммалроқ, чуқурроқ қонуниятларни, тизимларни, оддин тасаввур ҳам этиб бўлмас алоқа ва муносабатларни очишга асос бўлаверади. Шунинг учун фаҳмий ва идрокий билим ҳамиша бир-бирига таяниб, бир-бирини аниқлаб, нарсани билишнинг чексиз жараённида уни ўрганишда турли босқичлар сифатида алмашиниб кетаверади. Буни шартли равишда қуйидаги чизмада бериш мумкин.

⁴³ Қар.: Асмус В.Ф. Иммануил Кант. -М.: Наука, -С. 42-52.



Мана шу усул билан инсон онги нарсанинг маълум бир босқичдаги моҳиятидан ундан чуқурроғи (юқорироғи)га кўтарилиб бораверади.

Идрокий ва фаҳмий билимларнинг бир-бирини тўлдиришини ҳозирги кунда компьютер техникасининг тараққиёти, ютуқлари, фанмаданиятдаги аҳамияти мисолида кўриш мумкин. Тилшунослик, физика (электроника) ва математика фанлари кесишувида компьютер технологияси шаклланди ва ривожланиб бормоқда. Маълумки, компьютер **тил** билан ишлайди: у тилнинг рамзий тизим – шартли белгилар (символлар) системаси эканлигига таянади.⁴⁴ Фақат компьютер тили (тиллари) тилимиздан кўра анча содда, унда инсоний тилга хос бўлган ўнлаб антиномиялар (диалектик зиддият ва зидланишлар, чунончи: шакл-мазмун, мазмун-вазифа, турғунлик-ўзгарувчанлик, тараққиёт-таназзул, яратиш-йўқотиш, янги-эски, фаолият-маҳсул, сабаб-оқибат, умумийлик-яккалик ва х. зидлиги ва бирлиги асимметрияси⁴⁵) хос эмас. Компьютернинг тили жуда содда, сўзлари бир маъноли, аниқ, миқдори тилмиздагидек сон-саноқсиз эмас. Компьютер тилининг имкониятлари ҳам чекланган. Нутқи ҳозирча фақат ёзма,⁴⁶ ўз-ўзидан ривожланиш қобилиятига эга эмас. Шунинг учун компьютер тили мутахассислар томонидан йилдан-йилга мукаммаллаштирилиб борилади. Агар илк компьютер тилларини (жумладан, «бейсик») ҳозирги тиллари билан солиштирсак, бунинг гувоҳи бўламиз. Яқин-яқин вақтларгача компьютернинг "кўзи" фақат (буғун эскиликка айланган) перфокарталарнигина ўқий олар эди. Буғун у маълумотларни дисплейдан олади. Эрта-индин компьютер товуш ва ҳарфларни бемалол оғзаки/ёзма матндан тушунадиган (ўқий оладиган ва эшига оладиган) бўлади –«саводи чиқади». Компьютер тилининг соддалигини, масалан, табиий ва сунъий мато (чарм, газлама ва х.) содда/мураккаблиги билан қиёслаш мумкин. Шунинг учун компьютер тили **сунъий тил** деб аталади. Унинг ҳам ўз бирликлари, грамматикаси, ҳатто, стилистикаси бор.

Идрокий билимлар амалиётга татбиқ этилмаса, қуруқ ёғоч, бемева дарахт,

⁴⁴ Журавлёв А., Павлик Н. Язык и компьютер. -М.: Просвещение, 1989. -С.160.

⁴⁵ Қар. :Махмудов Н. Тил. -Т.: Ёзувчи, 1998. -40 б. Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш. ва бошк. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. -Т.:Янги аср авлоди, 2001. -164 б.; Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. -Т.:Ўқитувчи, 1995. -232 б.; Немматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. - Т.:Ўқитувчи, 1995. 128 б.; Карцевский С. Об ассимметрическом дуализме лингвистического знака // Звегинцев В.А. Мазкур асар. 2-т. -Б. 85-90. Скаличка В. Ассиметрический дуализм языковых единиц // Пражский лингвистический кружок. -М.: Прогресс, 1967.

⁴⁶ Тилимизда эса нутқнинг асосий шакли оғзаки. Ундан ташқари имо-ишора ва б. нутқ шакллари ҳам мавжид.

у ҳеч қандай самара бермайди.⁴⁷ Фороби ва Берунийларга маълум бўлган буғнинг сувдан кўра енгил ва сийраклиги қашфиётидай асрлар давомида «бекор», қуруқ гап бўлиб қолаверади. Шу 700 йил «бекор» ётган оддий қонуният – идрокий билимнинг амалиётга татбиқи эса буг машинасидан 200 йил давомида космик кемалар-у компьютерларга олиб келди. Ахир, XIX – ХИХ аср двигателларисиз атом энергетикаси ва квант механикаси ривожлана олмас эди.⁴⁸ Буларсиз эса электроникани, электроникасиз кибернетикани, кибернетикасиз компьютерларни, компьютерсиз ҳозирги замонни тасаввур этиб бўлмайди. Билимнинг қиймати амалий татбиқда эканлигини шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий «Илмини (яъни идрокий билимларини) амалда қўллай олмайдиган олимдан устига китоб ортилган эшак яхши», - деган сўзлари билан алоҳида таъкидлаган эканлар, чунки эшак устидаги китобларни кимдир ўқиб, билимлар асосида янги тажрибалар ўтказиши ва янги босқичдаги билимларни қўлга киритиши мумкин.

Идрокий ва фахмий билиш ва билимларнинг ўзаро бирлиги ва боғлиқлиги Шарқнинг машхур «илму амал» иборасида ҳам ўз аксини топган. Сиз олим-у олималар олдида ҳам илму амал бирилигини таъминлаш вазифаси туради. Бу Ватанимиз, халқимиз равнақининг асосий шартларидан бири.

Назорат саволлари:

1. Дескриптив лингвистика вакиллари тилшуносликнинг бош вазифаси деб нимани тушунади?
2. Дескриптив тилшунослик тил тузилишини қандай тушунади?
3. Диалектик метод қандай метод? Тушунтириб беринг.
4. Диалектик метод қандай қонуниятларни эътиборга олади?
5. Диалектик метод қайси белгилари билан характерланади?
6. Дисциплинар метод деганда нимани тушунасиз?
7. Дистрибутив лингвистикада дистрибуция моделларининг қайси турлари белгиланади? Уларга алоҳида таъриф беринг.
8. Дистрибутив таҳлил методи қандай?
9. Дистрибуция нима ва унинг қандай турлари мавжуд?
10. Эмпирик билиш билан назарий билиш ўртасида қандай муносабат мавжуд?
11. Эмпирик билиш шакли нима ва у қандай элементлардан ташкил топади?

Адабиётлар рўйхати:

1. Дадабоев X. Тилшунослик назарияси ва методологияси. – Тошкент, 2004.
2. Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари. –

⁴⁷ Қар.: Зикриллаев F. Назария - қуруқ оғоч // Истиқлол ва она тили қурилиши, талқини ҳамда таълими. -Т.: Фан, 2000. -Б. 15-26.

⁴⁷ Қар. : Кузнецов Б.Г. Эйнштейн. -М.:Изд. АН, 1962. –С.468.

Андижон, 2006.

3. Нурмонов А. Лингвистик белги назарияси. – Тошкент: Фан, 2008.
4. Нурмонов А., Раҳимов А. Лингвосинергетикага кириш. – Тошкент: Академнашр, 2013.
5. Раҳматуллаев Ш. Систем тилшунослик асослари. Тил қурилишини тизим сифатида ўрганиш масалалари. – Тошкент: Университет, 2007.
6. Бушай Т. Язык в истории развития человеческой мысли. – Ташкент: Фан, 2011.
7. Бушай Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. – Тошкент: Фан, 2007.
8. Andrew Radford. Linguistics. An introduction Secon Edition. Cambridge University Press. P.8-62
9. G.Hegel. The science of Logic. Cambridge.
10. Ferdinand de Saussure. Course in General Linguistics. McGraw Hill Book Company.

З-мавзу. Тилнинг келиб чиқиши фалсафий масала сифатида

Режа:

1. Тилнинг келиб чиқиши (глоттогенез) масаласининг баҳсли мавзуу эканлиги.
2. Муаммо мифологик дунёқараш, диний ва илохий қарашлар замирида.
3. Муқаддас китоблар тилнинг пайдо бўлиши ҳақида.
4. Ўрта асрларда глоттогенез бўйича фикрлар.

Таянч тушунчалар: тилнинг келиб чиқиши муаммоси, “тил~онг~жамият” муштараклиги, дуалистик қараашларнинг моҳияти, тил – жамият ва меҳнат маҳсули, илмий қараашларнинг диний қараашларга муносабати, мусулмон филологларининг бошқа қараашлари, овозга тақлид назарияси, ундов назарияси, меҳнат қийқириқлари назарияси, имо-ишоралар назарияси, ижтимоий келишув назарияси, диалектик материализм қараашлари, илмий фаразлар.

Тилнинг пайдо бўлиши муаммоси. Тилнинг келиб чиқиши – глоттогенез масаласи азалдан энг қизиқарли ва баҳсли мавзулардан бўлиб келган. Муаммо мифологик дунёқараш даврида ҳам, диний ва илохий қарашлар замирида ҳам ўз аксини топган, шунга мувофиқ равишда, ўзига хос ўз ечимиға эга бўлган. Илдизлари эрамиздан олдинги узок минг йилликларга бориб тақаладиган қадимги Ҳинд ва Чин, Миср ва Бобул, Эрон ва Юнон асотир ва ривоятларида

ҳам, қўшиқ ва эртакларида ҳам тилни буюк ғайритабиий зот яратгани ва ўз бандаларига марҳамат сифатида тухфа этганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Иброний, насроний ва исломий муқаддас китоблар ҳам тилнинг пайдо бўлиши ҳақида ўз талқинларига эга. Бу талқинлар узоқ йиллар давомида Европа ва Осиёдаги ривожланган давлатларнинг расмий-мафкуравий дунёқараши ва талқини мавқеида бўлганлиги сабабли улар билан танишиш зарур⁴⁹.

Ўрта асрларда глоттогенез бўйича фикрларнинг моҳиятини тилнинг илоҳийлиги талқини ташкил қилган эди. Бу ҳақда фанимизда жумладан, О. Донских ва бошқаларнинг асарларидан илк маълумот олиш мумкин⁵⁰.

Антик даврдан бошлаб ХВИИ аср ўрталаригача тилнинг илоҳий эканлиги ҳақидаги талқинлар ҳукмонлик қилди. Таъкидлаш лозимки, тил, инсон, табиат ва борлиқнинг пайдо бўлиши хусусида диний қарашлар – барча диний талқинлар сингари – мунозарали, зиддиятли ва “ақл бовар қилмас”дир. Чунки ҳамма диний талқинларда мўъжизалар “илоҳий қудрат” тушунчаси билан тушунтирилади ва диндорлар томонидан мунозарасиз, шубҳасиз ва исботсиз қабул қилинади:

*И будет первый из людей,
В ожившей глине создан снова,
И задронит в руке твоей
Первоначальной жизни слово.*

Е. Полонская

“Таврот” тилнинг пайдо бўлиши хусусида. Иброний ва насроний дунёда тилнинг пайдо бўлиши масаласи “Таврот”нинг “Ибтидо” китобида берилган бир неча асосий ҳолат орқали шарҳланади. Бунда уч нарса диққатга сазовор:

—“Таврот”да *деди* сўзи дастлаб Худога нисбатан қўлланган: “Худо “Ёруғлик бўлсин! *деди*. ”⁵¹ Шунингдек, *атади*, *номлади* феъллари ҳам аввало Худога нисбатан ишлатилган: “Худо ёруғликни кундуз, қоронғиликни эса тун деб *атади*. ”⁵² “Таврот”да осмон ва ер ҳам Худо томонидан шундай деб номланганлиги қайд этилади.

Одам Ато тушуна олиш қобилиятига эга бўлган. Бу “Таврот”даги “Худованди Карим одамга буюриб *деди*...”⁵³ иборасидан англашилиб турибди. Демак, Одам Ато билан Худо ўзаро сўзлашганлар ва бир-бирини тушунишган. Бу ҳақда “Таврот”нинг бошқа ўринларида ҳам маълумотлар мавжуд.

Худованди Каримнинг Одам Атога сўзлаш ва тушуниш қобилиятини қандай берганлиги “Таврот”да изоҳланмайди. Лекин унда Одам Ато ва Момо Ҳаво, Момо Ҳаво билан илон, ҳар учаласининг Худо билан сўзлашишлари ҳодисаси ҳам шарҳланган.⁵⁴ Бундан хулоса қилиш мумкинки, “Таврот”да

⁴⁹ Ferdinand de Saussure. Course in General Linguistics. McGraw Hill Book Company. P. 82

⁵⁰ Каранг: Донских О. А. К истокам языка. – Новосибирск: Наука, 1988; История лингвистических учений. Отв. ред. А. В. Десницкая, С. Д. Кацнельсон. 1. Древний мир. – Л.: Наука. 1980; 2. Средневековый Восток. – Л.: Наука, 1981; 3. Средневековая Европа. – Л.: Наука, 1985.

⁵¹ Муқаддас китоб - Инжил. Тавротдан “Ибтидо”. Забур. – Стокгольм. Библияни таржима қилиш институти. 1992. – Б. 613+1.

⁵² Ўша манба. – Б. 613+1.

⁵³ Ўша манба. – Б. 613+2.

⁵⁴ Муқаддас китоб - Инжил. Тавротдан “Ибтидо”. Забур. – Стокгольм. Библияни таржима қилиш институти. 1992. – Б.

тилнинг яратилиши ҳақида ҳеч бир аниқ маълумот йўқ. Сўзлаш Худонинг ва Худо ўз илоҳий суратида яратган Одамнинг зотий (азалий, табиий, онтологик) хусусиятидир.

Ҳайвонларни номлаш вазифаси “Таврот”да Одам Атога юклатилган. Китобнинг 2-бобида шундай изоҳ берилган: “*Яна Худованди Карим . . . тупроқдан ҳар хил дашт ҳайвонини, кўкда учувчи ҳар хил паррандани ясади ва уларга от қўйиш мақсадида одамнинг олдига келтирди. Одам эса ҳар бир жонли маҳлуққа от қўйди ва ўша маҳлуқнинг оти шундай бўлди.*”⁵⁵

“Таврот”да тилнинг яратилиши, пайдо бўлиш жараёни (холати) шарҳланмаган, лекин олам ва одам яратилганда битта тил, бир хил нутқ мавжуд бўлганлиги, одамларнинг тил жиҳатидан фарқланиши Худо томонидан – одамларнинг бирлашиб, катта ишларни қилишга бел боғлашларига тўсқинлик қилиш мақсадида – амалга оширилганлиги “Таврот”нинг “Бобил минораси ва тилларнинг чатишуви“ деб номланувчи 9 оятдан иборат бўлган 11- бобида берилган. Мана бу бобнинг матни:

“1. Бутун жаҳоннинг тили бир, нутқи бир бўлган вақтлар эди.”

“9. Шаҳар Бобил (яъни “Аралашув”) деб аталиб қолди, чунки ўша ерда Худованд бутун жаҳоннинг тилини аралашириб, одамларни ер юзи бўйлаб тарқатиб юборган эди.”⁵⁶

Бу ривоят бир жиҳатдан аҳамиятли – унда тилнинг кишилик жамиятини тузиш ва унинг бутунлигини таъминлашдаги мавқеи алоҳида бўрттирилади. “Таврот” ривоятида – тил яхлитлиги бўлмаса, кишилик жамияти парчаланиб кетади, деган ғоя мавжуд.⁵⁷ Шарҳлардан кўриниб турибдики, “Таврот”да тилнинг пайдо бўлиши, инсонга берилиши ҳақида аниқ бир маълумот йўқ – тил қобилияти инсоннинг тириклиги, жони сингари унинг ажralmas белгиси сифатида қаралади.

“Инжил” ва христиан филологияси тилнинг пайдо бўлиши ҳақида. “Инжил”да тил ва сўз масаласи – чигал жумбоқлардан бири. Инжилнинг тўртинчи – Юҳанно баён этган “Хушбар” қисми “*Азалда Каломуллоҳ бор эди*” деган оят билан бошланади:

*Азалда Каломуллоҳ бор эди.
Каломуллоҳ Худо наздида эди,
Каломуллоҳ Худо эди.
Азалданоқ у Худода эди!*

613+2.

⁵⁵Ўша манба. – Б. 613+4.

⁵⁶Ўша манба. – Б. 613+19.

⁵⁷“Таврот” тавсифларида яна бир масала очик қолади: Бобил воқеаси ва тилларнинг фарқланиши Нуҳ тўфонидан олдин содир бўлдими ёки кейинми? “Таврот”да берилишича (11-боб), бу воқеа Нуҳ алайҳиссаломдан кейин содир бўлган, чунки Нуҳ тўфони воқеалари – ер юзида одамзоднинг – Нуҳ пайғамбарнинг Хом, Сом ва Ёфас исмли уч ўғил ва келинларидан бошқасининг батамом қирилиши, тўфондан кейин Хом авлодидан қора танли (негроид)лар, Сом авлодидан оқ танли (европоид)лар, Ёфас авлодидан турк-мўғул-чин-мочин халқлари (монголоидлар)нинг тарқалиши, “*ҳар бирининг ўз элати, ўз халқи ва ўз тили бўйича жойлашиши*”⁵⁷ – Китобнинг 10-бобида тасвирланган. Демак, ё Бобил воқеаси Нуҳ тўфонидан олдин содир бўлган, лекин “Таврот”да кейин келтирилган ва “*Бутун жаҳоннинг тили бир, нутқи бир бўлган вақтлар эди*” изоҳи воқеанинг тўфондан олдин содир бўлганлигига ишора, ёнки тил ва халқларнинг бўлиниши икки марта – бир марта Бобил воқеаси, иккинчи марта Нуҳ тўфонидан кейин содир бўлган.

Асарда изоҳланишича, *Каломуллоҳ юононча логос*, яъни “борлиқнинг асосидаги илохий куч ва мантиқ”, Худонинг Каломи – Исо Масих, Худо Исо Масих орқали коинотни яратган ва уни асраромоқда⁵⁸.

“Инжил”да сўз, калом (юононча *логос*) яратувчининг ўғли сифатида талқин қилинувчи Исо билан тенглаштирилади, кўп ҳолатларда китобдаги фикр сўз, калом ёки Исо Масих ҳақида бораётганлигини ажратиш қийин. Масалан, ибронийларга 1-мактубда шундай сўзларни ўқиймиз: “Худо коинотни Ўғли орқали яратган ва Уни борлиқнинг вориси қилиб тайин этган. Ўғил – Худо улуғворлигининг инъикоси, Худо борлигининг аниқ суратидир. У Ўзининг қудратли каломи билан коинотни асрайди.”⁵⁹ Ёки Юҳанно китобининг 1-боб 14-оятида “Каломуллоҳ инсон қиёфасига кирди”⁶⁰ мазмунидаги хабар бор.

Инжилда сўз, каломнинг талқини қадим-қадимдан мунозаралар мавзуси бўлиб келмоқда. Бу бадиий асарларда ҳам ўз аксини топган. Масалан, Инжилнинг бу оятини немис тилида шарҳлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Фаустни ундаги *логос* сўзининг таржимаси қийнаб қўяди, чунки юононча *логос* тушунчаси турли маънога эга ва у ҳар қандай ўзбекча сўз каби жуда серқирра. Ҳёте ўз қахрамони – Фауст тилидан шундай баён қиласди:

“Дастлаб Калом бўлган” – илк сатрданоқ
Мени лол этди-ку мураккаб жумбоқ.
Нима бўлди экан бунинг маъноси,
Наҳот сўз оламнинг бўлса асоси?
“Дастлаб Идрок бўлган” – мана таржима,
Матн мазмунига шу сўз яқинроқ.
Лекин ўйлаш керак. Илк сатрданоқ
Иши расво қилиб қўймайлик яна.
Йўқ, идрок борлиқнинг замери эмас,
“Дастлаб Қудрат бўлган”, қолгани абас.
Яна юрагимга иштибоҳ солдим,
Яна ҳайронликка чулғандим-қолдим.
Йўқ, йўқ, қудратмас, қилибман хато,
“Дастлаб Амал бўлган” – шу асли маъно!⁶¹

Кўринадики, юононча *логос* сўзини Ҳёте (Фауст) **калом** (сўз) **идрок**, **қудрат**, **амал** тушунчалари билан шарҳлашга ҳаракат қиласди, чунки ибтидони идрок ёки калом, қудрат ёки амал сифатида тушуниш тамоман бир-бирига зид, у бири иккинчисини рад этувчи қарашларга олиб келади. “Инжил”нинг бу оятини турлича тушуниш мунозараси Чингиз Айтматовнинг “Қиёмат”, Михаил Булгаковнинг “Уста ва Маргарита” романларида Исо Масих билан Понтий Пилат орасидаги баҳсада ҳам ўз аксини топган.

⁵⁸Муқаддас китоб - Инжил. Тавротдан “Ибтидо”. Забур. – Стокгольм. Библияни таржима қилиш институти. 1992. – Б. 214.

⁵⁹Ўша манба. – Б. 551.

⁶⁰Ўша манба. – Б. 215.

⁶¹Гёте В. И. Фауст. Эркин Воҳидов таржимаси. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. – Б. 41.

“Таврот” ва “Инжил” каби муқаддас китобларда тилнинг яратилиши ҳақида аниқ бир маълумот бўлмаса-да, насроний илохиётчилар тилнинг пайдо бўлиши ҳақида черков томонидан маъқул деб топилган турли талқинларни ишлаб чиқишиган. Бу борада Исидор Севильский ҳамда Ефirim Сириналарнинг нуқтаи назари диққатга сазовор. Ефirim Сирин ИИИ асрдаёқ “Одам Ато бир соатда мингта исмни ўйлаб топди ва бу қадимги яхудий тилининг дастлабки луғатини ташкил қиласа эди” деган қатъий фикрни илгари суради. Яхудий тили инсониятнинг биринчи тили бўлганлигига узоқ асрлар давомида ҳеч ким шубҳаланмас эди. Жонзотларнинг Одам Ато томонидан аталиши қатор асарларда шарҳланган, Одам нафақат ном берди (атади), балки тилни ҳам яратди.

Данте Алигъериининг эътиқодига кўра, Одам гапиравчи қилиб яратилган ва “Таврот” ёзилган иброний (қадимги яхудий) тилида сўзлаган, бу тилни Худо яратган, Момо Ҳаво ва унинг болалари Одам Атодан ўрганишган, бироқ Вавилон (Бобил)да бу тил аралаштирилган. Данте фикрига кўра, Одам Атонинг илк сўзи яхудийча эл (“худо”) бўлган.

Таъкидлаш лозимки, диний қарашларга кўра, инсониятнинг бобо тили (яъни биринчи, илк тил) қадимги яхудий тили бўлган. Буни 16-17- асрларда Расмус Раск, Шарл де Бросс каби файласуфлар ҳам эътиборга олишган эди. Лекин Иоҳанн Ҳоропий Беканус “Оригинес антверпие анд ъерматъене” асарида барча тиллар фламанд тилидан келиб чиққанини исботламоқчи бўлади. Баъзи ишлар бобо тилнинг хистй, баска, араб, арман, хот, олмон тилларидан иборат бўлганини далиллайди. ХВИИ асрда швед олимни Эдем (Жаннат)да Одам Ато ва Момо Ҳаво дат тилида, илон француз, Тангри эса швед тилида сўзлашганларини тахмин қиласи.

Григорий Нисский бу борада бирмунча ўзига хос йўлни танлайди. Исм ва объектнинг ўзаро уйғунлиги ҳодисасини изчил ўрганар экан, у шундай холосага келади: “Ислмар эркин экан, демак, Одам исмларни ўз истаги бўйича берган.” ХВИИИ аср олимлари эса бошқа бир ғояни илгари сурадилар. Гўё тангри тилнинг келиб чиқишида ҳеч қандай роль ўйнамаган. **Тангри Одам Атога сўзлаш қобилиятини ҳадя қиласа**, у эса тилни ўзича яратган. Шу ғоя арман файласуфларида, Ян Амос Коменский, Михаил Ломоносов, Николай Кузанскийларнинг қарашларида ҳам ўз аксини топган.

Арман диний-фалсафий дунёқарашида ҳам тилнинг келиб чиқишига оид айрим фикрларни учратиш мумкин. Арман муаллифлари барча ўрта аср файласуфлари каби мазкур савол ечимини топишда “Таврот”га таянгандар. Тилнинг келиб чиқишига оид маълумотларнинг бу китобда икки хиллиги – буюк табиат ҳодисаларига Худонинг ўзи, тирик жонзотларга эса – Одам Ато ном қўйганлиги – икки хил нуқтаи назар вужудга келишига сабаб бўлган. Масалан, тарихчи Агафангелос изоҳича, тангри жамики жониворларни инсонга таъзим қилишга келтирган. Инсон, илоҳий идрок ила уларнинг ҳар бирини англаган ва номлаган, яъни тангрининг билими унга кирган ва унинг билимлари билангина мўъжизаларини унгагина хос бўлган номлар билан атаган. Бу муаммо юзасидан файласуф шоир Ованес Эрнзкатси ҳамда Григорий Татеватси ҳам фикрлар ёзиб қолдиришган (жумладан, Г.Татеватсининг тилни

Худо яратганлиги, уни Худодан бошқа ҳеч ким ўзгартиrolмаслиги ҳақидаги қараши маълум.

“Куръон” ва ислом филологияси тилнинг пайдо бўлиши тўғрисида.

Ислом филологиясида Нух тўфони воқеаси, дунё аҳолисининг (Тўфондан кейинги) Хом, Сом, Ёфас авлодидан тарқалганлиги тан олинади. Жумладан, Алишер Навоий “Муҳокаматул луғатайн“да шундай ёзади: “Нух пайғамбар. . . Ёфасниким, таворих аҳли Абут-турк битурлар, Хито мулкига йиборди ва Сомниким, Абул-форс битурлар, Эрон ва Турон мамлакатининг васатида валий қилди ва Хомниким, Абул-ҳинд дебтурлар Ҳиндустон билодига узатти. Ва бу уч пайғамбарзода авлоду атбояи мазкур бўлғон мамоликда ёйилдилар ва қалин бўлдилар.”⁶² Шу билан бирга, тил ва сўзларнинг пайдо бўлиши ҳақида исломий оламнинг буюк ва муқаддас китоби –“Куръон” нинг бир неча ўринларида анча аниқ маълумотлар бор. Шуни таъкидлаш жоизки, “Куръон”нинг қатор оятларида Аллоҳ таоло Одамга тилни, баён (фикр ифодалаш)ни ўргатганлиги кўп бора таъкидланади. Масалан, “Бақара” сурасида шундай оятлар мавжуд: “30. Эсланг, (эй, Мухаммад!) Парвардигорингиз фаришталарга: Мен Ерда (Одамни) халифа (ёрдамчи) қилмоқчиман” – деганида, улар айтдилар: “У ерда бузгунчилик қиласидиган, қонлар тўқадиган кимсани халифа қиласанми? Ҳолбуки, биз ҳамду сано айтиши билан Сени улуғлаймиз ва сенинг номингни мудом пок тутмамиз. (Аллоҳ) айтди: “Мен сизлар билмаган нарсаларни биламан.” 31. Ва у Зот одамга барча нарсаларнинг исмларини ўргатди. Сўнгра уларни фаришталарга рўбарў қилиб деди: “Агар халифаликка биз хақдормиз, деган сўзларингиз рост бўлса, мана бу нарсаларнинг исмларини Менга билдириң!” Улар айтдилар: “Эй пок парвардигор, биз фақат сен билдирган нарсаларнинг исмларинигина биламиз. Албатта, Сен ўзинг илму хикматлар соҳибисан.” 33. (Аллоҳ): “Эй Одам, буларга у нарсаларнинг исмларини билдири, ” – деди. Одам уларга барча нарсаларнинг исмларини билдиргандан кейин (Аллоҳ) айтди: “Сизларга, Мен Еру осмонларнинг сирларини ва сизлар ошкор қилган ва яширган нарсаларни биламан, демаганимидим?”⁶³

Оятлар тил Одамга Аллоҳ томонидан ўргатилганлиги ғоясини аниқ ва равшан баён қиласиди. Бу фикр Куръоннинг “Ар-Раҳмон” сурасида шундай оятлар билан яна мустаҳкамланади: “Халақал инсона алламаҳул баён” – “инсонни яратди ва баён (фикр ифодалаш)ни ўргатди”.

Куръондаги ушбу оятлар тилнинг илоҳий, ғайритабиий равишда яратилганлигига ишора қиласиди.⁶⁴ Ислом олами, мусулмон тафаккури тилни Оллоҳнинг ўзи, Одам (Ато) ни ва барча оламни яратгани каби сирли ва илоҳий тарзда яратганига шубҳа қиласиди. Шу маънода ислом тилшунослигида тилнинг тараққиёт қонунлари талқинига доир бир неча назария юзага келди. **Табиий назария, ижтимоий келишув назарияси, изхор назарияси, илҳом назарияси** шулар жумласидан.

Табиий назария (төвушга тақлид назарияси). Мусулмон филологлари

⁶²Навоий Алишер. Муқаммал асарлар тўплами. XVI том. - Тошкент: Фан, 2000. – Б. 10.

⁶³Куръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – Б. 9.

⁶⁴Яна қаранг: Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент: Тошкент Ислом университети, 2004. – Б. 6.

ВИИИ асрда сўзларнинг ташқи товуш томони билан мазмуни ўртасидаги ўхшашликни кенг муҳокама қилишган. Ибн Жиннийнинг гувоҳлик беришича, бу билан дастлаб Халил ибн Аҳмад шуғулланган. Шу анъана таъсирида Аъбад ибн Сулаймоннинг фикрлари ривожланди. Бу назария бўйича тил – инсоннинг табиий товушларга бўлган мойиллиги, уларга тақлид қилиши натижасида юзага келган. Бу “табиий (табиат) назария” ислом рукнларига анча эркин муносабатда бўлган мазҳаб ва йўналиш вакиллари (жумладан, намояндалари Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Фарғоний каби олимлар бўлган мутазаллийлар) томонидан илгари сурилган ва расмий исломий – изҳор (илоҳий неъмат) назариясига зид эди.

Изҳор назарияси. Бу назариянинг асосчиси Ал-Ашафий дея эътироф этилади. Бироқ бу таълимот ундан-да илгари Абу Али ал-Жуббаъ ишларидаёқ илгари сурилган эди. Изҳор назариясининг асосини қуръоний таълимот – тилни Аллоҳ Одамга тайёр ҳолда инъом этганлиги, изҳор этганлиги ташкил қиласиди. IX асрда расмий исломий илоҳиётда – Каломда изҳор назарияси қабул қилиниб, мутазаллийлар ён босган ижтимоий келишув назарияси шаккоклик сифатида қораланди.

Илҳом назарияси. Бу таълимотга кўра, биринчидан, инсониятнинг биринчи умумий тили – араб тили бўлган ва у Оллоҳ томонидан яратилган. Оллоҳ бу тилнинг бутун бойлигини Одам Атога бирданига бермаган – Тангри изҳорларининг маҳсули бўлган араб тили асослари билан оз миқдордаги лексика Одамга берилган. Кейинроқ эса зарурат асосида барча қабилаларга қўшимча равишда бериб борилган ва бойитилиб-бойитилиб, факатгина Мухаммад алайҳиссаломга тилнинг бутун бойлиги маълум қилинган.

Бу исломий назарияларнинг барчасида тилнинг ривожланиш манбай иккита – Аллоҳ ва одам, жамият эҳтиёжлари. Аллоҳ тилни, унинг ички қонуниятларини белгилаган ва Одамга берган.

Ижтимоий келишув назарияси. Айрим қарашларга кўра, Одам фарзандлари ҳаёт ва жамият эҳтиёжлари асосида тилни Аллоҳ белгилаган қонуниятлар (янги сўзлар ясаш, бошқа тиллардан сўз қабул қилиш, сўз ва қўшимчаларни бошқа – кўчма маъноларда кўллаш, ижтимоий келишув, шоир, воиз ва адиллар нутқининг таъсири қабилар) асосида бойитиб, ўз эҳтиёжларига мослаштирганлар. Жумладан, Ал-Харасий ижтимоий келишув назарияси борасида таъкидлашича, жамиятда тил предмет ва тушунчаларга ишора қилиш, шунингдек, фикрни бир-бирига маълум қилиш учун керак бўлган. Дастлаб тил факт ундошдан иборат эди, бироқ кейинроқ одамлар икки, уч, тўрт, беш ундош ва унлилардан иборат бўғин ва аффикслар ҳосил қилганлар ва ниҳоят тил яратилган.

Тилнинг шаклланиши, ривожланишида жамиятнинг ўрни масаласида ҳам мусулмон олимлари ўзига хос ижтомоий нуқтаи назарга эга эдилар. Масалан, профессор Н.Маҳмудов “Тил” рисоласида асосли илмий ҳаволалар билан Бобур Мирзонинг невараси Акбаршоҳ ўтказган бир тажрибани баён қиласиди⁶⁵.

Акбаршоҳ яҳудий, мусулмон, насроний ва буддавий диндаги олимлар

⁶⁵Махмудов Н. Тил. -Тошкент: Ёзувчи, 1998. – Б. 6-7.

орасида чиқкан низо (яъни ташқи мұхит (жамият) таъсири бўлмаса, боланинг туғма табиий тили қайси тил бўлиши мумкинлиги ҳақидаги баҳс)ни ҳал қилиш мақсадида турли дин ва оилаларга мансуб 12 болани ажратиб, соқов энагаларга топширади ва жамиятдан батамом узилган ҳолда тарбиялайди. Лекин болаларда ҳеч қандай тил ўз-ўзидан ривожланмайди. Аксинча, бу тилларнинг тугунини ечмоқ энди тамоман мушкул эканлиги, нутқ товушларини айттирмоқ замони ўтиб бўлганлиги аниқланади, холос.

Глоттогенез масаласи бўйича асосий диний қарашлар билан танишиш шуни кўрсатадики, дин тилни Худо бандаларига инъом қилган, тилнинг ишига одам аралаша олмайди, деган ғояни илгари суриши, уни зўр билан тарғиб этиши, куч билан ҳимоя қилишига қарамай, қадим давлардан бошлаб олимлар тилнинг ижтимоий моҳияти, жамиятнинг тил ривожига таъсири масалаларида қимматли фикрларни илгари суришган.

Тилнинг пайдо бўлиши борасидаги диний қарашлар талқини яқунида глоттогенезга соф илмий-идеалистик қараш устида ҳам қисман тўхталиб ўтмоқ жоиз. Бундай ёндашишнинг диний ёндашиш билан умумийлиги шундаки, ҳар иккала ёндашувда ҳам тилни ғайритабиий куч (Худо, Аллоҳ, Мутлақ Рух, ҳалқ руҳи, илоҳий шахс ва х.) яратган ва инсонга тайёр шаклда берган деган умумий гоя ётади. Диний-идеалистик ва илмий-идеалистик қарашлар орасидаги фарқ шундаки, улардан биринчиси ўз қарашларининг исботи сифатида муқаддас китобларни тан олади, иккинчиси эса ўз қарашларини у ёки бу шаклдаги таҳлилий илмий-мантиқий асос, кузатиш, умумлаштиришлар билан исботлашга, ўзгаларни унга ишонтиришга ҳаракат қиласи. Жорж Беркли, Давид Юм, Иммануэл Кант, Фридрих Ҳегель, Фридрих Шеллинг, Иоҳанн Фихте каби файласуфларнинг, уларнинг фалсафий қарашларига таянган ҳолда тил тадқиқи масалалари билан шуғулланган Франс Бопп, Расмус Раск, Яков Гримм, Август Шлейхер, Вилгельм Ҳумбольдтлар тил тараққиётида икки давр – тарихдан олдинги ривожланиш ва тарихий таназзул (бузилиш) даврларини ажратишади. Бу объектив идеалистик фалсафадаги (жумладан, И.Кант ва Ф.Ҳегель таълимотида) Рухнинг дастлаб товуш оламида (ҳалқ шакллангунча) ижоди (тараққиёти) ва маълум бир чўққига кўтарилигач, тараққиётдан тўхтаб, бирор ривожланиш нуқтасида турган (морфологик қурилишининг аморф – полисинтетик – агглютинатив – флексив босқичларидан бирига етган) тил сифатида ҳалққа тайёр ҳолда ўтиши, бу эса энди тилнинг бузилиш даври бошланиши ҳақидаги таълимотнинг тилшуносликка айнан кўчирилишидир. Шунинг учун глоттогенезнинг диний ва илмий-идеалистик талқини бизни қизиқтирган масала юзасидан айнан: тилни одам (ҳалқ, жамият ва х.) яратмайди, балки жамият уни тайёр ҳолда олади⁶⁶.

Тилнинг пайдо бўлиши ҳақида дуалистик ва материалистик қарашлар

Дуалистик қарашлар. Диний ва дунёвий, материалистик ва идеалистик – умуман икки бир-бирига зид қарашларни ўзида бирлаштирувчи талқинлар

⁶⁶ G.Hegel. The science of Logic. Cambridge. P.76.

(нуқтаи назар, дунёқарааш) дуалистик қарап дейилади. Тилнинг келиб чиқиши масаласига дуалистик ёндашиш ҳоллари анчагина. Бунинг намунаси, жумладан, ислом тилшунослигига мутазаллийлар қарапларида қисман кўриб ўтилди. Глоттогенез масаласига дуалистик ёндашишнинг моҳияти қуидагилардан иборат:

1) тилни илк кўринишда Худо яратган ва бандаларига (Одам Ато орқали) неъмат сифатида тухфа этган. Бу – тилнинг халқ учун асосий алоқа-аралашув қуроли бўлишдан олдинги ҳолати;

2) халқ шаклланиб, тил унинг алоқа-аралашув қуролига айлангач, у жамият, унинг эҳтиёжлари, ҳаёт тарзи таъсири остида ривожланади (парчаланади, бирлашади, аралашади, хуллас, илоҳий куч аралашувисиз ўзгаради).

Умумий моҳияти шунга ўхшаш бўлган дуалистик қараплар даври, диннинг таъсир кучига кўра бир-биридан хусусий жиҳатлари билан фарқланади (масалан, Худо Одамга баъзи мавҳум тушунчаларни ва номлаш тамойилларинигина ўргатган, Одам Ато ва фарзандлари сўзларни товушларга тақлид асосида, бир сўз таркибидаги айрим товушларни алмаштириш заминида, сўзларни кўчма маънода ишлатиш йўли билан янги-янги ифода воситаларини шакллантиришган).

Дуалистик қараплар – XIX асргача, фан дин ҳукмронлигидан батамом кутулгунга қадар асосий нуқтаи назар бўлиб келди. Европа фалсафасида – немис мумтоз идеалистик фалсафаси ва француз атеистик материализмигача бўлган даврда (Френсис Бэконнинг руҳлари, Рене Декартнинг тугма ғоялари, Готфрид Лейбницнинг монадалари асосларида) бу йўналишда бир қанча ғоялар ўртага ташланди. Масалан Бобил воқеасидан кейин (ёки ҳар хил табиий фожеалар – улкан ёнғин, тошқин, зилзила, қурғоқчилик, уруш, ҳайвонлар ёки касалликлар хуружи ва бошқалар натижасида) кишилар дунёнинг турли бурчаклари(қисмлари)га тарқалишга мажбур бўлгач, тиллари орасида фарқлар ошиб боради, янги-янги нарсалар ва ҳодисаларни аташ ва номлашга эҳтиёж туғилади. Маълумки, эҳтиёж – барча қашфиётларнинг онаси. Одамлар – энди бир-биридан узилган гуруҳлар томонидан мустакил равишда – янги-янги сўз ва ифода воситаларини яратадилар. Тилларро фарқлар ошиб бораверади. Бу борада Жон Локк ва Роберт Бойлларнинг фикрлари дикқатга сазовор. Тилни тугма ғоялар – бола онгига она қорнидаёқ Худо томонидан берилувчи, мужассамланувчи билимлар эмас, балки ҳаётий тажриба асосида олинадиган билимлар сифатида баҳоловчи, талқин қилувчи бу олимлар тилнинг ривожланиши, нутқнинг бой ва таъсирчанлигига таълим, тарбия ва ҳаётий тажрибани биринчи ўринга қўядилар. Хотфрид Лейбниц эса бу масалага ўта қатъийлик билан ёндашиб, тилларни илоҳий (табиий) ҳамда сунъий тилларга ажратади. Сунъий тил деб у муайян мақсадлар учун алоҳида кишилар томонидан яратилган тилни – нутқ кўринишларини назарда тутади. Бундай тиллар сирасига турли жаргон, арго, яширин тил, баъзи дунё табиий (асосан, Европа мамлакатларида кам тарқалган ва иероглифик ёзув тизимидан фойдаланганликлари сабабли европаликлар учун ғайриоддий кўринган) тилларини киритади. Унинг фикрича, тонли ва иероглифик ёзувли барча

тилларни бирор киши ихтиро қилган бўлиши мумкин. Табиий тил – бу Одам Ато тилидир (лингуга адамиса). Ундан бошқа тиллар келиб чиқсан. У ҳозирда мавжуд бўлган бирорта тилга ўхшамайди – тамоман ўзгача бўлган.

Глоттогенез ҳақидаги илмий қарашларда Этен Кондилякнинг изланишлари муҳим ўрин тутади. 1746 йилда чиқсан “Инсоний билимларнинг келиб чиқиши манбалари” асарида бу муаммога энг катта бўлимни ажратади. Э.Кондиляк “Таврот” талқинларини инкор этмайди, балки қуйидаги гипотетик таҳлилни келтиради. Тўфондан кейин у ва бу жинсга мансуб икки бола чўлда адашиб қолишади. Рамзлардан фойдаланишни ҳали ўғанишмаган эди. Улар ўзаро фикр алмашишга мажбур бўлишади ва тақлид товушлардан фойдаланишади. Унинг фикрича, биринчи исмлар ҳам, сўзлар ҳам тақлидлар бўлган.

ХВ-ХИХ асрларда яшаб ижод этган ҳар бир етук файласуф ва олим тилнинг келиб чиқиши ва ривожланиши хусусида ўз фикрларини баён этган. Булардан материалистик (номиналистик, сенсуалистик) ёндашувга яқинроқ бўлган файласуфларнинг қарашлари (Ф.Бэкон, Р.Декарт, Ж.Локк, Ҳ.Лейбниц, Пер Гасценди, Бенедикт Спиноза, Жон Толанд, Жозеф Пристли ва б.) дуалистикдир.

Хуллас, глоттогенез ҳақидаги дуалистик қарашларнинг асосини – “тил – Худонинг неъмати, яъни сўзлаш қобилияти Оллоҳ томонидан ато этилган ва бандаларига инъом этилган, тилнинг кейинги тараққиёти эса инсоният, жамият тараққиёти, онгли тафаккури самарасидир” деган назария ташкил этади⁶⁷.

Материалистик қарашлар. Материалистик дунёқарашда тилнинг пайдо бўлиши ҳалқ, жамият билан биргаликда олиб кўрилади. У тилни жамиятнинг ички зарурати – аъзоларининг ижтимоий меҳнат ва ҳаёт жараёнида бир-бирлари билан алоқа-аралашувини таъминлашни қондиришга интилиши натижасида ривожланган, дастлаб алоқа-аралашув, кейинчалик тафаккур воситаси деб билади. Тилни инсон, ҳалқ, жамият яратади, ривожлантиради. Тил жамият билан бирга туғилади, яшайди ва бирга ўлади. Бу ғоя ғўр ва деярли асосланмаган (декларатив) шаклларда антик давр олимлари қарашларида мавжуд бўлиб, ХВИИИ аср француз маърифатчилари (Франсуа Вольтер, Жан Жак Руссо), материалистлар (Дени Дидро, Жулен Ламеттри, Пол Голбах, Клод Гелвеций, Людвиг Фейербах) уни фалсафий-тарихий нуқтаи назардан асослашга ҳаракат қилган.

Илмий лингвистик адабиётларда тилнинг келиб чиқиши муаммосига оид икки хил материалистик назария анъана тусига кириб қолган – булар ундовлар ҳамда тақлидлар назариясидир. Биринчиси сўзлар ибтидосини ҳислар ифодасида кўрса (бу ҳайвонларда ҳам бор), иккинчиси илк сўзларни табиат товушларига тақлид натижаси деб тушуниради.

Таъкидлаш жоизки, ХВИИИ асрдаёқ бу назарияларнинг бирида қатъий фикр айтиб, уни лисоний ҳодисалар мисолида асослашга интилган олимни кўрсатиш қийин. Иккинчидан, ундовлар ва тақлидлар назарияси бир-бирига зид эмас, аксинча, бир-бирини тўлдиради. Уларнинг боғлиқлиги шундаки, инсоний сўзларга айланган товушларнинг дастлабки асосини ҳиссиётларни ифодаловчи

⁶⁷ G.Hegel. The science of Logic. Cambridge. P.82.

ундовлар (албатта, сўз туркуми сифатида эмас) ташкил этади. Сўзлар нисбатининг кўпайиши эса воқеликка бўлган тақлид орқали содир бўлган. Бир сўз билан айтганда, бу назариялар тилнинг юзага келишида турли босқичларни ифодалайди⁶⁸.

ХВИИИ аср манбаларида ундов ва тақлидлар, одатда, луғат таркибини тўлдиришнинг ёндош асослари сифатида талқин қилинади, бироқ баъзиларида диққат ва мойиллик улардан бирига қаратилади. Муаллифларнинг у ёки бу назарияга тарафдорлигини аниқлашда чалкашлик туғилади. Иоҳанн Ҳердер ёки Шарл де Бросс гоҳ ундов, гоҳ тақлид назариясининг тарафдорлари сирасига киритилади. Хусусан, Шарл де Бросс шундай ғояни илгари суради: “Ёввойи одам қуролни тўғридан-тўғри “пу” дейди, қушни “ку-ку” деб атайди, чунки қуш шунга ўхшаш товуш чиқаради. Мана – сўзлар тузишнинг биринчи механик усули.” Бу ерда Ш.де Бросс “тақлидчи” сифатида кўринади.

Анн Робер Жак Тюрго товуш нутқининг уч асосини – ундов, тақлид ҳамда чучмал сўзлар (бона нутқида уқиб-уқилмас талаффуз этиладиган товушлар сираси) ни ажратган бўлса, Жан Жак Руссо ундов ва тақлидлар билан чегараланади. Ш.де Бросс эса бундай асосларнинг 5 турини фарқлайди:

1) ундовлар – ибтидоий тилнинг илк сўзлари: шодлик, қайғу, нафрат ва иккиланиш оҳанглари билан ихтиёrsиз равишда талаффуз этиладиган ўзаро боғланган, кўп ҳолларда бир-биридан аниқ ажралмаган ҳайқириқ-ундовлар⁶⁹;

2) ҳар қандай келишувдан мустасно, нутқ аппаратининг тузилишидан келиб чиқувчи гўдак сўзлари (чучмал сўзлар): *баба, дада, нана, мама* ва ҳ. ;

3) аъзолар ҳаракати ва вазифасига кўра берилган исмлар, масалан, *гаргара, иилтир* (йилдиз – юлдуз);

4) предметнинг физик хусусиятларидан олинган исмлар – тақлидлар: *тиқ-тиқ – тиқтиқа, чиқ-чиқ – чиқчиқа, варрак*;

5) товуш рамзийлиги тамойили⁷⁰ асосида қурилган сўзлар.

Ундов назарияси ҳам, тақлид назарияси ҳам тилнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш сабаби ва асосларини одамларнинг биргаликдаги меҳнат ва ишлаб чиқариш (илк босқичда овлаш) фаолияти эҳтиёжида кўради. XIX асрнинг иккинчи ярмида бу ижтимоий меҳнат тамойили марксистик таълимотда мутлақлаштирилди.

Моҳиятан атеистик бўлган бу дунёқараш глottогенез борасида “илоҳий неъмат” тушунчасини буткул инкор этиб, тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида ижтимоий меҳнат тарзини диққат марказига қўяди ва ўз талқинини объектив, ягона тўғри таълимот деб ҳисоблайди. К.Маркс,

⁶⁸ Ferdinand de Saussure. Course in General Linguistics. McGraw Hill Book Company. P.88.

⁶⁹Хозирги ўта ривожланган тилларда ҳам ундов ва тақлидларнинг товуш таркибини аниқ тасвиrlаш қийин: *вой-буу, ҳөхөеий, ўххўй* каби.

⁷⁰Антик давр тилшунослигига ёқ аналогистлар (нарсанинг номланиши билан унинг табиати орасида боғланиш бор деган назария тарафдорлари (Кар.: Античные теории языка и стиля. Отв. ред. О. М. Фейденберг. – М. – Л.: Изд. АН СССР, 1936; Амирова Т. А. , Ольховиков Б. А. , Рождественский Ю. В. Очерки по истории лингвистики. – М.: Наука, 1976. – С. 33-38) товушларни “яхши-ёмон”, “ёқимли-ёқимсиз”, “тотли-тотсиз”, “қаттиқ-юмшок” каби жуфларга ажратишган, сўздаги товушлар билан нарсанинг табиати орасидаги мувофиқликни исботлашга уринишиб, товуш рамзийлиги назариясини ишлаб чиқкан эдилар.

Ф.Энгельс, В.И.Ленин каби файласуфлар бу назариянинг асосчиларири. Масала Ф. Энгельснинг тугалланмаган ва ноширлар томонидан ”Табиат диалектикаси“ деб номланган асарининг “Маймуннинг одамга айланишида меҳнатнинг роли” бобида маҳсус таҳлил этилган.

Ижтимоий меҳнат назариясига кўра, тил ибтидоий одамларнинг биргаликдаги меҳнат фаолияти жараёнида кишилик жамиятининг вужудга келиши билан пайдо бўлди. Ҳайвон аждодларидан одамга ўтиш мобайнида (миллион йил) питекантроп ва синантроп даврида қурол ясаш билан боғлиқ ҳақиқий маънодаги меҳнат келиб чиққанидан сўнг товуш ва размлардан иборат нутқ юзага чиқа бошлади. Товушлар ҳиссиёт ва ахлоқ ифодасининг воситаси бўлибгина қолмай, нарсаларни, уларнинг сифати ва муносабатини ифодалашнинг қуролига айланади. “Ривожланган одамларда бир-бирига нимадир айтиш эҳтиёжи сезилди. Эҳтиёж ўз органини яратди: ривожланмаган томоқ ҳам аста-секин модуляция ёрдамида юксала борди, оғиз органлари эса бир алоҳида товуш кетидан бошқасини талаффуз қилишга мослаша борди.”⁷¹

Археологик материалларнинг кўрсатишича, специфик белгиларга эга нутқ кроманон одам даврига тўғри келади, бу ҳақда унинг периферик нутқ органлари ҳамда қуйи палеолитдаги ъномо сапиенс (онгли одам) нинг шаклланиши далолат беради.⁷²

Маркистик назария моҳиятан ундов ва тақлид назариясига илоҳий аралашув омилини бутунлай рад этишдан бошқа ҳеч бир янгилик қўша олмаган бўлса-да, совет (коммунистик) мафкураси зўравонлиги ва мутлақлиги даврида у кўкларга кўтариб макталди. Лекин, барibir, маркистик талқин ҳам бир фараз, гипотезадан нарига ўта олмайди, чунки ўз назариясини исбот эта олмайди: ҳозирги кунда бу назария ўзагини ташкил этувчи Чарльз Дарвиннинг одамнинг маймундан пайдо бўлганлиги ҳақидаги фаразининг ўзи шубҳа остига олинмоқда.

Тилнинг пайдо бўлиши ва илк тараққиёти масаласи билан қисман бўлса-да, танишиш фан олдида ҳали ечимини топмаган муаммолар талайлигини кўрсатади. Хусусан, одам, тил, туйғу каби инсоннинг инсонийлигини белгиловчи ҳодисаларнинг пайдо бўлиши ва илк тараққиёт босқичларининг моҳияти ҳақида бизнинг – компьютер, робот ва космосни ўзлаштириш даври кишиларининг билимлари антик давр одамлари билимларидан юксак эмас. Бу билимнинг чексизлиги, билим хазинаси ошишининг нақадар мураккаблиги – олдимизда қандай чигал муаммолар турганлигига далил.

Тилшунослик бўйича дарслик ва қўлланмаларда глottогенез масаласининг ёритилиши

Масаланинг қўйилиш сабаблари. Тилнинг келиб чиқиши масаласини шарҳлаш ўқув-методик қўлланмаларда акс эттирилиши лозим. Дастрлаб бир мантиқий саволга жавоб бериш зарур. Қўлланма (дарслик)лар, албатта, илмий ютуқларга таянади, фаннинг маълум бир (жумладан, глottогенез) соҳасидаги

⁷¹Маркс К. , Энгельс Ф. Асарлар. 2-нашр. 2-т. – М.: Политиздат, 1955. – Б. 489.

⁷²Бу ҳақда қаранг: А. А. Леонтьев. Возникновение и первоначальное развитие языка. – М.: Наука, 1963.

ютуқлари билан танишишдан сўнг методик адабиётлар устида тўхталишга ҳожат борми? Умуман ва мантиқан эҳтиёж йўқ. Лекин тараққий ҳолатимиз ва хусусиятларимиз ҳисобга олинса, бундай иш келажак учун фойдадан холи эмас, чунки:

биринчидан, Совет Иттифоқи хукмронлиги даврида атеистик материалистик дунёқараш хукмрон ва ягона мафкура эди. Бундай ёндашиб методик адабиётларда ҳам ўз аксини топган ва шу дунёқарашдан ўзгалари инкор қилинар ёки яширилар эди. Бу нималарга олиб келганлигини ўша давр дарсликлини таҳлилисиз уқиш ва бундай хатолардан сақланиш чораларини ишлаб чиқиши, амалиётга татбиқ этиши мумкин эмас;

иккинчидан, мустақил Ўзбекистон ёшлари олдида таълимнинг барча бўғин ва босқичлари учун ҳам миллий қадриятларимизга, ҳам жаҳон фани ва маданияти савия ва талабларига уйғун методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш ва оммалаштиришдек масъул вазифа турибди. Ўтмиш давр хатоларини тақрорламаслик учун олдинги давр методик адабиётларига танқидий назар ташлаш зарур.

Жаҳон тараққиёти билан нисбатан уйғун ўқув-методик адабиётлар собиқ шўро мамлекати ҳудудида 1950- йиллардан кейин – генетика, кибернетика, структурализм каби 1930-йиллардан бошлаб “буржуа (антимарксистик ва антисоветик) фанлари” деб лаънатланган илмий йўналишлардан таъкиқ тамғаси олиб ташлангандан сўнг – амалиётга киритилганлиги боис, Ўзбекистонда ўтган асрнинг 60-90-йилларида амалиётда бўлган тилшунослик назарияси бўйича асосий ўқув қўлланмаларида глottогенез масалаларининг талқини билан танишамиз. Бу даврда ватанимизда кенг истеъмолда бўлган манбалар қўйидагилар:

1. Реформатский А.А. Введение в языкознание. – М.: Просвещение, 1955.
2. Головин Б. Н. Введение в языкознание. –М.: Просвещение, 1977.
3. Кодухов В. И. Введение в языкознание. –М.: Просвещение, 1987.
4. Азизов О. Тилшуносликка кириш. –Тошкент: Ўқитувчи, 1963.
5. Содиков А. ва б. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1981.

А. А. Реформатский, Б. Н. Головин ва В. И. Кодуховларнинг мазкур масалага оид марксистик таълимотгача бўлган қарашлар ва назарияларга муносабати. Кўринадики, етакчилик А.А.Реформатский дарслигига хос. Ҳақиқатан ҳам тилшунослик янгиланган ўтган асрнинг 50- йилларидан ҳозиргача бу дарслик ўз қийматини йўқотгани йўқ ва собиқ Иттифоқда турли давр ва тилларда нашр этилган “Тилшуносликка кириш” қўлланмаларига катта таъсир қўрсатди. Дарслик бир неча марта муаллиф томонидан қайта ишланиб такомиллаштирилди, вафотидан кейин (1978) ҳам нашр қилинди.⁷³ А.А.Реформатский етти бўлимдан иборат дарслигининг энг охирги бўлимини глottогенез масаласига бағишлади.

В.И.Кодухов эса глottогенез масаласига учинчи бўлимда⁷⁴ тўхталади ва уни жуда кенг ёритади. Унинг фикрича, “*тилнинг келиб чиқиши масаласи нафақат тилишунослик, балки антропология, зоопсихология, биология ва*

⁷³Интернет хабарларига кўра дарсликнинг бизга маълум охирги нашри 2003 йилда амалга оширилган.

⁷⁴Кодухов В. И. Введение в языкознание. – М.: Просвещение, 1987. – Б. 45.

этнография каби фанларда ҳам ўрганилади. Бу масалани жамият ва онг, шунингдек, инсоннинг келиб чиқиши тарихидан айри ҳолда методологик жиҳатдан тӯғри баҳолаб бўлмайди”⁷⁵.

Б.Н.Головин “Тилнинг келиб чиқиши ҳақида” сарлавҳаси билан бошланувчи ХИИ бобда – “фан биринчи тил айнан қайси товуш ва сўз ёки жумлалар мажмуидан иборат бўлган, деган саволга жавоб бера олмайди, лекин у инсон тили қачон ва қандай шароитларда пайдо бўлиши керак эди ва пайдо бўлди ҳамда бу тилнинг энг умумий белгилари қандай бўлганлигини аниқлай олади” деган қарашни илгари суради.⁷⁶

Мазкур лингвистик дарслкларда бу давр ғояларига муносабат қай даражада?

Таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳар уч манбада ҳам диний қарашлар назардан четда қолдирилган. Совет ва марксистик мафкуранинг таъсири ва тазиёки остида олимлар тилнинг пайдо бўлиши борасидаги диний ёхуд диний-мифологик, антик таълимот ва қарашларни умуман ҳисобга олишмаган, инкор этишган. Буни узоқ йиллар давомидаги атеистик тафаккурнинг салбий оқибати сифатида изоҳлаш мумкин. Масалан, В.И.Кодухов тилнинг келиб чиқиши ҳақидаги таълимотларни икки асосий грухга бўлади:

- 1) биологик назариялар;
- 2) ижтимоий назариялар.

Тилнинг келиб чиқиши борасидаги илоҳий ва мифологик қарашларни шарҳлашни бошқа муаллифлар исташмаган ёхуд бу аспектни ўрганишмаган, аниқроғи қизиқишимаган. Масалан, Б.Н.Головин биологик (ундов назарияси ва тақлид назарияси) ҳамда социал қарашларни ёритишдан олдин бундан-да илгариги ғояларга эътиroz билдиради: “Не будем сейчас рассматривать длинный и сложный путь блужданий мысли человеческой, пытающейся понять, как и почему возник язык.”⁷⁷

Фақат А.А.Реформатский мавзуга киришда насроний қарашлардан мисол келтириб ўтади ва бунга ўзининг зид муносабатини, киноя ва шубҳаларга тўла мулоҳазасини келтиради: “Таврот” ривоятларидаёқ биз икки хил қарашни кузатишшимиз мумкин. Библия китобининг Ибобида Худо дунёни сўз афсуни ёрдамида яратган ва инсоннинг ўзи сўз қудрати ила яратилган эди, кейинчалик Одам орқали маҳлуқотлар аталганлиги ёзилган.” А.А.Реформатскийнинг таъбири билан айтганда, “бу содда афсоналар” (эти наивные легенды)да икки нуқтаи назар мавжуд: инсон воситасида пайдо бўлмаган тил ва инсон орқали яратилган тил. “Биринчиси, яъни инсондан ташқарида бўлган тил дастлаб “илоҳий инъом” сифатида тушунтирилар эди”, дейди олим. Тилшуноснинг қуйидаги кескин эътирози тилнинг илоҳий келиб чиқиши тўғрисидаги фикрга муносабатини яққол ифода этади: “...нафақат антик файласуфлар, балки “черков оталари” ҳам барча нарса, шунингдек, тилнинг ўзи ҳам худонинг инъоми дея эътироф этсалар ҳам, худонинг инсонларни лугат ва грамматикани ўргатувчи “мактаб

⁷⁵ Головин Б. Н. Введение в языкознание. – М.: Просвещение, 1977. – С. 224.

⁷⁶ Ўша манба. – С. 224.

⁷⁷ Головин Б. Н. Введение в языкознание. – М.: Просвещение, 1977. – С. 224.

үқитувчиси”га айланганлигига иккиланишар, ишиңқирамас эдилар, шунда улар шундай йўлни ўйлаб чиқариши: худо инсонга сўзлаш, нутқ қобилиятини инъом этди, лекин нарсалар номини бермади.”⁷⁸

Ундов ва тақлид назариясига келсак, ҳар учала муаллиф бу масалага танқидий ёндашадилар. Тақлид назарияси ҳақида Б.Н.Головин шундай илмий таҳлилни кўрсатади: “Ҳақиқатан ҳам барча тилларда биздаги **гав-гав, кукушка, мяу каби тақлидий сўзлар бор.** Лекин, биринчидан, улар кўп эмас. Иккинчидан, одамларга энг керакли ва энг кўп қўлланилувчи сўзларда товушга тақлид йўқ: **вода, земля, небо, трава, хлеб ва ҳ.**” А.А.Реформатский ҳам бу муносабатни ёқлаб, шундай танқидий мулоҳазани илгари суради: “Язык возникает и развивается у человека совместно с мышлением, а при звукоподражании мышление сводится к фотографии.” Шунингдек, ундов назарияси ҳам муаллифлар томонидан, марксистик ғоялар таъсирида жиддий зарбага учради. А.А.Реформатскийнинг фикрича, бу назария тилга эҳтирос ва эмоциялар орқали етиб келган “тилсиз инсон”ни назарда тутади. В.И.Кодухов рефлексли назариянинг тарафдорлари А.Штейнталъ, Ч.Дарвин, А.Потебня бўлганлигини таъкидлайди. А.А.Реформатский дарслигида, шунингдек, “мехнат (билин боғлиқ) қичқириқлар” назарияси билан ҳам танишиш мумкин. Бу назария ХИХасрда гўл (вульгар) материалистлар ишларида юзага чиқсан бўлиб (Л.Нуаре, К.Бюхер), жамоавий меҳнат жараёнидаги қичқириқлардан тил пайдо бўлганлигини исботламоқчи бўлади. Олимнинг танқидий фикрича, бу товушлар – факат меҳнатни ритмиклаштириш воситаси, холос; улар ҳеч нарсани, ҳаттоқи эмоцияларни ҳам ифодаламайди, балки иш жараёнида факат ташқи, техник восита бўлиб хизмат қиласди⁷⁹.

Адабиётларда “ижтимоий келишув” назарияси ҳақида ҳам жуда кенг маълумот берилади. Шунингдек, инсон нутқининг пайдо бўлишида имоишоранинг роли ҳақидаги қарашлар ҳам батафсил шарҳланган. Бунда муаллифларнинг марксистик таълимотгача бўлган қарашларга мана бундай муносабатини илғаш фойдали: “...все подобные теории игнорируют язык как общественное явление.”⁸⁰

А.А.Реформатский, В.И.Кодухов, Б.Н.Головин ўз дарсликларида тилнинг келиб чиқиши ҳақидаги марксистик таълимотга таянишган. Бунда Ф.Энгельс ҳамда К.Маркснинг асарлари асосий манба саналади. В.И.Кодухов ўз китобида шундай маълумот келтиради: “Инсон ва унинг тилининг шакланишига таъсир қилган кўплаб омилларга қарамай, масаланинг марксча қўйилиши – бу барча омиллардан ишлаб чиқариши, яъни жамиятдагина мавжуд бўладиган яратиш фаолияти етакчи ҳисобланишини назарда тутади”(52-б.). Унинг фикрича, меҳнат қуролларини ясаш ва уларни ишлатиш – бу инсон меҳнат фаолиятининг икки муҳим таркибий қисми. Онг – худди тил каби фақат жамиятда пайдо бўлади, инсон ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида ҳамиша предметларга у ёки бу номни бериб, уларнинг янги хусусиятларини очаверади. Тил эса инсон

⁷⁸Реформатский А. Введение в языкознание. – М.: Просвещение, 1955. – Б. 348.

⁷⁹G.Hegel. The science of Logic. Cambridge. P.95.

⁸⁰Реформатский А. А. Введение в языкознание. – М.: Просвещение, 1955. – Б. 352.

фикрлаш фаолиятининг бу ютуқларини мустаҳкамлаб, онгнинг ривожига таъсир кўрсатади. Ўзининг умумлаштирувчи вазифасига кўра сўз секин-аста иштирок этмаётган предметларни ҳам атай бошлайди. Сўз – инсоннинг ҳиссий табиати каби фикрлаш фаолиятининг воситасига айланади. Ҳар уч дарсликда Ф.Энгельснинг асаридан қўйидаги далил келтирилади: “*Минг йиллик курашдан сўнг ниҳоят қўл оёқдан фарқланаб, тўғри юриши шаклангач, инсон маймундан ажралди ва нутқнинг ривожланиши учун замин яратилди.*”

Тилнинг келиб чиқиши ҳақида Ф.Энгельс таълимотидаги асосий ғоялар қўйидагилар:

- тилнинг келиб чиқиши масаласини инсоннинг келиб чиқишидан айри ҳолда ўрганиш мумкин эмас;
- инсоннинг келиб чиқиши меҳнат пайдо бўлиши ва ривожи билан боғлиқ;
- фақатгина тилшунослар бу муаммони ечолмайдилар, зеро у қўпгина бошқа фанлар (тилшунослик, этнография, антропология, археология, палеонтология ва умумий тарих)нинг тадқиқига муҳтож;
- тил инсон билан пайдо бўлган экан, демак ”тилсиз инсон“ бўлмайди;
- тил инсоннинг бир “нишонаси” сифатида пайдо бўлди, инсон тилсиз инсон бўлолмас эди;
- агарда “тил инсоний муомаланинг энг муҳим воситаси бўлса”, у айнан “инсоний муомала”га эҳтиёж пайдо бўлгач, юзага келди;
- тил – ҳайвонларда бўлмаган тушунчаларни ифодалаш учун керак бўлди;
- тил ахборот бериши, нарсани аташи, тушунчаларни ифодалаши, ҳислар ва истакларни тасвирлаши керак. Бусиз тил – тил эмас;
- тил товуш тили сифатида пайдо бўлди.

Б.Н.Головин ўзининг “Введение в языкознание”номли дарслигида Ф.Энгельснинг қўйидаги илмий-назарий мулоҳазасини келтиради: “*Коротко говоря, формировавшиеся люди пришли к тому, что у них появилась потребность что-то сказать друг-другу. Потребность создала себе свой орган: неразвитая гортань обезьяни медленно, но неуклонно, преобразовывалась путем модуляции для все более развитой модуляции, а органы рта постепенно научались произносить один членораздельный звук за другим...*”

Шуни алоҳида эътироф этиш мумкинки, тилнинг пайдо бўлиши хусусидаги марксча талқин айнан В.И.Кодухов дарслигида кенг, изчил ва анча ишонарли, илмий ва фактик далилланган. Бу мавзу – табиатнинг одамсимонлашуви жараёнининг узоқлиги; ишлаб чиқариш фаолияти – инсон, жамият ва тилнинг пайдо бўлишига асос сифатида; онгнинг пайдо бўлиши ва тилнинг юзага чиқиши; фикрлаш ва сўзлаш қобилияти физиологик асосларининг намоён бўлиши ва ривожланиши; дастлабки инсон нутқи ҳақида каби қисмларга бўлинган ҳолда батафсил ёритилган.

Ҳар уч муаллиф илмий хулосасининг моҳияти қўйидагича: фикр ва нутқнинг ривожланиши меҳнатга таъсир қилди, уни янада аниқ ва таъсирчан қилди. Янги қуроллар ясалишига, меҳнат усувларининг очилишига олиб келди. Меҳнат ривожи яна тафаккур ва нутққа таъсир қилди.

Ўзбек тилшунослигида тилшунослигида тилнинг пайдо бўлишига

муносабат масаласи. Ўзбек тилида университетларнинг филология факультетлари ва педагогика институтларининг тарих ва филология факультетлари учун О.Азизов томонидан яратилган “Тилшуносликка кириш” кўлланмаси (-Тошкент, 1963) ҳамда А.Содиқов, А. Абдуазизов, М. Ирисқуловларнинг “Тилшуносликка кириш” (-Тошкент: Ўқитувчи, 1981), М. Ирисқуловнинг “Тилшуносликка кириш” (-Тошкент: Ўқитувчи, 1992) дарсликлари амалда. Агар мазкур муаммонинг бу дарсликларда ёритилиши билан танишиладиган бўлса, глottогенез масаласи (барча илмий талқинлар каби) миллий, шарқона, ўзбекона хусусиятлардан келиб чиқиб талқин қилинмаганлигининг гувоҳи бўламиз. Бунинг ижтимоий, сиёсий ва маънавий сабабларини қидиришнинг ҳожати йўқ. Бироқ уларда мавжуд нуқсон ва камчиликларни бугунги кун нуқтаи назаридан илғаш муҳим.

Биринчидан, даврнинг ўта жиддий нуқсони – марксистик таълимотни илоҳийлаштириш, мутлақлаштиришга йўл қўйилган. Масалан, “дунёда энг аввал пайдо булган тилнинг фонетик тузилиши, сўз бойлиги қандай эканлигини, грамматик шакллари нималардан иборат эканлигини билиши мумкин эмаслигидан қатъи назар, марксизм-ленинизм таълимоти умуман тилнинг қандай шароитларда пайдо бўлиши масалаларини тўғри ҳал қила олади. Бошқача қилиб айтганда, марксизм-ленинизм таълимоти бу масалалар юзасидан умумий тўғри тушунча бера олади.”⁸¹ Бу юқорида қисман таҳлил этилган уч русча дарслик билан айнан бўлган фикрdir.

Иккинчидан, тилнинг келиб чиқишидаги илоҳий қарашлар рус тилидаги адабиётлардагидек инкор қилинган: “Турли нутқ товушларининг бирикиб, сўзлар ҳосил қилиши ва сўзлар воситасида гап тузиб, истак ва мақсадни ифодалаши, айниқса, кишилиқ жасамиятининг бошлангич даврларида одамларни ҳайратда қолдирган. Шунинг учун тилнинг пайдо бўлиши ҳақида кадимги кишилар турли ривоятларни тўқиганлар. Бу ривоятларнинг баъзиларида тилни худо яратиб, кишиларга тақдим килганлиги, айримларида эса тилни ажойиб бир донишиманд яратганлиги талқин килинади.”⁸²

А.Содиқов ҳаммуаллифлигидаги дарсликда эса диний ва мифологик қарашлар умуман ёритилмаган. Кўринадики, муаллифлар глottогенез борасидаги миллий, диний ва маънавий, қолаверса, умумбашарий меросимизни эътиборга олишмаган. Ваҳоланки, Қуръони оятлари, мусулмон филологларининг маълумотлари қўлланма мазмунини янада бойитган, мукаммаллаштирган, миллий тус берган, муаммони эса анча ойдинлаштирган бўлур эди.

Учинчидан, миллий дарсликларимизда, худди В.И.Кодухов асаридагидай, тилнинг келиб чиқиши масаласининг психология, физиология, этнография, археология, тарих ва шунга ўхшаш фанларда ўрганилиши таъкидланади, лекин энг асосий, методологик фан бўлган философия кўрсатилмайди.

Тўртинчидан, Марксача бўлган таълимотлар нотўғри, нообъектив ҳодисалар сифатида баҳоланади. Масалан, А.Содиқов ҳаммуаллифлигидаги дарсликда қуйидаги кескин эътиrozни кўрамиз: “...Одамсимон маймунларнинг

⁸¹Азизов О. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1963. – Б. 87.

⁸²Азизов О. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1963. – Б. 119.

тараққий қилмаган хиқилдоги эса турли товушларга тақлид қила олмас эди. Демак товушга тақлид назарияси тилнинг пайдо булиши масаласини ҳал қилолмайди. Бу назария тил билан тафаккур бирлигига зид бўлган назариядир.” Ёки “... тақлидий овоз ва ундов назариялари, асосан, психофизиологик планда сўзлашиби механизмининг келиб чиқишини ўрганишини биринчи даражали масала сифатида кўндаланг қилиб қўйди. Социал факторларни ҳисобга олмаслик тилнинг келиб чиқиши масаласига скептик муносабатда бўлишига олиб келди. Бунда биологик томонга ҳаддан ортиқ аҳамият беруб, одам ва кишилик жамиятининг пайдо бўлиши ҳисобга олинмайди.”

Миллий дарсликларимиздаги яна бир асосий камчилик – уларда ижодийлик, мустақиллик, эркин тафаккурнинг етишмаслигидир. Дарсликлар, асосан, рус муаллифлари қўлланмалари ва адабиётлари андозаси, нусхаси, эркин таржимаси сифатида яратилган. Муаммонинг ечими ўқувчининг тафаккур эркинлигига ҳавола этилмасдан, марксистик (атеистик) нуқтаи назар мутлақлаштирилиб, бундан аввалги қарашлар, назариялар буткул қораланганд ёхуд марксча дунёқарашга тамоман зид ғоялар сифатида баҳоланганд. Даврнинг фожеали акси сифатида марксистик мафкура ва унинг асосчиларини ҳаддан ташқари илоҳийлаштириш бўртиб туради.

Тўғри, биз ҳам тилнинг пайдо бўлиши ҳақидаги “мехнат назария”сини инкор қилиб, унинг ўрнига диний ёхуд ундовлар сингари қарашларни исботлашга қодир эмасмиз, лекин бу борадаги барча таълимотлар, умумбашарий ғоялар, мушоҳадалар билан, айниқса, миллий тарихимиз, маънавий қарашларимиз билан танишишга, ўрганишга, ҳаққоний ва танқидий кўз билан қараб, зарур дунёқарашга эга бўлишга тўла ҳақлимиз⁸³.

Аслида, дарсликлардаги мавжуд жиддий ҳамда жузъий хато-камчиликларнинг асл сабаби – уларга шўровий, марксистик ва атеистик мафкурунинг зўр бериб сингдирилганлигидир. Бироқ миллий истиқлолга эришиб, динимиз, тилимиз ва маънавиятимиз яна ўзимизга қайтган ушбу муборак замонларда, хурфикрлилик, демократик тамойиллар тарғиб этилаётган шундай даврда лингвистика ва фалсафанинг энг муҳим масаласи бўлган тилнинг пайдо бўлиши муаммосини миллий ва дунёвий қарашлар асосида, чуқур илмий ва фалсафий методологияга таяниб ёритиш, ўрганиш ва ўргатиш мақсадга мувофиқ. Бу эса олий ўқув юртларида “Тилшуносликка кириш”, “Тил тарихи” курсларида тилнинг келиб чиқиши муаммосини ўқитиш масъулиягини янада оширади. Зоро, бу мақсад миллий мафкурамизнинг миллий тарих ва маънавиятни ўрганиш, эркин, фаровон, демократик, қудратли жамият барпо этиш, баркамол шахсни тарбиялаш каби эзгу ниятларига ҳамда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг эркин фикрли, ижодкор, чуқур диний ва дунёвий илмлар билан мустаҳкам қуролланган етук шахсни тарбиялаш сингари талабларига тўла мувофиқ ва ҳамоҳанг.

⁸³ Andrew Radford. Linguistics. An introduction Secon Edition. Cambridge University Press. P.38.

Назорат саволлари:

1. Ўрта аср диний қарашларда тилнинг келиб чиқиши масаласининг моҳияти қандай эди?
2. Бу ҳақда қандай назарияларни биласиз?
3. Бир-бирига зид таълимотларнинг вужудга келишига нима сабаб бўлди?
4. Тилнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назариялар ҳақида маълумот беринг.
5. Дауалистик қарашларнинг ўзига хос жиҳатлари нимада?
6. Ундовлар ва тақлидлар назарияси ҳақида гапириб беринг .
7. Материалистик таълимотнинг мутлақлашган ғоя сифатида синдиришига салбий ҳодиса деб қарайсизми?

Адабиётлар рўйхати:

1. Абдуазизов А. Тилшунослик назариясига кириш. – Т.: Шарқ, 2010.
2. Абдуазизов А., Шереметова А. Общее языкознание. – Т., 2004.
3. Andrew Radford. Linguistics. An introduction Secon Edition. Cambridge University Press. P.8-62
4. Азизов О. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
5. Бушуй Т. Язык в истории развития человеческой мысли. – Ташкент: Фан, 2011.
6. Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. – Тошкент: Фан, 2007.
7. Дадабоев Ҳ. Тилшунослик назарияси ва методологияси. – Тошкент, 2004.
8. Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Тошкент, 2011.
9. Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г. Ҳозирги ўзбек адабий тили: Дарслик. – Тошкент, 2004.
- 10.Ирисқулов И.Тилшуносликка кириш.-Тошкент, 2008.
- 11.Холманова З. Тилшуносликка кириш.-Тошкент, 2007.
- 12.G.Hegel. The science of Logic. Cambridge.2009.
13. Ferdinand de Saussure. Course in General Linguistics. McGraw Hill Book Company.

4-мавзу. Тил ва тафаккур муносабати

Режа:

1. Тил ва тафаккур муносабати.
2. Тил ва тафаккур диалектикасида миллий ёндашув асослари.
3. Алишер Навоий қарашларида тил ва тафаккур муносабати масаласи.
4. Концепт, тушунча, сўз. Ҳукм ва гап.

Таянч тушунчалар: *Онг, тафаккур, тил, тил ва тафаккур муносабати, тил ва тафаккур бирликлари, тил ва нутқининг алоқаси, нутқининг тури ва кўринишлари.*

Онг, тафаккур, тил тушунчалари ҳақида. Инсон тафаккури, заковати – энг олий неъмат. Фикрлаш қобилияти эса инсоннинг барча муваффақиятлари асоси. Тафаккур орқалигина у обьектив борлиқни танийди, мантиқий билишга эришади. Инсоннинг онг ва шуури воқеликни идрок этиш, қабул қилиш жараёнини бошқаради. Онг, тафаккур ҳақида фикр юритар эканмиз, бу мураккаб инсоний ҳодисаларнинг нутқ билан, киши, халқ тили билан чамбарчас боғлиқ эканлигини, тилсиз тафаккур ва тафаккурсиз тил мавжуд эмаслигини яна бир карра таъкидлаш зарур. Шунинг учун файласуфлар “тил фикрнинг бевосита воқе бўлиши” эканлигини алоҳида уқтирадилар⁸⁴.

Онг – ижтимоий, психологик ҳодиса бўлиб, инсоннинг фикрлаш қобилиятини бошқаради. Онг – воқеликнинг киши миясида унинг бутун руҳий фаолиятини ўз ичига олган ва маълум мақсадга йўналган ҳолда акс этишидир. У – инсон миясига берилган сирли қобилият. Инсон ҳалигача онгли ускуна яратса олган эмас. Хотираси одамдан ўнлаб-юзлаб баравар ортиқ бўлиб, ҳатто юзлаб гўларни ташкил этувчи компьютерларда ҳам онг – мустақил фикрлаш қобилияти йўқ – улар инсон онги юклаган дастурни – амалиётлар алгоритмини бажаради, инсон юкини кўтаради, енгиллаштиради, холос.

Диний ва идеалистик таълимотда онг моддий борлиқдан аввал мавжуд бўлган ғайритабии құдрат – Худо, Аллоҳ, Рух ва ҳ.нинг хусусияти, деб баҳоланади. Жумладан, тасаввуф фалсафасида Ҳаққи мутлақнинг саккизта субутий – мутлақ ва тугалликда фақат ўзигагина хос бўлган сифот (хусусият) ларини Сўфи Оллоёр шундай тасвиirlайди:

*Субутийдур аниңг саккиз сифоти,
Сифат зоти эмас, на гайри зоти.*

⁸⁴ G.Hegel. The science of Logic. Cambridge. P.98.

*Ҳаёт-у, Илм-у, Қудрат ҳам Басар, Самъ,
Ироди-ю Қалом, Таквиндур, эй шамъ⁸⁵.*

Идеалистик фалсафада онг бирламчи, моддий дунёдан аввал мавжуд бўлган ғайритабиий қучнинг қобилияти ёинки унинг ўзи деб тан олинади ва борлиқда “Мен” (субъект) нинг нимагадир ички ёки ташқига муносабати деб тушунилади. Жумладан, бундай ёндашиш етакчиси Фридрих Ҳегель онгга шундай таъриф беради: “Сознание есть определенное отношение “Я” к предмету,”⁸⁶ безразлично внутреннему или внешнему.”⁸⁷

Материалистик таълимотда онг олий материя, яъни миянинг фақат унга хос вазифаси сифатида эътироф этилади ҳамда иккиламчи ҳодиса деб баҳоланади. Кўпгина илмий адабиётларда онг тушунчасига берилган қуйидаги тавсифни қўрамиз: “Сознание, одно из основных понятий философии, социологии и психологии, обозначающее человеческую способность идеального воспроизведения действительности в мышлении.”⁸⁸ Бир сўз билан айтганда, онг инсондан ажратилмаган ҳолда, унинг қобилияти, имкониятидан бири – борлиқ, унинг муносабатларини мияда акс эттириш ва хотирада сақлай олиш хусусияти сифатида талқин қилинади. Нима бирламчи-ю нима иккиламчи деган саволга жавобни очиқ қолдирган ҳолда, онгнинг қуйидаги дунёвий талқинига таянамиз: онг – билиш объектив воқеликнинг инсон миясида акс этиш жараёнида воқеланади. Фанда икки хил билиш фарқланади:

- сезгилар орқали билиш – фаҳмий (эмпирик) билиш;
- ақл, тафаккур орқали билиш – идрокий (рационал) билиш.

Фаҳмий билиш – сезги аъзоларимиз, бундан ташқари, тасаввур орқали ташки оламни қабул қилиш, англаш ҳодисаси бўлиб, у ҳайвонларда ҳам анча ривожланган. Лекин ақлий (идрокий) билиш жараёни фақат инсонга хос бўлган хусусият ҳисобланади. Бунда инсон нафақат ташки предметларни туйиб, ҳис қила олади, балки бу объектив материалларни ақл чиририғидан ўтказиб, фаҳмлайди, уларни қайта ишлайди, шу билан бирга, уларнинг энг муҳим хусусиятларини, белгиларини ажратса олади, фикр юритиб, хулоса чиқара олади, тушунчага эга бўлади ва хотирасида сақлайди. Мана шу жараён – ҳиссийликдан кейинги билишнинг энг юқори босқичидир. “Тафаккур – объектив воқеликнинг тасаввур, тушунча ва муҳокамадаги фаол инъикоси жараёни, инсоннинг фикрлаш қобилияти” (ЎТИЛ) бўлиб, фикрлаш жараёнида эгалланган билим, қўникма ва тушунчаларга асосланади. Тафаккур инсон сезги органлари ва ҳислари ёрдамида аниқлаган белгиларни идрокда янада мустаҳкамлабгина қолмай, уларнинг ички хусусиятлари, қонуниятлари,

⁸⁵Сўфи Оллоёр. Саботул ожизин. - Тошкент: Мехнат, 1991. – Б. 11. Матнга луғат: *субутий* – доимий, айрилмас, маълум бир нарсагагина хос белги-хусусият; *зот* – моҳият, субстанция, жавхар; *сифот* - субстанция, моҳиятнинг сифатлари, белги-хусусиятлари; *ҳаёт* – абадий тириклиқ, бокийлик; *илм* – билиш, билим; *қудрат* – ҳар нарсани қила олиш; *басар* - ҳар бир очиқ ва ёпиқни кўра олиш; *самъ* – айтилмаганни эшита олиш; *ироди* – истаган нарсани хоҳлай олиш ва қила олиш; *калом* – сўз, сўзлаш; *таквий* – бунёд қилиш, ўқдан бор қила олиш.

⁸⁶Гегель Ф. Г. Наука логики. Том 1. – М.: Мысль, 1970. – С. 7.

⁸⁷Ўша манба, ўша жой.

⁸⁸Большая советская энциклопедия. – М.: Изд. ИЗД. СЭ , 1976. Т. 24; Советский энциклопедический словарь. – М.: Изд. ИЗД. СЭ , 1981.

⁸⁹Хайруллаев М. , Ҳақбердиев М. Мантиқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – Б. 11-12; Туленов Ж. , Ғафуров З. Фалсафа. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997.

моҳиятини англашга хизмат қиласи. Муайян мантиқий билиш – воқеликнинг инсон онгидаги ҳаққоний (адекват) ва пухта тасаввур этилишида асосий роль ўйнайди. “Тафаккур ёрдами билан воқеликнинг умумий томонларини акс эттириш орқали якка, конкрет предметлар моҳиятини ҳам билиб оламиз. Тафаккур орқали бирор нарсани билиш учун, аввало, у ҳақда тушунча ҳосил қилиш зарур. Онгимизда предмет ҳақида тушунча ҳосил қилишда умумий қонун ёки умумий тушунчадан фойдаланилади. Масалан, сув молекуласи водород ва кислород атомларидан иборат бўлган мураккаб кимёвий модда эканлигини биламиз. Бу ўринда “мураккаб кимёвий модда”, “водород” ва бошқа шу каби тушунчалардан фойдаланиб, ҳодисани умумий қонунларга мослаштирамиз.”⁹⁰

Тил ва тафаккур яхлитлиги. Тафаккур ва фикрлаш жараёни билиш назарияси, психология ва нейрофизиологияда, шунингдек, кибернетикада ақлий амалиётларни техник моделлаштириш масалари билан боғлиқ шаклларда ўрганилади. Тафаккур индивидуал (субъектив) ва ижтимоий бўлиши мумкин. Ҳар бир инсон ўзига хос фикрлаш қобилиятига эга, лекин у ҳеч қачон жамият онги, қоидалари ва тафаккуридан, яъни ижтимоий тафаккурдан айри ҳолда яшай олмайди.

Тафаккурнинг тил билан зич алоқадорлиги хусусидаги таъкидни қайта-қайта эслатиб ўтиш ноўрин эмас. Тафаккур тил шаклида воқеланади, тилнинг ўзи тафаккур ҳам. Аниқки, ҳеч ким фикрлаш қобилиятини тилсиз тасаввур этолмайди – тил воситасида ўйлади, фикрлайди. Биологик нуқтаи назардан одам фикрловчи ҳайвон, яъни тафаккур қобилияти инсонни ҳайвондан ажратади. Тафаккур эса тил, сўз орқали юзага чиқади. Шу боис Алишер Навоий:

*Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин,*

деб сўзни беҳад улуғлайди.

ЎТИЛда тил сўзига тушунчасига қуйидаги изоҳ келтирилади: “Фикр ифодалаши ва ўзаро алоқа қуроли бўлиб хизмат қиласиган товушлар, сўзлар ва грамматик воситалар системаси.” Бу таърифда тилнинг коммуникатив функциясига ургу берилади. Бошқа манбаларда эса унинг абстракт, умумлашган тафаккур билан гносеологик муносабати ҳам эътиборга олинади: “Язык неразрывно связан с мышлением; является социальным средством хранения и передачи информации, одним из средств управления человеческим поведением” (СЭС). Умуман олганда, тил ва тафаккур муаммоси жуда кенг қамровли масала, бу борада яратилган кўплаб тадқиқотлар –бунинг ёрқин далили.⁹¹

Тилсиз тафаккур бўлмайди. Исталган предмет, воқеа ё ҳодиса ҳақида тил воситасисиз, сўз ва гапларсиз, ҳеч бўлмаса, ундовларсиз фикр ва тушунчани

⁹⁰Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – Б. 13.

⁹¹Карант: Колшанский Г. В. Логика и структура языка. – М.: Высшая школа, 1965; Панфилов В. З. Философские проблемы языкоznания. – М.: Наука, . 1977; Язык и мышление. Взаимоотношение языка и мышления. – М.: 1971.

ифодалаб бўлмайди. Объектив воқелик инсон онгидан акс этар экан, у сўзлар орқали белгиланади, сўзларда шакллантирилади ва тил-онг (онг-тил) хазинасининг бўлим ва бўлимчаларида истаган вақтда осонликча топиш ва фойдаланиш учун энг қулай тарзда жойлаштирилади, “муҳрланади”. Мисол учун, ёғаётган қорга қараб *Қор ёғяпти* ёки *Қор* сингари бирликлар тасаввуримиздан ўтади. Демак, тил бирликлари нафақат “Қор ёғяпти” каби фикрни етказиш, узатиш учун, балки уни (дастлаб) тафаккурда акс эттириш, қабул қилиш, шакллантириш ва хотирада сақлашга ҳам хизмат қилмоқда. Тафаккуrimiz тил билан шу даражада бирикиб, бир-бирига сингиб, омухталалиб кетганки, уларни ажратишга, яъни (ички) фикрлаш, сўзлаш жараёнларини, шунингдек ички нутқ имкониятларини фарқлашга, уларни тилдан ажратишга ҳожат сезилмайди. Инсоннинг гўдаклигидан умрининг охирги кунигача оладиган барча билими сўз ва тил воситасида амалга ошади. Шунинг учун олимлар тилнинг маърифий ва таълимий – инсон тафаккури маҳсулининг авлоддан-авлодга етказиш вазифасини алоҳида ажратадилар.⁹² Ҳақиқатан ҳам, билимни тилсиз тасаввур эта олмаймиз⁹³. Демак, тил – билиш жараёнининг муҳим шарти. “...язык, ставший у людей главным средством получения знаний, обеспечил возможность каждому человеку пользоваться результатами познавательной деятельности всего человечества и, напротив, запас общечеловеческих знаний обогащается с помощью языка. Он позволяет человеку познавать не только окружающую действительность, но и самого себя.”⁹⁴

Диккатга сазовор яна бир жиҳат шуки, тафаккурсиз тил ҳам мавжуд эмас. Агар ўйламай, оғизга келган сўзлар тизаверилса (масалан, *гадур, гадур, бабук, бабан* ва *х.*), улар бу ҳеч ким учун ҳеч қандай маъно касб этмайди, яъни муайян бир тушунчани, тасаввурни ҳосил қила олмайди. Ҳатто, валдираш, алаҳсирашдай туюлади ҳам. Демак, бу – тил ҳам, нутқ ҳам эмас. Шунинг учун Алишер Навоий бундан қарийб олти юз йил мукаддам “Муҳокаматул лугатайн“ асарида “алфоз ва иборотдин мурод маънидур”⁹⁵ деб тил (сўз) дан мақсад тафаккур маҳсули (маъно) эканлигини қисқа ва пурмъно баён этган эди. Тил ва тафаккур ажралмаслигини оддий бир мисол билан кўрсатиш мумкин. Бирор танишингизнинг исми эсингиздан чиқса, уни аташга қийналасиз, ҳар хил белгиларини санайверасиз (Дилрабо–оппоқ, кулча юзли, қўқ кофтали катта тилла сирғаси бор каби), барibir исмини эсламагунча, аниқ ифодалай олмайсиз. Ёки, аксинча, маъносини билмайдиган сўзни бемалол ўқийсиз, лекин тушунмайсиз. Билмаган (хорижий, нотаниш) тилдаги хатни ўқиши (ёки нутқни эшитиш) ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Ўқий (эшита) оламиз, лекин ҳеч нарсани тушунмаймиз. Бу тил (матн) сиз учун на тафаккурга таъсир ўтказиш, на ахборот узатиш – фикр билдириш ёки илғаш функциясини бажара олади.

⁹²Бу ҳақда ўзбек олими академик Алибек Рустамовнинг “Сўз ҳақида сўз” рисоласида жуда қимматли ва қизиқарли маълумотлар берилган.

⁹³Шу боис таълим тизимида она тили таълими мақсади, усули ва мазмунини ҳеч қачонбошқа ўқув фанлари билан тенглаштириш бирхиллаштириш мумкин эмас. Зероона тили дарслари илк босқичда савод ва имло, таянч бўғинда тафаккур ва унинг ифодаси, маҳсус таълимда – ихтиносий нутқ маданиятига қаратилиши лозим.

⁹⁴Потебня А. А. Из записок по русской грамматике. Ч. 1-2. – М.: Просвещение, 1976. – С. 149; Общее языкознание. Под общ. ред. А. Е. Супруна. – Минск. Вышшая школа, 1983. – В. 106.

⁹⁵Навоий Алишер. Навоий Алишер. Муқаммал асарлар тўплами. XVI том. - Тошкент: Фан, 2000. - Б. 9.

Демак, нотаниш тил биз учун тил ҳам, тафаккур воситаси ҳам бўла олмайди. Шунинг учун ўзга бир тилни эгаллаш бошқа бир халқ (миллат)нинг тафаккур тарзини ўзлаштириш демакдир.

Юқорида тафаккурнинг ижтимоийлиги ҳақида гапирилган эди, ижтимоий тафаккур – халқ, миллат ёхуд ижтимоий гурӯҳнинг руҳий, психологик ва мантиқий билиши натижасидир. Шунингдек, исталган тил ўша халқнинг турмушини, тафаккурини, идрокини ифодалайди. В.Хумбольдтнинг қўйидаги фикри дикқатга сазовор: “*Если мы разграничиваем интеллектуальную деятельность и язык, то в действительности такого разделения нет... Язык народа есть его дух, и дух народа есть его язык – трудно представить что-либо более тождественное.*”⁹⁶

Аслида, тил ёрдамида тафаккур орқали фаҳмланган ҳодисаларни ифодалаймиз, қор, яъни предметни аташ учун бошқа предмет номини (масалан, китоб ёхуд корбобо) қўллай олмаймиз. Бошқа тилни ўрганганда эса билишни, яъни предмет, воқеа ва ҳодисаларни бошқа тил доирасида унга оид воситалар орқалигина ифодалаймиз (рус. *снег*, ингл. *snow*). Шунинг учун қанча кўп тилни билсак, билиш қобилиятимиз шунча ривожланади, тил ва тафаккурнинг нисбатан мустақил ҳодисалар эканлигини илғай оламиз. Фақат бир тил доирасида тафаккур юритадиган кимса тилни тафаккурдан, тафаккурни тилдан ажратади. Бу ҳақда академик Л.Шчерба шундай ёзган эди: “*Язык и мышление составляют одно неразрывное целое, расчленить которое у человека, владеющего только своим родным языком, нет никаких поводов. Только когда появляется термин для сравнения, иностранный язык, начинает делаться возможным освобождение мысли из плена слов; только тогда мы начинаем понимать мысль как таковую, только тогда мы можем преодолеть все те пережывтки в языке, которые сковывают по рукам и ногам и самую нашу мысль.*”⁹⁷

Тил ва тафаккурнинг ажралмаслиги, лекин бир нарса ҳам эмаслиги, ҳар бир халқ тафаккур тарзининг ўзига хослиги ва бу унинг тилида ёрқин акс этишини Алишер Навоий мазкур асарида туркий ва форсий тилларнинг лексикаси ва грамматик тизимини қиёслаш орқали исботлаб берган эди. Туркий тил лексик ва грамматик бойликларининг замири сифатида Алишер Навоий “турк сортдин тезфаҳмроқ ва баланд идрокроқ ва хилқати софроқ ва покроқ”⁹⁸ лик асосини кўради, буни туркий тилда мавжуд бўлиб, форсий тилда ўзининг айнан муқобилларига эга бўлмаган юзлаб сўзлар ва қатор грамматик шаклларнинг маъно ва вазифаларини қиёслаш билан исботлайди. Бундан тил ва тафаккур ажралмас бўлса-да, бир нарса эмаслигига ишонч ҳосил қиласиз.

Хуллас, тил ва тафаккур муносабати ўзаро диалектик алоқадорликда бўлиб, биргаликда ривожланиш қонуниятларига амал қиласиди. Демак, диалектик алоқадорликдаги бу икки ҳодиса ўзаро ажралмас, бир-бирини тақозо этувчи мураккаб бутунлик, шунинг учун уларни ўрганувчи фан соҳалари ҳам зич алоқадор, ажралмас, лекин бир эмас. Қуйида бу мантиқ ва тишлинослик

⁹⁶Звегинцев В.А. – С. 89; Звегинцев В.А. Общее языкознание. Под ред. А.Е.Супруна. – М.: Наука,

⁹⁷Цитируется по кн.: Звегинцев В.А. Общее языкознание. Под общ. ред. А.Е.Супруна. – С. 102.

⁹⁸Навоий Алишер. Муқаммал асарлар тўплами. XVI том. - Тошкент: Фан, 2000. - Б. 11.

мисолида кўриб ўтилади.

Мантиқ ва тилшунослик муносабати

Мантиқ фани ҳақида. Мантиқ кўпгина фанлар билан алоқадор. Хусусан, у грамматикага жуда яқин. Тил ва тафаккурнинг алоқадорлиги мантиқ ва грамматикнинг боғланишида, лисоний ва мантиқий муносабатларнинг ўзаро чатишувида ўз аксини топади. Г.В.Колшанский тилнинг фикр шаклланишидаги фаол иштироки ҳақида, жумладан шундай ёзади: “Язык не только форма, в которой отлагаются результаты мысли (знания), но он есть и средство самого мыслительного процесса, чувственное, звуковое обнаружение этого процесса. Ошибочно предполагать, что язык только регистрирует уже сформированные без помощи языка мысли, закрепляет в звуках уже совершившиеся операции мышления. Язык есть обнаружение самого процесса мышления, реальность этого процесса.”⁹⁹

Мантиқ ва грамматика. Мантиқ фанининг грамматика билан боғлиқлиги шундаки, мантиқ тафаккурнинг умумий қоидаларини, тушунча, ҳукм, уларнинг таркибий қисмлари, ўзаро муносабатларини ўрганади. Грамматика эса мантиқ фани ўрганувчи ҳодисаларнинг шаклий ифодасини, тилнинг грамматик шаклларини тадқиқ этади. Табиийки, улар ҳамиша бир-бирига боғланган ҳолда текширилиши лозим.

Мантиқ ва тилшуносликнинг ўзаро алоқадорлиги қўплаб олимларни қизиқтириб келади. Хусусан, тушунча ва сўз, ҳукм ва гап сингари масалалар долзарб бўлиб қолмоқда, яъни мантиқий тушунча ва категорияларнинг тилда, унинг лексик ва грамматик бирликларида ифодаланиши каби муаммолар мантиқшуносларни ҳам, тилшуносларни ҳам бир хил даражада тадқиқотга чорлайди.

Тил ва тафаккур ажралмас, лекин бир нарса эмас. Мантиқ ва тилшунослик ҳам шундай. Лекин тилшунослик антик давлардан бошлаб ҳозирги кунгача мантиқ фанининг асиригидан кутула олмади ва агадулабад қутулмаса керак; ахир дунё тилшунослигига ўзлашиб кетган ва гапнинг энг муҳим икки бўлаги – эга ва кесимни номловчи инг. *субжест*, фр. *сужет*, нем. *субжект*, исп. *сужето* ва умумевропавий *предисат* (предисате) атамаларини Евropa тилшунослиги янгилашига имонимиз комил эмас. Ваҳоланки, грамматиканинг бу икки муҳим атамаси мантиқ фанидан олинган ва ҳозиргача грамматик тадқиқотларда хилма-хил англашилмовчиликларни келтириб чиқармокда¹⁰⁰.

ХВИ асрдан XIX асргача бўлган даврда Европада том маънода мантиқий тилшунослик – мантиқий ва лингвистик категория (ҳодиса)ларни тенглаштирувчи лингвистик йўналиш ҳукмрон бўлиб келди. Мантиқ ва грамматикани чеклашга жиддий илмий қадам немис мумтоз фалсафасининг гуллаб-яшнаган даврига тўгри келади ва у фалсафада Ф.Ҳегель, тилшуносликда В.Хумбольдт каби буюк сиймоларнинг номлари билан боғлиқ. Жумладан,

⁹⁹Колшанский Г. В. Логика и структура языка. – М.: Высшая школа, 1965. – С. 16 .

¹⁰⁰G.Hegel. The science of Logic. Cambridge. 101

Ф.Ҳегель “Мантиқ фани” китобининг муқаддимасида шундай ёзади: “Логика подобно грамматике, выступает в двух видах или имеет двоякого рода ценность, она нечто одно для тех, кто только приступает к ней и вообще к наукам, и нечто другое для тех, кто возвращается к ней от них. Тот, кто только начинает знакомиться с грамматикой, находит в ее формах и законах сухие абстракции, случайные правила и вообще множество обособленных друг от друга определений, показывающих лишь ценность и значение того, что заключается в их непосредственном смысле; сначала познание не познает их и ничего кроме них. Напротив, кто владеет каким-нибудь языком и в то же время знает и другие языки, которые он сопоставляет с ним, только и тот может почувствовать дух и образованность народа в грамматике его языка; эти же правила и формы имеют теперь для него наполненную содержанием, живую ценность. Он в состоянии через грамматику познать выражение духа вообще – логику. Точно так же тот, кто только приступает к науке, находит сначала в логике изолированную систему абстракций, ограничивающуюся само собой, не захватывающую других знаний и наук. В сопоставлении с богатством представлений о мире, с реально выступающим содержанием других знаний и наук и в сравнении с обещанием абсолютной науки раскрыть сущность этого богатства, внутреннюю природу духа и мира, истину, эта наука в ее абстрактном виде, в бесцветной, холодной простоте ее чистых определений кажется скорее исполняющей все что угодно, только не это обещание, и противостоящей этому богатству как лишенная содержания.”¹⁰¹

Бу муқаддима 1831йилнинг 7 ноябрида, бундан 178 йил муқаддам, ёзилган. Ҳозиргача ҳеч ким грамматика фанининг, грамматик материалнинг инсон – тил соҳиблари руҳий оламини ўрганишдаги аҳамиятини буюк файласуфдек қатъйлик ва кескинликда қўйган эмас. Коммунистик мағкура ҳукмонлиги даврида эса бу масалани кўтариш мумкин эмас эди. Зоро, миллий тил – миллий руҳ тажаллиси экан, у миллий грамматик талқинни талаб қиласиди.¹⁰² Миллий грамматик талқин ва миллий мағкура эса – тил ва тафаккур ажралмаслиги асосида бир-биридан ажралмас, ҳам бир-бирига таянади, ҳам бир-бирини сяб туради. Миллий тиллар грамматик қурилиши талқинига бундай ёндашиб эса совет идеологиясига зид эди.¹⁰³ Шунинг учун бу масала таҳлилига манбамизнинг охирида – “Миллий мағкура ва миллий тилшунослик” мавзуси муҳокамаси жараёнида қайтамиз ва Ф.Ҳегелнинг башорати ўзбек тилшунослигига миллий истиқлолдан кейингина воқелангандиги билан танишамиз. Ҳозир эса буюк файласуфнинг мантиқ ва грамматика фанлари орасидаги ўхшашликнинг фақат юзаки, зоҳирий ва алдамчи эканлиги ҳақидаги фикрини ҳамиша дикқат марказида тутиш лозимлигини яна бир карра

¹⁰¹Гегель Г. В. Ф. Наука логики. Том 1. – М.: Мысль, 1970. – С. 111–112.

¹⁰²Ф. Ҳегелнинг “Халқ руҳияти ва маърифатининг бу халқ тили грамматик қурилишидаги тажаллиси (инъикоси)ни ўз тили билан бир қаторда бир неча бошқа тилларни биладиган, бу тиллар қурилишини ўз тили билан қиёслай оладиган кишигина тия олади” деган сўзларига эътибор беринг.

¹⁰³Совет тилшунослари Ф. Ҳегелнинг бу асарига жуда кўп мурожаат қилишар эди. Лекин тадқиқотчилар мазкур олинмани биз бу ерда келтирган шакл ва ҳажмда олмас, балки В. И. Лениннинг “Фалсафа дафтарлари”даги қисми билан чекланар эди. В. И. Ленин эса бу парчада мантиқ ва грамматика уларни эндиғина ўрганувчилар учун бир нарса, уларни чуқур ўзлаштириб, грамматикаларни қиёслай оладиганлар учун эса тамоман бошқа моҳият эканлиги ҳақидаги қисмини ажратиб, аҳамиятини таъкидлаган эди. Лекин олимнинг грамматика миллийлиги ҳақида фикрини келтириш ножоиз бўлиб, совет тузуми даврида бу хусусда сўз бўлиши ҳам мумкин эмас эди.

уқтиromoқчимиз. Ҳозирги кунда ҳам деярли ҳар қадамда грамматик тадқиқ ва таҳлилларимизда грамматик категория ва мезонларни мантиқий ўлчовлар билан аралаштирамиз, шу асосда хато грамматик талқин ва таснифларга йўл қўямиз. Масалан, А.Ғуломов ва М.Асқаровалининг биринчи нашри 1960, учинчи нашри 1989 йилда амалга оширилган, олий таълимда ҳозиргача амалиётда бўлган “Ҳозирги ўзбек тили. Синтаксис” дарслигига *Мевалар терилди* каби қурилмалар шахси номаълум гап сифатида тасниф этилган. Ваҳоланки, гапнинг қурилишига кўра таснифида шахси номаълум гап содда бир таркибли гап қўриниши сифатида берилади. *Мевалар терилди* гапи эса икки таркибли. Шунинг учун у бир таркибли гапнинг тури бўла олмайди. Бу ерда буюк олимларимизни мантиқ ва грамматика мезонларининг фарқлилиги ва уларни қориштириш чалғитган. *Мевалар терилди* каби қурилмалар **мантиқан** – мазмунига кўра – шахси номаълум гап, лекин қурилиши (**грамматик структураси**) га кўра икки таркибли гапдир.

Грамматик тадқиқ жараёнида бизни чалғитадиган, мантиқнинг “тузоқ”ларидан яна бири жуда кўп ҳолларда грамматик терминларнинг мантиқ фанидан олингандиги ва бир-бирига ҳам яқин (бири – тилга, иккинчиси – тафаккурга хос), ҳам узоқ (бири – филологияга, иккинчиси – фалсафага хос) фанларда қўлланиб келаётганлигидир. Булардан иккитаси – *субъект* ва *предикат* атамалари юқорида эслатиб ўтилди. Шу икки терминнинг европа тилшунослиги ва мантиқшунослигига умумийлиги лингвистик тадқиқ жараёнида тасаввур этиб бўлмас мураккабликларни туғдиради. Масалан:

1. *Каримжон келгач, бизга ёрдамлашиди.*
2. *Каримжон келди, бизга ёрдамлашиди.*
3. *Каримжон келгач, укаси бизга ёрдамлашиди.*

1- ва 2- гапларда *Каримжон* ҳам *кел-*, ҳам *ёрдамлаши* предикатларининг субъекти, лекин факат 2- гапда уларнинг айни замонда грамматик эгаси. 1- гапда унинг эга мавқеида эмаслигини барча тан олади, 3- гапда эса унинг эга мавқеида эканлиги мунозарали, чунки “мантиқчи”лар (грамматик тадқиқ жараёнида мантиқий ва грамматик мезонларни аралаштирувчилар) уни эга сифатида тан оладилар, соғ ғрамматистлар эса 1- ва 3- гапларни қурилиши ва кесим структурасига кўра тенглаштирадилар. Бу эса қўшма ва содда гапларни фарқлаш ва таснифлашда қатор муаммони келтириб чиқаради. Гап кесимининг синтетик морфологик қурилиши кенг ривожланган тилларда (масалан, туркий, сомий/семит-хамит, қадимий орий/ҳинд, лотин каби тилларда) мантиқий предикат билан грамматик кесим фарқланишининг морфологик тамойиллари (масалан, тусланиш – шахс/сон қўшимчаларининг бор/йўқлиги)ни киритиш мумкин, лекин бундай шаклларни йўқотган, аввало, инглиз, сўнгра француз, испан, немис тиллари учун-чи? Бу тилларда педикативлик ва кесимлик деярли ҳамиша мос келади, лекин бу мос келиш мутлақ эмас. Масалан, масалан, немисча *аккусативус сом инфинитиво* (тушум келишикли ҳаракат номи) - *Ич саъ дие Киндер спиелен* - *Мен болалар ўйнаётганини кўрдим* каби қурилмали гапларда мантиқан *дие Киндер* субъект, *спиелен* эса предикат мавқеида. Бу қурилмани қўшма гап сифатида баҳолаш европа тилшуносларининг хаёлига ҳам келмайди, зеро, биринчидан, *дие Киндер* тушум келишиги шаклида,

иккинчидан, *спиелен* тусланмаган феъл. Лекин европа грамматик талқинларини қабул қилиб, унга уқиб-уқмай эргашган тилшунослар-чи? Масалан, кўпчилик рус туркийшунослари ва уларга эргашган туркийзабон миллий тилшунослар ўйламай-нетмай *Каримжон* келгач, укаси бизга ёрдамлашиди қурилишли гапларни икки содда гапдан иборат қўшма гап деб баҳолашдан ҳайқиши мади. Бунда уларда икки асос бор эди. Биринчидан, *Каримжон* билан келгач орасида мантиқий субъект-предикат муносабатларининг мавжудлиги бўлса, иккинчиси – *Каримжон* келгач, укаси бизга ёрдамлашиди ўзбекча гапига рус тилида ҳеч қандай шубҳа туғдирмайдиган қўшма гап (*После того как Каримджан пришел, его младший брат стал нам помогать*) нинг мувофиқ келишидир. Кўринадики, *Каримжон* келгач, укаси бизга ёрдамлашиди гапи нограмматик ва нотуркий мезонлар асосида қўшма гап сифатида баҳоланади.

Европа тилшунослигида грамматик терминларнинг жуда катта қисми мантиқ фанидан олинган (масалан, *ҳоким – тобе, объект – субъект, атрибут, каузация, генитив, копула, казус* ва х.) Мантиқий грамматика даври таъсири бўлган бундай атамалар умумийлиги, албатта, ҳозиргина кўрганимиздек – маълум қийинчилик ва чалкашликларни келтириб чиқаради.

Мантиқ фани, асосан мазмуний томон билан иш кўради. Европача грамматик анъана ҳам ХВИИИ асрларга – мантиқий грамматика ҳукмронлиги даврида – шу асосга таянган. Лингвистик таҳлил (грамматика)да мазмуннинг эмас, шакл устуворлигини таъминлаш Европа фани учун кейинги давр хусусути. Лекин бу тамойилни грамматикада мутлақлаштириш мумкин эмас, чунки грамматик нуқтаи назардан, масалан, *чиқмоқ, кирмоқ, яқинлашмоқ* феълларининг орттирма нисбат шакллари *чиқармоқ, киритмоқ, яқинлаштирмоқ*дир. Ваҳоланки, *-ар-, -ит-, -тир-* шаклан тамоман бошқа-бошқа моҳият. Шунинг учун европача грамматик талқин анъанасининг ўзи – ўз ичидаги негизида – мантиқий камчиликка эга – грамматик (лисоний, лингвистик) бирлик моҳиятини бирданига олинган икки – ҳам шакл ҳамда мазмун тамойиллари асосида белгилаш, мантиқан айни бир таснифда, бир замоннинг ўзида икки асосга таяниш каби қўпол мантиқий хатодир. Шу сабабли ҳозирги грамматик талқинлар ҳамиша эътиroz ва зиддиятларга ўрин қолдиради ва бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Шу жиҳатдан асосан шакл омилига таянувчи Шарқ (жумладан, араб/ислом) грамматик анъанаси ва илк тараққиёт босқичларида дескриптив лингвистика (Америка структурализми)да мантиқий ва лингвистик ҳодисаларни фарқлашда изчиллик анча кучли эди – мантиқ – ҳодисанинг мазмун томонига, грамматика эса – асосан, шакл томонига таяниб иш кўрарди¹⁰⁴.

Масалан, ўрта аср араб ва қадимги ҳинд грамматик анъанасига таяниб тузилган грамматик тавсифлар, одатда, ҳажман кичик ва ихчам бўлиб, асосан, шакллар парадигма (арабларда ихчам жадваллардан, ҳиндларда “сур” – назмга солинган қоида)лардан иборат эди. Бундай жадвалларда бутун грамматик нозикликларни, қоида ва мустасноларни беришда қадимги ҳинклар ҳам, ўрта аср ислом тилшунослари ҳам шу даражада маҳорат кашф этган эдиларки,

¹⁰⁴ Ferdinand de Saussure. Course in General Linguistics. McGraw Hill Book Company. P. 104.

эрамиздан олдинги даврларда Панини томонидан тузилган ва ҳозирги ўлчовларда варак сатҳи 1/8 (0.25 фолиант), сони 100 саҳифа атрофида бўлган “Санскрит грамматикаси” Франс Бопп эътирофига кўра, “у (Бопп) нинг грамматикасидан мукаммалроқ ва тугалроқ бўлган.” Ваҳоланки, Ф.Боппнинг “Санскрит тили грамматикаси” фолиантлардан иборат ҳар бири камида 200 бетли беш жилдан иборат эди. Шунинг учун XIX асрда Ўрхун ёзуви сирини (десифровка қилиб) очган, турк руник алифбосининг биринчи кўриниши калити ва шарҳини тайёрлаган даниялик тилшунос Вилҳелм Томсен (1842-1927) “Тилшунослик тарихи” китобида Панини грамматикаси ҳақида шундай ёзади: “Ҳозирги лотин ҳарфлари билан берилганда 75-100 бетлик рисола ҳажмида бўладиган Панинининг асари шу кунгача жонли ва ўлик тиллар тафсифи бўйича яратилган грамматикалар ичida энг муфассали ва тўлиғидир.”¹⁰⁵ Албатта, даниялик буюк тилшуноснинг баҳоси муболағали, лекин, бежиз ва асоссиз ҳам эмас.

Араб грамматик тавсифлари мукаммалигининг ёрқин белгиси шуки, XX асрда Европада яратилган араб тили грамматикалари (жумладан, Карл Броккелманн ва Н.В.Юшманов асарлари) да ўрта асрларда тузилган шундай жадваллардан кенг фойдланилади.¹⁰⁶

Араб ва ҳинд тилшуносликларининг ютуқлари ва ҳозирги грамматик талқинларнинг мунозаралилиги, хусусан бунда – араб ва ҳиндларда тасниф ва таҳлил асосининг битталиги (фақат шаклга таяниши) ва ҳозирги грамматик талқинларда унинг иккиталиги (шакл ва мазмунга таяниши) да бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун замонавий тилшуносликда гоҳ мазмун (вазифа), гоҳ шакл омилини биринчи ўринга қўювчи йўналиш ва оқимлар шаклланиб ва ривожланиб туради.

Мантиқий ва грамматик бирликлар орасидаги мувофиқлик ҳамда номувофиқлик. Замонавий грамматик талқинлар ҳам, мантиқий изланишлар ҳам – ҳар бири ўз тадқиқ мезонларига, тамал тошларига эга. Бу асослар қанчалик тўғри ёки нотўғрилиги – масаланинг бутунлай бошқа томони, лекин мантиқий мезон асосида чиқариладиган ҳукм (масалан, *Мевалар терилди* гапида шахс (ишловчи) мажхуллиги, номаълумлиги ҳақидаги хулоса)ни грамматик талқинга кўчириш (масалан, мазкур мантиқий асосда *Мевалар терилди* гапини бир таркибли гапларнинг шахси номаълум тури билан ёки марказида мажхул нисбатли феъл турган пассив қурилмалар билан тенглаштириш мутлақо мумкин эмас. Бу грамматик талқиндаги хатоликка олиб келади. Шунингдек, *Ўйга бории керак* гапида эганинг йўқлиги ва бўла олмаслиги грамматик белгиси асосида ўзбек ҳукми бир таркибли – фақат предикат қисмидангина иборат бўла олади, деган мантиқий (яъни мантиқ фанига оид) хулоса ҳам нотўғри. Бундай ҳолда ҳар иккала хулосанинг асослари ҳукм кўчирилган фан тармоғи учун ўринсиз. Тилшунос ҳам, мантиқшунос ҳам

¹⁰⁵“... является самой полной грамматикой, которая существует для какого-либо языка, будь он мертвым или живым языком.” Томсен В. История языковедения до конца XIX века. С послесловием проф. Р.Щора. – М.: Учпедгиз НКПРОС РСФСР, 1938. – С. 12.

¹⁰⁶Brockelmann Carl. Arabische Grammatik. – Leipzig: Enziklopédie, 1962; Юшманов Н.В. Грамматика литературного арабского языка. Изд. 3-е. – М.: Наука, 1985.

бундан эхтиёт бўлмоғи шарт. Ҳар бир фаннинг ўз ўрганиш обьекти (объект бир хил бўлса, предмети), тадқиқ усуллари, тадқиқ бирликлари, мақсад ва вазифалари, асосий таянч тушунчалари бор. Шунинг учун навбатдаги бандларда ўзаро мутаносиб, лекин ҳар бири тадқиқ ва татбиқ доирасида ўз хусусиятига эга бўлган:

- а) мантиқий категория ва лингвистик категория;
- б) мантиқий тушунча ва лингвистик сўз;
- д) мантиқий ҳукм ва грамматик гап

каби ҳодисаларни ўзаро қиёслаш устида тўхталинади. Бунда филологик тадқиқотлар бош омилиминиз бўлганлиги сабабли, кўпроқ эътибор лингвистик ҳодисаларнинг хусусиятларига, уларни мантиқий алоқадорлари билан чалкаштирмасликка қаратилади¹⁰⁷.

Мантиқий ва лингвистик категориялар

Категория тушунчаси ъавида. Объектив воқеликка қаратилган бутун инсоний билиш фаолияти билиш натижалари каби тафаккур категориялари шаклида воқеланади. Категория атамаси грекча *категориа* сўзидан олинган бўлиб, “мулоҳаза”, “фикр”, “белги” маъноларини билдиради. Фалсафада категория – воқеликдаги ҳодисалар ва билишнинг муҳим, умумий хусусият ҳамда муносабатларини акс эттирувчи энг умумий ва асосий тушунчалар. Категория билиш ва ижтимоий амалиёт тарихий тараққиётининг умумлашган натижаси сифатида вужудга келган. Категория ҳақидаги таълимотни ривожлантиришга Аристотель катта ҳисса қўшган. Унинг учун категория – моҳиятга эга тушунча, тасаввурларнинг моҳият-мазмунини ўз ичига олган, объектив реалликнинг энг умумий ва юксак умумлашмаси. “Категориялар” асарида файласуф 10 та категорияни ажратади: *моҳият, миқдор, сифат, муносабат, макон, замон, қоида, ҳолат, ҳаракат, азоб*. Унинг бу таълимоти Ибн Сино, Форобий, ал-Киндийлар томонидан ривожлантирилди. Улар 6 та – *борлиқ, сифат, миқдор, ҳаракат, муносабат* ва *эгалик* – категориясини фарқлашди.

“Муалими аввал” ва “Муалими соний”дан бошлаб барча файласуфлар фалсафий категориялар ҳақида ўз фикрларини баён этган.

Ҳар бир фан ўз категорияларига эга ва ҳеч қачон бир фан категориялари бошқа бир фан категориялари билан тўлиқ мос келмайди, чунки барча фанлар объектив борлиқ нарса, ҳодиса, муносабатларини ўрганиш билан бирлашса-да, ҳар бир фан ўз хусусий обьекти ва предмети борлиги билан бошқалардан фарқланиб туради ва ҳеч бир фан бошқа бирини тўлиқ тақрорламайди.

Ҳар қандай фанда категориялар сони кўп, аммо ҳеч қачон чексиз бўлмайди. Одатда ҳар бир фан 10-15 тача ўта умумий категориялар билан иш кўради. Бу категориялар объектив ва субъектив табиатга эга. Категориялардаги объективлик шундан иборатки, ҳар бир категория борлиқдаги бирор элементнинг маълум бир томони умумийлиги билан узвий алоқадор, боғланган,

¹⁰⁷ Ferdinand de Saussure. Course in General Linguistics. McGraw Hill Book Company. P. 110.

белгиланган, шартланган, асосланган. Лекин бу алоқадорлик шу объективликнинг онгдаги акси, инъикоси орқали намоён бўлади. Бу фан категорияларидаги субъективликни ташкил этади.

Ҳар бир категория, албатта, мураккаб бўлиб, ички нисбий бутунлик ва яхлитликка эга. У бир турли нарса, ҳодиса ва муносабатларнинг барқарор бутунлигидир. Шу асосда ҳар бир фанда *категориал маъно* (вазифа/хусусият каби) тушунчаси мавжуд. Категориал маъно деганда шу соҳа (масалан, тил) нинг маълум бир категорияси учун умумий бўлган, шу категориянинг ички бутунлигини таъминлайдиган умумийлик (мавжудот, белги, хусусият, муносабат, вазифа кабилар) тушунилади. Категориал маъно ҳар бир фанда факат шу фан учун хос бўлган ифода шакл ва воситаларига эга бўлмоғи шарт. Агар шундай шакл ва воситалар бўлмаса, демак, бу фанда шу категория йўқ ёки тамоман бошқа моҳиятга эга. Масалан, рус тилида морфологик род категорияси мавжуд ва бу тилдаги от туркумига мансуб ҳар қандай сўз уч роддан бирининг шаклига эга. Род категорияси маҳсус қўшимчалар, аниқловчи вазифасида келган сўзларнинг аниқланмиш от билан род шаклига кўра мослашуви, кесим вазифасидаги сўзнинг эга родига мослашуви каби шаклларда воқеланади. Ўзбек тилида морфологик род категорияси йўқ. Зарур бўлган ҳолларда жинс (биологик хусусият) ўзига хос лексик (эркак – аёл) ёки лексик-синтактик (эркак ўқитувчи – аёл ўқитувчи, эркак илон – ургочи илон) йўл билан ифодаланади. Лекин ўзбек тилида жинсни қўрсатувчи воситалар маълум бир морфологик категорияни ташкил этмайди.

Истаган категория бутунлик ва яхлитлик бўлганлиги сабабли, албатта, мураккаб – бир неча ташкил этувчи – таркибий қисм (элемент) лардан иборат бўлади. Категориал маъно шу категория элементларига жинс-тур (ёки тур-хил, ёки хил-кўриниш) объектив-мантиқий алоқалари асосида бўлинади, лекин ҳеч қачон категория элементи категориал маънодан бутунлай ташқарида, унга нисбатан мутлақо алоқасиз бўла олмайди, зид, қарама-қарши бўлиши мумкин (масалан, тасдиқ ва инкор каби)¹⁰⁸.

Кўринадики, тилшунослик фанининг ўзига хос категориялари – лингвистик категорияларни тўғри аниқлаш, уларнинг категориал маъноларини белгилаш, ҳар бир лингвистик категория учун моддий замин (объектив асос) вазифасини ўтовчи тегишли мантиқий категория билан алоқадорлигини таҳлил этиш усуслари билан танишиш тилшунос учун зарур. Даствор лингвистик категория нима, деган саволга жавоб бериш лозим. Чунки тилшуносликда алоҳида-алоҳида категорияларга шарҳлар берилган бўлса-да, *лингвистик категория* тушунчаси ҳозиргacha мавхум.

Лингвистик категория. Лингвистик (лисоний) категория деганда, объектив борлиқ маълум бир қиррасининг тил тизимида маҳсус шакл ва воситалар билан ифодаланиши, бу шакл, воситалар, уларга хос бўлган маъно (вазифа/функция) ва алоқадорликлар (иерархик, парадигматик, синтагматик ва х.) дан ташкил топган бир бутунлик тушунилади. Объектив (моддий) борлиқда: а) мавжудот; б) уларнинг белги-хусусиятлари (“сифот”и); д) ўзаро алоқалари

¹⁰⁸ Ferdinand de Saussure. Course in General Linguistics. McGraw Hill Book Company. P.118.

(муносабатлари) бор, холос. “Муаллими соний” Абу Наср Форобий айтганларидек, “*билки, оламда субстанция* (жавхар, мавжудот) *ва акциденция* (ораз – белги-хусусият ва алоқадорлик) *ҳамда субстанция ва акциденцияни яратувчи марҳаматли ижодкор* (Худо)дан бошқа ҳеч нарса йўқ.”¹⁰⁹ Барча фанлар шу борлиқнинг алоҳида-алоҳида қирраларини ўрганади. Тил – оразнинг кўринишларидан, мавжудотнинг бир тури бўлган инсон “сифот”идан бири. Тилнинг вазифаси борлиқни аташ, фикрни шакллантириш, ифодалаш (етказиш ва уқтириш) ва саклашдир. Борлиқ субстанцияларидан бирининг оразлари кўриниши бўлган тилни тадқиқ қилувчи тилшунослик илми тил унга юқлатилган мана шу вазифаларни қандай усул, восита ва йўл билан бажаришини ўрганади ва ўргатади. Бу вазифани бажаришга хосланган бирликлар ўзаро ўхшашлик ва фарқлари, айнанлик ва зидликларига кўра маълим гурухларга бирлашади. Бундай гурухлар лисоний категорияларни ташкил этади. Масалан, тилнинг асосий вазифаларидан бири тафаккур маҳсули бўлган тасавурларни тушунчаларда тўплаш (мужассамлаштириш) ва аташ эканлиги сабабли тилда атов воситалари категорияси мавжуд. Бу категория – аташ категорияси – тилнинг номловчи (номинатив) бирликлари – сўз ва сўз бирикмаларини ўз ичига олади ва тил тушунчаларни қандай усуллар билан номлаши, номловчи, аташ вазифасини бажара оладиган лисоний бирликларнинг турлари, уларнинг ҳосил бўлиши, ўзаро алоқадорликлари, тараққиёти омиллари кабилар шу категория доирасида ўрганилади. Бу аташ категорияси умумлисоний категориялардан биридир. У барча тиллар учун хос бўлиб, тилнинг барча сатҳлари ва бирликлари билан узвий боғланган. Ифода категорияси – тилда аташ/номлашнинг шахсий муносабат (субъектив, коннотатив) маъноси билан ҳамроҳлиги ҳам – шундай умумлисоний категория бўлиб, барча тиллар, сатҳ бирликлари ва воситаларига алоқадор.

Тил сатҳларга – фонетик-фонологик, лексик-семантиқ, грамматик, стилистик сатҳларга бўлинади. Шунинг учун лисоний категориялар ҳам сатҳлар бўйича хусусий – фонетик-фонологик, лексик, грамматик, стилистик каби ҳар бир сатҳга хос, ёки сатҳлараро – лексик-семантиқ, лексик-грамматик, лексик-морфологик, лексик-синтактик, лексик-деривацион, лексик-стилистиқ, функционал-семантиқ каби турларга бўлинади. Бундай ажратилган хусусий категориялар уларнинг вазифаларига кўра маълум бир гурух ёки категория (масалан, сўз туркуми, сўз туркуми ичидаги катта бир гурух, гап қурилишида маълум бир функция ёки мавқе, шакл ясалиши ва қўшимчалар алломорфларининг қўлланишини белгиловчи омиллар кабиларни) ажратишига хизмат қилувчи таснифловчи (таксонимик), маълум бир вазифани бажаришга имкон берувчи функционал, маълум бир маъновий муносабатни ифодаловчи маъновий (семантиқ), шахсий муносабатни ифодаловчи стилистик (услубий), сўзларнинг маълум бир гуруҳига маълум бир вазифани бажаришни таъминловчи лексик-функционал ва бошқа тур ва хилларга бўлинади.¹¹⁰

¹⁰⁹Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Т ошкент: Мерос, 1993. – Б. 174.

¹¹⁰Тилшунослигимизда лисоний категория муаммоси маҳсус ўрганилмаган, ички таснифи берилмаган – том маънода очилмаган кўриқ дейиш мумкин. Барча тилшунослар тадқиқотларда мавзу танлашдаёт лисоний категория тушунчасига дуч келадилар, лекин, афсуски, “умумий лисоний категория ва хусусий лисоний категория нима, у қандай унсурлардан ташкил топади, нима учун хизмат қиласди, нимани лисоний категория сифатида тасниф этиш мумкин, лисоний категория қандай

Рўйхатдан кўриниб турибиди, умумий ва хусусий лисоний категориялар жуда кўп, ранг-баранг, улар турли асос ва мақсадларда ажратилади. Бу ҳолатнинг ўзиёқ лисоний категорияларнинг чегараси ва моҳияти фанда аниқ белгиланмаганлигига энг ёрқин далил. Тилшуносликда лисоний категориялардан бирмунча аниқлик ва ўрганилганликни фақат морфологик категорияларда кўриш мумкин. Бунинг сабаби компаративист ва ёш грамматикларнинг морфологик структура тадқиқига ва ҳар бир морфологик шакллар (шуингдек шакллар сираси, парадигмаси сифатида морфологик категориялар), уларнинг тарихий тараққиёти масалалари катта эътибор билан қараганлари ва уларни анча муфассал тадқиқ этганликлари билан боғлиқ. Бунинг натижаси ўлароқ, фанимизда деярли барча тиллар бўйича морфологик категорияларнинг чегаралари, ички парадигмалари, парадигматик алоқалари нисбатан яхши ўрганилган. **Бошқа лингвистик категориялар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.**¹¹¹

Лингвистик категориялар тилшуносликда ҳали анча мавҳум ва аниқ чегараланмаган ҳодиса бўлса-да, масаланинг бугунги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, лингвистик категория деганда моҳиятан хилма-хил табиатли, лекин ҳар сафар лисоний сатҳ ёки тил турли сатҳ бирликларининг бир хил вазифаси асосида вужудга келадиган ва бутунлиги таркибий қисмларининг барқарор парадигматик муносабатлари билан таъминланадиган мажмуа тушунилади. Лисоний категорияда бирликлар бирлашиб, бу бирликлар вазифаси асосида ҳам, вазифа жиҳатдан фарқланувчилари табиати асосида ҳам ўзаро оппозитив бўла олади. Бошқача – фалсафий атамалар билан айтганда, таркибий қисмлари субстанциал асосда бирлашиб, акциденциал жиҳатдан фарқланиши ҳам, акциденциал асосда бирлашиб, субстанциал жиҳатдан фарқланиши ҳам мумкин. Субстанциал асосда тузилган лисоний категориялар, одатда, бир сатҳга мансуб бўлиб, хусусий лисоний категорияларни ташкил этса, акциденциал асосда тузиладиган лисоний категориялар умумлисоний табиатга эга. Лисоний категориялар шакл ва мазмун¹¹² томонларидан иборат бўлган бирликлардан ташкил топиши сабабли улар бирликларининг субстанциал хусусиятлари асосида ҳам, семантик-функционал табиати асосида ҳам тузилиши мумкин. Лисоний категорияни бирлаштирувчи асос – категориал маъно – одатда, категориянинг номланишида ўз аксини топади. Масалан, *сўз туркумлари категорияси, эгалик категорияси, гап бўлаклари категорияси, кесимлик категорияси* каби.

Лисоний категория бирликларининг шаклий томони тилнинг ифода

талабларга жавоб бериши керак?” кабилидаги саволларга жавоб беришни ўзларига эп кўрмайдилар – чунки, аслида, билмайдилар ва билишини истамайдилар ҳам.

¹¹¹Лисоний категория муамосининг фанимизда очилмаган кўриқ эканлиги эҳтимол икки омил билан боғлиқ бўлиши мумкин. Биринчидан, систем тахлил ҳар бир лисоний бирликнинг серкирралиги асосида уни бир неча система вава микросистема (демак, лисоний категория)лар доирасида кўришни талаб килади ва бундай категориялар миқдорини кўпайтириб юборади. Иккинчисидан, системавий тадқиқотларнинг ўзи фанимизда ҳали навқирон йўналиш, янги-янги лисоний категорияларни очиш ва муҳокамага чиқариш эса бўш оқимнинг маҳсули ва уларнинг тадқиқи келажакдаги вазифасидир.

¹¹²Бунда шакл ҳам, мазмун ҳам жуда кенг – шакл – истаган турдаги моддий, субстанциал, мазмун эса шу моддийлик билан боғлиқ бўлган номоддий (мазмуний, вазифавий, ифодавий ва.) томони сифатида тушунилади. Масалан, унлиларнинг бўғин тузиш (хосил килиш) вазифаси уларнинг мазмуний томони сифатида қабул қилинса, артикулацияси (талаффузи) жараёнида ҳаво тўлкинининг бўғиз ва оғиз бўшлиғида тилнинг кўтарилиши ва лабларнинг иштироқидан иборат тўсикқа учраши шаклий (моддий) томони сифатида қабул килинади.

томони хусусиятлари (сегмент ва суперсегмент фонемалар, просодик воситалар, ўзак ва қўшимчаларнинг хусусиятлари, агглютинация, фузия, сўз тартиби, синтетизм ва аналитизм, имо-ишора каби) билан боғлиқ бўлса, уларнинг семантик-функционал томони фанда мантиқий категориялар ёки тушунчавий, мазмуний категориялар деб номланувчи ҳодиса билан алоқадор.

Дастлаб атаманинг ўзи хусусида тўхталиш лозим. Мантиқий (тушунчавий, мазмуний) категория деганда, маълум бир маъно, мазмунни аташ билан боғлиқ бўлган шаклан ранг-баранг ҳодисалар тушунилади. Шунинг учун атаманинг биринчи таркибий қисми ўзгарувчан бўлиб, у бу ерда кўрсатилган тушунчавий, мазмуний шаклларидан ташқари маъновий, нолисоний, экстралингвистик каби кўринишларда ҳам қўлланади. Бу атама ҳақида гапирганда, аввало, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, унинг таркибида қўлланган *мантиқий* сўзининг мантиқ фанига мутлақо алоқаси йўқ ва *мантиқий категория* атамаси остида тушуниладиган ҳодисаларни мантиқ фани билан алоқадор нарсалар деб тушуниш мумкин эмас. Бу атамада *мантиқий* сўзи “бир хил маъно”, “бир хил мазмун”, “бир хил тушунча” маъносида. Тилшуносликка бу атамани О.Есперсен ўзининг “Грамматика фалсафаси” китобида инглиз. *Сонцептуал сатегориј, нотионал сатегориј* шаклида қўллаган,¹¹³ И.И.Мешчанинов 1940 йилда нашр этилган, ўз вақтида жуда машҳур ва нуфузли бўлган “Общее языкознание” китобида русча *понятийные категории* шаклида бериб, асослаган эди.

Мантиқий категория, одатда, грамматик аҳамиятга эга бўлган (яъни тилда ўзига хос фонетик, лексик, морфологик, синтактик каби воситалар билан ифодаланувчи) бир маъно – граммема – асосида тузилади. Бундай маънолар хилма-хил бўлиши мумкин. Масалан, замон, макон, жонли/жонсизлик, шахс, инсон/ҳайвон, эгалик/қарашлилик, сон/микдор, даражা, йўналиш каби. Тил қурилишида бу маънолар хилма-хил восита билан ифодаланиши мумкин. Дейлик, ўзбек тилида замон маъноси лексик (*кун, йил, ой. . . ;энди, кейин. . . ;*), морфологик (замон шакллари, келишиклар . . .), лексик-морфологик (*урушида, келганда. . .*), синтактик (2016 йил 10 январь) каби йўллар билан берилади. Мантиқий категория тилда турли восита билан берилганидек, айни бир мантиқий категориянинг бир тилда, масалан, лексик усул билан бериладиган маъноси иккинчи тилда, масалан, грамматик усул билан берилиши мумкин. Бунда жуда кўп ҳолларда тилшуносликда нотўғри талқинлар юзага келади; мантиқий категориянинг бир тилда ифодаланиш хусусияти асосида бошқа бир тил ҳодисалари ҳақида хулоса чиқарилади. Масалан, рус тилида жинс мантиқий категориясининг род грамматик категорияси билан алоқадорлиги асосида (*адиб-адиба, қўй-қўйчкор. . .* кабиларга таяниб) ўзбек тилида род категориясини “тўқиши”, ўйлаб чиқариш ёки унинг йўклигидан “хайратланиш” ҳолатлари шунинг натижасидир. Ваҳоланки, бир тилда ўзига хос ифодаланадиган мантиқий категория бошқа тилда тамоман ўзгача берилиши ёки бу тил шу маънога нисбатан тамоман бефарқ бўлиши мумкин. Масалан, бир таркиблилик ва шахссизлик (гап қурилишида эганинг бўла олмаслиги ва ҳаракат/ҳолат

¹¹³Есперсен О. Философия грамматики. – М.: ИИЛ, 1958.

субъектининг мажхуллиги) рус тилида асосан шахссиз феъллар (*светает, снежит, знобит* . . .), кесим мавқеида келганда эга билан бирика олмайдиган ҳар хил сўзлар билан (*можно, нужно, много, нет, холодно.* . . .) ифодаланади. Ўзбек тилида бу мантиқий категория маъноси лексик эмас, балки морфологик усул билан берилади.¹¹⁴ Шунинг учун мантиқий категориялар ва уларнинг тилларда ифодаланиш хусусиятларига ҳам эҳтиёт муносабатда бўлиш лозим. Бундан ташқари, тил ва тафаккур узвий боғлиқ бўлганлиги сабабли мантиқий категорияларнинг ҳажми ва ҳатто турлари ҳар хил тиллар учун бир хил бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, жонли-жонсизлик мантиқий категорияси рус тилида барча отларни икки:

- 1) одам ва ҳайвонларни атовчи;
- 2) нарса-буюм ва мавхум отларни атовчи отларга ажратади:

Одушевлённые	Неодушевленные
<i>кто</i>	<i>Что</i>
<i>он</i>	<i>Оно</i>
<i>девочка</i>	<i>Кукла</i>
<i>собака</i>	<i>Портфель</i>

Ўзбек тилида эса бу бўлиниш бошқача. Ўзбек тафаккур тарзи жонли-жонсизликни эмас, одам-одам эмасликни фарқлайди. Яна бир мисол. Ўзбек онги модда, маъдан, хом ашёларни алоҳида бир мантиқий категорияга ажратишни талаб қиласди. Чунки буларни атовчи сўзлар тилимизда қатор грамматик хусусиятга эга. Қиёсланг: *чүян печ – чүян печи*. Ваҳоланки, рус тили учун бундай бўлиниш аҳамиятсиз. Қуйида мантиқий категориялар бўлмиш сифат ва миқдор ҳақида мулоҳаза юритамиз.

Фалсафий қонуниятларнинг негизида ётувчи сифат ва миқдор унсурлари барча объектив категориялар каби ўзаро алоқада, тобелик (бўйсуниш) муносабатида туради.¹¹⁵ Аниқроқ қилиб айтганда, реал борлиқдаги, ўз кузатувимиздаги ҳар қандай предмет (воқеа, ҳодиса) да бу икки элементни текшириш мумкин. Шу фикрни қатъий таъкидлаган А.Г.Спиркин шундай илмий холосага келади: “*Для оперирования категорией количества, необходимо располагать категорией качества, хотя реально не существует качества без количества, и наоборот.*”¹¹⁶

Предмет – ўзига хос белгилар мажмуидан иборат, яъни “*мажмуи асмо ва сифот*”. Ундаги сифат шундай муҳим хусусиятки, у туфайли предмет маълум бир давр мобайнида ўз-ўзида предмет (“вещь в себе”) бўлиб умумлашади, у ёки бу жиҳати, энг умумий, энг характерли белгилари орқали бошқа предметлардан фарқланишни, шунингдек, предметнинг алоҳидалигини, ўзига хослигини, яккалигини таъминлайди. “*Сифат – объектнинг муайянлиги бўлиб,*

¹¹⁴Бу масала тилшунос М. Р.Сайдова томонидан атрофлича ўрганилган эди. Қаранг: Сайдова М.Р. Сравнительно-типологическое исследование односоставник предложений в русском и узбекском языках: Автореф. дисс. . . . канд. филол. наук. – Ташкент, 1996.

¹¹⁵Бу масала И.М.Хайдаровнинг “Диалектика становления, функционирования и развития системного качества” (- Ташкент, 1984) асарида ёритилган.

¹¹⁶Спиркин А.Г. Происхождение сознания. – М.: Наука, 1960. – С. 331.

унинг барча ўзгаришилари учун ички асосларни ташкил этади.”¹¹⁷ “Краткий философский словарь” (- М., 1998) да эса “сифат – бу ички ва ташқи муайянлик, предметларнинг характерли белгилар системасидирки, уни йўқотса, предмет предметлигини йўқотади” деган таъриф келтирилади. Бизнингча, сифат мантиқий категориясига энг адекват (ҳаққоний) берилган изоҳ шу бўла олади. Чунки онгимизда “предмет” тушунчаси айнан мана шу характерли белгилар, ички ва ташқи муайянлик туфайли яшайди, сақланади. Инсон тафаккури энг умумий, моҳиятга дахлдор, энг характерли, нисбий мухим хусусиятга эга тушунчаларни сақлаб қолишга мослашган.

Сифат – муайян белги (хусусият)лар мажмуи экан, бу ерда “хусусият” ҳамда “предмет” тушунчалари ҳам иштирок этади. Агарда сифат категорияси миқдор ва даража категориялари билан умумийликда бўлса, тафаккуrimиздаги белги-хусусият (качество) категорияси “нарса” (предмет) ва “муносабат” категориялари билан мавжудликда:

хусусият → предмет → муносабат

Предметларнинг “тўзал”, “кatta”, “оппоқ” каби белгилари улар (нарсалар) га нисбий барқарорлик бағишивчи, уларнинг сифатий муайянлигини таъминловчи, шунингдек, бошқа хусусиятлар билан алоқасини ифодаловчи элементлар. Шу қарашни назарда тутган ҳолда Г.Ҳегел предмет тушунчасига хос бўлган мантиқий сифат категорияларига, айнан белги маъносига қуидагича изоҳ берган эди: “Нарсанинг белгиси – бу унинг бошқаси билан алоқадорлиги, муносабати; белги(хусусият) бирор нарсанинг бошқа бир нарса билан муайян муносабати сифатидагина мавжуд.”

Тафаккур категорияларидан яна бири миқдор (количество) дир. Бу шундай мантиқий бирликки, предметнинг ташқи белгиларини, муайянлиги – унинг ҳажми, кенглиги, узунлиги, баландлиги кабиларни ифодалаб келади. Нарса белгилари миқдорининг даражаси ошиб бораверган сари унинг сифати ҳам ўзгаради. Бундай жараён миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришига ўтиши дейилади.¹¹⁸ Буни тилдаги градуонимия ҳодисаси мисолида кўриш мумкин. Масалан, миқдор ўзгаришлари амалга ошаверган сари (уйдан харобагача ёки уйдан кошонагача) ўзининг энг охирги (ҳал қилувчи) чегарасига етгач, кескин сифат ўзгаришлари, сакраш содир бўлади: *уй – кошона – хароба*.

Аён бўладики, мантиқий категориялар ва уларни турли хил тилларда бериш воситаларини қиёсий ўрганиш тилшунослик назарияси учун ҳам, тил таълими учун ҳам аҳамиятли. Зоро, мантиқий категориянинг борлик, реал воқелик билан боғланиши лисоний категория ва маъноларнинг булар билан боғланишидан кўра бир поғона яқин ва буни қуидагича кўрсатиш мумкин:

1-чизма

Воқелик	
Онг (тафаккур)	
мантиқий категория	лисоний категория

¹¹⁷Ўша манба – С. 340.

¹¹⁸Хайдаров И. М. Особенности действия закона взаимоперехода количественных и качественных изменений в современных условиях (09.620 - Диалектический и исторический материализм): Автор. дисс. . . канд. филос. наук. – Ташкент, 1971.

Демак, тил ва унинг таркибий қисмлари бўлмиш лисоний категориялар воқеликни бевосита эмас, балки билвосита – воқеликнинг онгдаги инъикоси, миллий тафаккурда шаклланиши ва мантиқий категорияларда системалашиши (муносабатлар асосида гурухларга бирлашиши) орқали акс эттиради. Лекин бу ерда келтирилган қатор ҳали тўлиқ эмас. Чунки ҳар бир лисоний категория бу категориянинг умумлисоний ёки хусусийлиги, умумлисоний бўлса ҳам, хусусий бўлса ҳам, қайси муайян тилда воқеаниши ва бу тилнинг умумлисоний типологик ҳамда соф хусусий-индивидуал (такрорланмас) сифатлари билан узвий боғлиқ бўлиб, ҳар бир тилда бетакрор ўзликка эга. Шунинг учун 1- чизма бирмунча тўлдирилиши лозим (2-чизма):

2-чизма

	Воқелик
	онг (тафаккур)
мантиқий категория	лисоний тизим
	лисоний категория

Объектив воқеликдаги барча нарса ва ҳодисалар, мавҳумлик ва аниқлик (умумий ва хусусий ҳодисалар) бир-бири билан зич алоқада, таъсирда бўлгани каби тафаккур категориялари ва тил категориялари ҳам ўзаро уйғунликда ривожланади. Тил мавҳум, умумлашган, кузатишда берилмаган (нутқ билан оппозицияда) унсурларнинг муштараклиги, системаси сифатида энг умумий, юксак тафаккур категорияларини юзага чиқариш воситаси эканлиги мантиқий ва грамматик категориялар муносабатида қайта-қайта ўз исботини топади¹¹⁹.

Мантиқий категориялар моҳиятнан нолисоний бўлганлиги (онг, тафаккур ҳодисасига асосланиши) сабабли лисоний категорияларни белгилаш ва, хусусан, ажратишга асос бўла олмайди; лисоний категориялар соф лисоний асосларда ажратилади, лекин мантиқий категорияларнинг лисоний ифодаси, хусусан, бу йўналишдаги қиёсий-типологик тадқиқотлар фан учун аҳамиятли.

Концепт, тушунча, сўз

Концепт – билимлар мажмуи.¹²⁰ Билиш ва тушуниш چуқурлик ва аниқлик сўzlари билан муайянлашади. Шунингдек, билиш борлик ҳодисаларига, тушуниш уларнинг замиридаги моҳиятга алоқадор тушунчалардир. Яъни инсон кўп нарсаларни билиши, лекин уларнинг моҳиятини англамаслиги мумкин. Буни Алишер Навоий “Лисонут-тайр” достонида “Кўрлар ва фил ҳикояти” орқали бадиий ифодалаган. Кўрлар фил ҳақида кўп нарсаларни билишади, лекин филнинг моҳиятини англаб етмаганлар. Ориф эса уларнинг билимларини умумлаштириш орқали фил моҳиятини англайди. Шу маънода кўрларнинг фил

¹¹⁹ G.Hegel. The science of Logic. Cambridge. P.121.

¹²⁰Қаранг: “концепт (concept; konzept) – термин, служащий объяснению единиц ментальных или психических ресурсов нашего сознания и той информационной структуры, которая отражает знание и опыт человека”: Кубрякова Е.С., Демьянков В.З., Панкрац Ю.Г., Лузина Л. Г. Краткий словарь когнитивных терминов. – М.: Филологический факультет МГУ им. М.В. Ломоносова, 1997. – С. 90.

ҳақидаги билимларини чукур, орифнинг фил моҳияти ҳақидаги тушунчасини аниқ дейишимиз мумкин. Тушунчадан эса маъно келиб чиқади. Бугунги кунда замонавий когнитив тилшунослик ёки лингвокогнитология (биз уларни фарқлаш тарафдоримиз¹²¹) тушунча замиридаги билимларнинг системавий муносабатларини тадқиқ қилиш билан шуғулланмоқда. Билимлар система характерига эга бўлмас экан, у тасаввурлигича қолади. Барқарор (система)лашган билимлар концепт табиатига эга бўлади. Концепт моҳиятини тушунча ва сўз категориялари билан яхлит парадигмада, уларнинг умумий ва фарқли жиҳатларини текширмасдан тушунтириб бўлмайди. Яқин вақтгача тушунча талқинларда тўғридан-тўғри борлик билан сунъий равишда боғланар эди. Когнитология самараси ўлароқ бу сунъийликка барҳам берилмоқда ва “қолдириб кетилган” бўғин – концепт чукур ва атрофлича тадқиқ қилинмоқда. Занжир қанчалик қалин бўғинлардан тузилмасин, ундаги бир заиф бўғин ҳам унинг мустаҳкамлигига путур етказади, демак, концептнинг ўрганилиши “тасаввур-концепт-тушунча-маъно” занжирини мукаммаллаштиради ва, шу билан бирга, тушунча ва маъно (сўз) ҳақида бизга маълум ва тан олинган қарашларни ўзgartириб юбориши ҳам мумкин. Масалан, концептнинг миллийлиги кенг эътироф этилар экан, бу, ўз-ўзидан, тушунчанинг ҳам байналмилаллиги ҳақидаги “мумтоз” ақидаларга раҳна солиши мумкин¹²².

Тушунча – концептнинг“мағзи”. Воқеликнинг инсон онгида акс этиш жараёни – жуда мураккаб ҳодиса. Бунга ҳиссий (бундан тасаввурлар ҳосил бўлади) ҳамда мантиқий билиш (бундан концепт ва тушунча ҳосил бўлади) орқали эришилади. Улар шундай изчил ва босқичма-босқич ҳодисаларки, воқеаларни сезиш, туйиш, идрок этиш, улар ҳақида тасаввур, билим ва, нихоят, тушунча ҳосил қилиш жараёни кетма-кет содир бўлади. Масалан, маълум бир фильм (айтайлик, “Келинлар қўзғолони”)ни кўраётганда воқеларни сезги аъзолари – кўз ва қулоқ фаолиятига таяниб қабул қиласиз, онг ва хотирамизда мавжуд бўлган ахборот билан қиёслаб идрок этамиз – уқамиз, тушунамиз. Шунинг маҳсули ўлароқ, тафаккуримизда мазкур фильм ҳақида анча абстракт, умумий бир ахборот (маълумот) ҳосил бўлади, бу – шу фильм ҳақида бизнинг онгимиздаги **тасаввурдир**. Бу тасаввур бизнинг онгимизда манзарали, иллюзиор – кўз олдида гавдаланувчилик. Лекин бу манзаравий тасаввур ҳали билим ёки тушунча эмас. **Тушунча даражасига кўтарилиш учун тасаввур муносабатлар тизимиға киришиб, концепт даражасига, яъни системалашган билим даражасига, сўнгра бу концепт жузъийликлардан, манзаравийликдан холи бўлиши, юксак умумийлик даражасига**

¹²¹Тилшуносликнинг ўрганиш обьекти ҳар қандай ҳолатда ҳам тилдир. Шу маънода тилшуносликнинг психолингвистика, лингвокультурология, социолингвистика, когнитив лингвистика, прагмалингвистика каби йўналишларининг ўрганиш обьекти умумий, яъни тилдан бошқа нарса бўлиши мумкин эмас. Масалан, прагмалингвистика тил имкониятларининг прагматик хусусиятларини “тил→мулокот системаси” йўналишишида ўрганса, у тилшуносликнинг, акс ҳолда прагматиканинг таркибий қисми саналади. Когнитив тилшунослик ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Модомики, ўрганиш обьекти тил экан, когнитив тилшунослик ўз тадқиқ масалаларини тил→мантиқ→борлик йўналишида, яъни маънодан тушунчага, тушунчадан концептга, концептдан борликка йўналган ҳолда ўрганиши лозим. Акс ҳолда у мантиқ, психология каби фанларнинг таркибий қисми бўлиб қолади. Шунинг учун номлари шартли бўлган “концептдан тилга” йўналишидаги когнитив лингвистикани “тилдан концептга” тамойили асосида иш кўрувчи лингвокогнитологиядан фарқлаш лозим. Йўналишлар моҳиятини англашда ҳам мантиқан юкорида айтилган чукурлик ва аниқлик тушунчаларига таянмоқ мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

¹²² Ferdinand de Saussure. Course in General Linguistics. McGraw Hill Book Company. P. 121.

күтарилиши лозим. Фильмнинг муаллифи, яратилиш даври, образлар системаси, сюжети, композицияси, фояси, бадиий хусусиятлари, асар ҳақидаги фикрлар, аҳамияти (бу қаторни анча давом эттириш мумкин) кабилар ҳақидаги тўлиқ ва системали тасаввур ҳосил қилингач, концепт шаклланди дейиш мумкин. Тасаввурнинг юқори даражаси (яъни тўлиқ ва системали тасаввур)да **концепт туғилади**.

Фильмнинг шаклий ва мазмуний томонларини ўзга фильмлар ва шу йўналишда ахборот берувчи бошқа манба (ёзма асарлар, оғзаки ривоятлар каби) лар билан қиёслаб, ўхшашлик ва фарқларини аниқлаб, унинг бошқа фильм ва ахборот манбалари билан муносабатларини – умумийлик ёки уйғунлигини ҳамда ажralиб турувчи жиҳатларини (ўхшаш ва зид томонлари, белги-хусусиятлари – сифатларини) онгимизда юқори даражадаги умумий бир яхлитликка бирлаштирамиз. Мана шу умумлашма айтилган фильм ҳақидагитушунчадир. Бу тушунча шу фильм билан узвий боғланган бўлиб, “Келинлар қўзғолони” фильмни бу тушунчанинг шакл томони, уни дейлик, “Келинлар қўзғолони” ҳикоясидан, “Келинлар қўзғолони” пьесаси ва “Келинлар қўзғолони” спектаклидан фарқлаб туради. “Келинлар қўзғолони” фильмни тушунчасининг мазмун томонини ўша фильмдан олинган ахборот мажмуаси, фильмнинг санъат асари сифатида шу ахборотни етказиш хусусиятлари ҳақидаги билимлар ташкил этади. Демак, тушунча инсоний билиш жараёни маҳсули бўлиб, гўё **билиш натижалари (концепт) солиб қўйиладиган идиш ва қутичаларга ўхшайди**; хазинада – онгда, хотирада бу идишлар юксак тартиб билан каттароқ идишларга (категорияларга), улар эса маҳсус жавонларга, жавонлар хоналарга шу даражада қатъий тартиб ва қулайлик билан жойлаштириладики, киши сўзлаётган пайтида – ҳеч қийналмай юз минглаб тушунчалар ичидан кераклисини вақт сарфламай топа олади ва қўллайди. Концептнинг барқарорлиги ва тўлиқлиги, мукаммаллиги ва изчиллиги тушунчанинг сифатини белгилайди¹²³.

Тушунча сезиш-идрок-тасаввур билан биргаликда ўқиш, эшитиш, тушунтириш орқали ҳам қабул қилиниши мумкин. Демак, **тушунча нафақат концепт идиши, балки уни узатиш воситаси ҳамdir**.

Тушунча – материянинг олий маҳсули бўлмиш миянинг юксак даражадаги маҳсулидир.¹²⁴ **Тушунчанинг сезги, идрок ва тасаввур ва концептдан фарқи шундаки, у муайян белги ва жиҳатларни эмас, балки у концептдаги энг умумий, энг муҳим умумлашмаларнигина сақлаб қолади.** Тушунча учун умумийлик хос. ЎТИЛда тушунчага қуйидаги изоҳ берилган:

“**ТУШУНЧА1** Предмет ва ҳодисаларнинг мантиқан ажратилган муҳим белгиларини умумлаштириб, бирлаштириб акс эттирувчи тасаввур. Сўз туркумлари ҳақидаги тушунча. Материя ҳақидаги тушунча. Қўшимча қиймат тушунчаси. 2Умуман нарсалар, ҳодисалар ҳақидаги тасаввур, тушуниш. Қишлоққа янги замоннинг янги одамлари келар... ва янги ном, янги тушунча олиб келардилар. П. Турсун. Ўқитувчи.” “Советский энциклопедический

¹²³ Ferdinand de Saussure. Course in General Linguistics. McGraw Hill Book Company. P. 132.

¹²⁴Хайруллаев М. , Ҳақбердиев М. Мантиқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – Б. 105.

словарь”да эса шундай таърифни кўриш мумкин: “Понятие –1. филос. форма мышления, отражающая существенные свойства, связи и отношения предметов и явлений. Основная логическая функция П. – выделение общего, которое достигается посредством отвлечения от всех особенностей отдельных предметов данного класса.

2. В логике – мысль, в которой обобщаются и выделяются предметы некоторого класса определенным общим и в совокупности специфичным для них признаком. . .^{“125”}

Маълум бўладики, концепт “мағзи”бўлган тушунча – объектив воқеликнинг тафаккурдаги умумлашмаси бўлиб, предметларнинг энг муҳим белгиларини, моҳиятини мужассам этиши билан характерланади.

Концепт ва тушунчанинг ҳосил бўлиш босқичлари, мантиқ ва психологиянинг, тушунчаларнинг таснифи ва ўзаро муносабати масалалари – когнитология ва мантиқ фанларининг тадқиқ манбаи. Бизни бевосита қизиқтирган масала тушунча ва сўзнинг ўзаро муносабатидир.

Концепт, тушунча ва сўз муносабати. Юқорида концепт ва тушунчага берилган шарҳдан ўқувчи тасаввур ва билимнинг тушунча даражасига кўтарилишида сўзнинг аҳамиятини илғаб олган бўлиши мумкин – предмет, белги-хусусият, воқеа, муносабат кабилар ҳақида манзаравий тасаввур яхлитлашиб, система ҳосил қиласи, билимларнинг бутунлигидан иборат концептга айланади, у сўз қобиғига киргач, тушунча даражасига кўтарилади. Сўз тушунчанинг моддий қобиғини, шакллантирувчи ва ичидаги сақлаб турувчи “идиш”ини ташкил этса, тушунча сўзнинг мазмун томони – маъносига асос бўлади. Маъно тушунчанинг энг умумий, характерли жиҳатларини ўзида мужассамлаштиради. Айтиш мумкинки, умумлаштиришлар натижасида тасаввурлар концептга, концепт тушунчага, тушунча эса маъно даражасига кўтарилади. Буни шартли равишда шундай тасаввур қилиш мумкин:

З-чизма

Маъно															
Тушунча								Тушунча							
Концепт				Концепт				Концепт				Концепт			
Тасаввур		Тасаввур		Тасаввур		Тасаввур		Тасаввур		Тасаввур		Тасаввур		Тасаввур	
Борли к ходис алари															

Концепт, тушунча ва сўз орасидаги изчил алоқа – ниҳоятда кенг масала. Бунга жамият, миллийлик, воқелик ва реаллик муносабатлари катта таъсир кўрсатади. Масалан, ўзбеклар “кор” тушунчасини бир сўз билан атайди, эскимослар эса тахминан ўнта сўз билан кор турларини фарқлайди ва, аксинча, биз отнинг элликдан ортиқ турини алоҳида-алоҳида сўз билан ажратамиз. Эскимослар тилида “от” тушунчасини ифодалаш учун сўз борми ёки йўқми, бу масала бизга қоронғи. Ўзбек учун, бир томондан от, иккинчи томондан, байтал, бия, айғир, қулун, той,ғўнан, дўнан, арғумоқ(ўз ичига олиш муносабатларида турган бўлса ҳам) тушунчаларми-йўқми? **Демак, сўз ва унинг шакли ҳамда маънолари, ҳамда концептнинг миллийлигига ҳеч қандай шубҳа**

^{“125”}Советский энциклопедический словарь. – М.: Изд. Изд. СЭ , 1981.

бўлмаганидек, тушунчанинг ҳам миллийлиги масаласини кун тартибига қўйиш лозим. Тушунча нафақат миллий, ҳатто балки маълум даражада ҳар бир инсонда маълум маъно ва микдорда индивидуал табиатга эга, чунки у инсоннинг билим ва тажрибаси, қолаверса ҳаёти, фаолияти, тарбия ва маданияти билан, ўй-фикрлари-ю одатлари, дунёқараши ҳамда маънавий дунёси билан алоқадор. Шу боис тушунчани ривожлантириш ва юксалтириш, шу орқали нутқни ўстириш билим ва мантиқий билишга, тажриба ва интилишга боғлик. Бунинг барчаси – сўз-тушунча-концепт боғланиши – тил-тафаккур боғланишидек баркарор, бири иккинчисини талаб этадиган, бир-бirisиз мавжуд бўла олмайдиган диалектик бирлик эканлигидан далолат беради. Шундай яқин алоқа ва боғланишда бўлган ҳолда тасаввур концептга, концепт тушунчага, тушунча сўзга teng эмас ва уларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари бор.

Биринчидан, сўз ташқи – моддий ҳамда ички – мазмун томонларидан иборат. Шу туфайли сўзни лексикологияда мазмун томонидан, фонетика, морфологияда ифода томондан текшириш мумкин. Концепт ва тушунча эса бир томонлама, у – абстракциядан, умумлаштиришдан иборат. Шунинг учун ҳам концепт ва тушунчанинг ташқи структурасини ўрганиб бўлмайди. Сўз эса ўзининг маъноси билангина концепт ва тушунча билан боғланади. Конепт ва тушунча онгимизда фақат мазмун томондан система ҳосил қиласи, сўз эса семантик системага ҳам, грамматик, лексик, морфологик, стилистик ва бошқа доираларга ҳам тортилади. Шу асосда сўз ва тушунча, концепт муносабатида биринчи антиномия (зидланиш) ни “**сўз икки томонли лисоний бирлик, концепт ва тушунча эса бир томонли бўлиб, тафаккур бирлигидир**” деб бериш мумкин.

Иккинчидан, сўзлар мустақил, ёрдамчи ва сўз-гапларга ажралади, концепт ва тушунча билан боғлиқлик эса мустақил сўзларнинг бир қисми – олмош туркумидан бошқаларига хос. Ёрдамчи сўз, олмош концепт ва тушунча билан боғланмаган. Ундов, модал, тақлид ва таклиф-ишора (масалан, *оҳ, албатта, тиқ-тиқ, ма*) сўзларнинг концепт ва тушунча билан боғланганлиги мунозарали. Бундан ташқари, концепт ва тушунча нафақат сўз билан, балки сўз бирикмаси ва уланинг занжирлари билан ҳам ифодаданади. Масалан, *аёллар кийими, “Келинлар қўзғолони” ҳикояси, “Келинлар қўзғолони” пьесаси, “Келинлар қўзғолони” спектакли, “Келинлар қўзғолони” фильм*и каби. Шу асосда сўз, тушунча, концепт муносабатида иккинчи антиномияни “**барча сўзлар ҳам тушунча ва концептнинг шакли эмас ва тушунча ва концептнинг шакли фақат сўз ҳам эмас**” деб бериш нумкин. Шу зидланишга асос сифатида концепт ва тушунча олинганда “концепт ва тушунча сўз билан ҳам (олим), сўзлар қўшилмаси билан ҳам (*Абу Наср Форобий*), сўз бирикмаси билан ҳам (*Муаллими соний, Шарқ Аристотели*), гап билан ҳам (*Форобий – Шарқ Аристотели*) ифодаланади” дейиш мумкин. Шунинг учун соғ мантиқий нуқтаи назардан урғочи от – байтал, қулунли от – бия, онанинг акаси – тоға айни бир тушунчанинг шакллариdir. Лекин уларни синоним деб аташ мумкин эмас, чунки улардан бири сўз, бошқаси эса сўз бирикмаси бўлиб, турли лисоний сатҳ бирликлариidir.

Учинчидан, тилда айни бир концепт ёки тушунча нафақат турли сатҳ бирликлари билан, балки айни бир сатҳнинг бир неча бирлиги билан ҳам берилиши мумкин (сионимия): *кичик – майды, ўрганмоқ – ўзлаштирмоқ, ўлмоқ – вафот этмоқ* . . ва, аксинча, айни бир сўз бир неча тушунчани ифодалashi ҳам мумкин (омонимия): *от – исм – ном; от – маркаб – улов*. . . Бундан ташқари, тилда яна шундай ҳодисалар мавжудки, уларда сўз – сўз маъноси – тушунча, концепт муносабатларидағи номутаносиблик яққол кўриниб туради. Б.А.Плотников қуидаги далилни келтиради: “*Диалектические соотношения содержания и формы языковых единиц наблюдается и в случаях эмантиосемии, когда одна и та же материальная форма слова вливает в себе понятия с противоположными значениями. . Так, например, слово “герой” может относиться к человеку, совершившему боевой или трудовой подвиг, и в ироническом смысле – к человеку, совершившему неблаговидный поступок (ср. также эмантиосемию в словах задуть- задуть доменную печь, но задуть свечу, разбить – разбить стакан, но разбить сквер, убрать мусор, но убрать елку и т. д.)*”

Шу асосда сўз-тушунча-концепт муносабатларида учинчи антиномияни “**айни бир тушунча ёки концепт бир неча сўз билан ва бир неча концепт ва тушунча айни бир сўз билан ифодаланиши мумкин**” деб бериш мумкин. Шу боисдан когнитологияда “баҳт” концепти, мантиқда “баҳт” тушунчаси шартли равишда сўздан фарқлаш мақсадида қўштириноқ билан берилади.

Тўртинчдан, концепт ва тушунча тафаккур бирлиги, борлиқ алоҳидаликлари ва муносабатларидағи умумий ва муҳим томонларнинг онгдаги инъикоси бўлган ҳолда баҳолаш, унга кимнингдир муносабати қўшимча (ёндош, ҳамроҳ) маънолари хос эмас; у баҳо маъносидан холидир.¹²⁶ Сўз эса, аксинча, коннотатив (қўшимча услубий) маъно бўёғисиз бўлмайди. Масалан, *турқ – ангор – афт – башара – ЮЗ – чехра – жамол – ораз – узор – рухсор*. . . сирасида юз лексемаси бўёғисиз эмас, балки бетараф бўёқли. Шу хусусият асосида тўртинчи антиномияни “**концепт ва тушунча учун қўшимча маъно хос эмас, сўз эса қўшимча маъносиз бўлолмайди**” деб шакллантириш мумкин. Қизча сўзига эътибор берайлик. Бунда икки тушунча – “қиз” тушунчаси ҳамда “кичрайтириш” маъноси ёки тушунчаси мавжуд, яъни “кичкина қиз” тушунчасини берувчи бир ифода. Демак, икки ва ундан ортиқ тушунча худди шундай ҳолатда биргина сўз билан ифодаланиши мумкин.

Бешинчидан, концепт ёрқин динамик табиатли бўлиб, тушунча нисбий статик табиатга эга бўлса-да, у ҳам тарихий тараққиёт натижасида ўзгариши, ҳатто ўз аксига ўтиши ва бу сўзга таъсир этмаслиги, шунингдек, сўз тамоман ўзгариб, концепт ва тушунчага мутлақо таъсир этмаслиги мумкин. Биринчи ҳолатни биз Ер ва Қўёш ҳақидаги бундан юз йил олдинги ва бугунги тасаввур, билим ва тушунчаларимизнинг қиёсида кўришимиз мумкин. Иккинчи ҳолатни бундан 20 йил олдин кенг ишлатилдан *ревизия, трагедия, область, министр* сўзларининг *тафтиши, фожеа, вилоят, вазир* сўzlари билан алмашганида кўрамиз. Шу асосда “сўз ўзгариб, концепт ва тушунча ўзгармаслиги ва,

¹²⁶Чунки “муносабат”, “ижобийлик”, “салбийлик”, “бетарафлик/нейтраллик”, шунингдек, “сўзловчи”, “tinglovchi” кабиларнинг ҳар бири алоҳида тушунчалардир.

аксинча, концепт ва тушунча ўзгариб сўз ўзгармаслиги мумкинлиги”, баъзан ҳар иккаласининг ҳам ўзгариши мумкинлиги ҳақидаги бешинчи антиномияни ифодалаш мумкин.

Хулоса шуки, фикрлаш ва унинг натижаси ўлароқ сўзлаш қобилияти – инсоннинг икки буюк ютуғи. Тафаккур шакли бўлмиш тушунча умумийлиги, мавхумлиги билан сўздан фарқ қиласди. Тушунчанинг вазифаси, ўзига хослиги – предмет, воқеа, ҳодисалар моҳиятини акс эттиришдан иборат.

Когнитология концептни, мантиқ фани тушунчани ўрганар экан, уларни ҳосил қилиш йўл ва механизмларига таянади. Улар таққослаш, анализ, синтез, умумлаштириш, абстракция кабилардир. Бу мантиқий усуллар мантиқий билиш, ақлий меҳнат жараёнида катта роль ўйнайди.

Сўз – инсон онги, юксак тафаккури маҳсули, у концепт ва тушунчалар билан алоқадор. Сўз ва тушунча ўзаро диалектик муносабатда бўлганлиги боис, концепт, тушунча ва сўз орасида номувофиқлик ҳам, мувофиқлик ҳам бўлиши мумкин. Бу тилнинг – серқирралиги, ниҳоятда кенг имконият ва шароитга эгалигидан далолат беради¹²⁷.

Концепт ва тушунча – инсоний билиш ва тафаккур маҳсули, сўз унинг воқеланиш шакли. Инсоният, жамият, маданият ва маънавият ҳамиша ривожланишда экан, бу уч унсур ҳам мутараққий бўлиб, бир-бирига таъсир этади, ўзгаради ва янгиланади.

Ҳукм ва гап

Ҳукм ҳақида тушунча. Тушунчалар муносабатни, яни нарса ва ҳодисаларнинг объектив борлиқдаги зиддиятли табиатини, уларнинг диалектик муносабатини ифодалаш натижасида фикр пайдо бўлади. Фикр ҳукм орқали воқеланади. “Ҳукм фикр бўлиб, унда бирор нарса ҳақида нимадир тасдиқ қилинади ёки инкор этилади. Фикрнинг манбаи – реал борлиқ. Масалан, *Барглар шитирлади*. Реал борлиқда барглар ва уларнинг ҳаракати мавжуд, борлиқдаги бу предмет ва унинг ҳаракати онга акс этиб, икки тушунча (предмет – барглар ҳақидаги тушунча ва унинг белгиси – ҳаракати ҳақидаги тушунча) шакланади ва бу тушунчаларнинг қўшилиши ҳукмни, фикрни келтириб чикаради.”¹²⁸ Демак, ҳукм бирор предмет, воқеа ё ҳодиса ҳақидаги тасдиқ ёхуд инкор фикрdir. Тафаккур барча инсонлар (улар қайси тилда гаплашишларидан қатъи назар) учун объектив реалликни, олам асосидаги, ривожланишидаги диаликтик қонуниятларни акс эттириш воситаси бўлганидек, тафаккур категорияси бўлган ҳукм ҳам реал боғланишларни, нарса муносабатларини ифодалайди. Масалан, *Копток – думалоқ*. Копток реал борлиқдаги (биздан ва онгимиздан ташқарида бўлган, онгимиз, сезги аъзоларимизга таъсир этадиган) маълум бир воқелик, думалоқлик воқелиқдаги мавжудотларнинг белгиларидан, шакллари ҳақидаги тасаввурлардан бири. “Копток – думалоқ” ҳукмида шу икки тушунча ва уларни атаб келаётган сўзлар

¹²⁷ G.Hegel. The science of Logic. Cambridge. P.142.

¹²⁸ Азизов О. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1963. – Б. 115.

бирлашади ва ҳукм юзага келади. Шу туфайли чин ва хато ҳукм фарқланади. Чин ҳукм нарса ва ҳодисалар муносабатининг объектив реалликка мослигини англатса, хато ҳукм унинг аксини кўрсатади: *Копток – учбуручак*. *Копток – думалоқ* ҳукмида унинг мазмуни билан борлиқдаги муносабатлар мос келади, шу боис бу ҳукм чин саналади. *Копток – учбуручак* ҳукмида бундай мувофиқлик йўқ ва бу – хато ҳукм. Шу асосда ҳукм ҳамиша икки аъзоли – у субъект ва предикат қисмлардан иборат.¹²⁹ СЕС(Советский энциклопедический словарь)да ҳукм(суждение)га қўйидагича таъриф келтирилади: “1) то же, что высказывание; 2) умственный акт, реализующий отношение говорящего к содержанию высказываемой мысли и связанный с убеждением или сомнением в её истинности или ложности.”

Мантиқ ва тилшунослик муносабатларнинг икки тури – атрибутив ва предиктив муносабатларни ажратади. Икки ва ундан ортиқ тушунчанинг белги (сифат) ва нарса (мавжудот, ҳодиса) муносабатлари билан боғланиши атрибутив бирикмани ҳосил қиласи. Атрибутив бирикма мазмунан тушунчага teng ва бошқа – ҳажми ундан каттароқ бўлган тушунчага тобеланади(таркибига киради). Масалан, ўқии китоби бирикмаси “китоб” тушунчасининг, молга қул бирикмаси “қул”, худодан қўрқмоқ бирикмаси “қўрқмоқ” тушунчасининг таркибига киради.

Икки ва ундан ортиқ тушунчанинг тасдиқ/инкор муносабатлари билан боғланиши предиктив боғланишни, предиктив боғланиш эса ҳукм мантиқий категориясини ҳосил қиласи. Ҳукм предикати субъект тушунчасига нисбатан кенг, умумий, уни белгилаб, тасвирлаб келадиган тушунча. Оддий бир ҳукмда умумийлик ва алоҳидалик диалектикаси бутун мураккаблиги билан ўз аксини топади. Масалан, *Булбул – қуши*. “Булбул” тушунчаси қушларнинг бир турини маълум бир жинсга бирлаштироқда. Қуш ва булбул тенг ҳам, бир-биридан узилган ҳам эмас; қуш жинси фақат булбулдан иборат эмас, иккинчидан, булбулга хос бўлган барча сифатлар (масалан, кичик жуссалилик ва мусиқий овоз) ҳамма қушларга хос эмас. Шу боис ҳукм объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисалар моҳиятининг умумий зиддиятларини акс этириши билан тафаккурнинг энг муҳим шакли мавқеида туради.

Баъзи олимлар ҳукм таркибини учга – субъект, предикат ва боғлама (рус. связка) га бўладилар.¹³⁰ Бунда боғлама сифатида кесимлик кўрсаткичи (–дир / эмасдир (ўзб.) / есть (рус.) /ист (нем.) /ам (ингл.) / ast/ҳаст(форс-тож.) х.) юзага чиқади. Ҳукмнинг 2 ёки 3 қисмдан иборатлиги – мантиқ фанининг ўз ички муаммоси. Лекин тилшунослик нуқтаи назаридан фикр ифодасини 3 таркибли деб санаш маъқул¹³¹, Зоро, ҳукмнинг тилдаги муқобили – гапнинг кесим таркиби ҳамиша мураккаб бўлиб, энг кичик кўриниши [WПm] (яъни “атов бирлиги+кесимлик кўрсаткичи”) қурилишига эга.

Мантиқ фанининг ҳукм билан алоқадор бўлган хусусий муаммоларидан

¹²⁹Мумтоз мантиқ фанида “субъект” маъносида *мавзу* (араб. *вазъ* (“яъни баён манбай” сўзидан) ва “предикат” маъносида *маҳмул* (араб. “юклантан”, “ортирилган”) атамалари қўлланган. Лекин ҳозирги мантиқ фанида ҳам *субъект* ва *предикат* атамалари ўзлашганлиги сабабли биз ҳам улардан фойдаланамиз.

¹³⁰Қаранг: Таванц Р.В. Вопросы теория суждения. – М.: Наука, 1955. – С. 37–38; Азизов О. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1963. – Б. 116.

¹³¹Мантиқ фанида ҳукмнинг уч таркиблиги сифатида каралишининг мантиқни тил ҳодисаларига бўйсундирилиши сифатида баҳоланиши бежиз эмас.

яна бири сўроқ, ундов ва буйруқ гапларда ҳам ҳукм мавжудлиги ёки йўқлиги масаласи. Уларда тасдиқ ёки инкор маъноси ноаниклиги сабабли бундай гаплар мустақил ҳукм эмас, деган қараш мантиқшуносликда Арасту давридан бошлаб ҳозиргача мунозара бўлиб келмоқда.¹³²

Ҳукмнинг гап билан боғлиқлиги. Ҳукмнинг тилда ифодаланиш шакли – гап. Гап лисоний категория, у тилшуносликнинг синтаксис бўлими обьекти. У коммуникатив (алоқа-аралашув вазифасини бажарувчи) бирлик, фикрни ифодалаш ва узатиш, яъни фикр алмашиш учун хизмат қиласи. Гап мантиқий-предикатив муносабатнинг лисоний ифодаси бўлган эга-кесимнинг синтактик боғланиши натижасида юзага келади. Демак, гап ҳукмнинг тилдаги шакли, тафаккур маҳсулини тилда (аникрофи, нутқда) ифодалаш учун хизмат қиласи. Гап – тугалланган маъно ва тугалланган оҳангга эга бўлган нутқий бирлик. Ҳукм ва гапнинг ўзаро муносабатини ўрганар эканмиз, аввало, улар орасида қуидагича мутаносибликка эътибор бериш лозим: *Отам ўқитувчи*dir ҳукми ва гапида *отам* бирлиги мантиқан субъект (С), грамматик жиҳатдан эга (Э)dir. *Ўқитувчи* қисми мантиқан предикат (П), грамматик кесим (К) бўлиб, –dir мантиқан боғлама (Б), грамматик жиҳатдам кесимлик кўрсаткичи – аффикси (А) dir. Юқорида келтирилган ҳукм–гапда С = Э, П = К, Б = А муносабатлари, яъни мантиқий ва грамматик ҳодисаларнинг ўзаро мутаносиблиги воқеланган. Мана шундай мутаносибликни *Каримжон* ухлади, *Бола югуряпти*, *Қизча ўқияпти* каби ҳукм–гапларда ҳам кўрамиз. Ҳукм ва гап таркибий қисмлари орасида ўзаро мутаносиблик мана шундай ҳолатлар билан чекланади, холос. *Чиройли қизча баланд овоз билан китоб ўқимоқда* гапида юқорида кўрилган мутаносиблик бўлмайди, чунки бу гапнинг грамматик бўлинишида эга ва кесим каби гап бўлакларидан ташқари аниқловчи ва ҳол ҳам бор. Мантиқан эса бу ҳукм С (*чиройли қизча*) ва Р (*баланд овоз билан китоб ўқи-*) ҳамда Б (*–моқда*) қисмларидан иборат.

Шу асосда биз ҳукм ва гап орасидаги қуидаги фарқларни ажратишимииз мумкин.

Биринчидан, ҳукм ҳамиша икки асосий ва бир боғлама қисмдан иборат, гап эса эга, кесимдан ташқари бошқа бўлакларни ҳам ўз ичига олади.

Иккинчидан, бир гапда (масалан, Ўзбекистон – мустақил республика гапида) мантиқий урғу қайси бўлакка қўйилиши ва гапнинг актуал бўлинишига боғлик равища субъект (актуал тема) мавқеида ҳам, предикат (актуал рема) мавқеида ҳам шу гап таркибидаги ҳар қандай тушунча кела олади, гап бўлаклари мавқеи эса (ўрни ва шакли ўзгармаса) барқарордир. Ёки *Кеш Амир Темур томонидан обод қилинди* гапида *Кеш* эга, *обод қилинди* кесим, *Амир Темур тарафидан тўлдирувчи* мавқеида. Бу ҳукмда эса С – *Амир Темур*, П эса *Кеш обод қилинди* қисмидир. Бундан гапнинг бўлакларга ажралиши билан шу гап замирида яширинган **ҳукмнинг тушунчаларга ва С, Р га бўлиниши кўп ҳолларда бир-бирига мос келмайди** деган хулосага келиш мумкин.

Учинчидан, айрим Тоққа чиқилади, Бу ишини тезда бажарии лозим каби

¹³²Фанда диалектик позицияда турмаган тадқиқчилар ўрганиш манбаидаги бундай онтологик зиддиятларни, одатда, фандан четлаштириб, ёндош фанлар таъсирида вужудга келган ва бу фан учун begona бўлган сунъий муаммолар сифатида баҳолайдилар. Хусусан, юқорида саналган муаммолар тилшуносликнинг мантиққа таъсири сифатида каралади.

шахссиз гапларда эга мутлақо йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас. Улар – бир таркибли гаплар. Ҳукм эса ҳеч қачон бир таркибли бўлмайди. Юқорида келтирилган гапларда ифодаланган ҳукм мажҳул (номаълум, ноаниқ, лекин мавжуд) субъектли ҳукм саналади. Демак, **гап бир таркибли ҳам, икки таркибли ҳам бўла олади, ҳукм эса ҳамиша икки таркибидир.**

Тўртингчидан, мантиқий [С – П] предикатив муносабати ҳамма вақт ҳам эга-кесим муносабатига тўғри келавермайди. Масалан:

Каримжон келгач, дарсни бошлади.

Каримжон келгач, Салимжон дарсни бошлади.

Каримжон келди, Салимжон дарсни бошлади.

Каримжон келди, дарсни бошлади.

ҳукмларида 8 та [С – П] бор: 1) *Каримжон келгач*; 2) *Каримжон дарсни бошлади*; 3) *Каримжон келди*; 4) *Салимжон дарсни бошлади*; 5) *Каримжон келди*; 6) *Салимжон дарсни бошлади*; 7) *Каримжон келди*; 8) *Каримжон дарсни бошлади*.

Бу ерда келтирилган гапларда эса 6 та кесим шакли бор, холос (*Каримжон келгач* бирикмасида мантиқий предикатив алоқа бор, лекин эга –кесим алоқаси йўқ). Шу асосда **хукм асосини ташкил этувчи мантиқий предикатив алоқа ҳамма вақт ҳам гап асосини ташкил этувчи эга-кесим (кесимлик) алоқасига тўғри келмайди, предикативлик кесимлидан кўра кенгдир** дея изоҳлашга тўғри келади.

Бу масала туркий тилшуносликда алоҳида мавқе ва аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, унинг устида бирмунча тўхталиш лозим: предикативликнинг кесимлика мос келмаслиги ҳодисаси туркий тилларда ҳинд-европа тилларидан кўра кенгрок тарқалган ва анча муаммолар туғдирган. Чунки туркий тилларда хусусий бажарувчили (субъектли, фоилли) равишдош (*Раҳимжон келгач / келибоқ / келгандан сўнг, келмасдан, ишга киришдик*), сифатдош (*Сиз ўқиган китоб қизиқарли эди*) кенгайган бирикмалари, сочи узун қиз . . . каби қурилмаларда предикатив алоқа мавжуд, лекин кесимлик муносабати йўқ. Бундай қурилмалар ҳинд-европа тиллари учун хос бўлмаганлиги, Гарб тилларида гап билан берилиши сабабли мантиқий ва европача грамматик мезонлар асосида уларни гап сифатида баҳолаш ҳоллари кўп учрайди ва фанда (жумладан, ўзбек тилшунослигида) ҳар хил зиддиятлар, грамматик талқинларда ўнғайсизликлар туғдиради, масалан, қўшма гапга “икки ва ундан ортиқ содда гапларнинг мазмун ва оҳанг жиҳатдан бутунлиги” дея таъриф берилгани ҳолда *Раҳимжон келгач, Салимжон дарсни бошлади* сингари гаплар (иккита предикатив муносабат борлиги сабабли) қўшма гап дейилади. Ваҳоланки, қўшма гап таърифи асосида бундай қурилмаларни қўшма гап сифатида баҳолашда мантиқий хатолик бор. Бу хатони соф мантиқ нуқтаи назаридан силлогизмлар асосида аниқлаш мумкин:

1. Қўшма гап таркибий қисмлари – содда гаплар.

2. *Раҳимжон келгач, Салимжон дарсни бошлади* қўшма гап.

3. Демак, *Раҳимжон келгач ва Салимжон дарсни бошлади* содда гапдир.

Бу ҳукм *Салимжон дарсни бошлади* қисми учун тўғри, чунки у ҳақиқатан ҳам нутқда мустақил қўланилиши ва маълум бир фикр англатиши мумкин.

Лекин бу фикримиз гапнинг *Раҳимжон* келгач қисми учун хато, зеро бу таркибий қисм мустақил қўлланиш, алоҳида содда гап бўлиб келиш имкониятига эга эмас. Бунда С = П, П = К бор, лекин Б = А (яъни мантиқий боғламанинг кесимлик аффикслариға тенглиги) йўқ. Шунинг учун *Раҳимжон* келгач таркибий қисмида мантиқий [С – П] (яъни ҳукм) бўлиши мумкин, лекин грамматик [Э – К] бўла олмайди, сабаби – келгач сўзи таркибида бу шаклга нутқда мустақил қўлланиш қобилиятини берувчи [А] таркибий қисми йўқ. Шунинг учун у содда гап бўла олмайди. Демак, бу силлогизмнинг асосларида хато бор. У қуйидаги икки йўлдан бири ёрдамида тузатилиши мумкин:

а) биринчи асос тузатилади: “*қўйша гапнинг таркибий қисмлари содда гап бўлиши шарт эмас*”;

а) иккинчи асос тузатилади: “... гапи қўйша гап эмас. Шунинг учун А.Гуломов ва М. Асқароваларнинг юқорида келтирилган *Раҳимжон* келгач, *Салимжон* дарсни бошлади каби гапларни қўшма гап сифатида талқин этувчи дарслигига “қўшма гапдаги . . . қисмлар мустақил содда гап, айрим гап саналмайди” деб алоҳида таъкидланади.¹³³

Бундай муносабатни *Сиз ўқиган китоб* қизиқарли эди, *Сочи узун қиз жилмайди, Раҳимжон, қўзлари чақнаб*, қизга қаради, *Сочлари – қоп-қора ва қалта қирқилган* – қошлиари устига тушиб турарди каби қурилмаларда ҳам, русча ҳазиломуз, диалектал шаклдаги *Сняв шляпу*, дождь пошел (Л.Толстой)¹³⁴ ҳодисаларда ҳам кўриш мумкин. Бу қўлланишларда [С – П] мавжуд, лекин [Э – К] йўқ.

Раҳимжон келди, *Салимжон* дарсни бошлади гапида бошқа ҳолатни кўрамиз. Бунда *келди* ҳам, *бошлади* ҳам [А] билан (яъни кесимлик аффикслари) билан шаклланган ва бемалол мустақил қўллана олади – мантиқий П грамматик К га мос келади.

Мантиқий [С-П] ва грамматик [Э-К] номувофиқлиги сабабли тилшуносликнинг мантиқ билан чуқурроқ алоқада бўлган семантик синтаксис йўналишида грамматик гапдан ташқари *пропозиция* тушунчаси ажратилади. Пропозиция мантиқий ҳукмга грамматик гапдан кўра анча яқин.¹³⁵ *Пропозиция* категорияси кўп ҳолларда мантиқий ва грамматик фарқларни ҳаспўшлashingа хизмат қиласи.

Ҳукм (мантиқий ҳодиса) ва гап (лисоний ҳодиса) нинг ўзаро муносабати билан танишиб, хулоса қилиш мумкинки, бу ҳодисалар ўзаро алоқадор, бир-бири билан боғлиқ ва мутаносиб, аммо айни бир нарса эмас. Уларни бир-бiriнинг алоқадорлигига кўриш ва таҳлил этиш шарт ва зарур, аммо мантиқий ҳодиса асосида лингвистик, аксинча, лисоний ҳодиса асосида – мантиқий (яъни мантиққа оид) хулоса чиқариш мумкин эмас. Тилшунос мантиқ, мантиқий ҳодиса ва мезонларни, мантиқшунос тилшунослик, лисоний бирлик ва лингвистик мезонларни билиши ва фарқлай олиши, уққан бўлиши шарт, лекин уларни аралаштирумаслик кўнумасига ҳам эга бўлиши зарур. Акс ҳолда мантиқшунос олдида ҳам, тилшунос олдида ҳам қатор сунъий муаммолар пайдо

¹³³Махмудов Н., Нурмонов А. ва б. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. - Тошкент: Фан, 1992. – Б. 49.

¹³⁴Рус тили учун бу номеъёрий шакл ва қўлланиш туркий тиллар таъсирида пайдо бўлган бўлиши мумкин.

¹³⁵Қаранг: Маҳмудов Н., Нурмонов А. ва б. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992.

бўлади.

Назорат саволлари:

1. Тил ва тафаккурнинг диалектал бирлиги тушунтириб беринг.
2. Тилнинг тафаккур турларига муносабати қандай?
3. Алишер Навоийнинг тил ва тафаккур муносабати қандай изохлайди?
4. Концепт, тушунча, сўз бу бирликларни моҳиятини тушунтириб беринг?
5. Ҳукм ва гапнинг ўзаро ўхшашликлари қандай?

Адабиётлар рўйхати:

1. Абдуазизов А. Тилшунослик назариясига кириш. – Т.: Шарқ, 2010.
2. Абдуазизов А., Шереметова А. Общее языкознание. – Т., 2004.
3. Азизов О. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
4. Andrew Radford. Linguistics. An introduction Secon Edition. Cambridge University Press. Р.8-62
5. Бушай Т. Язык в истории развития человеческой мысли. – Ташкент: Фан, 2011.
6. Бушай Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. – Тошкент: Фан, 2007.
7. Дадабоев Ҳ. Тилшунослик назарияси ва методологияси. – Тошкент, 2004.
8. Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Тошкент, 2011.
9. Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г. Ҳозирги ўзбек адабий тили: Дарслик. – Тошкент, 2004.
10. Ирисқулов И.Тилшуносликка кириш.-Тошкент, 2008
11. Холманова З. Тилшуносликка кириш.-Тошкент, 2007
- 12.Ҳамид Неъматов, Бахтиёр Менглиев. Тилшуносликнинг фалсафий масалалари. – Тошкент, 2015.
- 13.G.Hegel. The science of Logic. Cambridge
- 14.Ferdinand de Saussure. Course in General Linguistics. McGraw Hill Book Company

5-мавзу. ТИЛ РАМЗИЙ СИСТЕМА СИФАТИДА

Режа:

1. Рамз ва унинг табиати.
2. Рамзниң мұхим жиһатлари.
3. Тил – рамзий тизим сифатида.
4. Тилшүнослик семиотика эканлиги. Лисоний рамз. Лисоний рамз хоссалари.

Таянч тушунчалар: *рамз, тимсол, семиотика, рамз ва унинг табиати, лисоний рамз. лисоний рамз хоссаларини, тил рамзларида барқарорлык ва ўзгаруучанлиги, сунъий ва информацион тиллар.*

Рамз ва унинг табиати. Рамз тушунчаси – кўп маъноли. Олимлар томонидан унга ҳар хил таъриф берилган. Баъзи олимлар рамзни ниманидир алмаштира олувчи, қулайлик учун бирор нарса ўрнини эгалловчи бошқа нарса деб ҳисоблашса (масалан, Ж.Бирс), бошқа бир нуқтаи назар эгалари “бошқа бир нарсаларни ўзининг табиий хусусиятлари орқали эмас, балки инсонлар томонидан келишилганлик, қабул қилинганлик асосида англатиш учун яратилган моддийлик” сифатида талқин қиласидар.¹³⁶ Комусий адабиётларда эса рамз (рус. знак, ингл. signe, нем. зеичен) тушунчаси қуидача тавсифланади:

1. “Рамз (знак) – моддий (материал) қабул қилинадиган предмет (ходиса, кўриниш) бўлиб, ҳиссий билиш жараёнида ва одамлар орасидаги муносабатларда бирор предмет ёки предметнинг муайян хусусияти, муносабатини ифодалаш ҳамда ахборотни саклаш, уни ёки унинг маълум бир қисмини узатиш учун хизмат қиласиди”¹³⁷.

2. “Рамз (знак) – бошқа бир предметнинг, белги ёки муносабатининг вакили сифатида намоён бўлувчи, ахборот (информация, билим) га эга, саклаш, қайта ишлаш ва узатиш учун ишлатиладиган моддий предмет (ходиса)”¹³⁸.

3. “Рамз (знак) – бошқа бир нарса, воқеа-ходиса, ҳаракатни аташ, ифодалаш, у ҳақда хабар беришга хизмат қиласиди, бевосита кузатишда берилган (сезги органларига таъсир этадиган) моддийлик.”¹³⁹

Одатда, *рамз* атамаси *ишира*, *белги*, *тимсол* (символ) терминларига синоним сифатида қўлланилади. Аммо улар орасида маълум фарқ мавжуд. Белги, асосан, предметнинг маълум бир хусусияти, мұхим, ажralиб турувчи сифати бўлса, тимсол муайян бир ғоянинг, идеал ҳодисанинг

¹³⁶Солнцев В. М. Язык как системно-структурное обозначение. – М.: ИПЛ, 1971. – С. 95.

¹³⁷Философская энциклопедия. И. П. – М.: Изд. ИЗД. СЭ, 1962.

¹³⁸БИЗД. СЭ. – М.: ИПЛ, 1972 . Т. 9; Изд. СЭ С. – М.: Изд. ИЗД. СЭ, 1981.

¹³⁹Философский словарь. Под ред. М. М. Розенталя, П. Ф. Юдина. – М.: Изд. ИЗД. СЭ, 1968. – С. 120.

моддийлаштирилган ифодаланиши, нарсанинг ўзи эмас, балки уни эслатиб турувчи, кўз олдимизда гавдалантирувчи моддийлик маъносига эга бўлиб, унга кўпинча кўтаринкилик, тантанаворлик бўёғи, қўшимча маъно хос: *Кабутар – тинчлик тимсоли*. Рамз бирор предметнинг воқеа-ҳодиса ёки хусусиятига ишора қилувчи, англатувчи, унинг ўрнида келиб, мулоқот жараённида алмаштира олувчи моддийлик. Рамз сўзи *тимсол* атамасига хос бўлган бўёқлардан холи. Фан, жумладан, тилшуносликдаги *ишора* сўзи хам, баъзан *шартли белги* бирикмаси хам, шу маънода кўлланади. Бу атамаларнинг кўлланишидаги фарқ кескин эмас, улар бир-бирини бемалол алмаштира олади. Биз, асосан, *рамз* атамасидан фойдаланамиз, чунки бу сўзда биз учун зарур бўлган “нарса (аталувчи, номланувчи) нинг ўзи эмас, балки бошқа, лекин уни эслатувчи моддийлик” маъноси бошқа атамалардагидан кўра ёрқинроқ. Рамз муайян бир мазмунни, ғояни бошқаларга етказиш вазифасини бажаради. Масалан, йўл четидаги қошиқ ва вилка (ёхуд бошқа шунга ўхшаш) тасвирили рамз яқин ерда ошхона, тамадди қилиш имконияти мавжуд жойни билдиради – у ошхона рамзи. Шундай кўлланилишда *рамз* атамасининг *тимсол*, *белги*, *ишора* атамаларига кўра қулайлиги қуидаги гапларни қиёслаганда ойдинлашади:

	рамзи
	тимсоли
	белгиси
	ишораси
Қошиқ-вилкали тасвир – ошхона борлиги	шартли белгиси

Тимсол, белги, ишора каби сўзларга бу матнда воқеланган маънодан бошқа маънолар ҳам хос. *Рамз* сўзига эса шу матнда воқеланган маънодан ўзга мазмун хос эмас. Шу боис маҳсус термин сифатида шу сўздан фойдаланиш қулай. Бундан ташқари, *рамз* сўзидан *рамзлик*, *рамзий*, *рамзсимон* каби сўзларни ясаш қулай.

Рамзнинг муҳим жиҳатлари. Рамз учун умумий онтологик (табиий, зотий) хусусият – сезувчига ўзи ҳақида эмас, балки **сезилиш** (кўрилиш, эшитилиш, туйилиш каби) **асосида** бошқа нарса ҳақида **ахборот** бериш. Ана шундай икки томонли моддийлик рамз саналади. Рамзнинг икки томонлилиги моддий (материал, ташқи, зоҳирий, очик, ифодаловчи) ва маъновий (мазмуний, идеал, ички, ботиний, ифодаланмиш)¹⁴⁰ томонлардан иборат бўлишида намоён бўлади.

Илмий адабиётларда рамзнинг таснифи хилма-хил. Дастлаб уларнинг 3 тури фарқланади:¹⁴¹

- 1) рамз-нусха;
- 2) рамз-белги;
- 3) рамз-тимсол.

Рамз-нусха – предметнинг ташқи кўрииниши билан айнан, ўхшаш рамзлар.

¹⁴⁰Илмий адабиётларда, одатда, *даракчи* ва *хабар* атамалари кўлланади.

¹⁴¹Қаранг: Солнцев В. М. Язык как системно-структурное обозначение. – М.: ИПЛ, 1971. – С. 94: “Определение Пирса включает в число знаков широкий круг объектов, которые делятся на три группы: 1) знаки-изображения (icon); 2) знаки – индикаторы (index) и 3) знаки-символы (symbol).

Масалан, фотосурат, қўл излари нусхаси, пиктографик ёзувлар бу турга мисол бўла олади. Рамз-нусхада шакл томони билан хабар томони орасида табиий боғланиш мавжуд бўлади, бунда, одатда, ифода хабар асосида шаклланади.

Рамз-белги, маълум бир сабабга кўра, ўзи билан боғланган предмет (ҳодиса)лар ҳақида маълумот берадиган кўрсатгичлардир. Буни *симптом* ёхуд *белгилар* ҳам деб аташади. Мисол учун юқори ҳарорат (иситма) ёки йўтал – касалликнинг, кулиб турган чехра – қувноқлик белгиси (симптоми). Рамз-белгиларда шакл ва хабар орасидаги боғланиш кўп ҳолларда табиий.

Рамз-тимсол кўпинча сиёсий ва бадиий мақсадда ишлатилади. Масалан, Чўлпон шеъриятида “кундан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал” дея таърифланган гўзал эрк ва озодлик тимсоли, символидир. “Лисонут-тайр” достонида Семурғ борлиқни яратувчи ва унинг асоси, моҳияти бўлмиш Ҳақ тимсоли, қушлар Ҳаққа етишишни мақсад қилиб қўйган соликлар, ундаги водийлар эса риёзат босқичларининг мажозий рамзи. Бутун маърифий мумтоз адабиётимизнинг “Кутадғу билиг”дан бошлаб Алишер Навоий ва Машраб асарларигача барчаси мана шундай маърифий рамз-тимсоллар асосида ёзилган.¹⁴² Байроқ, герб, муҳр каби тимсоллар ҳам шундай рамзлардир. Бундан ташқари, рамзнинг кенг тарқалган турларидан бири шартли рамзлар (ёки соф рамзлар)дир. Соф рамзларда шакл ва хабар орасидаги боғланиш ижтимоий шартланганлик табиатига эга бўлади. Шартли рамзлар моҳиятан рамз-тимсолларга жуда яқин.

Рамзларнинг яна бир таснифи уларнинг зотий/онтологик, натуралистик, биологикилиги (ифодаловчи билан, масалан, тутун/ хабар/олов / орасида боғланиш зотий, онтологик ва бирисиз иккинчиси бўлмаслиги) ёки сунъийлиги (одамлар томонидан ўрнатилганлиги) хусусияти асосида. Бунда рамз-белгилар, рамз-нусхалар – зотий рамз, рамз-тимсол, шартли рамзлар эса сунъий рамзлар сирасига киради.

Рамзларнинг бошқа бир таснифи уларнинг табиийлиги (ифодаловчи ва хабар орасида боғланиш табиат томонидан, инсон аралашувисиз ўрнатилганлиги) ёки ижтимоийлиги (конвенционаллиги – инсон томонидан маълум бир жамият доирасидаги шартлилик, келишилганлик асосида қабул қилинганлиги) асосида. Бу таснифда рамз-тимсол ва шартли рамзлар ижтимоий, рамз-белги ва рамз-нусхалар табиийлик сифатида тасниф этилади. В.М.Солнцевнинг фикрича, рамз вазифасига кўра нимагадир ишора қилиш ва конвенционаллик (яъни келишилган ижтимоийлик) хусусиятига эга. Олим бу ўринда “рамзий қўлланилиш” тушунчасини киритади ва шу йўл билан рамзларнинг шартлилиги ва шартсизлиги табиатини очиб беради: “Знаками, в терминологическом смысле слова, по видимому, “целесообразно” называть предметы, которые обозначают другие предметы не в силу своих природных свойств, а в силу того, что они, эти предметы, наделены людьми свойством обозначать какие-то другие предметы. Такие знаки являются (сознательно или стихийно) условными знаками.” Шартсиз рамз, яъни рамзий ишлатилган, рамз бўлмаган предметни тавсифлаш учун қуидаги мисолни келтиради:

¹⁴²Қаранг: Комилов Н. Тимсоллар тимсоли. Алишер Навоий. Ғазаллар ва шарҳлар. Тўплаб нашрга тайёрловчилар: А.Шаропов, Б.Эшпўлатов. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 98-109; Воҳидов Р., Немматов Ҳ., Махмудов М. Сўз бағрида маърифат. – Тошкент: Ёзувчи, 2001.

“Предметнинг маълум бир белгиси ё хусусияти шу нарсанинг ўзини аташ учун қабул қилинган ҳолатдагина рамзга айланади. Масалан, кўз ўнгингиздаги гулханнинг тутуни гулханнинг рамзи бўлолмайди. Биз гулханни кўрмай, масалан, узоқдан фақат тутунни кўриб, ўша ерда ўт, олов, гулхан борлиги ҳақида ахборот олган тақдирдагина бу тутун гулханнинг рамзи, зотий, табиий рамз-белгиси – шартсиз рамз бўла олади. Бундай ҳолатда тутуннинг рамзий қўлланилиши, яъни тутуннинг гулхан атрибути ва даракчиси сифатида келиш ҳодисаси юзага чиқади.¹⁴³

Дарҳақиқат, истаган исм, ном – бу шартли белги, у ихтиёрий, шу йўл билан бирга жамият учун мажбурий ҳамдир. Бунда исталган предмет ёки хусусият исталган предмет, ҳодисанинг рамзи бўлиб келиши мумкин. Мисол учун, семофор чироқлари муайян мақсадни, вазифани бажаради. Қизил чироқ тўхташ, йўлнинг берклиги маъносини билдиради. Аммо бу қизил ранг “тўхтамоқ” маъносини ифодалайди, дегани эмас. Қизил рангнинг ўзи тўхташ маъноси билан ҳеч қандай зотий, табиий алоқада эмас. Бизда қизил ранг кишилар онгига турлича ғояларни – қон, ёшлиқ, жўшқинлик, севги (қизил гул мисолида) кабиларни билдира олиши мумкин. Бундан ташқари, семофорнинг “тўхташ” вазифасини англатувчи чироғи ранги сифатида исталган ранг олиниши мумкин эди, лекин жамиятимизда шу ранг мана шу вазифада қабул қилинган, ижтимоий келишилган ва барча йўловчилар учун мажбурий ва қатъий. Бу ерда рамзда даракчи ва хабар орасидаги боғланишнинг ихтиёрийлиги (тўхташ маъносини ифодалаш учун исталган ранг қабул қилиниши мумкин эди) ва ижтимоий мажбурийлиги (қабул қилингач, жамият аъзолари учун ихтиёrsизлиги) ёрқин намоён бўлади. Яна бир мисол. Йўтал, одатда тумов ва шамоллашнинг белгиси (симптоми). Бу табиий, биологик рамз. Йўтални шартли-ижтимоий (конвенционал) рамзга айлантириш мумкин. Масалан, икки киши (Рахимжон ва Каримжон) ўзаро келишиб, шартлашмоқда.

Раҳимжон:

- Қуёш ботиши билан бораман.

- Хонамга кираётганда, ёнингда ҳеч ким бўлмаса, 3 марта йўталиб кир.

Сен эканлигини биламан ва ўрнимдан тураман.

Бу ҳолатда касалликнинг табиий рамз-белгиси бўлган йўтал тамоман бошқа ижтимоий вазифада – маълум бир киши учун маълум бир киши унинг олдига кираётганлигини ифодалаш учун сунъий ижтимоий рамз сифатида қўлланмоқда.

Хар қандай сунъий ижтимоий рамз маълум бир жамиятдагина (юқоридаги мисолда икки ўзаро шартлашган кишилар Раҳимжон ва Каримжон орасида) ва фақат бошқа бир рамз билан боғланиб (бошқа бир рамз билан оппозицияда бўлиб), бутунлик – система тузгандагина белгиланган бир вазифани бажара ва яшай олади. Юқоридаги мисолда ҳам йўтал рамзи йўталнинг эшитилмаслиги (йўқлиги) билан оппозиция ҳосил қиласиди. Зоро, бунда Каримжон учун йўталнинг эшитилиши ҳам, эшитилмаслиги ҳам аҳамиятга эга. Шунинг учун сунъий ижтимоий рамзларнинг яшаш тарзи маълум бир бутунликда, системада

¹⁴³Солнцев В. М. Язык как системно-структурное обозначение. – М.: ИПЛ, 1971. – С. 96.

бирлашиш билан боғлиқ. Бундай системалар – рамзий система (рамзий тизим, семиотик система) деб аталади.

Демак, ҳар қандай нарса ёки ҳаракат маълум бир рамзий тизимда сунъий ижтимоий рамз сифатида исталган турдаги воқеа-ходиса, ғоянинг даракчиси, хабарчиси сифатида воқеланиши мумкин. Бу эса жамият учун жуда улкан ва қулай имкониятлар яратиб беради – битта оддийгина рамзда жуда катта миқдордаги ахборотни ҳеч қандай зиддиятсиз мужассамлаштириш – кодлаштириш, турли-туман шаклларда унга ишлов бериш, сақлаш, узатиш, қабул қилишга йўл очади. Жамиятимизда бу масалалар билан шуғулланувчи ва оммавий ютуғи замонавий компьютерлар бўлган маҳсус фан – семиотика фани мавжуд. Информатика – семиотиканинг бир тармоғи.

Семиотика фани ва рамзий тизимлар. Семиотика (ёки *семиология*; юнонча *сема* – “рамз” сўзидан) – рамз ва рамзий системалар хусусиятини ўргатувчи маҳсус фан. Семиотика барча фанларга алоқадор – ҳам улардан озиқланадиган, ҳам уларни озиқлантирувчи фан. Зеро, барча фанлар, ҳаётимизнинг барча жабҳалари ҳамиша рамзлар билан иш кўради Барча соҳа ва фанлар рамзий тизимлари ва рамзларининг ўз хусусияти бор. Семиотика – рамзларнинг, рамзий тизим (система)ларнинг умумий қонуниятларини ўрганувчи ва ўргатувчи фан. Шу боис унинг бошқа фанлар билан боғланиши икки томонлама – ҳам улардан озиқланади, ҳам уларни озиқлантиради¹⁴⁴.

Семиотиканинг асосчиси америкалик файласуф, математик ва мантиқшунос Чарлз Пирс (1839-1914) дир. Мустақил фан сифатида бизда у яқинда шаклланди.¹⁴⁵ СССРда 1960- йилларга қадар семиотика ҳам кибернетика, генетика, структурализм фанлари билан бир қаторда қувғин қилинган, “буржуа үйдирмалари ва антимарксистик фан” тамғасини олган соҳа эди. Шу боис 70-90-йилларда совет оммавий электрон ва компьютер техникаси Фарбагидан кескин орқада қолди. Семиотика фанининг улкан ютуқлари, шубҳасиз, электроника, ҳисоблаш машиналари ва информатика равнақи билан боғлиқ. Семиотика бу соҳаларнинг ривожига туртки бўлдими ёки аксинча, буни айтиш қийин бўлса-да, ушбу соҳаларнинг ўзаро зич алоқаси шубҳасиз.

Семиотика рамзларнинг маълум тизимларда ўзаро муносабатларини ўрганувчи ва рамзнинг ифода томони тадқиқига кўпроқ эътибор берувчи **синтаксика**, рамзларнинг хабар бериш, ахборот узатиш имкониятини ўрганувчи **семантика**, рамз ва рамзий тизимларнинг амалиётда қўлланилиши билан шуғулланувчи **прагматика** каби бўлимлардан иборат.

Семиотиканинг рамз ва рамзий тизимларга қўядиган асосий талаблари кўйидагилар:

1) ҳар бир рамзий тизим нисбатан ёпиқ ва қатъий чегараланган бўлиши лозим;

2) тизим ичida рамзлар ўзаро барқарор (турғун) ва қатъий муносабатда туриши керак;

¹⁴⁴ Andrew Radford. Linguistics. An introduction Secon Edition. Cambridge University Press.P.47.

¹⁴⁵ 1960-йиллар қомусларидаги семиотика мустақил фан сифатида ажратилмайди. У ё тилшуносликнинг бир бўлими (Қаранг: Словарь иностранных слов. – М.: Изд. СЭ, 1964. – С. 583) ёки бир соҳа деб баҳоланади (Философский словарь. – М.: Изд. Изд. СЭ, 1968. – С. 316)

3)ҳар бир тизимда рамзларнинг ташқи ва ички (ифода ва хабар) мутаносиблиги (симметрияси) таъминланиши зарур.

Кундалик ҳаёт ва фаолиятимизда – ҳар куни, ҳар соат хилма-хил рамзий тизимлардан фойдаланамиз. Ёзув ва ҳарфлар, йўл ҳаракати қоидалари ва белгилари, дарс жадвали, турли хил қўнғироқ, гудок, муассаса ва бинолардаги лавҳа ва шиорлар, транспорт воситаларидағи ёзув ва рақамлар ва ҳ. Улар сонсаноқсиз. Барча фанлар ёзувдан ташқари фақат шу фан учун хос бўлган ўнлаб рамзий тизимларга эга. Масалан, матеметикада қуйидаги рамзий тизимлар билан иш кўрилади:

- 1)рақамлар;
- 2)амаллар;
- 3)касрлар;
- 4)фигуралар;
- 5)математик амалларни бажариш алгоритми (тартиби);
- 6)турли-туман математик тушунча ва функцияларни ифодаловчи ҳарфий ва бошқа турдаги рамз ҳамда қисқартмалар (масалан, Р – радиус, С – сатҳ, юза, а, б, с. . . исталган турдаги сон, *тг*, *син* каби).

Фақат математика фани доирасида яна ўндан ортиқ рамзий тизимларни санаш мумкин. Айтиш мумкинки, рамзий тизимлар ҳар қадамда учрайди ва бу тизимлар ичida энг оммавий, кенг тарқалгани ва каттаси тилимиздир. Тилимиз ҳам рамзий система бўлиб, шу тизим қонуниятлари асосида яшайди, ишлайди ва ривожланади. Шу сабабли тилни ўрганувчи фан – тилшуносликни Фердинанд де Соссюр семиотиканинг бир тармоғи деб таърифлаган эди: “Тил – гояларни ифодаловчи рамзлар системаси, нутқий қобилиятнинг ижтимоий маҳсули, ижтимоий жамоа томонидан ҳосил қилинган зарурий рамз (имконият)лар мажмуидир. Ҳақиқатан ҳам, моҳият эътибори билан табиий тил ўзининг хусусиятлари билан рамзлар тизимини эслатади. Воқеликдаги битта предметни, масалан, ҳар ким ва ҳар кун фойдаланадиган суюқлик – сувни олайлик. Ўзбек кишиси бу суюқликни *сув*, тожик *об*, рус *вода*, араб *мў*, инглиз *water* деб атайди. Нега бир хил суюқликни беш халқ беш хил номлайди? Бунинг сабаби шундаки, нарсанинг номи билан шу нарсанинг ўзи (бошқача, илмий атамалар билан айтганда – аталмиши, денотати, борлиқдаги муқобили) ўзаро рамзий, шартли боғланган; ном билан нарсанинг ўзи орасида ҳеч қандай табиий-онтологик боғланиш йўқ¹⁴⁶. Акс ҳолда, бир денотатнинг номи турли тилларда бир хил бўлур эди.¹⁴⁷

Тил – рамзий тизим сифатида. Тил ҳар бир жамият учун “азалдан тайёр”, қабул қилиниши умумий ва мажбурий бўлган авлодлар меросидир. Жамият аъзолари тилнинг қандай пайдо бўлгани, ким яратгани-ю, ким тузгани, ундаги рамзларни ким ҳосил қилгани (яъни, предметларни муайян бир номлар билан ким илк марта атагани каби) каби масалалар билан, табиийки, қизиқмайди. Кундалик ҳаётимизда “Нега бу предметнинг номи шундай (масалан, китоб)?” деган саволни ҳеч ким бермайди. Жамият аъзолари тилни “қандай бўлса,

¹⁴⁶ Ferdinand de Saussure. Course in General Linguistics. McGraw Hill Book Company. P. 155.

¹⁴⁷Бунга яқин хусусиятни фақат таклид сўзлардагина кисман учратишими мумкин.

шундайлигича” қабул қилиб кўнишишган. Улар рамзларнинг ички хусусияти, тарихи кабиларга қизиқишига ёки бир рамз ўрнида бошқа рамзни қўллашга эҳтиёж сезмайди. Ҳатто ўзгартира олмайдилар: тил алоҳида шахсларнинг буйруқ ва хоҳишларига бўйсунмайди.

Тилнинг қурилиш (структур) бирликлари бўлган фонема, морфема, лексема ва қолип (қурилма, модел) лар сирасида фонема бошқа барчаси рамз табиатига эга. Масалан, *-лар* унсурининг ташқи – даракчи томони тилда маълум фонемаларнинг (ёзувда ҳарф ва талаффузда товушларнинг) барқарор бутунлиги бўлса, унинг ички – хабар томони ўзбек тили учун хос сон категориясининг кўплик шакли учун хос бўлган маъноларни ифодалаш ва вазифаларни бажаришдир. *-лар* унсурида бу икки томоннинг боғланиши зотий ёки табиий эмас; жамиятдан бу боғланишни тайёр ҳолда қабул қилганмиз (бизни шунга ўргатишган) ва унга риоя қиласиз. Демак, бу унсурда томонларнинг боғланиши шартли, конвенсионал ва *-лар* рамз моҳиятига эга.

Лексеманинг рамзий табиати *сув* сўзи мисолида кўрсатилди. Қолип (қурилма)лар эса тилда морфема ва лексемалар асосида тузилади ва қурилиш материали рамзий табиатга молик бўлгач, қурилмалар ҳам шундай моҳиятга эга бўлиши шарт.

Тилнинг структур (қурилиш) бирликларидан фонеманинг рамзий моҳияти тилшуносликда мунозарали, чунки фонемалар тилнинг бир томонли – фақат моддий томонли бирликлари бўлиб, маъно ва мазмун билан бевосита боғланмаган. Шу асосда уни кўп олимлар рамз деб ҳисобламайдилар. Лекин фонемаларда маъно фарқлаш вазифаси мавжуд бўлганлиги сабабли айrim тилшунослар рамз сифатида қараш лозим деган фикрни илгари сурадилар – рамзий тизимда ҳеч бир нарса рамзийликдан холи бўлмаслиги лозим¹⁴⁸.

Инсоннинг муҳим белгиларидан бўлган тил моҳият ва қурилиш жиҳатидан рамзий тизим. Лекин у бошқа рамзий тизимлардан кескин фарқланади. Ўтган асрнинг боши ва ўрталарида (Соссюр ва илк структурализм даврида) тилнинг рамзий тизим эканлигига алоҳида урғу берилар – бу ўша даврда туб янгилик эди. Ҳозир эса тилнинг бошқа рамзий тизимлардан фарқига урғу бериш даври. Алоҳида таъкидлаш лозимки, табиий тил барча рамзий тизимлардан устун, чунки у исталган сунъий рамзий тизимни алмаштира олиши, ўрнини босиши мумкин. Аслида, барча рамзий тизимлар лисоний тизим асосида яратилади, уларнинг асосида табиий тил ётади. Рамзий тизимни бирламчи-иккиламчилик асосида тасниф этишда тил бирламчи – қолган барча сунъий рамзий тизимлар учун асос, уларни алмаштира оладиган система сифатида тасниф этилади, иккиламчи рамзий тизимлар қулайлик учун соф прагматик мақсадларни қўзлаб тузилади. Масалан: $2a2 + b2 - c3 = 0$ тенгламасида $2a2$ хонасини лисоний ифодалайдиган бўлсак, у қўйидаги шаклга эга бўлади: “маълум бир сон ўзини ўзига қўпайтмасининг икки баравари”. Бу саккиз сўзли ибора олдида $2a2$ нинг афзаллиги исботталаб эмас.

Тил ҳар қандай сунъий рамзий тизимни алмаштира олади, лекин бирор-бир бошқа рамзий тизим – қанчалик мукаммал бўлмасин – тилни алмаштира

¹⁴⁸ Ferdinand de Saussure. Course in General Linguistics. McGraw Hill Book Company. P.172.

олмайди.

Тил шундай рамзий тизимки, у маълум бир жамият ҳамма аъзоларининг барча фаолият турлари учун умумий ва мажбурий. Қолган рамзий тизимлар жамиятнинг алоҳида гуруҳлари, айрим фаолият турлари учун хосланган.

Тил – ўз-ўзидан ривожланиш, ўзгариш, таъсирга берилиш, жамият талаблари асосида янгиланиш, биологик органик системалар сингари эҳтиёжларга мослашиш, заруриятни қондириш, эскилик (етишмайдиган)ни тўлдириш хусусиятига эга, бошқа рамзий тизимларда эса муқимлик мавжуд, улар фақат табиий тил асосида, яъни инсон онги ва фаолияти орқали янгиланиши, ўзгариши, ривожланиши мумкин.

Тил шундай рамзий тизимки, унинг бирликлари (рамзлари)га даракчи ва хабар номутаносиблиги (асимметрик дуализм) хусусияти хос ва бу масала устида алоҳида тўхталиш лозим.

Лисоний рамз


Лисоний рамз, унинг бошқа семиотик рамзлардан фарқи. Предмет, уни ифодаловчи сўзнинг маъно ва товуш томони муносабати масаласи ҳатто антик файласуфларни ҳам қизиқтириб келган. Ўша даврлардаёқ бу муаммонинг ҳар хил нуқтаи назардан ечими таклиф этилган. Булар ичида энг кўп мунозараларга сабаб бўлгани сўзнинг товуш томони билан у ифода этган маъно (хусусан, атаб келаётган нарса) орасида боғланиш табииими ёки тасодифий (келишилганлик асосида)ми деган саволга қандай жавоб бериш билан боғлиқ. Антик давр файласуфлари бу жиҳатдан иккига – аналогистлар ва аномалистларга бўлинган. Аномалистлар саволга ижобий жавоб беришга – нарса номи унинг табиати билан боғлиқлигини асослашга интилсалар, аномалистлар бунга салбий жавоб беришган.¹⁴⁹ Мана шу салбий жавобда тилга рамзий тизим сифатида ёндашиш асоси яширинган ва бу масала, юқорида кўриб ўтилганидек, ҳозирги тилшунослиқда етарли даражада тадқиқ этилган, таснифланган ва ечимини топган – бугунги кунда ҳеч ким, ҳатто изчил ва қатъий диний дунёқарашда турган олимлар ҳам, тилнинг рамзий система эканлигига шубҳа билан қарамайди. Лекин лисоний рамз деганда нимани тушуниш лозим, деган саволга келганда яқдиллик тугайди – бир гуруҳ олимлар рамз деганда лисоний бирликнинг фақат ташқи (моддий, товуш, ҳарф каби) томонини тушунсалар, кўпчилик уни ташқи ва ички томонлар бирлигига кўради.¹⁵⁰ Ҳақиқатан ҳам рамзда ички ва ташқи томон бир-биридан узилса, рамзлик моҳияти ҳам йўқолади. Зоҳира, масалан, *китоб* ҳарфлар тизмаси “ўқишига мўлжалланган ўқув қуроли” мазмунининг рамзи ва рамз деб фақат ташқи томонни тушунса бўладигандек. Лекин тилда, масалан, *тақара* рамз эмас, ваҳоланки, унга жуда ўхшаш баҳара рамз? Бунга фақат “иккинчиси маъно, ифодаланишиш билан боғланган, шунинг учун у рамз, биринчисида эса бундай боғланиш йўқ” деб жавоб бериш мумкин. Рамз, албатта, моддий, лекин мазмун томон билан боғланган ва у билан бутунлик ҳосил қилгандагина рамзлик моҳиятига эга бўлади. Ички томонидан узилган рамз рамзлик моҳиятини тамоман йўқотиб,

¹⁴⁹Қаранг: Томсен И. История языковедения до конца XIX века. – М.: Учпедгиз Наркомпроса, 1938. – С. 13-16.

¹⁵⁰Қаранг: Солнцев В. М. Язык как системно-структурное обозование. – М.: ИПЛ, 1971. – С. 85.

потенция (яширинган, воқеланмаган имконият)га айланади. Лекин рамз ички ва ташки томонларининг ташкил этувчилари тилнинг турли сарҳлари, микросистемалари бирлиги эканлигини унутмаслик керак. Лисоний рамзниг шаклан бир системага, мазмунан бошқа тизимга мансублиги – унинг диалектик хусусиятларидан бири. Ф.де Соссюор рамзниг икки томонлама табиатга эга эканлигини чуқур изоҳлайди. Олим рамз моҳиятидаги “акустик образ” тушунчаси остида унинг кузатишда берилган, моддий ифодасини, яъни фонемаларини эмас, балки ички нутқимизда, онгимиздаги акустик образни, психик ҳаракатни назарда тутади, чунки ички нутқ шароитида ўз-ўзимиз билан сўзлашишимиз, шеър парчасини ўқишимиз, ашула куйлашимиз мумкин, бунда лаблар ҳам, тил ҳам, товушлар ҳам, ҳарфлар ҳам иштирок этмайди, балки акустик образлар мавжуд, холос. Ф.де Соссюор буни ўз нуқтаи назаридан туриб, шундай шарҳлайди: *“Мы называем знаком соединение понятия и акустического образа, но в общепринятом употреблении этот термин обычно обозначает только акустический образ, например, слово **арбор** и т. д. забывают, что если **арбор** называется знаком, то лишь постольку, поскольку в него включено понятие “дерево”, так что чувственная сторона знака предполагает знак как целое.”*¹⁵¹

Тилшуносликда лисоний рамз томонлари даракчи (ифодаловчи) ва ифодаланмиш унсурларидан иборат дейилади. Масалан, даракчи (ифодаловчи): *к-и-т-о-б* (ҳарф ёки товушлар тизмаси, унинг руҳий образи), хабар (ифодланмиш): *китоб* сўзининг маънолари мажмуаси, бу мажмуа ўз навбатида “китоб” тушунчаси, тушунча борлиқдаги воқелик бўлган “китоб” предмети билан алоқадорлиги сабабли лисоний рамз, унинг томонларининг борлиқ ва онг бирликлари билан боғланишларини қуидагича кўрсатиш мумкин:



Бундай боғланиш нафакат лисоний, балки исталган турдаги семиотик системалар учун хос. Фақат нолисоний рамзий тизимларда рамзниг онг ва борлиқ бирликлари билан боғланиши тушунча орқали эмас, балки тил орқали – бу тизимларда чизмадаги тушунча ўрнини тил воситасида ифодаланиши мумкин бўлган маълум бир ахборот эгаллади. Шунинг учун тил бирламчи, қолган барча рамзий системалар иккиласида саналади: ҳар қандай тизим рамzlari билан ифодаланадиган ахборот тил воситалари билан ифодаланиши мумкин, лекин тилни ҳеч бир бошқа тизим тўла-тўқис алмаштира олмайди.

¹⁵¹ Цитируется по книге: Ф. де Соссюор. Труды по языкоznанию. Курс общий лингвистики. – М.: Прогресс, 1977. – С. 99-100.

Тил рамзларининг бошқа семиотик белгилардан яна бир қатор фарқлари мавжуд. Булар ичида қуидагиларни алоҳида кўрсатиш мумкин:

1. **Тил рамзлари учун оммавийлик хос**, улар шу тилда сўзловчи барча кишилар учун умумий. Бошқа рамзий тизимлар шу жамиятнинг маълум бир гурухлари учун хизмат қиласди.

2. **Ҳар қандай рамзий тизимнинг ўрнини боса олади**, зеро рамзий тизимлар тилга таяниб яратилади.

3. **Лисоний рамз учун асимметрик дуализм ҳодисаси хос** бўлиб, у бошқа тизимларда учрамайди.

4. **Лисоний рамз ўз-ўзидан ривожлана боради**, бошқа рамзлар ўзгариши инсоннинг бевосита фаол иштироки натижасида амалга ошади.

5. **Лисоний рамзда барқарорлик ва ўзгарувчанлик ўзаро мувозанатда туради**.

Мана шу кабилар лисоний рамзларни бошқа шартли белгилардан ажратиб туради.

Тилшунос В.А.Звегинцев оддий ва лисоний рамз орасидаги фарқли қирраларни анча муфассал шарҳлайди. Жумладан, рамзлар (умуман) учун рамзнинг ўз-ўзидан ясалмаслиги, рамзлараро табиий маъновий муносабатларнинг йўқлиги, шакл ва мазмуннинг тамоман мустақиллиги, рамзнинг бир маънолиги ҳамда уларда ҳис-туйғу (эмоционал-экспрессив) элементларининг йўқлигини айтиб, лисоний рамзга бу хусусиятларнинг тамоман акси хослигини қайд этади. Қуида булар устида бир оз тўхталамиз.

Эмоционал-экспрессивлик. Бу хусусият бошқа рамзлар учун ёт бўлса-да, лисоний рамз билан ҳамиша бирга. Бунга *юз-чехра-ораз-рухсор-дийдор* каби кўплаб мисолларни келтириш мумкин.

Бир маънолилик. Бунинг акси ўлароқ, кўп маънолилик – тилимизда кенг тарқалган ҳодиса. Полисемантик боғланишда сўз маънолари орасидаги маъновий занжир ва алоқалар фақат тил учун хос жиҳат.

Системавий муносабатлар. Барча рамзий тизимлар системани ҳосил қиласди. Бироқ лисоний рамзларгина маъновий муносабат орқали системавийлигини намоён этади. Масалан, *тузук-дуруст-яхши-хўб* семантик парадигмасини олайлик. Бундай маъновий боғланишни, хусусан, даражаланишни бошқа рамзий тизимларда учрата олмаймиз. В.В.Звегинцев бу борада шундай шарҳни келтиради: “*Трёхименная система световых отношений дорожных знаков (красный – зеленый - желтый), принятая у нас, определяется чёткой воспринимаемостью этих светов, но если какой-нибудь из данных светов будет заменен другим (например, желтый синим), то никакого изменения в значении других знаков не произойдет. Подобная абсолютная заменимость знака достаточно наглядно показывает отсутствие у знаков внутренних отношений...*”

Шакл ва маънонинг мустақиллиги. Оддий рамзий тизимларда рамз шакли ва мазмуни орасидаги боғланишларни одамлар (мутахассислар) ўз дид ва эҳтиёжлари асосида ўрнатади, ўзгариради. Лекин лисоний рамзда бу боғланишни анъанада қандай бўлса, шундай қабул қилишга ва унга бўйсунишга мажбур.

Рамзнинг ясалмаслиги. Лисоний рамзда бунинг тамоман аксини кўриш мумкин. Тил рамzlari ҳамиша ҳаракатда: бир сўз (ўзак) дан ўнлаб сўз ясаш, эскириш, архаиклашиш, замонавийлашиш, янгилашиш, ўзлашиш, калькалашиш каби. Ҳар бир тилнинг лисоний рамzlari шу тилгагина хос бўлган йўл, анъана билан ривожланади, бир-бираидан, ўз-ўзидан ясалади.

Тил рамzlariда барқарорлик ва ўзгарувчанлик диалектикаси. “Тилнинг келиб чиқиши” бўлимида предмет ва исм, предмет рамзи масаласи борасида бир қатор диний (Одам Ато томонидан сўзлар, исмларнинг яратилиши) ҳамда илмий (ундов ва тақлид назарияси) қарашлар билан танишиб ўтилган эди. Аслида, ҳозирги тил доираси ва даражасида қачонлардир предметларга муайян ном қўйиш, муайян бир акустик образларни танлаш ҳодисаси ёки далилини учратмаймиз. Аслида, жамият аъзолари ўзида тил белгисини ўзгартиришга, алмаштиришга эҳтиёж сезмайди. Ахир, “китоб” лисоний рамзи ўрнида “книга” ёки “боок”, “буч” сўзларини қўшишига, муомала-муносабатни мураккаблаштиришга нима сабаб бўла олади?! Бундан ташқари, лисоний рамzlар бошқа рамzlardan фарқли ўлароқ чексиз, ўз-ўзидан кўпайиб боради. Айнан мана шу хусусиятлар тилда муайянлик, барқарорлик ва ўзгарувчанликни мувозанатга келтиради. Тил – мураккаб система тузилишига эга ҳодиса бўлганлиги боис уни ўзгартириш анча-мунча кишининг қўлидан келмайди. Истиқлолга эришилгандан сўнг тилимизда қўллана бошлаган *тайёра*, *тайёрагоҳ*, ҳаким, *тирилтириш* (реанимация), *миришаб* (милиционер, мелиса), *рўзнома*, *ойнома* сингари сўзлар матбуотда қўлланишига қарамай, ўзлашмаганлиги, оммалашмагани бунинг ёрқин далили бўла олади. Барча ижтимоий қонунларни, бошқа рамзий ифодаларни қонун ва қарор асосида ўзгартириш мумкин, лекин тилга нисбатан бундай зўравонлик ҳеч қандай фойда бермайди, зоро, ундан ҳар бир киши, ҳар куни фойдаланади. Тилсиз, демакки, тил рамzlарининг барқарорлигисиз инсоният ҳаётини тасаввур этиб бўлмайди.

Тил фақат вақт, замон, давр ва ижтимоий зарурат таъсирида – ўшанда ҳам ўз ички тараққиёт қонунларига мувофиқ йўналиш ва қўламда – ўзгариши мумкин. Лисоний рамз алоҳида шахслар истаги асосида ўзгармайди.¹⁵² Шу асосда XIX аср тилшунослигига тилни биологик организм сифатида талқин этувчи натурализм оқими шаклланган ва ривожланган эди.¹⁵³ Оксфорд университети профессори Макс Мюллер (1823-1900) нинг тилшунослик назарияси бўйича натуралистик нуқтаи назардан ёзилган қўлланмаларидан бирида шунга жуда яқин бир воеа тасвирланади. Русия императори монарх (мутлақ ҳоким) Александр И черковда роҳиб (монах, зоҳид дарвеш)лар хузурида нутқ сўзлаганда *кофе* сўзини средний род шаклида (*оно* тарзида) қўллаган. Шунда роҳиблардан бири ва император орасида шундай сухбат бўлган:

Роҳиб: Шоҳим, кофе мужской родга мансуб.

¹⁵²Бунда ёзув, имло каби тилнинг ташки томонига алоқадор ҳодисалар тушунилмайди. Чунки ёзувнинг ўзи лисоний рамз эмас, балки график (бамисли ўйл ҳаракати белгилари, ёки матеметик формулаларда ишлатиладиган ёзма белгилар) рамzlардир.

¹⁵³Қаранг: Амирова Т. и др. Очерки по истории лингвистики. – С. 352-362.

Император: Ким айтди?

Роҳиб: Шундай қабул қилинган.

Император: Монарх Александр фармони: Бугундан эътиборан кофе сўзи средний родда бўлсин!

Лекин император фармони ҳам сўзниг род шаклини ўзгартира олмади.¹⁵⁴

Лисоний рамз маълум вақт давомида барқарор ва маълум маънода турғун бўлмоғи шарт. Лисоний рамзниг ўзгаришини эса вақт ҳал этади. Бунга ҳар бир тил заҳирасидан истаганча мисол, далил топиш мумкин. Замон оқими ё рамзниг ифода томонига, ё мазмун томонига таъсир этиши мумкин. Мисол учун тилимиздаги қишлоқ сўзи тарихан “қишлиш учун жой” маъносини билдирган. Ҳозир эса бу рамзниг мазмун-моҳияти бутунлай ўзгарган. Ёки инглиз тилидаги ҳозирги *foot* (оёқ) рамзини олиб қарайлик. Англосаксон тилида илгари фот (оёқ) ҳамда фоти (оёқлар) кейинчалик *feet* (оёқлар) шаклига келган. Ниҳоят, ҳозирги кўплик шакли *feet* (оёқлар) кўринишида сақланган. Бу лисоний рамз даракчи (ифодаловчи) томонининг ўзгарувчанлигига далил.

Тил рамзларида асимметрик дуализм. Лисоний рамз даракчи (ифодаловчи) ва хабар (ифодаланмиш) томонларидан иборат экан, уларнинг ўзаро боғланиши ҳам бошқа семиотик тизимлардан анча фарқ қиласи, бу ҳодиса лисоний рамзда ташқи ва ички томон – шакл ва мазмун боғланишининг асимметрик дуализми сифатида намоён бўлади. Бошқа рамзлардан фарқли ўлароқ, лисоний рамзларда битта шаклга бир неча маъно (омонимия) ёхуд, аксинча, бир маънога бир неча шакл (синонимия) тўғри келиши мумкин. Масалан:

а) битта ифодаловчига икки ва ундан ортиқ хабар (маъно) тўғри келади (омонимия):

<i>om</i>	<i>исм, ном, лақаб. . .</i>
	<i>эшак, туя, хачир. . .</i>
	<i>ташила, иргит, улоқтир. . .</i>
	<i>сон, сифат, феъл, равии. . .</i>

б) битта хабар(ифодаланмишга) икки ва ундан ортиқ даракчи (ифодаловчи) тўғри келади(синонимия):

<i>қўл</i>	тананинг ушлашга мослашган аъзоси
<i>илик</i>	
<i>даст</i>	

Ҳ.Неъматов ва Р.Расулов лисоний рамзда асимметрик дуализмни шундай изоҳлайдилар. Тилдаги шакл ва мазмун номутаносиблигининг сабаби шундаки, тил рамз (бирлик)ларининг моҳияти оддийгина шакл ва мазмун боғланиши орқали эмас, балки тил бирликларининг ўхшашлик (парадигматик) ва қўшничилик (синтагматик) муносабатлари орқали аниқланади. Масалан, от

¹⁵⁴Қаранг: Чикобава А.С. Проблема языка как предмета языкознания. – М.: Учпедгиз, 1958. – С. 55-56.

шаклдош луғавий бирлигини ўхшашлик қаторида (парадигмада) кўриб чиқамиз:

- а)от ҳайвон номи сифатида *от, улов, хачир, эшак* кабилар билан;
- б)ном маъносида *ном, атама, исм* кабилар билан;
- в)тилшунослик термини сифатида *сифат, сон, олмош* кабилар билан;
- г)феъл-ҳаракат маъносида хилма-хил феъллар билан ўхшашлик қаторларига киради¹⁵⁵.

Кўшничилик қатори (синтагматика) эса асимметрик дуализмга деярли барҳам беради. Исбот тариқасида *суз* лисоний рамзининг синтагматик муносабатлари – бирикиш қаторларини кўриб ўтамиш:

суз – (“куй”, “сол” маъносида) овқат ва суюқликларни атовчи сўзлар – *оиш, шўрва, чой...* сингарилар билан;

суз – (“сувда ҳаракат қил” маъносида) сувлоқ жойларни атовчи сўзлар – *сув, дарё, ҳовуз, ариқ...* кабилар билан;

суз – (кўзнинг махсус ҳаракати маъносида) асосан кўз лексемаси ва жўналиш келишиги шаклидаги тўлдирувчи билан;

суз – (“шоҳи/пешанаси билан урмоқ” маъносида) мол, жониворларни атовчи сўзлар билан синтагматик муносабатларга киришади.

Кўринадики, матнда (конспектда) номутаносиблик тамоман йўқолади.

Лисоний рамзлардаги асимметрик дуализм тил қурилишида жуда катта аҳамиятга эга. “Тилнинг ўз ҳолиша ривожланиб, қунма-қун ўсиб бораётган жамият талабини қондира олиши, жамият аъзоларига ҳеч бир қийинчилик тутдирмай ривожланиши шакл ва мазмун номутаносиблиги асосида юз беради”¹⁵⁶.

Лисоний рамз ҳақидаги шарҳ якунида айтиш мумкинки, у нолисоний рамзларнинг барча тури хусусиятларини ўзида мужассалаштирган ҳолда бошқа рамзларда кузатилмайдиган қатор ўзига хосликларга эга.

3-§. Сунъий тиллар ва рамз

Сунъий тил тушунчаси. Сунъий тил – маълум бир мақсадга йўналтирилган махсус семиотик система. Сунъий тил табиий тил асосида яратилади, бироқ у табиий тилга кўра анча тор ва хусусий. Масалан, информацион тиллар, олимлар томонидан яратилган эсперанто тили, математик тиллар каби.

Сунъий тилларнинг табиий тиллардан асосий фарқи шундаки, улар бир маъноли – симметрик – бир шаклга бир маъно, бир рамзга бир вазифа мувофиқ келади. Табиий тилда эса бир шаклда бир неча маъно бўлиши ёхуд бир маънони бир неча шакл ифодалashi мумкин. Бошқача қилиб айтганда, табиий тилларда рамзларга шакл ва мазмун асимметрияси хос бўлса, сунъий тиллар унинг симметрияси асосида тузилади. Бундан ташқари, табиий тил рамзлари – ўзгарувчан ва ривожланувчан. Сунъий символлар эса барқарор бўлиб, ўз-

¹⁵⁵Нематов X., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Т: Ўқитувчи, 1995. – Б. 33.

¹⁵⁶Нематов X., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Т: Ўқитувчи, 1995. – Б. 33.

ўзидан ривожлана олмайди, табиий тил каби давр, муҳит ва замон таъсирига учрамайди. Аникроқ айтганда, сунъий тилни фақатгина инсоннинг ўзи – унинг яратувчисигина ўзгартириши, алмаштириши мумкин.

Сунъий тил рамзлари тушунча билан алоқадор. Масалан (-) “айирмоқ” тушунчасини, энд эса “тугамоқ” тушунчасини билдиради. Сунъий тиллар фақат бир соҳа, муайян жамоа эҳтиёжига асосан яратилади, табиий тил эса барча учун хизмат қиласди.

Эсперанто тили ва бошқа ёрдамчи тиллар. Одатда, информацион ҳамда ҳалқаро ёрдамчи тиллар ажратилади. Ҳалқаро тилни яратиш ғояси 17-18-асрларда лотин тили ҳалқаро мавқеининг аста-секин камайиши натижасида туғилган. Аввал бу мантиқий тушунчалар таснифига асосланган тил эди, кейинчалик табиий тил материаллари ва намуналари асосида қатор лойиҳалар пайдо бўлади. Бундай лойиҳалардан биринчиси 1880 йилда машур немис тилшуноси Август Шлейхер (1821-68) томонидан яратилди. Сунъий тиллар орасида энг машҳури эсперанто тили бўлди: у ўз атрофига ҳалқаро тилнинг фаол тарафдорларини тўплаб, кенг ёйилди. Эсперанто 1887 йилда варшавалик ҳаким Людвиг Заменгоф (1859-1917) томонидан яратилди, унинг тахаллуси билан Эсперанто (бу сўз ҳаким яратган тилда “умидвор” маъносига эга) дея аталди. Эсперанто воқеликдаги турли жабҳалар тушунчаларини ифодалаш учун ҳар хил тиллардан олинган, табиий тиллар сўз қурилиши қолиплари асосида яратилган минглаб сўз-терминлардан, ўнлаб аффикслардан, сўз ясаш, сўз бирикмаси ва гап қурилиши моделларидан фойдаланади. Эсперанто тилида кўплаб журналлар, илмий тадқиқотлар, бадиий асарлар, таржималар нашр этилган ва этилмоқда. 50 дан ортиқ тилдан жаҳон бадиий тафаккури ва ижодининг энг яхши маҳсули бўлган назм ва наср намуналари таржималари (жумладан, Шарқ ёзувчилари – Ҳофиз, Алишер Навоий асарларидан намуналар) бу тил бадиий адабиёти хазинасини безайди. Эсперанто тилида бадиий ижод ҳам анча оммалашган ва ўзига хос анъана ва ҳатто мактабларга эга.

1905 йилдан бошлиб ҳар йили “Эсперанто ассоциацияси” (Эсперанто-Асосио) доирасида ҳалқаро анжуманлар ўtkазилади. Шунингдек, “Эсперантистларининг тинчлик учун Бутунжаҳон ҳаракати” ҳам мавжуд.

Сунъий тиллар сирасига 1922 йилда эстониялик Э. Валем томонидан ишлаб чиқилган *оксидентал* (интерлингве), даниялик О. Есперсен томонидан яратилган *новел* (1928) тиллари ҳам киради. Шунингдек, *интерлингва* 1908 йилда итальян математиги Ж. Пеано ҳамда 1950 йилда А. Гоуд раҳбарлигидаги “Ёрдамчи тиллар ҳалқаро ассоциацияси” (Нью-Йорқ) томонидан ишланган. Бундай сунъий тилар олимлар, дипломатлар, матбуот ходимлари ўртасидаги алоқаларда қўллашга мўлжалланган, лекин булардан бирортаси ҳам табиий ҳалқаро тиллар (ВИИИ-ХВ асрларда Шарқда араб, Европада ИХ-ХВИИ асрларда лотин, ХВИИ-ХХ асрларда француз, ҳозирги кунларда норасмий бўлса-да, инглиз тили) даражасига кўтарилгани йўқ. Бутунлай бошқа ҳолатни ҳар бир фан ичидаги мавжуд бўлган атамалар ва символлар тизимида – табиий соҳавий тил ичидаги катта муваффақият билан ишлаб ва яшаб келаётган семиотик тизимларда – табиий тилнинг илмий услублари ичидаги касбий-профессионал

“тиллар”да кўрамиз. Бу тизимлар ҳозирги кунда физика, матеметика, кибернетика, информатика каби соҳаларда шу даражада ривожланганки, бутун дунё олимлари бир-бирининг ёзма нутқини bemalol тушунади; ҳар бир фан соҳасидаги ички семиотик система соҳавий халқаро тил мавқеига кўтарилимоқда ва кундан-унга ривожланмоқда.

Олимларнинг сунъий тилларни яратишга қизиқиши XX асрда кибернетика ривожи асосида бутунлай янги турдаги изланишларга – информацион тиллар ва технологияларнинг яратилишига, кенг оммалашишига олиб келди.

Информацион тиллар, уларнинг афзалликлари. Информацион тиллар – ҳозирги кунда электрон ҳисоблаш машиналари (компьютерлар) ўқийдиган, тушунадиган тиллар бўлиб, ахборотга ишлов бериш учун фойдаланадиган маҳсус сунъий тиллар ҳисобланади. Бунда информацион-мантиқий система учун фойдаланиладиган семиотик системалар дастурлаш тиллари (Паскаль, Бейсик, Фортран каби 50 дан ортиқ тиллар) ҳамда ахборот излаш учун талаб қилинадиган информацион тиллар фарқланади. Информацион тиллар ахборотнинг аниқ, бир маъноли берилиш ва қабул қилинишини таъминлаши керак. Масалан, библиографик тасниф ишларини амалга ошириш учун матнларнинг идентификациясини бажариш лозим. Унинг таркибида библиографик элементлар (муаллифларнинг исм-фамилияси, сарлавҳалар, муассаса номи, нашр маълумотлари каби) бўлиб, ҳар бир қисм қатъий бир тартиб билан берилади. Бунда ҳар бир белги ўз маъно ва вазифасига эга бўлади. Масалан, электрон почтада, *Ошибка! Закладка не определена* манзили кўрсатгичи тўрт қисмдан иборат. Шу манзил бахтиёрмен@mailru ёки бахтиёрмен@mail.ru ёки бахтиёр.мен@mail.ru тарзида битта белги билан фарқланувчи шаклда берилса, бу ёзув ўқилмайди.

Дастурлаш ва информацион тиллар ҳозир мактабда ҳам, таълимнинг бошқа бўғинларида ҳам босқич эҳтиёжлари доирасида ўрганилиши сабабли бу ерда уларнинг тузилиши ва хусусиятлари устида тўхталиш шарт эмас. Масаланинг фалсафий моҳияти шундан иборатки, бу тиллар маҳсус яратилган ёпиқ семиотик системалар бўлиб, биринчидан, ҳар бир рамз фақат шу системадагина яшайди, шу система доирасида аҳамиятли. Бу тизимдан ташқарида у тамоман бошқа қиймат ва аҳамиятга молик бўлиши мумкин. Масалан, Ф рамзи физика ва кимиёда тамоман бошқа-бошқа қиймат ва моҳиятга эга. Иккинчидан, бу тиллар асимметрик дуализм, ривожланиш, ўзгариш қобилиятидан холи. Дастурлаш замонавий тиллари сифатида қуидагиларни келтириш мумкин: Делпъи, Висуал Басис, Жава, С++.

Назорат саволлари:

1. Рамз ва унинг табиати нимадан иборат?
2. Рамз тушунчаси – кўп маъноли ҳақида айтинг?
3. Семиотика бошқа фанлар билан алоқаси ҳақида гапиринг?
4. Семиотиканинг асосчиси ким?
5. Тил – рамзий тизим сифатида нимадан иборат?
6. Лисоний рамз, унинг бошқа семиотик рамзлардан фарқи нимада?
7. Тил рамзларида барқарорлик ва ўзгарувчанлигини айтинг?

8. Сунъий тиллар ҳақида маълумот беринг?
9. Информацион тиллар, уларнинг афзаликлари нимада?

Адабиётлар рўйхати:

1. Дадабоев X. Тилшунослик назарияси ва методологияси. – Тошкент, 2004.
2. Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари. – Андижон, 2006.
3. Нурмонов А. Лингвистик белги назарияси. – Тошкент: Фан, 2008.
4. Нурмонов А., Раҳимов А. Лингвосинергетикага кириш. – Тошкент: Академнашр, 2013.
5. Раҳматуллаев Ш. Систем тилшунослик асослари. Тил қурилишини тизим сифатида ўрганиш масалалари. – Тошкент: Университет, 2007.
6. Степанов Ю.С. Методы и принципы современной лингвистики. – М., 2001.
7. Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Тошкент, 2011.
8. Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г. Ҳозирги ўзбек адабий тили: Дарслик. – Тошкент, 2004.
9. Ҳамид Неъматов, Баҳтиёр Менглиев. Тилшуносликнинг фалсафий масалалари. – Тошкент, 2015.
10. Andrew Radford. Linguistics. An introduction Secon Edition. Cambridge University Press. P.8-62
11. Ferdinand de Saussure. Course in General Linguistics. McGraw Hill Book Company.
12. G.Hegel. The science of Logic. Cambridge.

6-мавзу. Тилнинг ривожланиши, тил ва жамият

Режа:

- 1.Ривожланиш тушунчаси ва тил тараққиёти.
- 2.Тил тараққиётининг ички қонуниятлари.
- 3.Объективлик ва такрорланувчанлик. Тил = лисон – меъёр – нутқ. Тежам. Плеоназм (эҳтиёт, таъкид).
- 4.Лисоний рамзда асимметрик дуализм қонуни. Тилда аташ ва ифодалаш

Таянч тушунчалар: Тилнинг ижтимоий ҳодисалардан фарқи, тил ва тафаккур муносабати, тил ва нутқнинг алоқаси, нутқнинг тури ва кўринишлари, тилнинг биологик, ирқий, синфий ҳодиса эмаслиги, жамият ва тил тараққиёти, тил тараққиётидаги ташқи ва ички омиллар, тил тараққиётининг ташқи омиллари.

Тилнинг ривожланиш қонуниятлари

Тилнинг яшами ва ривожланиши икки омил – ички имконият ва ижтимоий эҳтиёж – у шароит билан боғлик бўлганлиги сабабли бу икки масала бир бўлимда кўриб ўтилади. Дастреб тилшуносликда мавжуд бир неча тушунча:

- 1)ички тилшунослик;
- 2)ташқи тилшунослик;
- 3)тилнинг тараққиёти деганда нима тушунилиши билан танишиш лозим.

Ички тилшунослик тилнинг ички қурилиши, бирликлари, системасини, унинг ички тараққиёт қонунларини ўрганса, ташқи тилшунослик тилнинг жамият билан алоқаларини – ижтимоий аҳамияти ва вазифасини, жамият аъзоси – сўзловчининг тилдан қай тарзда фойдаланиши, тилнинг жамиятга, жамиятнинг тилга таъсири кабиларни тадқиқ этади. Шунинг учун тилнинг тараққиёт омиллари ҳам ички (интерлингвистик) ва ташқи (экстравалингвистик) каби иккига ажратилади.

Тилнинг ички қурилиши ва тараққиёти тилшуносликнинг ранг-баранг оқимларида хилма-хил методлар билан тадқиқ этилганидек, тилнинг экстравалингвистик тараққиёт хусусиятларига алоҳида эътибор бериб, уларнинг нутқ хусусиятлари, сўзловчи ва тингловчининг ўзаро алоқа шакллари, тилнинг ижтимоий мавқеи, унда хилма-хил услубларнинг ривожланиши ёки сўнишига таъсирини ўрганувчи маҳсус тилшунослик йўналишлари ҳам бор. Паралингвистика, социолингвистика, экстравалингвистика сингари соҳалар шулар жумласидан. Тил ва жамият ҳамиша бир-бири билан алоқада экан, улар ҳеч вақт ўзаро таъсиридан холи бўлолмайди ва тилнинг ҳам, жамиятнинг ҳам ривожланиши ҳамиша икки – ички ва ташқи омил билан боғлик.

Ривожланиш тушунчаси. Объектив борлиқдаги ҳар бир нарса ҳаракатда, яъни ўзгаришда. Фалсафа курсидан маълумки, предмет ё ҳодисанинг ўзгариши аввало миқдорий – аста-секин рўй берадиган зоҳирий, ташқи сезилар-сезилмас ўзгаришлар (эволюция)дан бошланади. Бу ўзгаришлар маълум бир нутқага етгач, миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши – кескин бурилиш ва янгиланишлар (революцион – инқилобий ўзгаришлар) содир бўлади – нарса-ҳодиса бир сифат босқичидан бошқа сифатга ўтади. Табиат ва жамиятда ҳеч бир нарса мутлақ эмас ва бу жараён яна бошдан узлуксиз давом этади. Мана шу диалектик қонуният ривожланиши белгилаб беради. Ривожланиш шундай мураккаб ва узлуксиз жараён бўлиб, асосан сифат ўзгаришлари асосида маълум бўлади. Бунга ҳаётдан кўплаб мисол келтириш мумкин. Кўз олдингизда ўсаётган фарзанд кундан-кунга “миқдор”, яъни ёш жихатдан ўсиб боради. Лекин унда бу ўзгариш сезилмас даражада – ҳар ҳафта, кун, соатда содир

бўлади. Бу ўзгаришларни алоҳида-алоҳида босқичлардагина – чақалоқ қизалоққа, қизалоқ вояга етган қизга, қиз келинчакка, келинчак жувонга, жувон кекса аёлга, аёл бувига айланганда, яъни янги сифат босқичларига ўтгандагина ёрқин сезамиз. Одатда, бир сифатдан янги сифатга ўтиш жараёни – “сакраш” деб аталади. Сакраш икки хил бўлиши мумкин: эволюцион ва революцион. Эволюцион ривожланиш аста-секин, босқичма-босқич ривожланишни ўз ичига олса, революция, аксинча, бирданига – портлаш, кескин сакраш, инқилоб тарзida содир бўлади. Жамиятнинг осуда хаёти, маданий, иқтисодий, сиёсий ўсиши учун эволюцион ривожланиш мақсадга мувофиқ. Хуллас, диалектик ривожланиш қонунияти шундан иборат, у табиат, жамият ва тафаккур яшаш тарзининг доимий, мақсадли, қонуний тараққиёти йўналишини белгилаб беради. “У объектив дунё ривожланиш жараёнини тўғри тушуниб олиш, нарса ва ҳодисаларнинг сифат жиҳатидан ўзгариш тарзини англаш ва ундан жамиятни янада ривожлантиришда фойдаланиш имконини беради.”¹⁵⁷ Шахс кишилик жамиятининг бу тараққиёт йўналишини тўғри уқиб, шу йўналишда ҳаракат қилса – оқим йўналишида борса, у тарихда ижобий мавке, даҳолар сирасидан жой олиб, тарих зарварақларига битилади. Агар шахс ва жамиятнинг ҳаракат йўналиши тараққиёт оқимиға қарши бўлса, у маълум бир муддат тараққиётга тўскенилик қилиши, тарихда салбий мавке эгаллаши мумкин. Лекин тарихий тараққиёт – оқим бу аксилҳаракатни эртами-кечми, албатта, синдириб ташлайди. Зеро, тарихий тараққиёт қонунлари – объекти – инсон иродасига бўйсунмайдиган ҳақиқат.¹⁵⁸

Тил тараққиёти. Ривожланиш – диалектик, объектив жараён экан, у инсоний жамиятнинг асоси, алоҳида қуроли бўлган тилга ҳам дахлдор ҳодиса. Демак, тил тараққиёти – объектив ва узлуксиз жараён.

Тилнинг яшаш, мавжудлик тарзи – унинг ривожланиши. Бу эса тил бевосита боғлиқ бўлган жамият ҳаёти, унинг доимий ҳаракати, ўзгариши билан узвий боғлиқ. Жамият ҳаракатдан тўхтаса, тил ҳам ривожланишдан тўхтайди. Жамиятдан узилган тил эса ўлади, ривожланишдан қолиб, ўлик тилга айланади. Бу ҳақда В.А.Звегинцев, жумладан, шундай ёзади: “Жамиятсиз тил ривожланиш хусусиятини йўқотади ва сунъийлашади. Масалан, лотин тили католик динининг тилига айланди, ўрта асрларда эса илм-фаннинг халқаро тили вазифасини бажарди. Шарқ мамлакатларида шундай мавқени ўрта асрларда араб тили эгаллади.”¹⁵⁹ Олим шу ўринда бу масалани хеттларнинг қудратли ҳокимияти қулагандан сўнгги несит, лувий, палай ва хет шевалари ва қатор тилларнинг йўқолганлиги сингари тарихий далиллар билан исботлайди.

Тил жамият, хусусан, тафаккур билан зич алоқадор ҳодиса сифатида шу жамият таффаккури ривожига боғлиқ равишда ўзгаради. Илм-фан, техника ва маданият ўзгариб, янгиланиб борган сари тил ҳам ўзгариб, янгиланиб боради. Жамият турғунликка учраса, тилда ҳам турғунлик ҳукмрон бўлади. Буни ўзбек

¹⁵⁷Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6-жилд. - Тошкент: ЎзМЭ, 2003. – Б. 34.

¹⁵⁸Масалан, ССРДа XX асрнинг 20-60-йилларида мулкчилик, товар ишлаб чиқариш, нархни белгилаш (яъни бозор иқтисодиёти) объектив қонунлари зўравонлик тазиқик ва қатағонлар билан бузилди. Уни тузатиш учун 1960-80-йиллардаги ҳаракатлар натижка бермади ва 1985-90-йилларда ССРДа ҳукмрон иқтисодий-сиёсий тузумнинг тўлиқ таназзулига, 1990 йилда эса жаҳонга даҳшат соглан бу империянинг парчаланишига олиб келди.

¹⁵⁹Звегинцев В. А. Очерки по общему языкоznанию. - М.: Наука, 1962. – С. 178-179.

тили тарихи мисолида ҳам кўриш мумкин. ХИВ асрда темурийлар даврида ўзбек давлатчилиги, мумтоз илм-фан, адабиёт ва санъат ўзининг юксак чўққисига кўтарилиди. Бу ҳодиса унинг тилида ҳам акс этди – Алишер Навоий туфайли ХВ аср ўзбек адабий тили (Алишер Навоий асарларининг тили) бутун маданий туркийзабон дунёning муштарак тилига айланди – ўнлаб туркийзабон қавмлар уни севиб ўқийдиган ва ҳатто унда ижод этадиган бўлишди. Мутафаккир “Фарҳод ва Ширин” да ифтихор билан ёзади:

*Агар бир, йўқса юз, йўқса мингдур,
Муқаррап турк улуси худ манингдур:
Олибмен таҳти фармонимга осон
Черик тортмай Хитодин то Хуросон.
Кўнгул бермиши сўзумга турк жон ҳам,
На ялгуз турк, балки туркмон ҳам.*

Аксинча, XVIII-XIX асрларда мустабит ва музтабит исломий даврида (сўнгги шайбонийлар-аштархоний-манғитийлар хукмронлиги даврида) хонликларга бўлинган ўзбек заминида турғунлик ва таназзул ҳукм сурди. Адабий тил ҳам тушкунликка учради. Шунинг учун Абулғозий Баҳодурхон бу тилни кенг турклар оммаси учун тушунарли бўлмаган, улар учун узоқ бўлган чигатой тили деб атайди ва “туркларга туркона (уларга тушунали рапзда) ёзиш” шиорини ўртага ташлайди. Тилшунослар орасида “тил – ижтимоий тараққиёт ойнаси” ҳикматининг мавжудлиги бежиз эмас: тил жамият тараққиётини ўзида акс эттириб боради. Манбанинг иккинчи бўлимида келтирилган Алишер Навоийнинг “Ки ҳар ишники қилмиш одамизод, тафаккур бирла билмиш одамизод” мисраси ва борлиқ (жумладан, ижтимоий ҳаёт, жамият, унинг тараққиёт даражаси) – тафаккур – тил муносабати шарҳланган эди.

Борлиқ ривожланар, ўзгарар экан, тил ҳам ривожланади, тараққий этади. 15-20 йил олдин ёзилган асарларни ҳозирги кун нутқи билан солиштирсан, тилнинг ўзгаришига амин бўламиз. Масалан, 1990 йилгача ёзилган бадиий асарларда *партия*, *Компартия*, *коммунист*, *райком*, *секретар*, *колхоз*, *совхоз*, *план*, *район*, *область*, *мажбурият*, *мусобақа*, *коммунизм*, *социализм* каби сўзлар кенг истеъмол лексика сифатида ҳар саҳифада учраса, ҳозир бу сўзлар хронимларга¹⁶⁰ айланган, лекин *бизнес*, *рақобат*, *тадбиркор*, *қўшима корхона*, *компьютер*, *файл*, *дисплей*, *электрон почта*, *банк*, *фирма*, *фермер*, *савдоғар*, *грант*, *шартнома* каби янги сўзлар (ёки эски сўзларнинг тамоман янги маънолари)ни учратамиз. Бу тилимизнинг кейинги ўн йилликларда ривожланганлигини кўрсатади.

Тилнинг ўзгариши (тараққиёти) пала-партиш, бетартиб юз берадиган ҳодиса эмас. У маълум қонун ва қонуниятлар асосида содир бўлади. Қонун – бу зарурий, моявий, қатъий, жамият ва табиат ҳодисаларининг такрорланувчи муносабати. Қонунлар – нафақат табиий, балки ижтимоий ва ҳатто сиёсий (жамиятни бошқариш учун инсон томонидан ўрнатиладиган) қонунлар ҳам – объектив характерга эга – улар бизга бўйсунмайди, онгимиздан ташқарида

¹⁶⁰ Эскирган (архаиклашган) сўзлардан историзмлар (тарихий сўзлар) гурӯхининг маълум қиска бир даврда қўлланилган тури.

мавжуд, онг ва тафаккур уларни акс эттиради, холос – уларни яратмайди ҳам, ўрнатмайди ҳам. Лекин моҳияти уқиб, очилган бўлса, уларни бошқариш, кўзланган мақсадларда фойдаланиш мумкин.¹⁶¹

Тил тарақиётида – дастлаб тилнинг ички (интерлингвистик) ва тилнинг ташқи (экстравалингвистик) тараққиёт қонунларини, булардан ҳар бири ичида умумий ва хусусий қонуниятларни ажратиш мумкин.

Тил тараққиётининг ички қонуниятлари. Тилнинг ички тараққиёт қонунлари деганда тилнинг ички қурилиши, бирликларининг табиати ва уларнинг ўзаро муносабатлари – тилнинг бутун системаси – зотан (табиатан, моҳиятан, имманент ва онтологик равишда) йўл қўядиган, талаб қиладиган ўзгара олиш ва ривожлана олиш имконият ва қонуниятлари тушунилади. Тилнинг ташқи тараққиёт қонунлари деганда тилдаги жамият, нутқ шароити, нутқ иштирокчиларининг хусусиятлари билан боғлиқ бўлган ўзгариш ва ривожланиш қонун-қоидалари тушунилади. Эслатиб ўтиш керакки, тараққиёт қонунларини ички ва ташқи турларга ажратиш ўта шартли, зеро тилнинг ички қурилиш хусусиятлари, ривожланиш қонуниятлари имкон бермаса, ташқи омил тилга таъсир эта олмайди – тил унинг ички системаси йўл қўядиган ўзгариш ва янгиланишларнигина қабул қила олади – ички тараққиёт қонунлари йўл бермаса, ташқи тараққиёт омили тилга таъсир эта олмайди¹⁶². Лекин ташқи тараққиёт қонунлари (талаблари) тилнинг ички тараққиёт қонунлари билан уйғун бўлган даврларда тилнинг ривожланиши инқилобий тус олади, тил тарихий тараққиётида сакраш – бир сифат босқичидан янги сифат босқичига кўтарилиш ҳолати юз беради. Бу икки омил орасида узилиш ёки зиддият туғилган пайтлар эса тил тараққиётида турғунлик ва таназзул (инқироз, тушкунлик, фожеа ва ҳалокат) даври саналади. У ҳам, албатта, инқилобий бурилиш – ёки тилнинг ўлиши ва ёки ижтимоиж шарт-шароитнинг таг-тубдан янгиланиши билан якунланади. Шунинг учун тил тараққиётида ички ва ташқи омиллар, одатда, уйғунлиқда, ҳамкорликда таъсир этади.

Умумий қонуниятлар барча тилларнинг – инсон тилининг энг умумий белги-хусусиятларини ўз ичига олади. Масалан, тилнинг коммуникативлик хусусияти, нутқ фаолиятининг лисон-меъёр-нутқ каби таркибий қисмлардан иборатлиги, тилнинг қатламларга бўлиниши, қатламлар орасида лексик қатламнинг грамматик структурага нисбатан ўзгарувчанлиги, сўз туркумлари ва гап бўлаклари кабилар ҳақидаги қонуниятлар тиллар учун умумий – уларни ҳар бир тилда топиш мумкин.

Хусусий лингвистик қонуниятлар эса ҳар бир конкрет тилнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради ва тилнинг ўзига хос фонетик тизими, лексик сатҳи, грамматик қурилиши, стилистик таркиби билан боғлиқ. Ҳар бир тилда умумлисоний ва хусусий тараққиёт қонунлари ўзаро уйғунлиқда бўлади.

Лисоний тараққиёт қонунларининг айримлари билан танишиб ўтамиш.

1. Объективлик ва такрорланувчанлик. Юқорида қайд этилган

¹⁶¹Бунинг энг ёрқин далили ва исботи ҳозирги кунда компьютер технологиясидир. Бу технология тилнинг семиотик қурилишидан оғлилик билан фойдаланишга асосланади.

¹⁶² G.Hegel. The science of Logic. Cambridge. P.155.

хусусиятни – табиат ва жамият қонунларилик тил қонуниятларининг ҳам объективлигини ва қонуният сифатида такрорланувчанлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Улар ҳақиқий ва инсон иродасига бўйсунмас. Қонуннинг такрорланувчанлиги эса тил тараққиётининг турли даврларида, тилнинг турли сатҳ бирликлари тараққиёти хусусиятларида такрорланиб туришида намоён бўлади. Шунинг ичун диахроник тилшунослиқда “тилнинг ҳозирги тараққиёт босқичида амалда бўлган қонуниятлар бевосита кузатишда берилмаган қадимги даврларида ҳам амал қилган бўлиши мумкин” деган қонун ҳам мавжуд эди.

2. Тил = лисон – меъёр – нутқ. Тилнинг умумий ички тараққиёт қонунларидан бири тилнинг лисон¹⁶³, меъёр, нутқ каби бир-бирини ҳам талаб, ҳам инкор этувчи томонларнинг диалектик бутунлигидан иборат бўлишdir. Фалсафий умумийлик, моҳият, имконият ва сабаб (УМИС) моҳиятига эга бўлган лисон алоҳидалик, ҳодиса, воқелик, оқибат (АҲВО) моҳиятли нутқ шаклида юзага чиқар экан, у меъёр “элаги”дан ўтади ва унинг талабларида мос шакл, мазмун ва вазифа касб этади. Шунинг ўзигина УМИС табиатли ҳар бир лисоний бирликка меъёр талаб ва эҳтиёжларига мос равищда чексиз микдордаги ЯҲВО шаклида воқеланиш имкониятини беради. Бу эса, ўз навбатида, тилга ўзгариш ва ривожланиш имкониятини бериб, бу имкониятни унинг субутий (мутлақ, зотий, ўзгармас, онтологик, имманент, энг муҳим ва х.) сифатларидан бири даражасига кўтаради.

Тилда мавжуд бўлган ривожланиш усуулларининг қўпчилиги (жумладан, бир лисоний қолип (қурилма, конструкция, модель, қонуният, механизм ва х.) асосида чекланмаган микдорда янги-янги содда, қўшма, жуфт ва таркибли сўзларни, сўзшаклларни, сўз бирикмаларини, ҳар хил нутқий қурилмаларни, гапларни ҳосил қилиш; нутқий ҳосилаларнинг идеомалашиш – ихтосослашиш – яхлитлашиш – соддалашиш – тублашиш босқичлари орқали лисоний бирликларга ўтиши каби) лисон-меъёр-нутқ муносабатлари билан боғлиқ. Бунинг турли томонларини атрофлича тадқиқ ва тавсиф этиш, жараённинг фалсафий томонларини очиш тилшунослик олдида турган муҳим масалалардан.

3. Тежам. Бу қонуният жуда кўп ҳодисаларда намоён бўлади. Улардан айримини келтирамиз. Аср бошида тилимизга электрон ҳисоблаш машинаси – ЭҲМ (эҳэм) кенг қўллана бошлади. Лекин ЭҲМнинг инглизча номи – *компьютер* ЭҲМ сўзидан қисқа ва талаффуз учун қулай эди. Шунинг учун *компьютер* сўзи ЭҲМ қисқартмасини сиқиб чиқарди.

Ўзбек тилида уч бўғинли сўзнинг иккинчи бўғинида тор унли бўлса, бу сўз икки бўғинлига айланишга интилади. Масалан, *ўғилим*>*ўғлим*; *бурунум*>*бурним*; *яқишиқ*>*яқишиқ*>*яқши*>*яхши*. Тежам қонуни тиллар учун умумий бўлган кучли қонуниятлардан бири бўлиб, у ранг-баранг кўринишларда воқеланди¹⁶⁴ ва баъзан тил тизимини кескин ўзгартириб юбориши мукин. Дейлик, туркий тилларда энг қадимги даврларда сўз ўзагидаги товушларнинг

¹⁶³Совет тузуми даврида ўзбек тилшунослигига истиклол даври ўзбек фанида кўлланила бошлаган ва бугунги кунда етарли даражада оммалашган лисон атамаси ўрнида *тил* атамаси кўлланилар эди. Қаранг: Усмонов С. Умумий тилшунослик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1972; Кўчкортоев И.Ф. де Соссюрнинг лингвистик концепцияси. Назария ва метод масалалари. – Тошкент: ТошДУ, 1976; Немматов X., Бозоров О. Тил ва нутқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993.

¹⁶⁴Қаранг: Мартине А. Принцип экономии в фонетических изменениях (Проблемы диахронической фонологии). – М.: ИИЛ, 1960. – С. 262; Нурмонов А. Принцип экономии в фонетических явлениях узбекского языка: Автореф. дисс. . . . канд. филол. наук. – Ташкент, 1973.

үйғунлиги – қаттиқ ва юмшоқлиги фарқланган. Лекин В асрдан олдинги даврларда бу фарқланиш ундошлар асосида бўлиб, тўрт жуфт унли қатор (қаттиқлик ва юмшоқлик) билан фонологик жиҳатдан фарқланмаган; унлилар қаттиқ ундошлар билан ёнма-ён келганда қаттиқ, юмшоқ (тил олди) ундошлар билан ёнма-ён келганда юмшоқ вариантга эга бўлган. Шу ҳолатда тил тизимида 36 дан ортиқроқ ундош бўлиб, улар фонологик фарқланувчи 18 жуфтни ташкил этган. Лекин унлилар сони атиги тўртта бўлиб, улар қаттиқлик/юмшоқлик жиҳатдан фонологик фарқланмаган. Тежам қонуниятiga кўра, туркий тилларда ундошлар тизимида қатор фонологик фарқини йўқотиш ва унлилар тизимини қатор бўйича фарқлашга ҳаракат бошланади – 18 жуфтни фарқлашдан кўра 4 жуфтни фарқлаш тил учун жуда тежамли. В асрдан ҳозирги кунгача бу қонуният бир неча босқични бошдан кечирди. Қатор туркий тилларда (масалан, ёқут, қирғиз, хакас, қозоқ, турк каби) у якунланган ва унлилар гармонияси қонунияти ҳукмрон бўлган. Айрим тилларда (жумладан, ўзбек тилида) бу ҳодиса якунланмаган ва унлилар үйғунлиги қатъий қонуният сифатида мутлақлашмаган.¹⁶⁵ Бунинг сабаби ўзбек тилида қаттиқлик/юмшоқлик билан фонологик фарқقا эга бўлган икки жуфт ундош (г – ғ, к – қ) фонемаларнинг мавжудлигига, ваҳоланки, бу фонемалар орасидаги фарқни йўқотган тиллар унлилар үйғунлиги изчил қонуниятини ривожлантирган.

Кўринадики, тежам қонуни оддийгина кўп бўғинли сўз/кўп товушли сўзни кам бўғинли/товушлига айлантиришдан бошлаб, тил тизимиға катта ўзгаришлар келтира оладиган ҳодисаларгача намоён бўлиши мумкин.

4. Плеоназм (эҳтиёт, таъкид). Бу қонун уч хил кўринишга эга. Биринчи кўриниши таъсирида тил бир нутқий бутунлик таркибида айни бир грамматик маънони икки ва ундан ортиқ марта такрорлаб, нутқий бутунлик таркибий қисмлари ичидаги нисбий бутунликларнинг ўзаро алоқасини белгилашни, ахборотни тўғри қабул қилишни, унга нутқда содир бўладиган жузъий ўзгаришларга чидамлиликни таъминлайди. Бу масала ўзбек тилшунослигига проф. Ф.Н.Зикриллаевнинг “Истиқлол ва адабий тил” (-Тошкент: Фан, 2004) монографиясида таҳлил этилган.

Плеоназмнинг иккинчи кўриниши – лисоний бирликда сўнаётган грамматик маънони таъкидлаш мақсадида унга яна бир кўрсаткич бериш тавсифи Н.Маҳкамовнинг “Адабий норма ва плеоназм” (-Тошкент: Фан, 1988) монографиясида берилган.

Эҳтиёт қонунининг учинчи кўриниши тилда ҳар қандай микросистеманинг марказ ва қуршов гипонимик муносабатлар асосида қурилишида, қуршов бирликларининг сони ва сифати эркинлигига, бу бирликларда марказ функциясининг жузъий хусусийликлар билан мураккаблашишида (муайянлашишида), марказий бирлик исталган қуршов бирлиги ўрнини bemalol боса олишида намоён бўлади. Бу қонуният Л.Неъматова ва З.Юнусоваларнинг номзодлик диссертацияларида тавсифланган. Масалан, ўзбек тилида от марказий лексемаси 500 дан ортиқ гипонимларни ўз атрофида бирлаштиради. Лекин ўзбек нутқини уқиши ва унда ўз фикрини баён қилиш

¹⁶⁵Неъматов X. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 40-45.

учун бу сўзларни билиш шарт эмас. Шу 500 сўзли қуршов бирликларининг ўрнини битта *от* лексемаси бемалол эгаллай олади.

5. Лисоний рамзда асимметрик дуализм қонуни. Унинг моҳияти ва тил тизими тараққиётидаги ўрни масаласи олдинги бўлимда тавсифланди.

6. Тилда аташ ва ифодалаш зиддияти қонуни. Бу қонун тилнинг семиотик ва тасвирий тизим сифатида зиддиятли табиатини белгилайди. Чунки семиотик система қонунларига биноан битта мазмунни ифодалаш учун битта шакл етарли.¹⁶⁶ Лекин ифода воситаси сифатида айни бир маъно турли бўёқ билан бир неча шакл воситасида берилиши лозим: . . . ораз – жамол – чеҳра – юз – афт – башара – турқ. . .

7. Ўхшатиш (аналогия) қонуни. Бу қонун ва унинг тил тараққиётига таъсири масаласи Ёш грамматиклар йўналишида (Лейпциг тилшунослик мактабида, туркийшуносликда В.Радлов ва П.Мелиоранский ишларида) чукур ўрганилган.

8. Барқарорлик ва эркинлик (юкланганлик ва салтлик) қонуни. Бу қонун функционал лингвистиканинг тил рамзларида ихтиёрийлик ва мажбурийлик, лисоний рамзда асимметрик дуализм қонунларининг диалектик тамойиллар билан тўлдирилиши натижасида ўзбек субстанциал (формал-функционал) тилшунослигида шаклланди ва Ҳ.Неъматов, О.Бозоров, Б.Менглиев, Г.Неъматова, Л.Неъматова, З.Юнусова кабиларнинг ишларида ривожлантирилди.¹⁶⁷ Бу қонуннинг моҳияти шундаки, ҳар бир лисоний бирлик ўзининг серқирралиги (моҳиятининг ички зиддиятлиги, қарама-қаршилиги) асосида камида икки қатор оппозицияларда туради. Бу оппозициялардан камида бири, албатта, приватив табиатли бўлади. Натижада, масалан, А бирлигининг С билан Б1 асосида ва Д билан Б2 асосида оппозицияларидан “мажмуи асмо ва сифот” каби очиладиган моҳияти А = Б1+ Б20. . . бўлади. Бу моҳият ўзгарувчанликни ҳам (Б20), барқарорликни ҳам (Б1+) ўз ичига олади ва тилга нисбий барқарорлигини сақлаган ҳолда муттасил ривожланишда бўлиш имкониятини беради.

Бу қонунлар умумий лисоний қонунлардан айримларидир. Хусусий қонунлар ҳар бир тилнинг ўзига хос, унинг ички тараққиётини белгилайди. Масалан, ўзбек тилида урғу сўзнинг охирги бўғинида бўлади. Шунинг учун қарийб етмиш йил давомида тилимизда русча сўзларда урғуни турли бўғинларда (рус тилидагидек) сақлашни ва урғу билан фарқланувчи ҳодисаларни (масалан, олма – олма; тугма – тугма. . .) жорий этишга уринишлар ҳеч қандай натижа бермади.

Тил тараққиётининг юқорида қисман санаб ўтилган умумий ички қонунлари билан бир қаторда унинг айрим бир сатҳларига, бўғинларига алоқадор лексик, грамматик, фонетик, ҳатто стилистик қонуниятлар ҳам бор.

Тилнинг энг тез ўзгарувчан, янгиланувчан қисми лексика, яъни луғат

¹⁶⁶Сунъий тиллар шундай тузилади.

¹⁶⁷См: Нигматов Х. Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI-XII вв. – Ташкент: Фан, 1989. – С. 7; Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. – Тошкент: Фан, 1995; Менглиев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Қарши, 2004; Менглиев Б. Лисоний тизим яхлитлиги ва унда сатҳлараро муносабатлар: Филол. фан. д-ри. . . дисс. автореф. – Тошкент, 2001; 2003; Нигматова Л. Ўзбек тилида привативлик (нофонологик сатщлар):Филол. фан. номз. . . дисс. автореф. – Тошкент, 2004; Юнусова З. Ўзбек тилида лугавий микросистеманинг таркиби ва ривожланиши (самовий ёритгичлар лугавий гурухи асосида): Филол. фан. номз. . . дисс. автореф. – Тошкент, 2005.

таркиби ҳисобланади. Лексика мудом ҳаракатда, ривожланишда бўлади. Неологизмлар ва архаизмларнинг ҳосил бўлишидаёқ буни сезиш қийин эмас. Фан ва техника, илм ва тафаккурнинг тараққиёти натижасида тилимизда – *космонавт, космодром, ядро, клип, эстрада, лексема, фонема, чангютгич* каби сўзлар пайдо бўлди. Шунингдек, *фойтун, саройбон, амир, мироб* каби сўзлар эскириб бўлган.

Лексик сатҳ учун семантик ривожланиш ҳам хос. Пайдо бўлган ёки ишлатилган даврда бир маънони билдирган сўзлар муайян даврга келиб бошқа маънони англатишга хизмат қила бошлайди. Масалан, ўзбек тилидаги қишлоқ лексемасини олайлик. Ўз вақтида “қишлов, яъни қишлиш учун, қишини ўтказиш учун жой” маъносини билдирган бу сўз ҳозир буткул бошқа тушунчани ифодалашга хизмат қиласди: “қишлоқ – шаҳар атрофида, четда жойлашган, асосан хўжалик ишлари, экин ва чорвачилик учун мослашган, ахоли яшаш жойи”. Бундай ҳодисалар, деярли барча тилларда кузатилади. Р.А.Будагов ўз кузатишларидан қуйидаги маълумотни келтиради: “*Траваил восходит к вульгарнолатынскому трипалиум – особый станок, который содерживал животных, в частности горячих лошадей, в то время, когда их подковывали. Затем трипалиум стало означать машину для пыток, буквально “приспособление на трех своих”. Соответственно, траваиллар – первоначально мучить с помощью трипалиум, затем мучить вообще. Лишь значительно позднее возникает значение “работать”, ставшее основным в современном французском языке.*”¹⁶⁸

Ўзбек тили лексикасида соддалашиш ва яхлитлашиш, атамалашиш (терминологизация) каби қўплаб усууллар мавжудки, улар луғат таркибининг доим ўзгариб туришига хизмат қиласди. “Яхлитланиш натижасида нутқ бирликларининг тил бирликларига – лексемаларга ўтиши ҳар куни содир бўлаётган фаол жараён.”¹⁶⁹

Ички лексик қонуниятлардан яна бири – семемаларнинг ўз ва кўчма маъноларда воқеаланиши. Масалан, *Менинг холам – ўқитувчи ҳамда Холажон, сумкангизни кўтаришворай гапларига эътибор қаратадиган бўлсак*, икки хола сўзи орасида фарқ борлигини сезиш қийин эмас. Биринчисида “қонқариндошлиқ”, “онамнинг опаси” (ё синглиси) семалари устун бўлса, иккинчи қўлланилишда “ёши катта”, “аёл” каби маънолар мавжуд.

Лексик ривожланишнинг ички қонуниятлари ҳар бир муайян тилда ўзига хос, бу тилнинг бойиб бориши, ривожланиши учун асосий омил ҳисобланади.

Жамиятга кириб келган нарса тилга ўз номини олиб келади. Бу беҳад оддий қонун, жамиятда пайдо бўлган (четдан келтирилган) ҳар бир нарса ўз номи билан аталишини ва бошқа нарсалардан фарқланишини талаб этади. Ҳар кунлик ҳаётимизда бу қонун воқеаланишининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Ҳатто енгил машинанинг янги кўриниши (масалан, “Матиз”) тилга ўз номини олиб киради.

Жамиятда истеъмолдан чиққан нарсанинг номи тилда эскиради ва маълум

¹⁶⁸Будагов Р. А. Проблемы развития языка. – М. – Л.: Наука, 1965. – С. 42.

¹⁶⁹Қар.: Немматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.

мақсадлардагина қўлланилади. Бу олдинги қонуннинг акси бўлиб, бу ҳам изоҳга ҳожат қолдирмайди. Ҳозирги кунда омоч нимани англатганлигини болага маҳсус ўргатиш лозим.

Грамматика лексикага нисбатан анча турғун тил сатҳи ҳисобланади. Лекин унда ҳам даврлар ўтиши билан жиддий ўзгаришлар содир бўлади. Грамматикага оид умумий тараққиёт қонунлари сифатида, жумладан, қуидагиларни санаб ўтиш мумкин.

Мустақил сўзлардан ёрдамчи сўзларнинг, ёрдамчи сўзлардан аффиксоид ва аффиксларнинг ривожланишини олайлик. Буни инглиз тилида *то бе*, *то ъаве*, немис тилида *сеин*, *ъабен*, бу тиллардаги модал феълларда, ўзбек тилида феълнинг ҳаракат тарзи аналитик шаклларини ҳосил қилувчи кўмакчи феълларда, от кўмакчилар мисолларида кўриш мумкин.

Ҳозирги ўзбек тилида *-хона*, *-кор*, *-паз*, умум-, *сер-* каби сўз ясовчилар аффиксоид саналади, ўзбек шеваларида *бора ётибман*, *бора ётибди* аналитик шакли *боропман*, *боропти* кўринишига эга: кўз олдимиизда *-а ётиб-* аналитик шаклидан *-он-* қўшимчали синтетик шакл ривожланмоқда.

Тил грамматик қурилишининг синтезидан анализмга қараб ривожланиши қонунини ҳам ҳинд-европа ва туркий тиллар тарихи мисолларида кўплаб кўриш мумкин.

Тилнинг тараққиёт қонунлари тилга муттасил таъсирини ўтказиб туради. Лекин ҳар бир алоҳида олинган давр чегарасида қонунлар таъсири остидаги ўзгариш шу даражада кичикки, уни бир авлод сезиши баъзан қийин. Шунинг учун И.И.Мешчанинов тил тараққиётини қуидаги риёзий формулада берган эди: 0 х чексиз такрор = м, яъни чексиз кам миқдордаги ўзгариш чексиз кўп марта такрорланса, маълум бир миқдорни беради.

Бундан ташқари, одатда, тил рамзларида шакл ва мазмун томон бирданига ўзгармайди – улардан бири ўзгариб, иккинчиси барқарорлигини маълум муддат сақлайди ва ўзгариш, ривожланишни сўзловчилар учун сезилмасдек қиласди. Шунинг учун тил ички тараққиёт қонунлари таъсири остида ҳамиша жуда кам миқдорда бўлса ҳам, ўзгаришда бўлади ва жамият аъзолари буни сезмайди.

Тилнинг ички тараққиёт қонунларидан бошқа тараққиётнинг ташқи – экстравингвистик омиллари ҳам борки, улар ҳақида қуидаги бўлимда сўз боради.

Тил ва жамият

Жамият тушунчаси ва таърифи. “Жамият – кишиларнинг тарихан қарор топган ҳамкорлик фаолиятлари мажмуи.”¹⁷⁰ Бу ҳамкорлик кишиларнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий, маданий соҳаларда, моддий ишлаб чиқариш ва меҳнат жараёнидаги узвий бирлигидан иборат. Инсон жамиятдан ташқарида мавжуд бўла олмайди, балки жамиятда туғилади, камол топади, яшайди ва ривожланади. Умуман, “инсон” тушунчаси жамият тушунчаси билан узвий боғлиқ. Шунинг учун социология ва иқтисодиётда инсоннинг таърифи

¹⁷⁰Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. З-том. – Тошкент: ЎзМЭ, 2002. – Б. 543.

“ижтимоий муносабатлар кесишуви” деб берилса ва инсон жамият орқали таърифланса, жамият инсон орқали таърифланади – бу икки тушунча бир-биридан ажралмас. Инсон (шахс) ва жамият ўзаро диалектик бутун-бўлак муносабатида турган бутунликлардир – инсон (шахс) жамиятнинг бир бўлаги, таркибий қисми бўлганлиги учун ҳам инсондир. Ўз навбатида, жамият инсонларни хилма-хил муносабатлар билан бирлаштирганлиги сабабли жамиятдир, масалан, турналар ёки бўрилар тўдасига нисбатан *жамият* сўзини қўллай олмаймиз.

Жамиятнинг муҳим таркибий қисмларидан бири тилдир. Тил жамият аъзоларини бирлаштирувчи энг муҳим омиллардан бири эканлиги билан “Тилнинг келиб чиқиши” бўлимида танишган эдик. Тилшунослик бўйича ўқув фанларидан – жумладан, “Умимий тилшунослик”дан сизга маълумки, тил (нутқий фаолият)нинг ўзи мураккаб ҳодиса бўлиб, у:

- а) маълум бир жамият аъзолари учун тайёр, умумий ва мажбурий бўлган, УМИС табиатли имкониятлар мажмуасидан иборат бўлган лисон;
- б) бу имкониятларнинг бевосита воқеланишини ташкил этадиган ЯҲВО табиатли нутқ;
- д) шу имкониятнинг юзага чиқиш шарт-шароитлари ва шаклларини белгиловчи меъёр каби томонларнинг диалектик бирлигидир¹⁷¹.

Тил ва жамият. Тил – ижтимоий ҳодиса сифатида. Киши ўз тафаккур тарзига, фарқлаш қобилияти ва имкониятларига қараб сўзлайди – лисоний имкониятлардан фойдаланади. Бу унинг билим ва маданий савиясига, ҳаётий кўнкимга, тажриба ва дунёқарашига боғлиқ. Қолаверса, ҳар бир инсон характеристи ва диди, маънавий олами, тафаккур кўлами ва маданий савияси, ички руҳий дунёси ва истеъоди, яшаш муҳити, жамиятининг тараққиёт даражаси каби юзлаб омиллар таъсирида турли нутққа эга, яъни лисоний имкониятлардан ҳар хил даража, савия ва мақсадда фойдаланади. Шу туфайли сўзловчининг нутқидан унинг маданий савияси, ижтимоий мавқеи, тафаккур тарзини сезиш қийин эмас. Бу омилни Алишер Навоий “Муҳокаматул лугатайн”да алоҳида таъкидлаб ўтади. Халқимиз ҳам “суратига эмас, сийратига боқ” мақолида инсоннинг ташки қиёфасига эмас, ички оламига эътибор бериш лозимлигини таъкидлайди. Юсуф хос Ҳожиб “Қутадғу билиг”нинг тил моҳиятига бағишлиланган бобларида сўз (тил, нутқ) инсоннинг ички оламини – савияси ва руҳияти, тафаккур тарзини юзага чиқарувчи энг муҳим восита деб баҳолайди. Худди шундай таърифни тил ва нутққа – фақат ХВИИИ ва ундан кейинги асрларда Европанинг буюк олимлари Франс Бопп, Август Шлейхер, Якоб Гrimm, Ҳерман Паул, Вилхельм Ҳумболдт, Карл Маркс, Фердинанд де Соссюр кабилар ҳам такрорлашди. Инсон ва тил (нутқ қобилияти) каби тил ва жамият ҳам ажралмасдир.

Тил – ижтимоий ҳодиса экан, ҳамиша жамият билан бирга ривожланишда. Тилнинг даврий ҳамда минтақавий бўлининиши ва ўзгариши сизга диалектология, ареалология, тил тарихи ўқув фанларидан маълум. Лекин айни бир жамиятнинг ўзидаги ҳар қандай ҳолат – ҳатто бир ҳудуд ва даврда жинс, ёш, касб-корга

¹⁷¹ Ferdinand de Saussure. Course in General Linguistics. McGraw Hill Book Company. P.166.

кўра бўлинишлар ҳам тилда ўзини намоён қиласди. Бу ҳақда Р.Шор, жумладан, шундай ёзади: “*Там, где в структуре общества выделяются обособленные классы и группы, служащие различным производственным целям, язык этого общества распадается на соответствующие социальные диалекты. Там, где только есть разделение труда (а подобное разделение наблюдается по всюду, совпадая у народов примитивной культуры с дифференциацией полов, откуда возникновение особых “женских языков”), каждая отрасль производства принуждена создавать свой особый запас “технических терминов” – наименований орудий и процессов работы, связанных с её ролью в производстве и непонятных для членов иной производственной группы.*”¹⁷²

В.А.Звегинцев фикрича, жамиятнинг ижтимоий тафовутига кўра тил ҳодисалари З гурухга бўлинади:

1. Тилларнинг ижтимоий ва маҳсус ишлатилиши.
2. Маҳсус тилларнинг яратилиши.
3. Оммавий(миллий) тилнинг ижтимоий ва қасбий фарқланиши.

А.Самойлович эса олтой турклари тилидаги аёл ва эркак лексикаси параллелизми ҳақида шундай қизиқарли маълумотларни келтиради:

Умумий шакл	Аёллар нутқида	Эркаклар нутқида
<i>Бўри</i>	<i>Улучи</i>	<i>Поро</i>
<i>бала</i>	<i>Уран</i>	<i>Бола</i>
<i>Товуқ</i>	<i>Учар</i>	<i>Қуши</i>
<i>Тил</i>	<i>Азу</i>	<i>Тииш</i>
<i>От</i>	<i>унаа</i>	<i>Ат</i>

Тилда синонимияни юзага келтирувчи ва ижтимоий ҳодисалар таъсирида рўй берадиган ҳодисалардан яна бири арго, жаргон ва иборалар, табу ва эвфемизмларнинг вужудга келишидир. Тилимизда, *қўқ, кабутар, малах, соққа* каби сўзлар жаргонлар бўлиб, муайян ижтимоий қатлам, гуруҳ нутқига хос ҳисобланади. Кишилар дунёқараши, тушунча ва эътиқодларига кўра сўз ва тушунчаларга янги маъно бериш ҳодисаси ҳам учрайди. Масалан, *илон – аргамчи; ўлмоқ – вафот этмоқ, дунёдан кўз юммоқ, оламдан ўтмоқ, дунёдан риҳлат қилмоқ, фано бўлмоқ, фоний дунёдан боқий дунёга сафар этмоқ* ва х.; *пес бўлмоқ – оқармоқ; туғмоқ – енгил бўлмоқ, халос бўлмоқ, кўзи ёримоқ* ва х. Бу тарзда қўллашларнинг баъзилари этика, маданият билан боғлиқ бўлса, бошқалари қўркув, ирим (гўёки илоннинг номини ёки пес касалини (нарса номини) аташ – шу нарсани чақириш билан тенг каби шомоний қараш) ларга асосланади.

Тилнинг ижтимоий ўзига хос кўринишлари ҳақида гапиргандада, бундай хосланиш аввало лексикада – семантика, фразеология ва стилистикада содир бўлишини унутмаслик керак. Бундай хосланиш лексикада шу даражада кучлики, айни бир жамиятнинг нафакат эркаг-у аёллари, балки ёш-у кексаларининг, авом ва зодагонларининг сўзлари, услублари фарқлидир . А.И.Герцен бу борада шундай дейди: “*Простой смертный носит рубашку, а*

¹⁷² Цитируется по книге Звегинцев В.А. Очерки по общему языкознанию. – М.: Изд-во МГУ, 1962. – С. 261.

*барин – сорочку, один спит, а другой почивает, один пьёт чай, а другой изволит его кушать.”*¹⁷³

Тил ва маданиятнинг ўзаро уйғунликда ривожланиши. Жамиятнинг таркибий қисми, ўзига хос субутий белгиларидан бири – маданият.¹⁷⁴ Маданият – муайян тарихий даврда халқ ва миллатларнинг меҳнат, турмуш, бадиий ва бошқа соҳаларини ўзида қамраб олувчи маънавий тушунча. Тил – маданият белгиси. Тилсиз маданият бўлмайди. Тил ва маданият ўзаро уйғунликда ривожланади. Кўпгина олимлар жамиятнинг маданият даражаси билан унинг тилини баҳоласа, бошқа бир гурух тил орқали ижтимоий маданиятни белгилайди. Ҳар иккала гурух ҳам ўзича ҳақ, зеро, тарихий, тугаб кетган, лекин тили ва унинг ёдгорликлари сақланиб қолган жамиятнинг маданияти, рухияти, оламни тушуниш тарзини унинг тили воситасида бемалол тиклай олганимиздек, юксак маданиятга эга жамият тили ҳақида ҳам маданияти орқали аниқ тасаввур ҳосил қилишимиз мумкин. Бу ҳақда В.А.Звегинцев шундай ёzáди: “Лингвистика собрала богатый материал, свидетельствующий о том, что языки народов отсталой культуры часто не располагают словами, обозначающими родовые понятия (нет, например, слов для обозначения дерева или животного вообщем, но зато имеется очень разветвленная номенклатура обозначений разных их видов и пород) и обладают формантами, классифициирующими слова по чрезвычайно конкретным признакам(так называемые классы слов.”¹⁷⁵

Тил ва маданият муносабати, таъсири масаласи барча даврларда, барча лингвистик мактаб ва оқимлар диққат-эътиборини тортган. Масалан, Э.Сепир бунга оид жуда қимматли фикрларни ёзиг қолдирган: “Маданиятни шу (мазкур) жамиятнинг қилаётган ва ўйлаётгани сифатида баҳолаши мумкин. Тил эса қандай (қай тарзда) ўйлашидир.”

Тил, нутқ – маданият, маънавий олам кўзгуси. Шунинг учун тил қанчалик гўзал, бетакрор, самимий бўлса, маданий савия ҳам шундай намоён бўлади. Ҳар бир халқнинг ўз маданий муҳити ва тафаккурига мос равишда лисоний имкониятлари мавжуд.

Фан тараққиёти, сиёсий ва иқтисодий шароитлар ҳам тилда намоён бўлади. Кундан-кунга янги сўз ва тушунчалар пайдо бўлмоқда, маҳсус ва сунъий тиллар ярарилмоқда, соҳавий ва илмий стилистика ривожланмоқда. Маданият инсоний онг маҳсули экан, у тил билан диалектик алоқада, бирликдадир.

Тил ривожлашининг ташқи (экслалингвистик) омиллари деганда, тилнинг жамият, биринчи навбатда, унинг маданияти билан боғлиқ равишида тараққиёти тушунилади. Жамият ва унинг маданияти ривожланган бўлса, унда сўз санъаткорлари томонидан ишланган, пардоз ва жило берилган адабий тил

¹⁷³ Цитируется по книге Звегинцев В.А. Очерки по общему языкознанию. – М.: Изд-во МГУ, 1962. – С. 261. Указывается: Герцен А.И. Сочинения. Том 6. – СПб, 1905. – С. 191.

¹⁷⁴ Қаранг.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 5-том. – Тошкент: ЎзМЭ, 2003. – Б. 372.: “Маданият- жамият, инсон ижодий куч ва тараққиётининг муайян даражаси. Маданият – арабча мадина сузидан келиб чиқкан. Араблар кишилар хаётини 2 турга: бирини бадавий ёки саҳровий турмуш; иккинчисини маданий турмуш деб атаганлар. Бадавийлик – кўчманчи ҳолда дашту саҳроларда яшовчи, маданийлик – шахарда ўтрок ҳолда яшаб, ўзига хос турмуш тарзига эга бўлган халқларга нисбатан ишлатилган.” Демак, дастлаб араб тилида маданий – “шахарлик” ва бадавий – “саҳрайи, кўчманчи” атамалари ўзаро оппозитив бўлган.

¹⁷⁵ Звегинцев В.А. Очерки по общему языкознанию. – М.: Изд-во МГУ, 1962. – С. 272: “Культуру можно определить как то, что данное общество делает и думает. Язык же есть то, как думают.”

ҳам устувор бўлади, ўз таъсирини шу жамиятдан узоқ-узоқ ўлкаларга етказади. Буни ўзбек тилининг ХВ-ХВИ асрлардаги мавқеидан ҳам биламиз. Туркийшунослар Алишер Навой асарлари тилининг бу даврда Кримдан Олтойгача, Румдан Чингача (Туркиядан Хитойгача) бўлган улкан минтақада хукмрон адабий меъёр бўлиб келганлигини қайд этадилар. Шоир ифтихор билан:

*Олибмен тахти фармонимга осон
Черик тортмай Хитодин то Хурросон.*

деб ёзса, шоир Абдулла Орипов:

*Темур тиги олмаган ерни
Қалам билан олди Алишер.*

дэя ғуурур билан куйлади.

Жамиятда фанларнинг тараққиёти тилда илмий атамалар, мураккаб илмий тушунчалар, жараён ва тавсифларни ифодаловчи сўзлар ва услубнинг шаклланиши ҳамда ривожланишига олиб келади. Тилнинг қўлланилиш соҳаси кескин кенгаяди, у узлуксиз ривожлнади, янги-янги сўз ва тушунчалар билан бойийди.

Дунёда якка ҳолда, бошқалардан батамом узилган шаклда яшаган жамият бўлмаган – қўшни ҳалқлар ҳамиша бир-бири билан яқин алоқаларда бўлишган. Кўп ҳолларда эса турли-туман қавм-элатлар қўшничиликда ёнма-ён яшашган. Турли ҳалқларнинг тили бир-бирига таъсир этиб, бир-бирини бойитган – сўз берган, сўз олган. Бундай ўзаро таъсирлар тилларнинг қоришуви ва натижада тамоман янги бир тилнинг пайдо бўлиши даражасигача бориб етиши мумкин. Шу боис дунёда соф – бошқа тиллар таъсиридан холи тил умуман йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Турли жамият – давлатлар орасидаги иқтисодий-маданий алоқалар бундай бойишга кенг йўл очади.

Жамиятнинг сиёсий тузуми, ишлаб чиқаришнинг етакчи усул ва воситалари ҳам тилнинг тараққиётига кучли таъсир кўрсатади. Масалан, ибтидоий табиий-овчилик ва кўчманчи чорвачилик хўжалик усули етакчилиги даврида тилларнинг қоришуви, ўзаро яқинлашуви кучли бўлади, кескин шевавий фарқлар сезилмайди. Қадимги туркий (Ўрхун-Енисей) даври тилида, қозоқ, қорақалпоқ, туркман қирғиз каби XIX асрларгача тўла ёки яrim кўчманчи тарзда ҳаёт кечирган ҳалқлар тилида шева фарқларининг нисбатан озлиги шу билан боғлиқ. Аксинча, узоқ шаҳар маданияти, ўтроқ дехқончилик хўжалик тарзи маҳаллий шевалардаги фарқларни чуқурлаштиради. Бу шу даражага бориб етиши мумкинки, бир тилнинг икки шеваси вакили бир-бирини мутлақо тушуна олмаслиги мумкин. Хитой тили шеваларида худди шу ҳолат кўзга ташланади. Ўзбек, озарбайжон, турк, уйғур каби туркий тилларнинг кўп шевалилиги, шевалараро кучли фарқларнинг мавжудлиги айни шу ҳодиса билан боғлиқ.

Бозор иқтисодиёти, саноат ишлаб чиқариш усули, фан ва техника тараққиёти, таълим ва маданият ривожи, матбуот хилма-хил воситаларининг кенг оммалашуви маълум бир ҳалқ (миллат)нинг турли минтақа ва худудларини – демак, тилларини ҳам – яқинлаштиради; жамиятда меъёрлаштирилган, санъаткор ва олимлар томонидан ишланган шевалардан

юқори турадиган *койне* – адабий тилнинг кенг оммалашувига сабаб бўлади. Шунинг учун кўп шевали бўлишига қарамай француз, немис, инглиз тиллари ахборот воситаларида – сўзлашув нутқида ҳам, жонли мулоқот ва сұхбатларда ҳам – шевавий фонетик ёки лексик фарқлар сезилмайди – омманинг маданий савияси юксак ва ҳамма адабий меъёрларга риоя қилиш кўнижасига эга. Бу даврда адабий тил мактаб, матбуот, таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқот ишлаб чиқариш орқали шева фарқларининг йўқолишига, адабий тилнинг кенг оммалashiши ва меъёrlashiши олиб келади.

Тил ва тарихий муҳит. Жамият тилнинг ривожланишига салбий таъсир этиши ҳам мумкин. Бу ҳолат кўпинча жамиятда номиллий мафкура ҳукмронлиги даврида юз беради. Бундай даврларни халқимиз ИХ-ХИ, ХИИ-ХВ асрларда, XX асрнинг 40-80-йилларида бошидан ўтказди. Маълумки, туркий халқларнинг ислом динини қабул қилишида сомий (араб) ва эроний халқларнинг таъсир ва тазиеки қучли.¹⁷⁶ Шу сабабли ИХ-Х асрларда ҳукмрон доира орасида араб ёки форс тилида сўзлаш, илмий-бадиий асарларни ҳам шу тилларда ёзиш авж олади. Туркий тил қўпол тил дея таҳқирланади. Бу даврларда туркий тил кўчманчи-саҳройиларнинг сўзлашув тили, ўчоқбоши тили бўлиб қолади. ХИ асрда Қорахонийлар давлатининг юксалиши билан майдонга “туркий тил баҳодури” – Махмуд Қошғарий чиқади. У туркий тил мавқенини тиклашга интилади. Олим “Девону луғотит турк” асарида туркий тилни араб тили билан пойгада чопаётганда ундан ўзиди кетаётган улоқчи отга қиёслайди. ХИ-ХИИ асрларда туркий адабий тилининг мавқеи тикланади. У даврдан бизгача шоҳ асарлар етиб келган. ХИИИ-ХИВ асрларда туркий тил яна тазиекка учрайди ва ХВ асрда бошқа бир туркий баҳодир – Алишер Навоий майдонга чиқади-ю, қалами билан ярим жаҳонни забт этиб, ХИХ асрнинг ўрталаригача ҳукмронлигини давом эттиради.

XX асрнинг 40-йилларидан ўлкамизда рус тилининг тазиеки кучаяди. Бу таъсир йилдан-йилга ошиб, 80-йилларда “замонавий ва маданиятли” ўзбеклар ўз она тилларида гапиришга уяладиган бўлишди. Тилимиз яна ўчоқбоши тилига айланишига сал қолади. 1988-1989 йилларда ўзбек миллий тилининг ҳақ-хуқуқларини тиклаш учун росмана кураш бошланди. Бу ҳаракат 1989 йилнинг 21 октябрида “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ва тилимиз тараққиётида янги тараққиёт даври – миллий истиқлол даврининг бошланиши билан амалга ошли.

Миллий мафкура, миллий тил, миллий тилшунослик ва тил таълими

Миллий мафкура ва миллий тил. Жамиятда номиллий, антимеллий мафкура ҳукмронлиги даврида миллий тил мавқенининг пасайиши, қўлланилиш доирасининг торайиши, хилма-хил (хусусан илмий, матбуот, хуқуқий, дипломатик, байналмилал банк-иктисодий ва молия ва х.) услубларининг ривожланмаслиги – ҳукмрон мафкура тили бу соҳаларни эгаллаши ҳақида

¹⁷⁶Қаранг: Бартольд В. В. Сочинения. Том 5. – М. – Л: Наука, 1974. – С.132.

эслатиб ўтилди. Номиллий хукмрон мафкура миллий тил таълимига ҳам ўзининг кучли таъсирини ўтказади. Бу таъсир, айниқса, икки йўналишда кучли намоён бўлади. Улардан биринчиси – миллий тил грамматик қурилиши хукмрон мафкура тилининг грамматик қурилиши мөъёрлари асосида талқин қилиниб, миллий тил грамматик қурилишида миллий рух, шу тилда фикрловчи ва сўзловчи халқ руҳияти ва маданияти инъикоси батамом сўндирилади. Натижада миллий тилда сўзловчи ва фикрловчи халқ онгига ғайримиллий мафкура уруғларини сепишга, номиллий мафкурани сингдиришга, ундиришга қулай шароит туғилади. Зоро, миллий тил қурилишининг номиллий талқинини миллат болалари онгига сингдириш миллат онгига номиллий тафаккур тарзи ва олам – борлиқни қабул қилишни сингдиришга олиб келади – таълим олувчи миллий маркура гуллаб-яшнаши мумкин бўлган миллий дунёқарашиб ва миллий тафаккур тарзидан маҳрум қилинади.

Бу таъсирининг иккинчи кўриниши хукмрон мафкура тилини ўрганишга, унинг кенг оммалашувига улкан имконият яратиб бериш, ижтимоий юксалишга лисоний тўсиқлар қўйищдан иборат. XX асрнинг 80-йилларида факат олийгоҳларда рус гурухларида ўзбек, ўзбек гурухларида рус тилининг ўқитилишига ажратилган ўқув соатлари ҳамда рус тили ва ўзбек тили ўқитувчарини тайёрлашга ажратилган давлат грантларини солиштиурсак, бунинг гувоҳи бўламиз. Бу даврда рус гурухларида ўзбек тили қўпинча ўқитилмас, ўқитилган тақдирда ҳам бир ўқув йилида 120 академик соатдан ошмас эди. Ўзбек гурухлрида рус тили эса энг асосий фанлардан саналиб, уч ўқув йилида 900 академик соат миқдорида ўқитилар ва яна қўшимча соат ва маҳсус курслар киритиш тавсия этилар эди.

Хукмрон мафкура тили тазиики ўша даврларда миллий тилшунослик ва лугатчиликда ҳам кучли сезилар эди. Маълумки, исталган бир тилда ифодаланган фикр бошқа бир тил воситалари билан берилиши мумкин. Масалан, русча *здесь, туда, там* сўзларига тилимизда *бу ерда, у ерда, ўша ерда* сўз бирикмалари мос келади. Русча сўзлар равиш сўз туркумiga мансуб, ўзбекча муқобиллари эса кўрсатиш олмошлари ва *ер* сўзининг ўрин-пайт келишиги шаклидаги бирикмасидан иборат. Лекин русларга кўр-кўrona эргашиб, бу сўз бирикмалари тилимизда ҳам равишлар деб ўргатилди. Бундай уйдирма-мосламаларга, 1940-80-йиллардаги расмий “стабил” талқинларга (ўрта ва олий мактаб дарсликларида) юзлаб мисол келтириш мумкин. Бундай уйдирма-мослама талқинлар онгимизга шунчалик чуқур сингдирилганки, унинг ёпиқ-яширин таъсиридан яқин йилларда қутула олмаймиз – у тилимизнинг барча бўғинлари илмий талқинини қамраб олган ва зўрлик билан шууримизга 60 йилдан зиёд вақт давомида ёш гўдаклиқдан қуйилган. Ундан батамом қутулиш осон эмас.

Хукмрон мафкура тилининг миллий лугатчиликка тазиики ҳам икки йўналишда намоён бўлади. Унинг биринчи йўналиши миллий тил учун ўта зарур бўлган лугатларни рус тили лугатлари шакл ва мазмунида тузишида намоён бўлса, иккинчи йўналиши миллий тилда ўқув (мактаб) лугатлари тури, сони ва сифатини мумкин қадар чеклашда ўз аксини топади. Тилшунослигимизда биринчи масала бутун мураккаблигига X.Сайдованинг

1995 йилда, Ш.Бобожоновнинг 2004 йилда Самарқанд университети хузурида ёқланган диссертацияларида очиб берилган бўлса, иккинчи масала ўзбек, рус, инглиз ўқувчилари учун она тили дарсларида фойдаланишга мўлжалланган ўқув луғатларининг турлари, сифати ва сонини қиёслаш асосида магистр Ш.Ҳамроева ишларида таҳлил этилди. Тадқиқотчи ўзбек болалари учун ўқув луғатлари нашри ривожланган давлатлардан кўра бир неча юз марта паст эканлиги, шунинг учун бугунги кунда бизда луғатларга эҳтиёж ва улардан фойдаланиш маданияти ачинарли аҳволда эканлиги ҳақида хулоса чиқарди. Матбуотда тилшунос Б.Бахриддинова томонидан мавзуга доир эълон қилинган мақолалар фикримизни қувватлайди.

Гайримиллий хукмрон мафкурунинг миллий она тили таълимiga заарли таъсирини нафақат миллий тил грамматик талқинини руслаштириш, ўқув луғатлари тури ва сонини чеклаш, балки мактабда она тили таълими мазмуни ва усулини сохталаштириш билан ҳам ўтказди. Маълумки, тил ва тафаккур бир-биридан ажралмас – тил тафаккур орқали, тафаккур тил орқали тивожланади. Она тили таълими совет тузуми хукмронлиги даврида тилшунослик фани асосларини – илмий тилшуносликни ўрганишга бўйсундирилди. Мактабда ўқувчилар вақтларини она тилида ижодий тафаккур кўникмаларини ривожлантириш ва ижодий тафаккур маҳсулини нутқ шароитига мос равишда тўғри ва равон ифодалашга эмас, илмий грамматик билимларни ёдлашга сарфлашди. Бундай усулда тайёрланган билимдон-ижрочи мустақил фикр ва ҳаракатга лаёқатсиз бўлиб, фақат буйруқни кўр-кўrona бажаришга яроқли эди, холос¹⁷⁷.

Ўзбекистон Республикаси 1991 йилда миллий истиқлолга эришганда совет тузумидан миллий тил тадқиқи ва таълими соҳасида мана шундай аянчли ҳолатни мерос қилиб олди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов миллий истиқлолнинг ilk қадамлариданоқ мамлакатда иқтисодий-сиёсий ислоҳотлар билан бирга таълим тизимини тубдан ислоҳ этишга, миллий мафкуруни шакллантириб, уни оммалаштиришга катта эътибор беришлари, давлат сиёсати ва умумхалқ ҳаракатини шу йўналишга қаратишлари бежиз эмас эди. Зоро, миллий мафкурунинг муҳим таркибий қисмларидан бири миллий тил – она ўзбек тилидир. “Мафкура – жамиятда яшайдиган одамларнинг ҳаёт мазмунини, уларнинг интилишларини ўзига мужассамлайди.”¹⁷⁸ “У муайян бир ижтимоий гурух, қатлам, миллат, жамият, давлатнинг манфаатлари, орзулари, мақсадлари ифодаланган қарашлар ва уларни амалга ошириш тизими.”¹⁷⁹ Шунинг учун ўзбек миллий мафкурасининг муҳим таркибий қисми сифатида ўзбек тили ҳам истиқлолдан сўнг ўлкамизда тамоман бошқа – мустақил республикамиизда асосий алоқа-аралашув ва иш юритиш тили мавқеини олди, оддий алоқа-аралашув тилидан ҳуқуқий, иқтисодий-молиявий, байналмиладипломатик алоқалар, Интернет робиталари тизими воситасига айланди. Тилимиз қўлланиш соҳаларининг кенгайганлигини, шаклланган ва

¹⁷⁷ Ferdinand de Saussure. Course in General Linguistics. McGraw Hill Book Company. P. 177.

¹⁷⁸Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir. – Тошкент: Ўзбекистон. 2000. – Б. 6.

¹⁷⁹Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 5-том. – Тошкент: ЎзМЭ, 2003. – Б. 525.

ривожланган янги услублар ва терминологик тизимларни, тилимизни ўрганишга хорижий давлатлар вакилларининг қизиқиш даражаларини ўтган давр билан мутлақо қиёслаш мумкин эмас – тараққиёт кескин ва бемисл даражададир; бундан 20 йил олдин истаган турдаги йифингоҳда ўзбек тилида чиқиши фавқулодда бир ҳодиса саналган бўлса, бугун Олий Мажлис йиғилишидан маҳалла қўмитаси мажлиси-ю дипломатик қабулларгача она тилимиздан ўзга нутқни эшлиши шунчалик гайриоддийдир. Миллий истиқлол, миллий мафкура она тилимизнинг янграши, яшнаши, ривожланиб камол топишига чексиз имкониятлар яратиб берди ва бу икониятлардан самарали фойдаланилмоқда.

Миллий тилшунослик ва тил таълими. Миллий истиқлол шарофати билан тилшунослигимиз ҳам рус тилшунослигига эргашишдан озод бўлиб, янги – мустақил тараққиёт йўлига ўтди. Тилшунослик фанида қатор мустақил илмий йўналиш ва мактаблар шаклланди. Фанимизда тез оммалашаётган семантик синтаксис, субстанциал, субстанциал-прагматик¹⁸⁰ илмий йўналишлари шулар жумласидан. Бу йўналиш талқинларида ўзек тилининг туркона – европа тиллари қурилишидан тамоман ўзгача қурилиш тизими ўз аксини топмоқда, янгича – ўзбекона грамматик тизимлар яратилмоқда ва оммалаштирилмоқда. Она тили грамматик қурилишининг миллийлиги эса миллий мафкуранинг одамлар онгига сингиши ва гуркираб яшнаши учун мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтамоқда.

Истиқлол йилларида она тили таълими соҳасида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди. Ўзбекона грамматик талқин ва тизимларнинг ишлаб чиқилиши, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конунида таълим тизими, мақсади ва самараси олдига тамоман янги вазифалар қўйилди. Бу вазифаларни – 1940-80-йилларда бўлганидек, марказда ишлаб чиқилган “типовая программа”лар асосида амалга ошириш мумкин эмас. Таълимнинг барча тур, бўғин ва босқичлари миллийлаштирилди, илғор давлатларнинг таълим мезонлари билан тенглаштирилди – бугун шижаот ва ғайрат билан иккинчи босқичи амалга оширираётган, марказида ижодий тафаккурли шахс турган Кадрлар тайёрлашнинг ўзбек миллий модели бутун дунё олим ва мутахасислари томонидан эътироф этилди, юксак баҳоланди.

Умумий ўрта таълимда она тилини ўқитишнинг онгли вербал когнитив-прагматик таълим усули йўлга қўйилди. Бу таълим усулининг мақсади ўқувчида ижодий тафаккурни шакллантириш ва маҳсулини нутқ шароитига мос равишда тўғри ва равон ифодалаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборатдир. Энди истиқлол фарзандлари она тили дарсларида қуруқ грамматикани, тилшунослик фани асосларини ўрганиш билан қимматли вақтларини ўтказмайди, балки миллий қадриятларнинг энг олий бўлмиш она тили хазиналарини очиш, унинг ноёб дур-у гавҳарларини териш, чексиз имкониятлар – айни бир фикрни ўнлаб-юзлаб шакл ва кўринишларда ифодалай олиш, она тили орқали миллий қадриятларга, Ватанга, жамиятга, инсониятга ва ўзига ҳурмат ва севги туйғларини сингдириш устида ижодий

¹⁸⁰Бу хақда каранг: Менглиев Б. Тилда имконият ва воқелик муштараклиги // “Маърифат” газетаси, 2013 йил 15 май.

изланиш олиб боради, яратади, ижод қиласи. Шунга мувофиқ равишда, ўрта маҳсус ва олий таълимда ўзбек тили ўқув фани олдига ихтисосий нутқ малакаларини такомиллаштириш, танлаган касбига комилликка эришишга ундаш, унга муҳаббат туйғуларини тарбиялаш вазифаси қўйилди. Таълим дастурлари, дастурлар асосидаги дарслерлар шу асосларда тузилмоқда ва такомиллаштирилмоқда. Бу дастур ва дарслер, қўлланмаларда ўз аксини топган лингвистик ва методик тамойиллар, илмий талқинлар ўзининг ўзбекона моҳияти билан олдингилардан – русийзабонлар учун яратилган дарслерларга зўрма-зўраки ўхшатмалардан тубдан фарқ қиласи, ўзбек миллий руҳи, миллий истиқбол мафкураси, умумбашарий қадриятларга йўғрилганлиги билан ажralиб туради. Тил таълими тизимига компьютер технологиялари, электрон дарслер ва қўлланмалар, Интернет материалларидан кенг фойдаланиш кириб келмоқда. Тўғри, тил таълимининг олдида ҳали катта вазифалар турибди. Биринчи навбатда, бу ўзбек тили таълими учун замонавий ахборот банклари, ижодий тафаккур соҳибини етиштириш учун зарур хилма-хил луғат ва маълумотномалар тузиш ҳамда оммалаштириш, бу ишларни амалга оширишда замонавий, жумладан, компьютер ва Интернет тармоғи имкониятларидан унумли фойдаланиш масалалари турибди. Аминмизки, бугун шаклланаётган ва миллий истиқбол мафкураси билан йўғрилган замонавий ўзбек тилшунослиги ва тил таълими назарияси ва амалиёти вояга етиб, жаҳон тафаккури хазинасига ўз гавҳарларини қўшади ва аждодлар ишини шараф билан давом эттиради.

Назорат саволлари:

1. Жамият тушунчаси ва таъриф беринг?
2. Ривожланиш тушунчаси изоҳланг?
3. Тил = лисон – меъёр – нутқ ўзаро алоқаларини изоҳланг?
4. Тил – ижтимоий ҳодиса сифатидатутган ўрни нимадан иборат?
5. Миллий мафкура, миллий тил, миллий тилшуносликнинг ўзаро алоқалари ҳақида фикр билдиринг?
6. “Тилсиз жамият мавжуд бўлмайди”, деган фикрни қандай изоҳлайсиз?
7. Тилларнинг ривожланиш қонуниятлари ҳақида қандай холосага келдингиз?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дадабоев X. Тилшунослик назарияси ва методологияси. – Тошкент, 2004.
2. Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари. – Андижон, 2006.
3. Нурмонов А. Лингвистик белги назарияси. – Тошкент: Фан, 2008.
5. Раҳматуллаев Ш. Систем тилшунослик асослари. Тил қурилишини тизим сифатида ўрганиш масалалари. – Тошкент: Университет, 2007.

6. Бушай Т. Язык в истории развития человеческой мысли. – Ташкент: Фан, 2011.
7. Бушай Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. – Тошкент: Фан, 2007.
8. Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Тошкент, 2011.
9. Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Бокиева Г. Ҳозирги ўзбек адабий тили: Дарслик. – Тошкент, 2004.
10. Ҳожиев А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. – Тошкент: Фан, 2010.
11. Ҳамид Неъматов, Бахтиёр Менглиев. Тилшуносликнинг фалсафий масалалари. – Тошкент, 2015.
12. Andrew Radford. Linguistics. An introduction Secon Edition. Cambridge University Press. P.8-62
13. Ferdinand de Saussure. Course in General Linguistics. McGraw Hill Book Company.
14. G.Hegel. The science of Logic. Cambridge.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1 – амалий машғулот Тилнинг серқирралиги ва кўп вазифалилиги

Ишдан мақсад: Тилнинг серқирралиги унинг кўп қирралиги ва кўп вазифалилиги масалаларини таҳлил қила олиш ва ушбу масалалар юзасидан мустақил илмий хулоса қила олиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчи вариантда келтирилган топшириқларни бажариши ва натижа олиши лозим.

Ушбу амалий иш давомида қўйидагиларни **бажариш лозим**:

- Борлик ҳодисаларининг серқирра ва кўп вазифалилиги масаласи бўйича савол-жавоб.
- Хусусият ва вазифанинг диалектик яхлитлиги бўйича машқ.
- Серқирралик ва имконият тушунчалари муносабати масаласи юзасидан дебат
- Тилнинг серқирралиги ва тилшунослик босқичлари ҳамда йўналишларини тавсифлаш.

Назорат саволлари:

1. Тилнинг серқирралилиги деганда нимани тушунасиз?
2. Тилшунослик босқичлари ва йўналишларини айтинг?
3. Тил ва тафаккур яхлитлиги деганда нима тушунилади?
4. Борлик ҳодисаларининг серқирралиги деганда нимани тушунасиз?
5. Тилнинг кўп вазифалилиги хақида фикр билдиринг?
6. Тил рамзларида барқарорлик ва ўзгарувчанлик диалектикаси хақида фикр юритинг?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дадабоев X. Тилшунослик назарияси ва методологияси. – Тошкент, 2004.
2. Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари. – Андижон, 2006.
3. Нурмонов А., Раҳимов А. Лингвосинергетикага кириш. – Тошкент: Академнашр, 2013.
4. Раҳматуллаев Ш. Систем тилшунослик асослари. Тил қурилишини тизим сифатида ўрганиш масалалари. – Тошкент: Университет, 2007.
5. Раҳматуллаев Ш. Тил қурилишининг асосий бирликлари. – Тошкент: Университет, 2002.
6. Нурмонов А. Лингвистик тадқиқ методологияси, методикаси ва методлари. – Т. 2010.

Сайтлар

- 1 ъттп://ен.википедия.орг/вики/Струстуралисм
- 2 ъттп://www.енг.фжу.еду.tw/Литерарий_Сритисисм/струстуралисм
- 3 ъттп://www.зиё-нет.уз
- 4 ъттп://www.кутубхона.уз

2 – амалий машғулот

Тилшуносликда методология муаммоси

Ишдан мақсад: Ўзбек тилшунослигига илк эмпиризм ва унинг методологияси. Билим. Билиш аъзолари. Ирсий билим. Ҳиссий билим. Ақлий билим. Руҳий билим. Эмпиризмнинг ютуқлари. Намояндалари. Муаммолари. Истиқболлари.

Диалектик мантиқ – назарий билимлар методологияси. Диалектика тамойиллари ва уларнинг мазмун моҳияти ҳақида мустақил илмий холоса чиқара олиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчи берилган саволларга жавоб бериши ва натижа олиши лозим.

Ушбу амалий иш давомида қуидагиларни **бажариш лозим**:

- Инсоний фаолият структураси масаласи бўйича савол-жавоб.
- Методология – лингвистик фаолият асоси бўйича машқ.
- Формал мантиқ методологияси масаласи юзасидан дебат.
- Диалектик методология масаласи юзасидан дебат.
- Синергетик методологияни тавсифлаш.

Назорат саволлари:

1. Анализ ва синтез ҳақида гапиринг.
2. Билиш деганда нимани тушунасиз?
3. Билиш нима?
4. Диалектик метод қандай метод? Тушунтириб беринг.
5. Диалектик метод қандай қонуниятларни эътиборга олади?
6. Фалсафий методлар ҳақида гапиринг.
7. Метафизик методнинг ўзига хослиги нимада?
8. Методика, метод, методология каби тушунчаларни изоҳланг.
9. Синергетика нима? Унинг асосий белгилари қайсилар?
10. Умумий ва хусусий методлар деганда нимани тушунасиз?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дадабоев X. Тилшунослик назарияси ва методологияси. – Тошкент, 2004.
2. Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари. – Андижон, 2006.
3. Раҳматуллаев Ш. Систем тилшунослик асослари. Тил қурилишини тизим сифатида ўрганиш масалалари. – Тошкент: Университет, 2007.
4. Бушуй Т. Язык в истории развития человеческой мысли. – Ташкент: Фан, 2011.
5. Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. – Тошкент: Фан, 2007.
6. Степанов Ю.С. Методы и принципы современной лингвистики. – М., 2001.
7. Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Тошкент, 2011.

Сайтлар

1. [ъттп://www.ehg.fju.edu.tw/Литерарий_Сритисисм/струстуралисм](http://www.ehg.fju.edu.tw/Литерарий_Сритисисм/струстуралисм)
2. [ъттп://www.brosku.ca/енглиш/соурсес/4Ф70/струст.ътмл](http://www.brosku.ca/енглиш/соурсес/4Ф70/струст.ътмл)
3. [ъттп://www.ziё-нет.уз](http://www.ziё-нет.уз)
4. [ъттп://www.kutubxona.uz](http://www.kutubxona.uz)

3 – амалий машғулот

Тилнинг келиб чиқиши фалсафий масала сифатида

Ишдан мақсад: Тилнинг келиб чиқиши масаласини шарҳлаш. Тилнинг келиб чиқиш муаммоси, “тил-онг-жамият” муштараклиги, дуалистик қарашларнинг моҳияти, илмий қарашларнинг диний қарашларга муносабати, мусулмон филологарининг бошқа қарашлари, овозга тақлид назарияси, ундов назарияси, меҳнат қийқириқлари назарияси, имо-ишоралар назарияси, ижтимоий келишув назарияси, диалектик материализм қарашлари, илмий фаразлар ва улар ҳақида илмий билимларга эга бўлиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчи вариантда келтирилган топшириқларни бажариши ва натижа олиши лозим.

Ушбу амалий иш давомида қўйидагиларни **бажариш лозим**:

- Тилнинг келиб чиқиши (глоттогенез) масаласининг баҳсли мавзуу эканлиги бўйича савол-жавоб.
- Муаммо мифологик дунёқараш, диний ва илохий қарашлар бўйича баҳс.
- Муқаддас китобларда тилнинг пайдо бўлиши масаласи бўйича дебат
- Ўрта асрларда глоттогенез бўйича фикрлар мухокамаси.
- Дарслик қа қўлланмаларда глоттогенез масаласининг ёритилишини тавсифлаш.

Назорат саволлари

1. Тилнинг пайдо бўлиши қандай омиллар билан узвий боғлиқ?
2. Ўрта аср диний қарашларда тилнинг келиб чиқиши масаласининг моҳияти қандай эди?
3. Бу ҳақда қандай назарияларни биласиз?
4. Бир-бирига зид таълимотларнинг вужудга келишига нима сабаб бўлди?
5. Тилнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назариялар ҳақида маълумот беринг.
6. Дуалистик қарашларнинг ўзига хос жиҳатлари нимада?
7. Ундовлар ва тақлидлар назарияси ҳақида гапириб беринг .
8. Материалистик таълимотнинг мутлақлашган ғоя сифатида синдиришига салбий ҳодиса деб қарайсизми?
9. Изҳор назарияси. Илҳом назарияларининг мазмун моҳияти нимадан иборат?
10. Тилнинг келиб чиқиши – глоттогенез масаласининг моҳияти нимадан иборат?
11. “Таврот” ва “Инжил” тилнинг пайдо бўлиши хусусида қандай фикрлар билдирилган?

12.“Куръон” ва ислом филологияси тилнинг пайдо бўлиши тўғрисида қарашлар ҳақидаги фикрингизни билдиринг?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Дадабоев X. Тилшунослик назарияси ва методологияси. – Тошкент, 2004.
2. Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари. – Андижон, 2006.
3. Раҳматуллаев Ш. Систем тилшунослик асослари. Тил қурилишини тизим сифатида ўрганиш масалалари. – Тошкент: Университет, 2007.
4. Бушуй Т. Язык в истории развития человеческой мысли. – Ташкент: Фан, 2011.
5. Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. – Тошкент: Фан, 2007.
6. Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Тошкент, 2011.
7. Раҳматуллаев Ш. Тил қурилишининг асосий бирликлари. – Тошкент: Университет, 2002.
8. Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г. Ҳозирги ўзбек адабий тили: Дарслик. – Тошкент, 2004.

Сайтлар

1. [ътп://www.utpa.edu/fasulat/mglazер/Тъеорий/струстуралисм.ътм](http://www.utpa.edu/fasulat/mglazер/Тъеорий/струстуралисм.ътм)
2. [ътп://www.brosku.ca/енглиш/соурсес/4Ф70/струст.ътмл](http://www.brosku.ca/енглиш/соурсес/4Ф70/струст.ътмл)
3. [ътп://www.ziё-нет.уз](http://www.ziё-нет.уз)
4. [ътп://www.kutubxona.uz](http://www.kutubxona.uz)

4 – амалий машғулот

Тил ва тафаккур муносабати

Ишдан мақсад: Тилнинг ижтимоий ҳодисалардан фарқлаш, тил ва тафаккур муносабати шарҳлаш, тилнинг биологик, ирқий, синфий ҳодиса эмаслиги ҳақида кўнікмаларига эга бўлиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчи берилган саволларга жавоб бериши ва натижа олиши лозим.

Ушбу амалий иш давомида қўйидагиларни **бажариш лозим**:

- Тил ва тафаккур муносабати масаласи бўйича мунозара.
- Тил ва тафаккур диалектикасига миллий ёндашув асослари мукаммоси бўйича машқ.
- Алишер Навоий қарашларида тил ва тафаккур муносабати масаласи бўйича дебат.
- Концепт, тушунча, сўз. Ҳукм ва гап тушунчаларининг ёритишини тавсифлаш.

Назорат саволлари:

1. Тил ижтимоий ҳодисалар орасида қандай ўрин тутади?
2. Тил ва тафаккурнинг диалектал бирлиги ҳақида гапиринг?
3. Тилнинг тафаккур турларига муносабати қандай?
4. Онг, тафаккур, тил тушунчаларининг алоқалари нимада кўринади?
5. Сезгилар орқали билиш – фаҳмий (эмпирик) билиш; Ақл, тафаккур орқали билиш – идрокий (рационал) билишнинг мазмун моҳияти нимадан иборат?
6. Мантиқ ва тилшуносликнинг ўзаро алоқадорлигини изоҳланг?
7. Мантиқий категория ва лингвистик категория қайсилар?
8. Концепт, тушунча ва сўз муносабатини изоҳланг?
9. Мантиқий ва грамматик бирликлар орасидаги мувофиқлик ҳамда номувофиқликни айтинг?
10. Мантиқий категория ва лингвистик категория қайсилар?
11. Концепт, тушунча ва сўз муносабатини изоҳланг?
12. Ҳукмнинг гап билан боғлиқлиги айтинг?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари. – Андижон, 2006.
2. Нурмонов А. Лингвистик белги назарияси. – Тошкент: Фан, 2008.
3. Раҳматуллаев Ш. Систем тилшунослик асослари. Тил қурилишини тизим сифатида ўрганиш масалалари. – Тошкент: Университет, 2007.
4. Абдуазизов А.А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. - Тошкент: Университет, 2010.
5. Бушуй Т. Язык в истории развития человеческой мысли. – Ташкент: Фан, 2011.
6. Степанов Ю.С. Методы и принципы современной лингвистики. – М., 2001.
7. Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Тошкент, 2011.
8. Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г. Ҳозирги ўзбек адабий тили: Дарслик. – Тошкент, 2004.
9. Ҳамид Неъматов, Бахтиёр Менглиев. Тилшуносликнинг фалсафий масалалари. – Тошкент, 2015.
10. Andrew Radford. Linguistics. An introduction Secon Edition. Cambridge University Press. P.8-62

Сайтлар:

1. [ъттп://ен.википедиа.орг/вики/Струстуралисм](http://en.wikipedia.org/wiki/Струстуралисм)
2. [ъттп://www.utpa.edu/fasulat/mglazер/Тъеорий/струстуралисм.ътм](http://www.utpa.edu/fasulat/mglazер/Тъеорий/струстуралисм.ътм)
3. [ъттп://www.eng.fju.edu.tw/Литерарий_Сритисисм/струстуралисм](http://www.eng.fju.edu.tw/Литерарий_Сритисисм/струстуралисм)
4. [ъттп://www.brosku.ca/енглиш/соурсес/4Ф70/струст.ътмл](http://www.brosku.ca/енглиш/соурсес/4Ф70/струст.ътмл)
5. [ъттп://www.ziё-нет.уз](http://www.ziё-нет.уз)
6. [ъттп://www.kutubxona.uz](http://www.kutubxona.uz)

5 – амалий машғулот **Тил рамзий система сифатида**

Ишдан мақсад: Рамз ва унинг табиати жуда ҳам кўп қиррали ҳодиса бўлганлиги учун унинг мазмун моҳиятини чуқур англаш ва таҳлил қилиш, тил ҳодисаларига рамзий белги сифатида ёндошиш ҳақида илмий холосалар чиқара билиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчи вариантда келтирилган топшириқларни бажариши ва натижа олиши лозим.

Ушбу амалий иш давомида қўйидагиларни **бажариш лозим**:

- Рамз ва унинг табиати бўйича машқ.
- Рамзнинг муҳим жиҳатлари масаласи юзасидан савол-жавоб.
- Тилнинг рамзий тизим эканлиги юзасидан дебат.
- Тилшунослик семиотика эканлиги. Лисоний рамз. Лисоний рамз хоссаларини тавсифлаш.

Назорат саволлари:

1. Рамз ва унинг табиати нимадан иборат?
2. Рамз тушунчаси – кўп маъноли ҳақида айтинг?
3. Семиотика бошқа фанлар билан алоқаси ҳақида гапиринг?
4. Семиотиканинг асосчиси ким?
5. Тил – рамзий тизим сифатида нимадан иборат?
6. Лисоний рамз, унинг бошқа семиотик рамзлардан фарқи нимада?
7. Тил рамзларида барқарорлик ва ўзгарувчанлигини айтинг?
8. Сунъий тиллар ҳақида маълумот беринг?
9. Информацион тиллар, уларнинг афзалликлари нимада?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дадабоев X. Тилшунослик назарияси ва методологияси. – Тошкент, 2004.
2. Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари. – Андижон, 2006.
3. Нурмонов А. Лингвистик белги назарияси. – Тошкент: Фан, 2008.
4. Нурмонов А., Раҳимов А. Лингвосинергетикага кириш. – Тошкент: Академнашр, 2013.
5. Бушай Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. – Тошкент: Фан, 2007.
6. Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Бокиева Г. Ҳозирги ўзбек адабий тили: Дарслик. – Тошкент, 2004.
7. Ҳамид Неъматов, Бахтиёр Менглиев. Тилшуносликнинг фалсафий масалалари. – Тошкент, 2015.

Сайтлар

1. [ъттп://ен.википедиа.орг/вики/Струстуралисм](http://en.wikipedia.org/wiki/Струстуралисм)
2. [ъттп://www.utpa.edu/fasulat/mglazер/Тъеорий/струстуралисм.ътм](http://www.utpa.edu/fasulat/mglazер/Тъеорий/струстуралисм.ътм)
3. [ъттп://www.eng.fju.edu.tw/Литерарий_Сритисисм/струстуралисм](http://www.eng.fju.edu.tw/Литерарий_Сритисисм/струстуралисм)
4. [ъттп://www.brosku.ca/енглиш/соурсес/4Ф70/струст.ътмл](http://www.brosku.ca/енглиш/соурсес/4Ф70/струст.ътмл)
5. [ъттп://www.ziё-нет.уз](http://www.ziё-нет.уз)
6. [ъттп://www.kutubxona.uz](http://www.kutubxona.uz)

6 – амалий машғулот

Тилнинг ривожланиши, тил ва жамият

Ишдан мақсад: Тил тараққиётидаги тил ҳодисаларининг ўзгарувчанлиги ҳақида кўникма шакллантириш. Тил тараққиётидаги ташқи омиллар, жамият ва тил, тилнинг экстралингвистик омиллари, дифференция, интеграция ҳодисаларни шархлай олиш, тилларнинг ўзаро таъсири, тилларнинг чатишуви, тил ва жамиятнинг ўзаро муштарак эканлиги ҳақида кўникмаларга эга бўлиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчи берилган саволларга жавоб бериши ва натижа олиши лозим.

Ушбу амалий иш давомида қўйидагиларни **бажариш лозим**:

- Ривожланиш тушунчаси ва тил тараққиётини баҳолаш.
- Тил тараққиётининг ички қонуниятларини тавсифлаш.
- Объективлик ва такрорланувчанлик. Тежам. Плеоназм (эҳтиёт, таъкид) масалалари юзасидан машқ.
- Лисоний рамзда асимметрик дуализм қонуни. Тилда аташ ва ифодалаш зиддияти қонуни. Ўхшатиш (аналогия) қонунини шархлаб тушунтириш.
- Барқарорлик ва эркинлик (юкланганлик ва салтлик) қонуни. Жамият тушунчаси масалаларини тавсифлаш.
- Тил ва жамият. Тил – ижтимоий ҳодиса сифатида. Тил ва маданиятнинг ўзаро уйғунликда ривожланиши. Тил ва тарихий муҳит. Миллий мафкура ва миллий тил. Миллий тишлинослик ва тил таълими муносабати ҳақида фикрларни муҳокама қилиш.

Назорат саволлари:

1. Тилнинг яшаси ва ривожланиши қандай омиллар муҳим ҳисобланади?
2. Ривожланиш тушунчаси изоҳланг?
3. Тил = лисон – меъёр – нутқ ўзаро алоқаларини изоҳланг?
4. Жамият тушунчаси ва таърифи.
5. Тил – ижтимоий ҳодиса сифатидатутган ўрни нимадан иборат?
6. Миллий мафкура, миллий тил, миллий тишлиносликнинг ўзаро алоқалари ҳақида фикр билдиринг?
7. Миллий тишлинослик ва тил таълимининг мазмун моҳияти нимадан иборат?
8. “Тилсиз жамият мавжуд бўлмайди”, деган фикрни қандай изоҳлайсиз?
9. Дифференция ва интеграция ҳодисалари нима сабабдан рўй беради?
10. Ҳозирги ўзбек тилига қайси тил(лар)нинг ташқи таъсири сезилади ва нима учун?

11. Тилларнинг ривожланиш қонуниятлари ҳақида қандай холосага келдингиз?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дадабоев Ҳ. Тилшунослик назарияси ва методологияси. – Тошкент, 2004.
2. Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари. – Андижон, 2006.
3. Нурмонов А. Лингвистик белги назарияси. – Тошкент: Фан, 2008.
5. Раҳматуллаев Ш. Систем тилшунослик асослари. Тил қурилишини тизим сифатида ўрганиш масалалари. – Тошкент: Университет, 2007.
6. Бушуй Т. Язык в истории развития человеческой мысли. – Ташкент: Фан, 2011.
7. Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. – Тошкент: Фан, 2007.
8. Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Тошкент, 2011.
9. Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Бокиева Г. Ҳозирги ўзбек адабий тили: Дарслик. – Тошкент, 2004.
10. Ҳожиев А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. – Тошкент: Фан, 2010.
11. Ҳамид Неъматов, Бахтиёр Менглиев. Тилшуносликнинг фалсафий масалалари. – Тошкент, 2015.

Сайтлар:

1. [ъттп://ен.википедиа.орг/вики/Струстуралисм](http://en.wikipedia.org/wiki/Струстуралисм)
2. [ъттп://www.utpa.edu/fasulat/mglazер/Тъеорий/струстуралисм.ътм](http://www.utpa.edu/fasulat/mglazер/Тъеорий/струстуралисм.ътм)
3. [ъттп://www.енг.фжу.еду.tw/Литерарий_Сритисисм/струстуралисм](http://www.енг.фжу.еду.tw/Литерарий_Сритисисм/струстуралисм)
4. [ъттп://www.brosku.ca/енглиш/соурсес/4Ф70/струст.ътмл](http://www.brosku.ca/енглиш/соурсес/4Ф70/струст.ътмл)
5. [ъттп://www.ziё-нет.уз](http://www.ziё-нет.уз)
6. [ъттп://www.kutubxona.uz](http://www.kutubxona.uz)

V. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишининг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

VI. ГЛОССАРИЙ

Аналогия – ўхшашлиги, прототипи танланадиган фикрий операция.

Аниқлаштириш - абстрактлаштиришга тескари жараён, яхлит, ўзаро боғлиқ, кўп томонлама объектнинг топилишини назарда тутади.

Аннотация - титул варагининг орқасида жойлашган, қандайдир нашр ҳақидаги қисқача ахборот; ҳужжат, унинг бир қисми ёки ҳужжатлар гуруҳининг вазифаси, мазмуни, шакли ва бошқа хусусиятлари нуқтаи назаридан тавсифномаси.

Дедукция - фикрлашнинг умумий қонуниятлардан хусусий фактларга томон ривожланишини назарда тутадиган фикрий операция.

Диссертация (лотинчадан таржимаси - тадқиқот, мушоҳада) - муайян илмий (академик) малакани (даражани) олиш мақсадида маҳсус тайёрланган, оммавий муҳокамага ва ҳимояга қўйиладиган асар.

Диссертация мавзуининг долзарблиги – бу унинг ижтимоий назария ва амалиёт учун керакли эканлиги бўлиб, фанда кўпинча олдинги назарий тасаввурлар доирасига яққол жойлашмайдиган янги фактларнинг кашф қилиниши натижасида вужудга келадиган вазиятнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Фараз (гипотеза) (қадимги грек тилидан - асос, тахмин) — олдиндан ўрганилган фактлар, ҳодисалар, жараёнларнинг муайян мажмуига асосланган, уларни изоҳлаш учун илгари суриладиган ва тасдиқланиши ёки инкор этилиши лозим бўладиган назарий тахмин.

Идеаллаштириш – тадқиқотчининг нуқтаи назарида ҳодиса ёки жараённинг идеал образини, яъни назарий моделнинг яратилиши; фаразларни ишлаб чиқиша кўлланилади.

Илмий иш - бошқа ҳар қандай ишдан ўзининг мақсади янги илмий билимни олиши билан фарқ қиласи. Айни шу иш жараёнида воқелик ҳақидаги объектив билимлар ишлаб чиқилади ва бир тизимга солинади.

Илмий иш режаси - жамулжам ҳолида унинг моҳиятини акс эттиради. Бу муаллиф айтмоқчи бўлган нарсанинг схематик ифодасидир.

Илмий мавзу – бу ечимини талаб қиласидаган мураккаб вазифадир. Илмий-тадқиқотчилик иши мавзуи маийян илмий йўналишга ёки илмий муаммога тегишли бўлиши мумкин.

Илмий мавзулар турлари: амалий, аралаш, назарий. • Амалий мавзулар хўжалик амалиётини ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилади. • Аралаш мавзулар тадқиқотнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўзида мужассамлаштиради. • Назарий мавзулар асосан адабий манбалардан фойдаланиб ишлаб чиқилади.

Илмий муаммо - бу билишни ривожлантириш жараёнида объектив тарзда вужудга келадиган масала ёки ечими амалий ёки назарий манфаат касб этадиган масалалар мажмуидир. У айни шу пайтгача эришилган билимлар даражасининг етарли эмаслигини идрок этиш, қайд қилиш бўлиб, бу янги фактлар, алоқалар, қонунларнинг, мавжуд назариялардаги мантиқий хатоларни аниқлаш оқибати ёки амалиётнинг олинган билимлар доирасидан четга

чиқиши талаб этадиган янги эҳтиёжларининг пайдо бўлиши оқибати ҳисобланади.

Илмий тадқиқот услуби – бу муайян билиш мақсадини ҳисобга олган ҳолда муайян билиш вазифаларини ҳал этишга қаратилган ақлий ва (ёки) амалий операциялар (русум-қоидалар) тизимиdir.

Илмий йўналиш - деганда тадқиқот ўтказиш соҳасидаги фан, фанлар ёки илмий муаммолар мажмуи тушунилади.

Индукция - хусусий фактларни умумлаштириш мантиқига асосланган фикрий операция.

Консепт - лотин тилидаги сонсэпту «тушунча» сўзининг калкасиdir. Рус тилшунослигига консепт тушунчаси XX асрнинг биринчи чорагида файласуф С.Асколдов томонидан илмий муомалага киритилади. Ушбу термин тилшуносликда ўтган асрнинг 80-йилларига қадар тушунча сўзига синоним сифатида ишлатилган бўлса, бугунги кунга келиб унинг изоҳи тушунча терминига нисбатан кенгайганини кўриш мумкин. Консепт икки томонли хусусиятга эгадир. Бир томондан, маданият консепт кўринишида инсоннинг ментал дунёсига кирса, бошқа томондан, инсон консепт ёрдамида маданиятга киради ва баъзан унга таъсир кўрсатади. Консептнинг когнитив тилшунослик, лингвокультурология, шунингдек, адабиётшунослик фанларидаги изоҳи ўзаро фарқланади. Консепт лингвомаданий бирлик сифатида у ёки бу халқ маданиятининг ўзига хос жиҳатларини ифодалайди.

Кузатиши - энг кўп ахборотли тадқиқот услуби бўлиб, у бўлган ва ўрганилаётган жараёнлар ва ҳодисаларни четдан туриб кўришга имкон беради.

Лакуна (лот. ласуна “бўшлиқ, чуқурлик, чўнқир жой”; франс. ласуне “бўшлиқ, бўш жой”) - бирон халқнинг майший, маданий, ижтимоий ва тарихий ҳаёти учун характерли ва бошқа халқ учун бегона бўлган, бошқа тилда аниқ муқобили бўлмаган сўз ва сўз бирикмалари. Лакуналар қиёсланаётган тилларда ўхшали бўлмаган сўзлар бўлиб, улар, асосан, тилларнинг қиёсида сезилади.

Лингвомаданий парадигма - бу дунёқарашнинг этник, ижтимоий, тарихий, илмий ва х.к. ўзаро алоқадорликдаги категорияларини акс эттирадиган тил шаклларининг мажмуйи.

Лингвомамлакатшунослик - тилда ўз аксини топган миллий реалияларни ўрганади. Миллий реалиялар муқобилсиз тил бирликлари бўлиб, улар мазкур маданиятга хос бўлган ҳодисаларни ифодалайди.

Лисоний шахс - муайян билимлар ва тасаввурлар мажмуйига эга бўлган нутқий фаолиятни намоён қилувчи шахс.

Мақола – бу мустақил илмий тадқиқот бўлиб, у долзарб илмий муаммо бўйича ўз фикрларини баён қилишдир.

Менталитет (нем. менталитет < лот. mens, ментис - ақл, идрок) - жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маданий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитлардаги ақлий қобилияти, руҳий қуввати. Менталитет - халқ менталлигини, унинг ақлий ва руҳий қувватининг ички тузилишини ва дифференциациясини акс эттирадиган категория. Менталитетлар турли масштаблардаги лингвомаданий жамоаларнинг психолингво-интеллектларини

намоён қилади. Жамият, миллат ёки шахснинг менталитети уларнинг ўзига хос анъанаиари, расм-руслари, урф-одатлари, диний эътиқод ва иримларини ҳам қамраб олади.

Методология - бу илмий-тадқиқотчилик фаолиятининг илмий тамойиллари ва усуллари тизими ҳақидаги таълимот.

Моделлаштириш — тадқиқотчиликнинг моделнинг қурилишини назарда тутадиган назарий услуби.

Мониторинг — бу тадқиқот натижаларининг доимий назорат қилиниши, мунтазам кузатиб борилиши.

Муаммо- бу билим билан билмаслик ўртасидаги ўзига хос чегарадир. У олдинги билим етарли бўлмаган, янги билим эса ҳозирча ривожланган шаклга эг бўлмаган ҳолатда пайдо бўлади.

Муаммони ҳал этиш - янги билимни олиш ёки у ёки бошқа ҳодисани изоҳловчи, ҳодисанинг хоҳлаган йўналишда ривожланишига таъсир кўрсатиш имконини берадиган омилларни аниқлаш демакдир.

Муаммонинг ифодаланиши — бу, ўз моҳиятига кўра, илмий тадқиқот мазмунининг кристаллаштирилишидир. Шунинг учун муаммонинг тўғри қўйилиши — бутун иш муваффақиятининг гаровидир.

Назарий асос – мазкур тадқиқот таянадиган концептуал қоидалар (ғоялар, тамойиллар).

Қиёслаш - объектларнинг ўхшашлиги ва фарқларини, умумийлиги ва алоҳидалигини аниқлаш мақсадида объектларнинг қиёсланишини назарда тутади.

Режа – энг қисқа ёзув бўлиб, у фикр баёнининг изчиллигини акс эттиради ва умумлаштиради; матннинг мазмунини очиб беради; манбанинг мазмунини хотирада қайта тиклайди; конспект ва тезислар ўрнини босади; ҳар хил ёзувларни (маъруза, ахборот, ҳисобот) тузишга ёрдам беради; бажарилган ёзувни яхшилайди; ўзини ўзи назорат қилишни тезлаштиради; эътиборни жамлайди; яхши таниш бўлган матнни хотирада жонлантириш учун ишлатилади.

Резюмелаш- бу якун ясашдир. Резюме қилувчи ибора – бу нотиқнинг «ёпилган» тусдаги нутқи, унинг бош ғояси.

Синтез - фикрий операция, унинг жараёнида аниқланган элементлар ва фактлардан яхлит манзара қайта тикланади.

Сўнгсўз (хотима): якун, қисқача холосалар.

Сўзбоши - муалиф қўйган вазифалар баёни; нашр ёки қайта нашрнинг заруратини асослайди.

Социолингвистика — тилшуносликнинг тилни ва унинг мавжуд бўлган ижтимоий шароитлар билан боғлиқлигини ўрганадиган соҳаси. Ижтимоий шароитлар деганда, амалдаги тил ривожланаётган ташқи шарт-шароитлар мажмуйи: мазкур тилдан фойдаланаётган кишилар жамияти, бу жамиятнинг ижтимоий структураси, тил эгаларининг ёши, ижтимоий мавқейи, маданият ва билим даражаси, яшаш жойи орасидаги фарқлари, шунингдек, уларнинг мулоқот вазиятига боғлиқ нутқий муомаласидаги фарқлар тушунилади. Демак, социолингвистика тилнинг жамият ҳаётидаги роли, унинг ижтимоий табиати,

ижтимоий функциялари, ижтимоий омилларнинг тилга бўлган таъсир механизми билан боғлиқ масалаларни ўрганадиган тилшунослик соҳасидир.

Суҳбат – эмпирик услуг бўлиб, жавоб берувчи билан шахсий алоқани назарда тутади.

Тадқиқот дастури - бу аниқ мавзу устидаги бўлгуси ишнинг моҳияти ва таркибий қисмлари ҳақидаги аниқ тасаввурдир.

Тадқиқот долзарблигини асослаш - илмий билишнинг умумий жараёни соҳасида мазкур мавзуни ўрганиш заруратини изоҳлашни билдиради.

Тадқиқот фарази - бу бевосита кузатилаётган ҳодиса, ўрганилаётган ҳодисанинг тузилиши ёки унинг таркибий қисмлари ўртасидаги алоқалар тузи ҳақидаги илмий асосланган тахминдир. Фаразлар мавжуд фактлар асосида ишлаб чиқилади. Хулоса сифатидаги фараз объектив воқеликда ўз илдизларига эга бўлади, фикрнинг бевосита кузатилаётган ҳодисалардан уларнинг сабабли изоҳланишигача бўлган ҳаракати ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади - бу тадқиқотчи ўз ишини якунлашда эришишни хоҳлаган пировард натижадир. Фараз асосида ифодаланади.

Тадқиқот обьекти - бу муаммоли вазиятни юзага келтирадиган муайян жараён ёки ҳодиса, бу муаммонинг ўзига хос ташувчиси, тадқиқотчилик фаолияти йўналтирилган нарса.

Тадқиқот предмети - обьектнинг аниқ бир қисми бўлиб, унинг ичida изланиш олиб борилади. Ҳодисалар, уларнинг айrim томонлари тадқиқот предмети бўлиши мумкин. Тадқиқотчи илмий изланишлар натижасида тадқиқот обьекти ҳақида оладиган янги илмий билим сифатида белгилаш мумкин.

Тадқиқот услубиёти (технологияси) – тадқиқот усусларининг бир тизимли мажмуи, тадқиқот услублари, усуслари, техникаларини қўлланиш ва улар ёрдамида олинган натижаларни талқин қилиш қоидалари тизими. Услубиёт ўрганиладиган обьект ҳарактерига, тадқиқот методологияси, мақсадларига, ишлаб чиқилган услублар, тадқиқотчи малакасининг умумий даражасига боғлиқ бўлади.

Тадқиқот вазифаси - бу илгари сурилган фаразга мувофиқ мақсадга эришиш учун йўллар ва воситаларнинг танланишидир.

Тадқиқотнинг обьектли соҳаси – бу фан ва амалиётнинг тадқиқот обьекти жойлашган соҳаси бўлиб, амалиётда у, масалан, математика, биология, иқтисодиётнинг у ёки бошқа илмий ихтисослигига мувофиқ бўлиши мумкин.

Таҳлил – бу тадқиқотнинг назарий услуби бўлиб, тадқиқ қилинаётган жараён ёки ҳодисани махсус ва теран мустақил ўрганиш учун уни таркибий қисмларга ажратишни назарда тутадиган фикрий операциядир.

Тажриба - умумий эмпирик тадқиқот услуби бўлиб, у бошқариладиган шароитда ўрганилаётган обьектлар устидан қатъий назорат юритилишига асосланади.

Тажриба иши – бирмунча юксак натижаларни олишни кўзлаб жараёнга олдиндан белгиланган ўзгаришлар, инновацияларни киритиш услуби.

Таснифлаш - ўрганиладиган обьектлар, фактларни ўрганишнинг назарий услуби; ҳодисаларни бир-бирига нисбатан тартибга солишга асосланади.

Текшириш - бу тадқиқ қилинаётган объектнинг у ёки бошқа даражадаги теранлик ва деталлаштириш билан ўрганилиши бўлиб, бу тадқиқот мақсадлари ва вазифалари билан белгиланади.

Тезислар: ўқиб чиқилган (ёки оғзаки баён қилинган) парчани такрорлайди, лўнда ифодалайди ва хулосалайди; ҳар доим далилларга эга бўлади, мазмун моҳиятини аниқлайди; материални умумлаштириш имконини беради; мақола, маъруза, диссертацияни танқидий таҳлил этишда қимматлидир. Тезислар турлари: оддий – кўпинча кўчирмалардан иборат бўлади, асосий – одатда муаллиф томонидан мустақил ифодаланади, мураккаб – ўзида икки турдаги ёзувни чатиширади.

Умумлаштириш - муҳим фикрий операциялардан бири бўлиб, унинг натижасида объектлар ва улар муносабатларининг нисбатан барқарор хусусиятлари ажратилади ва қайд қилинади.

Янгилик – фаннинг шу тармоғига ёки умуман фанга улуш даражаси; натижалар ҳар хил тусда бўлиши мумкин –натижалар ёки уларнинг бир қисми янги бўлиши мумкин, шунингдек натижаларнинг катта қисми янгилик сифатида қайд қилинмаслиги ҳам мумкин.

VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

И. Раҳбарий адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.

ИИ. Меъёрий-хуқуқий хужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги, 2003 йил 24 апрелдаги, 2007 йил 11 апрелдаги, 2008 йил 25 декабрдаги, 2011 йил 18 апрелдаги, 2011 йилдаги 12 декабрдаги, 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган қонунларига мувофиқ киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) –Т., 2014.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 9-сон, 225-модда.

3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1426-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сонли Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим хамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365-сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида”ги № 343-сонли Қарори.

ИИИ. Махсус адабиётлар

1. Дадабоев X. Тилшунослик назарияси ва методологияси. – Тошкент, 2004.

2. Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари. – Андижон, 2006.

3. Нурмонов А. Лингвистик белги назарияси. – Тошкент: Фан, 2008.

4. Нурмонов А., Раҳимов А. Лингвосинергетикага кириш. – Тошкент: Академнашр, 2013.

5. Ҳакимов М., Зокиров М. ва б. Тил назарияси ва амалиёти. –Фарғона, 2016, -Б.204.

6. Раҳматуллаев Ш. Систем тилшунослик асослари. Тил қурилишини

тизим сифатида ўрганиш масалалари. – Тошкент: Университет, 2007.

7. Бушай Т. Язык в истории развития человеческой мысли. – Ташкент: Фан, 2011.

8. Бушай Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. – Тошкент: Фан, 2007.

9. Степанов Ю.С. Методы и принципы современной лингвистики. – М., 2001.

10. Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Тошкент, 2011.

11. Раҳматуллаев Ш. Тил қурилишининг асосий бирликлари. – Тошкент: Университет, 2002.

12. Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г. Ҳозирги ўзбек адабий тили: Дарслик. – Тошкент, 2004.

13. Ҳожиев А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. – Тошкент: Фан, 2010.

14. Абдуазизов А.А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. - Тошкент: Университет, 2010.

15. Andrew Radford. Linguistics. An introduction Secon Edition. Cambridge University Press. P.8-62

16.G.Hegel. The science of Logic. Cambridge.

17.Ferdinand de Saussure. Course in General Linguistics. McGraw Hill Book Company.

ИВ. Интернет ресурслари (Сайтлар):

1 ъттп://ен.википедия.org/вики/Струстуралисм

2 ъттп://www.утпа.еду/фасултй/мглазер/Тъеорий/струстуралисм.ътм

3 ъттп://www.енг.фжу.еду.tw/Литерарий_Сритисисм/струстуралисм

4 ъттп://www.броску.са/енглиш/соурсес/4Ф70/струст.ътмл

5 ъттп://www.зиё-нет.уз

6 ъттп://www.кутубхона.уз